


БОЛАНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?



ТАЙЁРМИ?

BOLANGIZ

“Ma’rifat-Madadkor” нашриёти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

БОЛАНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?

«Ma'rifat - Madadkor» нашриёти

Нашр учун масъул:
Рустам АХЛИДДИНОВ

Тузувчилар:

Хамида АХМЕДОВА (гуруҳ раҳбари),

Тамара ЮДИНА,

Гулчехра МУСУЛМОНҚУЛОВА,

Феруза ВАХОБОВА,

Мавлуда РУСТАМОВА,

Мухаббат РАСУЛОВА

Масъул муҳаррир:

Абдусамат РАХИМОВ

БОЛАНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?

Азиз ота-оналар, мактабгача таълим муассасалари ходимлари!

Ҳар биримиз фарзандимизнинг соғлом, маънан етук инсон бўлиб вояга етишини хоҳлаймиз. Бироқ, бунга эришиш учун биргина хоҳиш-истақининг ўзгинаси кифоя қилмайди. Болаларимиз сизу бизнинг кўмагимиз, муносабатимиз ва алабта ҳар томонлама парваришимиз билан шундай даражага эришади. Қўлингиздаги китоб мазкур ишларни амалга оширишингизда сизларга асқолади. Унда Республикамаиздаги ҳамда хорижий мамлакатлардаги мактабгача таълим бўйича мутахассисларнинг болани рухий, физиологик, ақлий ривожлантириш борасидаги тажрибалари, услубий tavsiyалари берилган. Бу китобда тестларнинг, қизиқарли топшириқларнинг ўзинга хос тарзда берилиши ота-оналар учун ҳам, мактабгача таълим муассасалари ходимлари учун ҳам болаларни мактабга тайёрлаш жараёнида бирдек фойдаланиши имкониятини яраттади.

Мазкур китоб ушбу йўналишдаги нақ ҳаракат бўлганини бонс айрим жиҳатлар эътиборга олинган бўлиши мумкин. Азиз тарбиячилар, ота-оналар қўламадан фойдаланиш жараёнида сизларда тундланган саволлар, мулоҳазалар, таклифлар билан куйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин, улар кейинги натижаларда эътиборга олинмас: *(манзил) Тошкент шаҳри Ўзбекистон шoҳ кўчаси 80, РТМ мактабгача таълим бўлими.*

Мазкур китобнинг нашр этилишига ёрдам берган «UNICEF Nations Children's Fund» халқаро ташкилатига барча китобхонлар номидан миннатдорчилик билдирармиз.

© «Ma'rifat - Madadkor»

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Мамлакатимизда мустақиллик йўлидаги илк қадамлардан оқ жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олган сиёсий ва иқтисодий туб ислохотлар амалга оширила бошланди. Таълим соҳасида, жумладан унинг биринчи поғонаси ҳисобланмиш мактабгача таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар қилинмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатда таълим муассасалари фаолиятини меъёrlаштирувчи "Таълим тўғрисида" ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", шунингдек "Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғрисида Низом", "Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари" каби муҳим давлат ҳужжатлари қабул қилинди.

Ислох этиш жараёнида болаларга таълим ва тарбия бериш вазифалари, мазмуни, шакл ва услублари, шунингдек, педагогика фани тараққиётининг устувор йўналишлари қамраб олинмоқда.

"Таълим тўғрисида" ги Қонуннинг 30-моддаси орқали фарзандлар тарбияси ва таълим олишлари, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси борасида ота-оналарнинг ўрни ва жаъобгарлиги оширилди.

Бугунги мактаб боласидан аниқ билимларгина эмас, фикрлаш кўникмаси, катталар ҳамда синфдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилади. Шунинг учун боланинг мактабга қадам қўяётганида нечоғли

билимга эгаллиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёргарлиги, атроф-оламга мослашиш кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади.

Болани бирор нарсага ўргатишгина эмас, унда ўз кучига ишончни орттириш, ўз ғоясини ҳимоя қилиш, мустақил равишда бир қарорга келиш кўникмасини шакллантириш ҳам муҳимдир.

"Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғрисида" ги Низомга мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда, ота-оналарнинг мустақил равишда таълим ва тарбия бериши орқали ёки доимий фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган болалар учун болалар боғчаларида, мактабларда, маҳаллаларда ташкил этилган махсус гуруҳлар ёки марказларда олади. Бу ерда улар ҳафтада 2—3 марта шуғулланишади. Ота-оналарга мактабгача таълим шаклини танлаш ҳукуқи берилади.

6—7 ёшли боланинг мактаб таълимига тайёрлигини аниқлашда мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбияси билан шуғулланувчилар асосий шарт ҳисоблашмиш — боланинг мактабга тайёрлиги мактабгача ва мактаб давридаги ҳаёт тарзи ҳамда фаолияти учун кўприк вазифасини ўташини, оила ёки боғчадаги таълим ва тарбия шароитларидан мактаб таълимига озорсиз ўтказишни таъминлаш зарурлигини ҳисобга олишлари лозим.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамisha унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиш ва муносабатларида анчайин жиддий туб ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани боғчада ёки уйдасёқ мактаб таъли-

мига тайёрлаш, уни унча қийин бўлмаган билим, тушунча, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади. Бундай таништирув мослашув даврининг жиддий қийинчиликларидан халос бўлишга ёрдам беради.

Етакчи мутахассисларнинг фикрига кўра "мактабга тайёргарлик" тушунчаси болани мактабга тайёрлашнинг қуйидаги йўналишларини ўз ичига олади: жисмоний, шахсий(руҳий), ақлий ва махсус тайёргарлик.

Жисмоний тайёргарлик боланинг соғломлиги, ҳаракат кўникмалари ва сифати, қўл мушаклари ва кўриш-матор мувофиқлиги ривожланганлиги билан изоҳланади.

"Ривожланмаганлик"нинг асосий белгилари ўзига хос жисмоний ривожланишнинг алоҳида жиҳатларида кўринади. Масалан — суяк тузилишида, паст бўйли болаларда ўз ёшига кўра тана бўйи ва оғирлигидаги номуносиблик, танадаги мувозанат бузилишлари, юрак-қон томир тизимидаги физиологик етишмовчиликлар, тез томиқилар, жисмоний юкнамаларни бажаришдаги имкониятлари пастлиги шулар жумласига киряди.

Мазкур методик кўланмада жисмоний тайёргарлигини аниқлаш учун ёшга мос бўлиши лозим бўлган бўй, вазн, бош, кўкрак айланаси меъёрий кўрсаткичлари ҳамда қўл мушаклари ва асосий ҳаракатлари ривожланганлигини аниқлаш усуллари берилган. Касалликлар ва уларга мойиллик бўйича ўтказиладиган текширувларга келсак, улар яшаш жойидаги болалар полиคลินิกларида тор мутахассис шифокорлар гуруҳи томонидан олиб борилади.

Шахс (руҳий) тайёргарлиги, атроф-муҳитга,

катталарга, тенгдошларига, ўзига, ўсимликлар, жониворлар дунёсига, табиий ҳодисаларга, инсонлар яратувчилигига муносабатда юзага келадиган шахсий маданиятнинг шаклланишини назарда тутаяди. Энг муҳими бола онгида қандай умумий ахлоқий тамойилнинг мустаҳкамланганлиги, у томонидан ижтимоий ахлоқ меъёрлари ва умуминсоний қадриятларнинг тан олинганлиги, "нима ёмону, нима яхши" лигини англаганидир.

Шахс(руҳий) тайёргарлигида энг муҳим жиҳат "боланинг ички позицияси" шаклланишидир. Эки "мотивацион тайёргарлик", яъни ўқувчининг катталар ва тенгдошлари билан муомалада бўлишига, топириқни бажаришга, тенгдошига ёрдам беришга бўлган эҳтиёжи билан борлиқ сабабларга кўра мактабга бориш истагини уйғотиши.

Шахс ривожланиши кўпинча оиладаги тарбияга борлиқ.

Тортинчок, кўрқок болалар кўпроқ қатъий назоратда ушлаб туриладиган, бола ташаббуси бўғилдиган оилаларда бўлади ва охир-оқибатда у фақатгина катталар ёки бировнинг руҳсати билан ҳаракат қиладиган бўлиб қолади.

Болани мақтайдиган, ноўрин сийлайдиган оилаларда улар кўпинча бошқарилмайдиган, ҳаддан ташқари фаол, катталар ва тенгдошлари билан муомала қилишни билмайдиган, аниқ асослар унда бўлмасадан, буйруқ беришга ва етакчи бўлишга интилади.

Бола ўз ҳолига қўйиб қўйилган, назоратсиз, унга нисбатан бефарқлик ҳукмрон бўлган оилада вояга етаётган бўлса унинг феъл-атворида ҳиссий ожизлик, фамгинлик, серзардалиқ, жангарилик, қатъиятсизлик каби салбий аломатлар пайдо бўла бошлайди.

Ақлий тайёргарлик бола образми ва мангикий

фикрлаши, тасаввурнинг, одамийликнинг, билимга қизиқишнинг, мустақилликнинг, ўзини-ўзи назорат қилишга ва бошқаришга имкониятнинг шаклланишини ҳамда ўқув фаолиятининг кузатиш, эшитиш, эслаб қолиш, умумлаштириш, уйғунлаштириш, солиштириш каби асосий турларини билишни ўз ичига олади;

Хотира ақлий ривожланишнинг бир кўрсаткичи сифатида қачонки бола эшитиб, яхши эслаб қолса "эшитиш" ёки қачонки бола кўриб яхши эслаб қолса "кўриш" ва қачонки бола эшитган ва кўрганларининг асосий мазмунини, айтиб берса "мазмунни эслаб қолиш" каби турларга бўлинади.

"Кўриб, эшитиб эслаб қолиш" хотирасини ривожлантириш учун машқ қилдириш бефойда, чунки у ҳар қимга табиатан берилган. "Мазмунни эслаб қолиш" хотирасини яхшилаш учун эса албатта машқ қилдириш керак.

Боланинг мактабда таълим олиши самараси унинг она тилини билишига ва нутқи қанчалик ривожланганлигига кўпроқ боғлиқ бўлади. Чунки бутун ўқув фаолияти шуларга, яъни нутқий мангикий ривож, боланинг катталарнинг ёрдамсиз мустақил фикрлаши, тил ривожланганлиги ютуқларидан эркин фойдалана олиши, ҳикоя қилиш, мулоҳаза юритиш, ўз тасаввурини изоҳлай олиш, тушунарли қилиб баён этиш каби омилар асосида қурилади. Шунингдек, боланинг мактабда таълим олиши учун амалий интеллект ривожини, унинг намуни осон ва эркин тақрорлай олиши; нақш чизиш, айтиб туриладиган (график диктант) баёний топириқни бажариши ҳам муҳим саналади.

Ва ниҳоят, махсус тайёргарлик болани саводхонликка ўргатиш ва унинг мактабнинг 1-синф

Ўқув дастур материалларини етарли даражада эгаллаш ҳақидаги тушунчасини шакллантиришни назарда тутаяди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, болага ўқиши, унинг устига тез ўқишни ва ёзишни ўргатиш унчалик муҳим эмас. Асосийси боланинг лугат бойлигини ошириш, ундан онгли ва фаол фойдалана олишини, товушни тиниқ эшитишини, аниқ талаффуз қилишини, уларни сўзлардан ажрата билишини таъмин этиш ва «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастурига киритилган савоҳонлик бўйича оддий билимларни, математик тасавурларни эгаллашига эришишдир. Агар болада қўл мушакчалари етарли даражада ривожланган бўлса у мактабда 1-синф таълими жараёнида 2—3 ой давомида ўқиш ва ёзиш техникасини қийинчиликсиз эгаллаб олади. Махсус тайёргарликнинг асосий кўрсаткичлари, бу — фаолиятнинг тушуниб етилиши ва эркинлиги, ижодий тасавурнинг ривожланганлиги ҳисобланади. Бу сифатлар болада мактабгача ёш даврининг сўнггида савоҳонлик, математик, ўзига хос фаолиятнинг, яъни ўйин, конструкциялаш(қуриш-ясаш), чизиш кўникма-малакаларини эгаллаш асосида пайдо бўлади.

Ижодий имкониятларга эга бўлган бола янги ўқув материални мустақил тушуниб етишга, изланиш фаолиятига, педагоглар ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатларни ўрнатишга тайёр бўлади. У билишга қизиқувчан, фаол, ташаббускор бўлиб, нафақат катталар томонидан таклиф этилган топириқларни бажаришга, балки ўзи ва бошқалар олдига янги вазифаларни кўяди.

Шуни унутмаслик керакки, мактабга тайёргарлик боланинг ҳиссий бой ҳаёти фаолиятини ташкил этишдан иборат. Бу жараённинг қаерда, яъни уйда ё боғчада кечишидан қатъий назар, бола-

нинг келажадаги ривожига асос бўладиган ушбу ноёб даврни унинг мактабгача болалик палласидаги қизиқиш ва эҳтиёжларини қондирадиган ёрқин, унутилмас воқеа ва ишлар билан бойитиш керак.

Мактабларнинг 1-синфлари ўқитувчилари мактабгача ёшдаги болани қабул қилишда шуни унутмасликлари лозимки, 6, ҳатто, 7 ёшли бола 1-синфга киришда унинг оиладами, боғчадами мактабгача таълимни тўлиқ олганлигидан қатъий назар, ўқув фаолиятининг маълум бир кўникмаларига эга бўлса-да, барибир маълум муддатгача бола мактабгача ёшдаги даврининг ўзига хос хусусиятларини сақлаб туради. У ҳали ўқув фаолияти учун керакли бўлган сифатлар ва ундабурунликка эга эмас. У бу хислатларни ўқув жараёни давомида эгаллашни давом эттиради. Боланинг мактаб ҳаётига киришиши билан унинг систематик мактаб таълимига тайёргарлик кўриши давом этади. Албатта бу жараён бола ваколатининг ошиб боришини ҳисобга олган ҳолда, юқорида санаб ўтилган — жисмоний, шахсий, ақлий ва махсус тайёргарлик йўналишлари бўйича олиб борилиши керак. Масалан, боланинг фаол ҳаракатланувчан эканлигини ҳисобга олсак, унинг бу эҳтиёжини мактабда жисмоний тарбия дарсида, катта танлафузда, шунингдек синфдан ташқари ишлар жараёнида қондириш зарур. Бунинг учун бошланғич синф болаларига ёшига хос фикрлашни, тасавурини, изланишини фаолаштирадиган ва ўқув фаолиятининг бошқа муҳим кўникмаларини ҳосил этадиган ривожлантирувчи муҳитни яратиш зарур.

Бошланғич мактабда, асосан таълимнинг биринчи йилида мактабгача ёшдаги боланинг асосий ва унга маъқул келадиган фаолият тури ўйин-

лар эканлигини ҳисобга олган ҳолда ўйин усулларини кенгроқ қўллаш зарур.

Мактабгача ёшдаги болаларни нақ ўқитиш босқичида боғчада ҳам, мактабда ҳам уларга ўқишда бирдан қатъий белгиланган талабларни қўйиш мумкин эмас, фақат мактаб-дарс тизимидаги таълимни қўллаш керак. Намуна учун болалар бончасида ва мактабда таълим шакли мутаносиблиги тақсимотини келтирамиз.

— болалар боғчаларининг катта ва тайёрлов гуруҳида — 80 фоиз ўйин — 20 фоиз машғулот;

— биринчи синфларда (1-ярим йилликда) — 60 фоиз ўйин — 40 фоиз дарс;

— биринчи синфларда (2-ярим йилликда) — 30 фоиз ўйин — 70 фоиз дарс;

Катта ва тайёрлов гуруҳ тарбиячилари ва 1-синф ўқувчиларининг асосий вазифаси — таълимнинг биринчи босқичида бола ҳаёти ва фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос мактабгача шакл ва методларини таъмин этиш. Ўйин фаолияти болалар учун маълуум муафбат етакчи бўлиб қолиши ва бундан бирдан воз кечмаслик, балки у секин-аста табиий ҳолда ўз ўрнини бошқа, яъни ўқув фаолиятига бўшатиб беришини назарда тутиш керак.

Оила шароитида, болалар боғчаларида, махсус ташкил этилган гуруҳларда ёки болаларни мактабга тайёрлаш бўйича "Марказ"ларда болаларни таълимга тайёрлаш ишида шароитнинг, имконият ва аниқ натижаларнинг турлича эканлиги ушбу иш билан шугулланувчи барча муассасалар учун болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлиги даражасини баҳолашнинг ягона мезонларини аниқлаштириб олиш ҳамда уларга асосланиб, 6—7 ёшли болаларни мактабнинг 1-синфларига

қабул қилишни йўлга қўйиш заруриятини туғдирди ва ушбу методик қўлланманинг яратилишига назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Методик қўлланмада келтирилган "боланинг мактаб таълимига тайёрлиги" даражасини аниқлаш усуллари (уларни қўллаш методикаси билан) ҳозирда мавжуд. Халқаро миқёсда синовдан ўтган Керн Ирасек, Венгернинг классик тестларидан ҳамда Ўзбекистон, Россиянинг мактабгача таълим бўйича олимлари ва амалиётчилари томонидан тузилган тестлардан танлаб олинди.

Ташхис қўйиш бўйича таклиф қилинаётган барча методлар мактабгача ёшдаги болалар ёш хусусиятлари, имкониятлари ва ривожланишидаги ўзига хосликлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда тўлиқ ҳолда мактабгача таълим муассасалари турлари учун мажбурий бўлган хуаудий "Мактабгача ёшдаги болалар таълими ва тарбияси Дастури"га киритилган мактабгача таълимга қўйилган давлат талабларига мос келади.

Болани 6 ёшдан албатта мактабга беришга интилиш керакми, деган саволга жавоб қуйидагича: — боланинг мактабга бориш ёши унинг тайёрлиги ҳисобга олинган ҳолда, уйғунлаштирилган тарзда аниқланади.

Берилаётган тестлардан фойдаланиш бўйича йўриқномаларга қатъий амал қилиш боланинг "мактабга тайёр"лиги даражасига маъқул, ҳолис баҳо беришни таъминлайди.

Боланинг мактаб таълимини бошлашларига тайёргарлиги даражасига қўйилмаган талаблари тизими фақатгина аниқ билимлар, уадабуронликлар ва маҳакалар рўйхатидан иборат эмас, балки у ўз ичига боланинг ҳар томонлама жисмоний, шахсий-руҳий ривожланганлиги, махсус ўқув ва

ўқув фаолияти кўникмалари шакланганлигини ўз ичига олади.

Давлат тестларининг киритилиши тарбиявий-таълимий жараённи қатъий қолига бўйсундиришни аниқлатмайди. Ақсинча, улар боланинг қаерда мактабга тайёрлов босқичидан ўтганидандан қатъий назар ҳамма болалар учун тенг бўлган ривожланиш даражасини таъмин этадиган, асосига қўйиладиганча ягона талаблар қўйилиши лозим бўлган таълим моделаридан ва технологияларидан тўғри ва ижодкорлик билан фойдаланиш учун кенг имкониятлар очади. Ундан ташқари бу талаблар аниқ билимлар ва малакалар билан қатъий чегараланмагани боис боланинг ривожланиш жараёнининг бир маромда эмаслиги ва мустақиллик амалга оширилишини ҳисобга олиш имкониятини беради.

Мактабгача таълим даражасига қўйилаётган давлат талаблари, уларнинг тури, шаклидан қатъий назар барча мактабгача таълим муассасалари учун мажбурийдир. (Қандай йўналишдалигидан қатъий назар жисмоний, руҳий асаб ривожланишида нуқсонли болалар тарбияланадиган муассасалар бундан мустасно).

Мактабгача таълим даражаси хусусиятлари мактабгача ёш даври давомида ташкил топиб, бунда доимий ўзгаришлар бўлиб туради ҳамда ҳар бир ёш босқичида ўзига хос мазмунга эга бўлади.

Ушбу методик қўлланмада биз 5 ёшдан 7 ёшгача болалар ривожланиши даражаси хусусиятларига тўхталамиз.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

1. ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

1. Ҳаракатнинг асосий турларини ривожлантириш:

— юриш ва югуришнинг барча турларини тўғри бажариш; шарт-шароитта мувофиқ улардан фойдаланиш;

— сакраш, ирғитиш, тирмашиб чиқишнинг барча турларини тўғри бажариш;

— юмшоқ жойда 40 см.гача баландиқка сакраш; 40 см баландиқдан ерга енгил тушиш; жойдан туриб 70 см.дан кам бўлмаган узунлиқка сакраш, 100 м. масофани югуриб ўтиш; югуриб келиб, 30 см баландиқка сакраш; калта ва узун арғамчи(скакалка)да турли усулларда сакраш; ичи тўлдирилган (оғирлиги 1 кг) коптокни ошириб ташлаш; предмети турли вазиятлардан туриб отиш, 4—5 м масофадаги вертикал ва горизонтал нишонларга тушириш;

— нарсаларни ўнг ва чап қўл билан 5—12 м масофага ирғитиш, нарсани ҳаракатланаётган нишонга ирғитиш;

— 2—3 доира юриб айланиб, 3—4 қаторга сафни ўзгартириб тизилиш, "биринчи-иккинчи" ҳисоб-сановидан кейин 2 қаторга тизилиш, ҳаракат давомида оралиқ масофани сақлаш;

— турли хил дастлабки ҳолатлардан туриб

жисмоний машқларни аниқ, ритмик, кўрсатилган маромада, мусиқага мос, оғзаки кўрсатмаларда айтилганидай бажариш;

- гавдани тўғри тутиш;
- велосипедда, ўзи юрарда, роликли конкиларда юриш;
- спорт ўйинлари унсурлари иштирок этадиган ўйинларда (волейбол, футбол, хоккей, бадминтон, стол теннис) фаол иштирок этиш, 15 м.га эркин сузиш.

2. Тана қисмидаги мушакчаларни ривожлантириш:

- қўл панжаси ва бармоқлар ҳаракатчанлигини таъминлаш (бармоқларни энгил сиқиш, ёзиш), бармоқларни ўйнатиш (бармоқларда ўйин кўрсатиш, қўл бармоқлари соясида тамоша кўрсатиш ва ҳ.к.);
- ташқи муҳит ўзгаришларига бардошлилик (касаликларга тегишли қаршилиқ кўрсатиш, уларнинг нисбатан энгил ва қисқа муддатда асоратларсиз ўтиши (чиникши);
- мириқиб уйқута кетиш ва оромли уйқу;
- яхши ишгаҳа (айрим овқат турларига салбий муносабатларсиз);
- ўзининг жисмоний қиёфаси ва соғлиги ҳақида тасавурни шакллантириш, соғлом турмуш тарзига эришиш (маданий-гигиена малакасини ривожлантириш, ҳар куни эрталабки бадантарбия машқларини бажаришга одатлантириш, бу ҳамда бошқа малакалар аҳамиятини тушуниш);
- антронометрик кўрсаткичларнинг (бўйи, вазни, бошининг доираси, кўкрак кенглиги) ёш кўрсаткичи стандартларига мувофиқ келиши.

II. ШАХСИЙ-ПСИХОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

1. Теварак-атрофни тушуниш, билиш:

- У қаерда яшашини (мамлакат, шаҳар, қишлоқ, уй манзили, диққатга сазовор жойлар ва бошқалар) билиш;
- замон ва макон ҳақида тасавурни шакллантириш ва уларни тушуна билиш (бир йил неча ой, ҳафта неча кун, соат неча, чап-ўнг ва ҳоказо);
- атроф-муҳит, табиат ҳақида тасавурга эга бўлиш (атрофдаги тарқалган ўсимлик ва ҳайвонот олами турлари — уй ва ёввойи ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар, балиқлар, ҳашаротлар номлари, уларнинг озиқланиши, ҳаёти ва бошқалар);
- жонли ва жонсиз табиат ҳодисаларининг сабаб ва оқибатли боғланишлари, ўзаро мутаносиблигини билиш (нега қор ёғади, қор нима учун қўлда эрийди, қишда ўсимликлар нега баргсиз бўлади); инсоннинг табиатга таъсири ҳақида тасавурни шакллантириш, бундай таъсирнинг натижалари (табиатга қизиқиш ва муҳаббатни шакллантириш, табиатнинг ҳолати, унга инсон ҳаётининг манбаи сифатида эҳтиёткор муносабат ва шу каби оқддий экологик тушунчалар);
- теварак-атрофдаги воқеликка доир нарсаларнинг номларини, аҳамиятини, улардан фойдаланишни, улар нимадан қилинганини билиш (турмуш, меҳнат куруллари, транспорт, мевалар, сабзавотлар ва бошқалар);
- ўз оиласининг тарихи тўғрисида (оиласи аввал қаерда яшаган, буvasи ва бувиси нима билан

шугуланишган, уларнинг ҳаёти бизниқидан нимаси билан фарқ қилади ва ҳоказо), кўчалар, туман, шаҳарлар, йирик тарихий воқеалар ҳамда даврлар (Амир Темур даври, Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ва бошқалар), ўз мамлакатининг давлат рамзлари, давлат байрамлари ва ўз халқининг урф-одатлари ҳамда анъаналари ва бошқалар ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш;

2. Боланинг ижтимоий жиҳатдан ривожланиш даражаси:

— ўз ташаббуси билан, шунингдек, дўстлари ташаббуси билан таниш ва нотаниш бўлган катта ёшдаги кишилар, ўзидан кичик ёшдагилар билан эркин муомала қила олиш;

— умуминсоний ахлоқ-оқоёб қоидаларини ўзлаштириш ("Нима яхши-ю нима ёмон" тушунчаларини шакллантириш, "Мумкин ва мумкин эмас", "Хоҳлайман ва бурчлайман" тушунчаларини ажрата билиш, вазият тақозосига мувофиқ ахлоқ-оқоёб доирасидаги муомала ва кайфиятни танлай билиш);

— феъл-атворнинг ижобий хусусиятларини қарор топтириш (кенғеълик, эътибор, ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, меҳрибонлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, нарсаларга, инсон меҳнати маҳсуллариغا эҳтиёткор муносабат, қадриятларга ҳурмат ва ижобий муносабат, эстетик онг асосларини шакллантириш, гўзалликка, табиат ажойиботларига, адабий, бадиий, мусиқий асарларга, амалий санъат намуналарига ва бошқаларга қизиқшни ривожлантириш);

— ўзини эркин бошқара билиш (мақсад сари ҳаракат қилиш, бола учун жуда қизиқарли бўлган ҳолатларда ҳам диққат-эътиборни йиға олиш орқали масъулият ва иродани чиниқтириш). Ўз саъй-ҳаракатларида ўзини эркин ҳис этган бола

ҳаракатлари оқибатини олдидан кўра-билиб, ўзини чеклаш зарурлигини тушуниши, турли ҳаётий вазиятларда юзага келадиган сабаб-оқибатнинг бовлиқлигини англаши, яъни учда меъёр туйғуси тарбияланмоғи, хавфсизлик мақсади учун зарур бўладиган эҳтиёткорлик ва ўйлаб иш қилишни биламоғи лозим);

— мустақилликни ривожлантириш (ўз шахсий фаолиятини ташкил этиш учун турли хил воситаларни: ўйин, томоша кўрсатиш, тасвирлаш, куриш-ясаш, ўйин фаолиятининг турли турлари жараёнида юзага келадиган муаммоларни мустақил ҳал эта билиш);

— ўзини-ўзи англашни жинсидан келиб чиққан ҳолда (ўғил бола, қиз бола) шакллантириш, ўз имкониятларини, қобилиятини, ҳагги-ҳаракатини ўзи баҳолай билиши, катта ёшдагилар, тенгдошлари ўзидан ёш жиҳатдан кичиклар даврасида ўз ўрнини англай билиш, бошқа одамни тушуниш, унинг қизиқишларини, эҳтиётларини, истақларини ҳурмат қилиш, унинг кайфиятини, унинг олдидagi муаммоларини кўра билиш, ўз хатти-ҳаракатларини бошқа одам ўрнида туриб баҳолай олиш. Боланинг ўз-ўзини англашидаги муҳим жиҳат унинг ўз қадар-қимматини ҳис этиш, ўзига бўлган муносабатини шакллантириш ҳисобланади. Шу билан бирга мактабгача ёшдаги бола учун ўз шахсига ортиқча баҳо бериш табиий ва қонуний ҳолдир, бу унинг учун ўзига хос "шахсий ҳимоя", ўз кечинмаларига қулоқ тутиш, ўзининг ҳаяжонли ҳолатларини ("мен хурсандман", "мен розиман", "менга яхши", "мен хафа бўлдим" ва ҳоказо) тушуниш, бошқа бировга нисбатан: "Яшавор", "Зўр" каби сўзларни ишлатиш ҳисобланади.

III. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ (АҚЛИЙ) РИВОЖЛАНИШ

1. Фикрлашни ривожлантириш (образли, ман-тиқий, ижодий, абстракт).

а) нутқий интеллект (оғзаки фикрлаш).

Ўзаро алоқа нутқини ривожлантириш:

— атрофдагилар билан муомала қила билиш, ўзига қарага айтилган гапни тушуниш, сўзлашиш-га киришиш, аниқ қилиб гашириш, саволларга жавоб қайтариш, бошқаларга савол бериш (диалог нутқ);

— ўзидаги сўз бойлигидан (2—3 минг сўз) фаол фойдалана билиш, эшитганини айтиб бера олиш, кўрганини гашириб бериш, суратларга қараб сюжет бўйича ҳикоя қилиб бериш; асосий таянч сўзлар бўйича ҳикоя тузиш ва бошқалар (монолог нутқ);

— нутқнинг сифат кўрсаткичлари; нутқнинг ифодаллиги, нутқ товушларининг барчасини аниқ ва тўғри ифодаланиши, тилнинг грамматик шаклларида тўғри фойдаланиш;

б) амалий интеллектни ривожлантириш (оғзаки фикрлашни эмас, балки фаолиятнинг турли хилларида амалий қобилиятни ривожлантириш);

— ўйин фаолиятини ривожлантириш: ўзаро ўйинларда фаол қатнашиш (сюжетли роль ўйналадиган, Арамали ўйинлар, қойдами ўйинлар);

— болалар билан ижодий мустақил ўйинларга доир мақсадларни келишиб олишни билиш;

— ролларни тақсимлаш, ўйинларнинг қоидаларига бўйсунуш;

— алоҳида ўйинларни ташкил қилиш, ўйин учун керакли материаллар ва зарур нарсаларни танлаб олиш;

— ўйинда муқобил нарсаларни ишлатиш;

— меҳнат фаолиятини ривожлантириш;

— болаларда "Мен ўзим қиламан" деган муайян қатъиятlilik шакллантириш (айрим меҳнат малакаси ва қобилиятга эга бўлиш, ўз-ўзига хизмат қилиш малакаси, турмуш ва табиатдаги тартибнинг бузилишини пайқаш, ўйинчоқларни тузатиш, боғлаб-маҳкамлаш, идишларни ювиш, уйда хўжалик ишларига қаршиш, дастурхонни тузаш, ошхона жиҳозларидан фойдалана билиш, ўз уст-бошини тузатиш ва бошқалар);

— бошлаган ишини охирига етказишга одатлантириш (яъни, меҳнатнинг самараси ва фойдасини англаб етиш);

— жамоада ишлай билиш, ишни ҳамкорликда режалаштириш, фаолият мазмунини бойитиш ва бошқалар;

— тасвирий фаолиятни ривожлантириш;

— тасвирий фаолиятнинг техник малакалар мажмуини ва барча турдаги технологиясини эгаллаш (қалам, бўёқ, мўйқалам, қўл, чўп ва ҳоказолар билан расм чизиш, лойдан, пластилиндан, қоғоздан, табиат материалларидан, матодан ва ҳоказолардан нарсалар ясаш); қайчидан фойдалана билиш (симметрик ва симметрик бўлмаган шакллارни қирқиш ва бошқалар);

— муסיқали-хореографик қобилиятни ривожлантириш; муסיқа эшитиш қобилиятини ривожлантириш (товушларнинг тўғри ёки нотўғри тарафларини тинглаб, товуш ўзгаришларини тинглаш);

— муסיқага мос ҳаракатда ўзига нисбатан ишончини ҳис этиш (мақомга мос равишда, муסיқага мувофиқ тарзда ҳаракат қила билиш);

- турли мақомдаги мусиқага маъноли ҳаракатлар билан жавоб қайтарिश;
- ҳаракат ва қилиқларни маҳорат билан ўз ўрнида ишлата билиш;
- мураккаб бўлмаган кўшиқларни яқка овозда ва хорда маъноли, жарангдор овозда ижро этиш;
- турли хил миллий болалар мусиқа асбоблари чиалиш усулларини эгаллаш;
- эртақ, қисқа саҳна ижроларида образга қира олиш ва бошқалар.

2. Хотирани ривожлантириш:

- механик хотирани (эшитиш) ривожлантириш: эшитишга қаратилган вазифани тинглаш ва ёдда сақлашни уқдалаш, кўрганларини сўз орқали ёки амалда ифодалаш, кўрсатиш;
- кўриш хотирасини ривожлантириш, кўрганни ёдда сақлаш ва уни сўз орқали ёки амалда ифодалаш, кўрсатиш;
- фикрий хотирани (манتيкий) ривожлантириш: кўрганни ёки эшитганини, сўзма-сўз эмас, балки унинг асосий мазмунини моҳиятини ифодалаб беришни уқдалаш.

3. Тасавурни (абстракт фикрлаш) ривожлантириш:

- фикрлаб, аниқ образларга ёки нарсаларга таянмай, оддий вазиятларни, ҳаракатлар мунга-замлигини ёки турли хил фаолиятларнинг пирова натижаларини ўзида тасаввур эта билиш, фаолият, ҳаракат оқибатини олдиқдан тасаввур этишни уқдалаш.

4. Ижодкорликни ривожлантириш:

- ўзининг индивидуал, такрорланмас образини яратиш, фаолиятнинг барча турларига ўзининг мазмунини олиб кириш; ижодий ўйинлар мазмунини бойитишни билиш, ҳикоялар, эртақлар, топишмоқлар ва ҳоказоларни ўйлаб топиш.

IV. Ўқиш малакаларини ва ўқув фаолияти шарт-шароитларини шакллантириш

(мактабга махсус тайёрлаш)

1. Озбеки саводхонлик даражаси:

- сўздаги барча товушларни кетма-кет айтиб, сўзнинг товуш таҳмилини ўтказиш. Ундаш ва унли юмшоқ ва қаттиқ ундашларни, сифатдошларни фарқлаш, сўздаги ургуларни ажрата билиш, сўзни бўғинларга ажратиш, муайян товушлардан сўз тузиш;

- 3—4 сўздан гап тузиш, оддий гапни сўзларга ажратиш, сўзларнинг кетма-кет келишини ўқтириш (биринчи сўзни, иккинчи, учинчи, тўртинчи сўзларни айтиш), фаол нутқда шу нутқнинг барча асосий қисмларини ишлатиш (феъл, сифат, сон, олмош, равиш, боғловчи ома кўшимча ва эргаштирувчи ома кўшимча);

2. Оддий математик малакани ривожлантириш:

- икки кичик сондан иборат биринчи ўнлик сон таркибини билиш (5 — бу 1, 1, 1, 1, 1 ёки 2 ва 3, 4 ва 1), биринчи ўнликнинг ҳар бир сонини чиқариш: олдиқдаги сонга бирни кўшиш орқали (7 бу 6 + 1 ёки 7 бу 8 - 1);

- сонлар: 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9;

- амаллар: "+", "-", "=", "

- ўтаётган ой номи, ҳафтадаги кунларнинг келиш тартиби;

- 1 дан 20 гача ва 100 гача санашни билиш;
- 1—2 ва 20—1 сонларни бошдан охирига ҳамда охиридан бошига қараб санаш;
- шартли ўлчов ёрдамида узунликни ўлчаш;
- бир неча учбурчак ва тўртбурчаклардан шакллар ҳамда катта ўлчовдаги нарсалар тузиш;
- доирани, тўртбурчакни тенг бўлган 2, 4 бўлақларга бўлиш, яхлит нарсаларнинг ва бўлақларнинг ўзаро мувофиқ, мос эканлигини тушуниш (яхлитлик қанча катта бўлса, унинг бўлақлари ҳам катта бўлади);
- ўлчанаётган нарса ва унинг ўлчови ораси теклари пропорционал эканлигини билиш;
- оддий геометрик шаклларни, доира, учбурчак, тўртбурчак, шар, куб, цилиндрларни ажрата билиш.

3. Ўқув фаолиятининг дастлабки шарт-шароитлари:

- кўриб тасаввур қилишни шакллантириш (нарсаларни шаклига, катта-кичиклигига, бўйига, энига, бир-бирига нисбатан маконда жойлашишига: тепада, пастда, ўнгда, сўлдалигига қараб фарқлаш ва қйслаш);
- кўриш анализи ва синтезини ривожлантириш (сиртқи томонидан ўхшаш нарсалардаги фарқларни ва аксинча, турли нарсалардаги сиртқи кўринишига кўра ўхшаш томонларини топиш);
- нарсаларни (умумий ном остида мансублигига, ишлатилишига, шакли, ранги, катта-кичиклиги, таъми ва ҳоказоларига қараб) туркумлаш, умумлаштира билиш;
- фарқлай билиш (нарсаларни фарқлаш, аҳамиятли томони, белгилари ва уларнинг қисмларини ажратиб кўрсатиш);

- фаолиятнинг барча турларида турли хил тим-соллар, белгилар, мувофиқ жиҳатлардан фойдалана билиш;
- изланиш фаолигини ривожлантириш (яхлисини, зарурини, кераклисини танлаб ола билиш);
- кузатувчанликни (қизиқувчанликни) ривожлантириш; кузатиш чоғида қизиқишни йўқотмаслик, кузатилаётган нарсадаги муҳим жиҳатни кўра билиш);
- сабаб ва оқибатнинг боғлиқлигини тушуниш (оқдндан пайқаш, ўзининг мулоҳазасини ва хулосасини чиқариш), ўқув вазифалари моҳиятини тушуниш;
- мактабга руҳан тайёрлаш, мактабга, илм олишга нисбатан ижобий муносабат уйғониши яна кўп ўқиши кераклигини, билим олишга ғайрат қилиши зарурлигини, интилишини тушуниши лозим.

БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБГА ТАЙЁРЛИК ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДЫГАН МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР

1. Жисмоний ривожланганлик даражаси

Мактаб ёшига етган болаларнинг жисмоний жиҳатдан ривожланганлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар:

- мустақил тарзда жисмоний машқлар бажара олиш;
- буйруққа(стартга) асосланиб югуриш;
- ҳода устида ўтириб олдига силжиш;
- нарвон ёрдамида тепага чиқиш ва дастга тушиш;
- 5 секунда давомида арқонга осилиб туриш;
- арнимчоқ учиш;
- чекланган сатҳ ва чизик бўйлаб юриш;
- қия қўйилган тахта устидан юриб ўтиш;
- бир оёқда "қалдирғоч" бўлиб туриш;
- оёқ учлари билан буюмларни қисиб кўтариш, дастга тушириш ва бир жойдан бошқа жойга кўчириш;
- жойида туриб 15-20 марта сакраш;
- 70 см узунликка сакраш;
- 30 см баландликдаги тўсиқдан сакраб ўтиш;
- тўхтамасдан 2—3 минут давомида югуриш;
- 100 м масофани тўхтамасдан югуриб ўтиш;
- 10 м масофани эмаклаб ўтиш;
- сафда тўғри туриш ва сафни бузмасдан юриш;
- сафланиш ва қайта сафлана олиш;
- мусиқа оҳангига мос ҳолда ҳаракат қилиш;
- коптокни иргитиш ва илиб олиш;

- илон изи шаклида юриш;
- тўп-тўп бўлиб, айлана бўйлаб юриш;
- чиниқтириш машқларини бажариш;
- халқ ўйинлари — "Ким чаққон", "Оқ теракми, кўк терак", "Аввалакам", "Куёним-куёним не бўлди?", "Читтигул", "Боғлам-боғлам", "Ким олади-ё шу гина-ни-ё", "Учди, чопди, сакради", "Қушим боши", "Қоч болам, қуш келди", "Ким чаққон", "Тортишмачоқ" каби ҳаракатли ўйинларда иштирок эта олишдан иборат.

2. Нутқ ва тафаккурининг ривожланганлик даражаси

Мактаб ёшига етган болаларнинг нутқ ва тафаккурининг ривожланганлик даражасига қўйилган минимал талаблар:

нутқининг ривожланганлиги ва сўз бойлигига оид:

- товуш, сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз этиш;
- 3000 тадан ортиқ сўзни тушуниш ва билиш;
- расмга қараб гап тузиш;
- эртак ва ҳикояни тинглаш, мазмунини тушуниш;
- эшитган кичик эртак ва ҳикояни қайта сўзлаб бериш;
- ифодали нутққа эга бўлиш;
- теvarак-атроф, табиат манзараси ҳақида қисқача сўзлаб бериш;
- турли мавзудаги, кичик ҳажмдаги 6 та шеърни ёддан айтиш;
- ота-она, тарбиячи тавсияси билан ҳаётий мавзулар бўйича қисқача ҳикоя тузиш;
- катталар ва ўртоклари билан суҳбатда фаол иштирок этиш;

— катталар ва ўртоқлари билан гаплашиш маданиятига эга бўлиш.

Болаларнинг тафаккурини ривожлантиришга оид:

— ўз фикрини мустақил, эркин баён этиш ва хулоса чиқара олиш;

— маънавий тафаккур қилиш малакаларига эга бўлиш;

— тафаккур операциялари (анализ, синтез, умумлаштириш, аниқлаштириш, таққослаш, аналוגия ва бошқ.)ни ёшига мос ривожлантириш;

— фикрий мушоҳада юритиш;

— теварак-атрофни тўғри идрок этиш;

— таълимий ўйинлар воситасида тафаккурни пешлаш;

— гул, дарахт турларини рангига, баргига, меvasига қараб фарқлай олиш;

— ўз фикрини, талаб-эҳтиёжларини сўз билан ифодалай олиш;

— қирқиб, бўлакларга ажратилган воқеабандасмларни териш, яхлитлаш;

— турли тасвирлардан яхлит образ ярата олиш;

— геометрик шакллардан маълум мазмунга эга бўлган тасвирлар тузиш;

— сўзлардан гап туза олиш;

— ўз фикрини баён этганда таққослаш, умумлаштириш, таҳлил қила олиш;

— биринчи ўнликнинг сон таркиби (алоҳида birlikлардан) ва 2,3,4,5,6,7,8,9,10 сонларининг ўзидан кичик бўлган икки кичик сондан таркиб тошланлигини билиш;

— биринчи ўнликдаги ҳар бир соннинг қандай ҳосил бўлишини билиш, бунинг учун сон қаторидаги аввалги сонга 1 ни қўшиш ва кейинги сондан 1 ни айира олиш;

— 0,1,2,3,4,5,6,7,8,9 рақамларини ҳамда "+", "-", "=", "÷" ишораларини билиш;

— 1,3,5,10 сўмлик пулларни билиш;

— ўтаётган ҳафта кунларининг кетма-кетлиги, кун қисмларини билиш;

— 10 тагача бўлган буюмларни санаш, санаб ажрата олиш;

— нарсалар сонини рақам билан мувофиқлаштира олиш;

— 10 ичида ёнма-ён сонларни таққослай олиш, қайси сон бошқасидан катта(кичик)лигини аниқлай олиш;

— нарсаларни катталиги, узунлиги, кенлиги, баландлиги, йўналишига кўра таққослай олиш;

— тўғри ва эгри чизиқларни, учбурчаклар, тўртбурчакларни бир-биридан фарқлаш ҳамда тасвирлаш;

— ҳозирги замон техникаси, компьютер ҳақида илк тасаввурга эга бўлиш;

— шахсни ўраб турган барча нарсалар табиат эканлигини билиш;

— мевали дарахтлар — олма, узум, шафтоли, нок, олча, гилос, ўрик, олуғри номларини билиш ва улар ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

— манзарали дарахтлар — тол, терак, арча, чинор ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

— дарахт шохларини синдириш табиатга зарар etkaziш эканлигини англаш;

— гуллар — атиргул, бойчечак, қоқигул, чинигул, лола, лолақизғалдоқ ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

— сабзавот ва помидор экинлари — помидор, бодринг, картошка, шпёз, сабзи, карам, қовун-тарвуз, қовоқни ва уларнинг номларини билиш;

— хона ўсимликларини бошқа ўсимликлардан фарқлаш;

— уй-ҳайвонлари — қўй, ситир, от, эшак, ит, мушук, эчки; ёввойи ҳайвонлар — бўри, тулки айиқ; паррандалар — товуқ, хўроз, ўрдак, роз; ҳашоратлар — чумоли, ниначи, ари, кўнғиз, калак номларини билиш ва улар ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

— қушлар — қадирғоч, чумчуқ, мусича, кабу-тар, булбул, қарға, тўти номларини билиш ва улар ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

— уй-рўзгор буюмлари — стол, стул, хонтахта, жавон, диван, кароват, кўрпа-тўшак, сандиқ ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

— уйда қўлланадиган электр жиҳозлари — электр чирок (лампочка), телевизор, радио, магнитофон, даямол ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

— электр жиҳозларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш хавфи эканлигини англаш;

— транспорт воситалари — велосипед, автомобиль, автобус, троллейбус, трамвай, метро, поезд, самолёт ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

— тоғ, дарё, кўл, боз, гулзор, пахтазор, экин майдонлари, яйлов ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

— ҳаво, сув, қуёш, шамол, булут, ёмғир, қор ҳақида ёшига мос равишда тасаввурга эга бўлиш;

— йил фасллари номини, кетма-кетлигини билиши ва улардаги табиат ўзгаришлари ҳақида илк тасаввурга эга бўлиш;

— пахтадан ип, газлама кийим-кечаклар тайёрланишини билиш;

— кун ва тушнинг фарқини англаш;

— кун қисмлари — эрталаб, пешин ва кечқурунни фарқлаш.

3. Маънавий-маданий етуклик

Мақтаб ёшига етган болаларнинг маънавий-маданий жиҳатдан етуқлигига қўйиладиган минимал талаблар:

— Она Ватан — Ўзбекистон ҳақида қисқача сўзлаб бериш;

— Ўзбекистон байроғи, герби ҳақида фикр билдира олиш;

— Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳислари ва миллий ғурурни ёшига мос равишда шаклланганлиги;

— ҳалқига, Ватанига меҳр ва садоқат ҳисларини шаклланганлиги;

— Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби бутук сиймолар ҳақида илк тасаввурга эга бўлиш;

— миллий байрамлар ҳақида қисқача сўзлаб бериш;

— тўғри саломлашиш ва хайрлашишни билиш;

— ўзидан катталарга сизлаб мурожаат қилиш;

— "лаббай", "хўп бўлади", "хуш келибсиз", "рахмат", "саломат бўлинг", "мумкинми", "кечирасиз",

"ширин тушлар кўринг", "ош бўлсин", "яхши бориб келинг", "марҳамат", каби сўз ва ибораларни ўз ўрнида қўлай олиш;

— қўлини кўксига қўйиб илтифот кўрсатиш;

— уйда, кўчада, меҳмонга боришда киядиган кийимларини фарқлаш ва уларни ўз ўрнида кийиш;

— ширин сўзли бўлиш ва меҳрибонлик қила билиш;

— ўтириш ва юриш қондаларини билиш, уларга риоя қилиш;

- уйда, боғчада, меҳмонда, кўчада ўзини қандай тутиш кераклигини билиш ва унга риоя қилиш;
- яхшилик ва ёмонликни фарқлаш;
- катталарни ҳурмат, кичикларни иззаат қилиш кераклигини англаш ва унга риоя қилиш;
- ўртоқлари билан биргаликда ўйнай олиш;
- ўйин жараёнида мулоқот қила олиш ва ўртоқларини ранжитмаслик зарурлигини билиш;
- ҳол-аҳвол сўрашни билиш;
- катталар меҳнатини қадрлаш лозимлигини билиш;
- ўзига ишонш;
- ожиз ва кучсизларни ҳимоя қилиш зарурлигини англаш;
- ўз-ўзига хизмат қила олиш;
- уйда ёки боғча ҳовлисида енгил меҳнатларни бажара олиш;
- меҳнат қилаётган катталарга кўмаклашиш;
- ошхона анжомлари — чойнак, пийёла, қошиқ, ликолча, пичоқ, кабиларнинг вазифасини билиш, йиғиштиришда уларни жой-жойига қўйиш;
- ошхонада енгил юмушларга ёрдам бериш;
- меҳнатсевар бўлиш яхши одат эканлигини англаш;
- меҳнат қуроллари — теша, болға, болта, қайчи, омбир, тоқдайчи, кетмон, белкурак, ўроқ кабиларнинг вазифасини билиш;
- тежамкорлик зарурлигини билиш;
- ўзини озода тута олиш;
- тўғри ювина олиш;
- сочиқ, даструьмол, совун, тиш ювиш пастаси ва чўткасидан тўғри фойдалана олиш;
- мустақил равишда сочини тараш, турмак-лаш (қиз болалар) ва ораста бўлиб юриш;
- мустақил равишда тартибли кийиниш ва ечина олиш;

- кийим, ўйинчоқ ва хона анжомларини ўз жойига қўйишни билиш;
 - овқатланиш қоидаларини билиш ва унга риоя қилиш;
 - тасвирий санъат асарларидан завқлана олиш.
- Давлат талаблари асосида тузилган "Учинчи минг йилликнинг боласи" дастурига асосан мактабга ёшдаги болаларнинг ота-оналари, тарбиячилари ҳамда ўзлари учун турли соҳалар бўйича дастурлар, қўлланмалар, тавсиялар, қизиқарли китоблар, ақлан ва жисмоний ривожлантиришга ёрдам берадиган турли-туман ўйинчоқлар ва таълим-тарбия қуроллари яратилади.
- Давлат талабларида белгиланган кўрсаткичларга эришиш, ёш авлодни камолотга етказишда болалар учун мўлжалланган телекўрсатув ва радиопиттиришларнинг фаолияти ҳам мақсадли йўналишда олиб борилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ота-оналар ва тарбиячилар учун мунтазам кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилади, мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий, маънавий ва жисмоний ривожланишига хизмат қиладиган турли-туман фильмлар яратилади. Давлат талабларини ҳаётта жорий этишни тарбиёт қилишда матбуотдан кенг фойдаланилади.
- Мактабгача таълим-тарбия тўғрисидаги Давлат талабларида белгиланган кўрсаткичларга эришиш 6—7 ёшдаги болаларни мактабга тула-тўқис тайёрлашга, мактабда бериладиган таълим мукамал ўзлаштиришларига, мустақил Ўзбекистоннинг раванқи учун хизмат қиладиган баркамол инсон бўлиб етиштишларига замин ҳозирлайди.

БОЛАМИЗНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАЙМИЗ?

Азиз ота-оналар!

Болангизга ташхис қўйишга, яъни унинг ривожланганлик даражасини аниқлашга киришишдан олдин ўзингизнинг фарзандингизни қанчалик билишингиз ва тушунишингизни текшириб олинг.

Деярли ҳамиша	Ахён-ахёнда	Ҳеч қачон
---------------	-------------	-----------

Бунга аниқлик киритиб олишда Сизга қуйидаги саволлар ёрдамга келади:

1. Сизга ўз болангиз ёқадими?
2. Болангизнинг гапираётган гапини тинглайсизми?
3. Болангиз гапираётганда Сиз унга қарайсизми?
4. Унинг гаплари аҳамиятини ҳис этиш ҳолатини яратишга ҳаракат қиласизми?
5. Сиз болангизнинг нутқини тўғирлаб турасизми?
6. Болангизнинг хато қилишига йўл қўясизми?
7. Болангизни мақтаб, кучоғингизга оласизми?
8. У билан бирга куласизми?
9. Сиз ҳар куни болангизнинг ўқиши учун ва у билан суҳбатлашишга вақт ажратасизми?
10. Болангиз билан қандайдир ўйинлар ўйнайсизми?
11. Болангизни қизиқиши ва иштиёқи учун рағбатлантirasизми?
12. Болангизнинг бир-иккита ўз шахсий китоби борми?
13. Хонадонда болангизнинг ўзи учун ажратилган алоҳида (масалан, тоқча) жой борми?

14. Сиз ўзингиз ўқиганларингиздан бирор-бир қизиқарли нарсаларни оила ва болангиз билан муҳокама этасизми?

15. Сиз тиш шифокори олдида, дўконда ва бошқа жамоат жойларида болангиз гапиришга ултурмасдан туриб унинг учун ҳамма гапларни айтишга ҳаракат қиласизми?

16. Болангиз билан биргаликда телевизор кўрасизми?

17. Телевизор орқали кўрилганлар маънисини ҳақида унга саволлар бeрасизми?

18. Болангизнинг телевизор кўриш имкониятларини чекайсизми?

19. Бола билан биргаликда сайр қиласизми?

20. Болани ҳайвонот боғига, музейга, театрга, циркка ва бошқа жойларга олиб бoришга ҳаракат қиласизми?

21. Болани қўлидан келадиган кундалик уй юмушларини бажаришга жалб этасизми?
Балларни ҳисоблаш:

Ҳар бир «деярли ҳамиша»га — 4 балл

«ахён-ахёнда»га — 2 балл

«ҳеч қачон»га — 0 балл

Олинган балларни жамлаш:

Очқич: 80 балл — зўр!

44 балл — ёмон эмас.

22 балл — ўйлаб кўришга тўғри келади.

Ота-оналарга тавсиялар

Агар сизнинг болангиз унча юқори бўлмаган бўлса қуйидагиларни бажаринг!

— Болангизга қараб севилинг.

— Уй йиғиштираётганда ёки овқат тайёрлаётганда ниманидир хиргойи қилинг.

— Бола билан куюнчақликла, тинчлантирувчан, тетиклаштирувчи оҳангга гаплашинг.

— «Йўқ, у қизил эмас» деб гапирманг. Яхшиси нотўғри аниқлаганигини ҳадеб таъкидлаймайвермай, «у кўк» дея қандай тўғри айтилишини айтиб қўя қолинг.

— Болани кўзи оқидда танқид қилаверманг: бошқалар оқидда эса бутунлай бу ишни қилманг. Қилмишлари учун болани муҳокама этиб, унга «Сен ёмонсан», «Сен ёмон иш қилдинг» дейверманг.

— Бола учун кўп қоидаларни ўрнагаверманг, у сизга эътибор бермай қўяди.

— Боланинг (ўйинчоқлар, сайр ва бошқалардан) ҳаддан зиёд рағбат ва таассурот олишига ошиқча тиришманг.

— Мактабгача ёшдаги боладан барча мантиқий боғлиқликларни, сизнинг хис-туйғуларингизни («Онанг чарчади»), мавҳум мулоҳаза ва тушунчаларни англашини кутманг.

— Боладаги ҳар бир ўзгаришга кучли эътибор ва хавотирга берилманг: айрим ҳолларда тараққиётда бирмунча оқдигга ёки орқага кетишига.

— Болани бошқа болаларга қийсаманг: ўз акиси ёки опаси, кўшинининг боласи, ўртоқлари ва қариндошлари билан.

Боланинг мактабда таълим олишга тайёрлигини қандай текшириш керак?

Бирдан таъкидлаимизки, бу текширув жуда зарур. У оила учун боланинг қайси жиҳатларига тузатиш (агар у зарур бўлса) киритишда, олти ёшлининг муваффақиятлари ва камчиликларига қандай ёндашишда, шу мақсадда у тарбиячиларга, қолаверса I-синф ўқитувчилари учун ҳам ке-

рак. Ахир болани ўқитиш учун уни ҳар томонлама билиш керак.

Афсуски бутунги кунда ташхис тизимининг такомиллашмагани, ўзини оқламаган турли хил шаклларнинг кўпчилиги таълим муассасаларининг ҳамда ота-оналарнинг болаларни мактабга тайёрлаш борасидаги фаолиятини қийинлаштирмоқда. Масалан, айрим мактабларда болаларни биринчи синфга олишда боланинг мактабга тайёрлигини белгилловчи асосий кўрсаткич сифатида тез ўқиш кўникмаси (бир минутда 50—70 ва ундан ҳам ошиқ сўз) илгари сурилмоқда. Баҳоланки, бу кўникма мактабгача таълим давлат дстурига киритилмаган.

Агар бола тез ўқишга ўрганган бўлса ёмон эмас, бироқ бу мактабга боришдаги шартли талаб сифатида қабул қилинмаслиги керак.

Ташхис ўтказиш, боланинг ривожланганлиги ва мактабда таълим олишга тайёрлиги даражасини аниқлаш мақсадида ушбу китобда турли усулларнинг бир неча вариантлари берилмоқда. Бироқ бу ҳар бир болага ташхис қўйишда мазкур услубларнинг барчасини қўллаш зарур, дегани эмас.

Болани ташхисдан ўтказишни мажбурийликка асосланмаган, ишончли суҳбат ёки ўйин тартибда олиб борган маъқул. Токи бола ўзини текширилаётганлигини сезмасин. Болани берилган саволларга жавоб бераётганда шоширмаслик, унинг қизиқишини сўндирмаслик учун суҳбат ва тавсия этилаётган ўйинлардан 2—3 тасини ўтказган маъқул.

Бир марта ташхис ўтказиш вақти 20—25 минутдан ошмаслиги лозим. Мазкур китоб тузувчилари мавжуд ташхис ўтказиш вариантларини ўрганиб, барча турдаги мактабгача таълим муас-

сасалари, мактаблар учун мажбурий бўлган ҳамда ота-оналарнинг ҳам болани мактабга тайёрлигини аниқлаш ва бола ривожланишидаги айрим жиҳатларни чуқурроқ тушуниб етишларига имкон берувчи қўшимча шаклларни билишни таъминловчи асосий йўналишларни белгилаб олишни маъқул кўришди.

I. Асосийларга қўйидагилар қиради:

1. Соғлиги ва жисмоний ривожланганлиги ҳолати ташхиси.

2. Шахсий-психологик ва ақлий ривожланганлик ташхиси:

— ташхисловчи кириш суҳбати;

— Керн-Ирасек системаси бўйича ташхислаш;

— Венгер метода бўйича ташхислаш (график диктант).

3. Таълим олиш фаолиятининг кўникма ва илк заминини аниқлаш ташхиси:

— болаларнинг мактаб ҳақидаги тасавурлари-ни аниқловчи саволнома (мотивацион тайёргарлик);

— болаларнинг математик тушунчаларини аниқловчи саволнома;

— болаларнинг оғзаки саводхонлиги ва нутқи ривожланганлигини аниқловчи саволнома.

4. Текширишнинг қўшимча шакллари:

Қандай текшириш керак:

— кўриш хотираси;

— эшитиш хотираси;

— мазмун хотираси;

— тасавури ва ижодий фикрлашининг ривожлиги;

— оғзаки-манتيкий фикрлаш ривожлиги;

— маълум жойда, ҳулулда мўлжал олиш ривожлиги;

— математик тушунчалари ривожлиги;

— тасвирлаш фаолияти бўйича кўникма ва ундалиш ривожлиги;

— ўзи ва ўзининг тасвирлаш фаолиятига муносабатини ифодалаш.

5. Болаларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланганлиги ҳолатини ташхислаш.

Мактабга қабул қилинишдан олдин барча болалар ўз яшаш жойларидан болалар поликлиникаси таркибда тор мутахассислик бўйича шифокорлардан иборат бўлган тиббий комиссия текширувидан ўтиши шарт. Улар боланинг соғлиги ва мактабга тайёргарлиги ҳақида ўз хулосаларини беришади.

Мазкур текширувнинг эрта баҳорда ўтказилиши болада аниқланган етишмовчиликларни ёзда болада диспансеризацияда тўлдириб олиш имконини беради.

Ҳаракатнинг асосий турлари, қўл мускуллари, спорт ўйинларининг оддий кўникмалари, ҳаракат сифати ривожланганлигини мусобақа, эстафета тарзида ўтказиладиган спорт ва ҳаракатли ўйинлар давомида текшириш мумкин.

II. Боланинг шахсий-психологик ва ақлий ривожланганлигини ташхислаш

1. Ташхислаш суҳбати саволлари

1) Фамилиянгни, исмингни, отангнинг исмининг айт.

2) Ота-онангнинг фамилияси, исми, отасининг исмини айт.

3) Сен қизми ёки ўғил? Катта бўлсанг ким бўласан: холами, тоғами?

4) Сенинг аканг (опанг) борми, ким катта?

- 5) Ёшнинг нечада? Бир йилдан кейин нечига кирасан, икки йилдан кейин-чи?
- 6) Ҳозир эрталабми, кечқурунми (кундузми ёки эрталабми)?
- 7) Сен қачон нонушта қиласан — кечқурунми, эрталабми? Тушликни эрталаб қиласанми, кундузими? Тушлик олдин бўладими ёки кечки овқат?
- 8) Сен қерда яшайсан? Уй манзилингни айт (Қандай мамлакатда? Президент ким? Ватанимизнинг байроғини, гербини кўрсат? ва бошқ.).
- 9) Отанг (онанг) ким бўлиб ишлайди?
- 10) Расм чизишни яхши кўрасанми? Бу қаламнинг (лентанинг, рўмоннинг) ранги қанақа?
- 11) Ҳозир йилнинг қайси фасли — қишми, баҳорми, ёзми, кузми? Нега сен шундай деб ҳисоблайсан?
- 12) Нега қор қишда бўлади, ёзда эмас?
- 13) Ҳайдовчи (шифокор, ўқитувчи) нима иш қилади?
- 14) Мактабда кўнғироқ, парта нима учун керак?
- 15) Ўзингнинг ўш кўзингни, чап қулоғингни (ўнг ёки чап қўл билан) кўрсат. Кўз ва қулоқ нима учун керак?
- 16) Қандай ҳайвонларни биласан?
- 17) Сен қандай қушларни биласан?
- 18) Нима катта: сигирми, эчкими? Қулми ёки асалари? Ниманинг панжаси катта: кучукникими, хўрозникими?
- 19) Нима катта: 8 ми, 5 ми, 7 ми 3? 3 дан 6 гача, 9 дан 2 гача сана.
- 20) Билмасдан бировнинг нарчасини синдириб қўйсанг нима қилиш керак?
- 21) Уй телефонларингнинг, онангнинг, отанг-

нинг, бувингнинг иш жойларидаги телефонларнинг рақамини эслаб кўр...

22) Агар ота-онанг (кечқурун ва дам олиш кунлари) уйда йўқ бўлса — қаерда бўлиши мумкин? Уларни қандай топиш мумкин?

23) Сен (катта дўконда, бозорда, ҳайвонот боғида, сени мажбуран олиб кетганда, нотаниш кўчада, кўп кишилик автобусда, метрода ва бошқ.) адашиб қолсанг, бундай ҳолатларда нима қилган бўлардинг?

24) Сенга кўчада безорилар дуч келди ва тега-жоқлик қилди...

2. Керн-Ирасек услуби бўйича ташхис ўтказиш.

Болаларни текширувдан ўтказиш 4 топшириқдан иборат бўлиб, ундан кўзланган мақсад улардаги мактаб учун зарур бўлган фаолиятлари ривождаги, жумладан, бош мия чаногининг аналитик ва синтетик вазифалари, моторикаларидаги етишмовчиликни аниқлаш.

Керн-Ирасек методи бўйича боланинг мактабда таълим олишга тайёрлиги даражасини аниқлаш алоҳида ёки 10—15 боладан иборат гуруҳ билан бир вақтнинг ўзида олиб борилиши мумкин. Тўртинчи топшириқ эса ҳар бир бола билан алоҳида, махсус ажратилган хоналарда ўтказилади.

Болага (ёки гуруҳдаги 10—15 болага) оддий қорғоздан тоза бир варақ берилади. Қорғознинг юқоридан ўнг бурчагига тадқиқот билан қамраб олинган боланинг исми, фамилияси, ёши ҳамда текшириш ўтказилаётган сана ёзиб қўйилади. Иш қорғози тагига қаттиқ қорғоз қўйилади. Қалам боланинг олдига шундай қўйилиши керакки, унга ўнг ва чап қўл билан ҳам қаламни олиш ўнғай бўлсин.

Ташхис ўтказиш уч топшириқдан иборат: 1. Одам расми. 2. 3 сўздан иборат, чизилган қисқа ибора (U osh yedi). 3. Чизилган нуқталар гуруҳи.

Варақнинг юз қисми биринчи топшириқни ба-жариш учун ажратилади. **Биринчи топшириққа** куйидаги йўриқнома берилади: "Бу ерга (ҳар би-рига қаергалиги кўрсатилади) бирор-бир эркак-нинг (тоғантинг) расмини биланларингча чизин-глар». Шундан сўнг тушунча (ёрддам) бериш, расмининг камчилиги ва хатоси юзасидан огоҳлан-тириш таъқиқланади. Боладан тушадиган ҳар бир саволга куйидагича жавоб бериш лозим: "Ўзинг билганингдай қилиб чиз". Агар бола ишни бош-лай олмай турса куйидагича унга дадада бериш керак: "Кўряпсанми, сен қандай яхши бошладинг", "Чизишда давом эт".

"Хола"ни чизсам бўладими?" деган саволга бар-чамиз тоғани чизяпмиз дея тушунтириш керак. Агар бола аёл фигурасини чиза бошлаган бўлса, уни охиригача етказишини кутиб туриб, кейин ёнидан эркак кишининг расмини чизишини сўраш керак.

Бола расм чизишни якунлағач, иш қоғози тес-кари ағдарилади. Унинг орқа тарафи кўндаланг чизиқ билан тенг иккига бўлинади (буни олдин-дан қилиш ҳам мумкин).

2-топшириқни бажариш учун 10—15 карточка (7—8 см га 13—14 см ўлчамда) керак бўлади. Унга "У ош еди" ибораси кўләзмада ёзилади (ҳарфлар ўлчами — 1 см, бош ҳарф — 1,5 см):

U osh yedi

Ибора ёзилган карточка боланинг олдига, иш қоғозидан сал юқориқроққа куйилади.

Иккинчи топшириқ куйидагича изоҳланади:

"Қаранглар, бу ерда нимадир ёзилган. Сен ҳали ёзини билмайсан. Шунинг учун буни чизишга ҳаракат қил. Яхшилаб кўриб олгин, бу қандай ёзилган ва варақнинг юқори қисмига (қаергали-гини кўрсатинг) худди шундай қилиб ёзгин". Агар болалардан бирортаси қатор узунлиги ҳисобини ололмай учинчи сўзни сиздиролмас, унга учин-чи сўзни пастдан ёки тепадан ёзиш мумкинлиги-ни айтиш лозим.

Юқоридаги ўлчамли карточкаларни учинчи топ-шириқни бажариш учун ҳам тайёрлаб қуйиш ке-рак. Уларда нуқталар гуруҳи тасвирланган бўлиб, улар оралиги вертикал ва горизонтал бўйича — 1 см, нуқталар диаметри — 2 мм:



Бола 2-топшириқни бажариб бўлгач биринчи карточка ундан олиниб, ўрнига иккинчи (нуқта-лари бор) карточка шундай куйиладими, унда нуқ-талар орқали тасвирланган бешбурчакнинг ўткир бурчаги пастга қараган бўлиши керак.

Учинчи топшириққа куйидагича йўриқнома бе-рилади: "Бу ерда нуқталар чизилган. Худди шун-дай қилиб варақнинг пастки қисмига (қаергали-гини кўрсатинг) ўзинг чизишга ҳаракат қил".

Натижани баҳоланг

Ҳар бир топшириқ баллар билан баҳолана-ди:

1 — энг яхши баҳо, 5 — энг ёмон баҳо.

Беш баллик системада баҳолашнинг намуна-вий мезонлари расмларда кўрсатилган.

1-топшириқ (одам расми)



1 2 3 3 4 5

1 балл — чизилган фигурада бош, гавда ва қўл-оёқлар бўлиши лозим. Бошни гавдага боғловчи бўйин (у гавдадан кагта бўлмаслиги керак). Бош-да соч бўлиши (ёки дўши, теллақ), қулоқ бўлиши, юзда кўз, бурун, оғиз бўлиши керак. Қўл 5 та бармоқ билан. Эркак киши кийими белгилари.

2 балл — 1 баллга қўйилган талабларнинг барчаси.

Уч қисмининг тушиб қолиши мумкин: бўйин, соч, қўлнинг битта бармоғи, бироқ юздаги ҳеч бир аъзонинг тушиб қолиши мумкин эмас.

3 балл — расмдати фигурада бош, гавда, қўл-оёқлар бўлиши керак. Қўл ва оёқлар икки чизик билан чизилиши лозим. Бўйин, қулоқ, соч, қўл панжалари бўлмаслиги мумкин.

4 балл — оқдий бош расми қўл-оёқлар билан. Қўл ва оёқлар бир чизик билан тасвирланган.

5 балл — гавда ва қўл-оёқларнинг аниқ тасвири йўқ.

2-топшириқ (ёзилган матнни чизиш).

U osh yedi

1. *U osh yedi*

2. *U ash yedi*

3. *U osh yedi*

4. *U osh yedi*

5. *U osh yedi*

1 балл — бола томонидан чизилган иборани ўқиш мумкин. Ҳарфлар намунадагига нисбатан 2 баравар кагта. Ҳарфлар уч сўзни ҳосил этган. Қаторлар турри чизикдан 30° дан кўп олмаган.


2 балл — гапни ўқиш мумкин. Ҳарфлар катталиги намунага яқин, улар тиклиги шарт эмас.

3 балл — ҳарфлар камида икки гуруҳга бўлинган бўлиши лозим. Ҳеч бўлмаганда 4 та ҳарфни ўқиш мумкин.

4 балл — намунага ҳеч бўлмаганда 2 та ҳарф ўхшаши керак. Барча ҳарфлар гуруҳи ҳам ёзув кўринишига эга эмас.

5 балл — чизиклар аниқ тасвирланмаган, тупшунарсиз.

3-топшириқ (нуқталар гуруҳини чизиш).



1 балл — берилган намунага қараб аниқ ба-
жарилган. Нуқталар чизилган, айланалар эмас.
Горизонтал ва вертикал бўйига симметрия сақ-
ланган. Фигуралар қанчалик кичик бўлса ҳам май-
ли, бироқ қатга бўлса ярим баробардан ошмаган
бўлиши керак.

2 балл — симметрияда унчалик аҳамиятли
бўлмаган камчилик бўлиши мумкин: битта нуқта

тиккасига ёки энига қолганларидан чиқиб қолган
ёки нуқта ўрнига айлана чизилган бўлиши ҳам
мумкин.

3 балл — нуқталар гуруҳи намунага қўпол ра-
вишда ўхшаш. Барча фигураларда симметрия бу-
зилган бўлиши мумкин. Бешбурчакнинг ўхшаш,
учи пастга ёки тепага қараган шакли сақланган
бўлса. Нуқталар сони кўп ёки кам бўлиши мум-
кин (7 тадан кам эмас, 20 тадан кўп эмас).

4 балл — нуқталар тўп бўлиб жойлашган
бўлиб, улар ҳар қандай геометрик фигурани эс-
латиши мумкин. Нуқталар қатталиги ва сони
аҳамиятлан эмас. Бошқа тасвирлар, масалан, чи-
зиқ мумкин эмас.

5 балл — ноаниқ чизиклар.

Бажарилган алоҳида топшириқлар баллари йи-
ғиндиси текширишнинг умумий натижасини бел-
гилайди.

4 топшириқ (йигма фикрни текшириш).

Мақсад: боланинг фикрлаш амалиёти, маъниги,
луғат бойлиги ривожланганлиги даражаси ва бо-
шқаларни аниқлаш.

- Қайси ҳайвон қатга: отми ёки ит.
а) от — 0 балл
б) ит — (-5) балл
- Эрталаб биз нонушта қиламиз, кун ярмида
(ёки тунда...)
а) тушлик қиламиз... биз ош, гўшт ёки нима-
дир еймиз — 0.
б) пешинлик, кечки овқат еймиз, ухлаймиз ва
бошқ. — (-3).
- Кундузи ёруғ, кечаси...
а) қоронғу — 0.
б) потўғри жавоб — (-4).

4. Осмон кўм-кўк, ўт...
 а) яшил — 0.
 б) нотўғри жавоб — (-1).
5. Гилос, нок, олхўри, олма — булар нима?
 а) мевалар — 1.
 б) нотўғри жавоб — (-1).
6. Нега поезд ўтмасдан туриб, унинг йўли ёнига шлагбаум тўсилади?
 а) поездининг тагига ҳеч ким тушиб кетмаслиги, фалокат юз бермаслиги учун — 0.
 б) нотўғри жавоб — (-1)
7. Тошкент, Самарқанд, Чирчиқ (таниш шаҳарлар айтилади) нима улар?
 а) шаҳарлар — 1.
 б) бекатлар — 0.
 в) Нотўғри жавоб — (-1).
8. Соат неча (соатдан тўғри келган соатнинг 18, 15, 19, 55, 11, 5 минутларини кўрсатинг)? Бола соатни ўзи белгиласин.
 а) агар барча жавоблар тўғри бўлса — 4.
 б) агар билмаса — 0.
 в) Агар бир мартагинаси тўғри бўлса — 3.
9. Кичик сигир — бу бузоқча, кичик ит — бу... кичик қўй — бу...
 а) кучуквачча, кўзичоқ — 4.
 б) иккаласидан биттаси — 0.
 в) Нотўғри жавоб — (-1).
10. Ит кўпроқ мушукка ўхшайдими ёки товуққа?
 а) мушукка (нимаси билан улар бир хил), чунки унда ҳам тўрт оёқ, жун, тирноқ бор (ҳеч бўлма-са битта ўхшаш жойини айтса — 0).
 б) ўхшаш белгиларисиз айтса — (-1).
 в) агар товуққа деса — (-3).
11. Нега барча автомобилларда тормоз бор?

- а) тоғдан тушаётганда, бурилишда уни секин-лантиш учун (иккита сабаб) — 1.
 б) битта сабаб — 0.
 в) нотўғри жавоб — (-1).
12. Болга билан болта нимаси билан бир-бирига ўхшайди?
 а) агар иккита умумий белгиси (тахта, темир, миҳ қоқиш мумкин, асбоблар, орқа томони ясси) айтилса — 3.
 б) агар битта белгиси айтилса — 2.
 в) нотўғри жавоб — 0.
13. Олмахон билан мушук нимаси билан бир-бирига ўхшайди?
 а) агар иккаласининг ҳам икки умумий белгиси (оёғи, жуни, дарахтга чиқиб юриши каби) айтилса — 3.
 б) агар битта ўхшаш жиҳати айтилса — 2.
 в) нотўғри жавоб — 0.
14. Миҳ нимаси билан винтдан фарқ қилади? Агар столда, сенинг ёнингда иккаласи ҳам ётган бўлса сен уларни қандай биласан?
 а) резъбасидан (боланинг тушунтириши) — 3.
 б) винт буралади, миҳ қоқилади, винтда гайка, миҳда эса қалпоқча бор — 2.
 в) нотўғри жавоб — 0.
15. Футбол, сувга сакраш, теннис, сузиш, гимнастика — бу нималар?
 а) спорт, жисмоний маданият — 3.
 б) ўйинлар, машқлар, мусобақалар — 2.
 в) нотўғри жавоб — 0.
16. Сен қандай транспорт воситаларини биласан? Агар "у нима" деб сўрашса "Бу миниб ҳаракатлантириладиган нарсалар" деб жавоб қайтариш керак.
 а) агар ерда юрадиган 3 та транспортни ва самолёт, кемани айтса — 4.

Учинчи даража 0 дан + 13 гача — ўрта (меъё-ёр).

Тўртинчи даража (-1) дан (-10) гача — паст.

Бешинчи даража (-11) ва ундан паст — жуда ёмон.

3. Ўқув топширигини қабул қилиш, ўқув амалиётини бажариш, яъни ихтиёрий (эркин) эътибор ривожланганлиги даражасини аниқлаш учун Л.А.-Венгер методикаси бўйича ташхис ўтказиш.

"График диктант" Йўриқнома:

— Катакли дафтар варағидан олиш ва болага чиройли нақшлар чизишни ўргатишни таклиф этиш.

— Мен сенга чизиқни қандай тортишни айтаман, сен мен айтгандай қилиб чиз.

— Сен ўнг қўлинг қаердалигини эслайсанми? Тўғри, бу ўша қалам ушлаб турган қўлинг. Қани уни ёнга чўзчи. Қаерни у кўрсатиб турибди (эшикни ва бошқ.)

— Демак, мен қачон чизиқни ўнг томонга тортишлар десам сен эшик томонга қаратиб чизиқ чизасан.

— Чап қўлинг қаерни кўрсатяпти? (даразани ёки бошқ.)

— Тўғри. Мен қачон чап томонга, десам сен чизиқни дараза томонга тортасан.

— Мен фақат қайси томонга чизиқни чизишни айтмай, балки унинг узунлиги қанча яъни, бир катак ёки икки катак бўлишини ҳам айтаман.

— Фақат мен айтган нарсани чизинглар. Чизиқ торгаётганинда тўхтаб, кутиб тур, қачон мен янги

чиқиқни қандай чизишни айтганимдан сўнг олдингиси тўхтаган жойдан бошлаш керак.

Болага нақшни қаердан бошлаб чизишни кўрсатиш (варақнинг устки чап бурчагидан, чеккасидан бироз жой ташлаб) ва айтиб туриш керак:

битта катакча юқорига. Битта катакча ўннга. Битта катакча пастта. Битта катакча ўннга. Битта катакча юқорига. Битта катакча ўннга. Битта катакча пастта. Битта катакча ўннга. Битта катакча юқорига. Энди ўзинг хуади чизганингга ўхшатиб чизишни давом эттир.

"Диктант" тўғри бажарилган ҳолда қуйидаги нақш ҳосил бўлиши керак:



Агар бола хатога йўл қўйса, тузатинг: бу нақш машқ учун эди. Бола уни чиза туриб йўриқнома-ни тушуниши керак. Муस्ताқил чизишни давом эттираётганда уни охиригача етказиш зарур.

Нақш охирига етгач, болага навбатдаги нақшни қаердан бошлаш кераклигини кўрсатинг ва айтиб туринг:

—Икки катак юқорига. Бир катак ўннга. Бир катак юқорига. Икки катак чашга. Икки катак пастта. Бир катак ўннга. Икки катак ўннга. Икки катак юқорига. Битта ўннга. Бир катак юқорига. Иккита ўннга. Битта пастта. Битта катак ўннга. Иккита пастта. Нақшни чизишни ўзинг давом эттир.



Энди чизиш жараёнида ҳеч қандай кўшимча кўрсатмалар берилмайди ва хатолар тузатилмайди.

Нақш қаторнинг охиригача тўлиқ чизиб бўлингач, қуйидагиларни айтиб туришни бошланг.

—Икки катак тепага, икки катак ўннга, бир катак пастта, бир катак чашга ("чашга" сўзини овозда алоҳида таъкидлаш керак). Бир катак пастта. Икки катак чашга. Икки катак тепага. Икки катак ўннга. Бир катак пастта. Бир катак чашга. Бир катак пастта. Чизишни ўзинг давом эттир:



Ва, ниҳоят охириги нақш:

—Икки катак тепага. Бир катак чашга. Икки катак тепага. Бир катак ўннга. Бир катак пастта. Икки катак ўннга. Бир катак пастта. Бир катак чашга. Икки катак пастта. Уч катак ўннга. Икки катак тепага. Бир катак чашга. Икки катак тепага. Бир катак ўннга. Бир катак пастта. Икки катак ўннга. Бир катак пастта. Бир катак чашга. Икки катак пастта. Чизишни ўзинг давом эттир:



Ҳар бир нақшнинг (машқ учун берилганларидан ташқари) бажарилиш даражаси

Нақшнинг айтиб турилгандагиси ҳамда бола томонидан муस्ताқил давом эттирилиб бажарилгани алоҳида-алоҳида баҳоланади. Энг юқори даража, бу — нақшнинг хатосиз чизилиши. Уни 4 балл билан баҳолаш керак. Агар 2-3 та хатоси бўлса 3 балл қўйилади. Кўп хатолари бўлса 2 балл. Агар тўғри чизилган қисмлардан, хато чизилган қисмлар кўп бўлса, бу ҳолда 1 балл берилади. Ва, ниҳоят

ят агар бирорта ҳам тўғри чизилган қисм бўлма-са 0 балл қўйилади.

Бола нақшни айтиб турилганда бажариб 0 дан (агар бутунлай нотўғри бўлса), 12 балгача (агар уч асосий нақш хатгосиз бажарилган бўлса) умумий балл йиғиши мумкин.

Ташхиснинг айнан ушбу усулини танлашимизнинг боиси — унда боланинг ақлий ривожланишининг барча шакллари қамраб олинади: билиш жараёни (солиштириш кўникмаси, умумлаштириш, таҳлил қилиш, мустақил хулосалар чиқариш ва бошқ.), образли фикрлаш, боланинг манتيқий имкониятлари унинг қанчалик ақлий ривожланганлигига холис баҳо беради. "График диктант" боланинг ўқув топшириқни қандай қабул қилишини, ўқув ҳаракатларини қандай бажара олишини аниқлаштиради.

III. Боланинг ўқув фаолиятига илк замин ва кўникмаларни эгаллаганлиги даражасини аниқлаш учун Ж.Сайдназарова томонидан тайёрланган саволлар жамламаси тавсия этилади.

1. Боланинг мактаб ҳақидаги тасавурлари-ни аниқлаш учун саволнома (мотивацион тайёргарлик).

Мақсад: Ушбу саволнома шахсининг белгиси сифатида унда масъулият ҳисси қанчалик шаклланганлиги даражасини, боланинг мактаб вазифасини қанчалик тушуниб етганлигини ва унинг мактабга муносабатини аниқлайди.

1. Сен мактаб-мактаб ўйнашни яхши кўрасанми? (боланинг мактабга муносабати ва унда ўқишга хоҳиши).

2. Бу ўйинда сен ким бўлишни хоҳлайсан: ўқитувчим, ўқувчи? (савол билим манбаи сифа-

тида ўқитувчи бўлиш истаги сабабини ва билим олишга интилиш сифатида ўқувчи бўлиш истаги сабабини аниқлайди).

3. Ўқиш — бу қийинми ёки осон? Нима учун? (савол болалардаги таълим олиш жараёни — бу кўп меҳнат қилиши лозим бўлган жараён деган тушунчага ойдinлик киритади).

4. Катта бўлганимда, сен ўқитувчи бўлишни хоҳлайсанми? (ўқитувчи бўлиш ёки бўлмаслик хоҳишининг асосли тушуниб етилиши, ўқитувчи касбига унинг муносабати).

5. Сен мактабга бора бошласанг, попканга нималарни жойлаб борасан? (санаб ўтган нарсалардан унинг билими ва мактабда нималар билан шуғулланиши ҳақидаги тасавурларини аниқлаш мумкин).

6. Мактабингга сен сеvimли ўйинчоғингни олиб борасанми? Уни қачон ўйнайсан? (савол болаларнинг мактаб тартиб тизими, мактабда танаффуслар бўлиши ҳақидаги тасавурларини аниқлайди).

7. Нега айрим болалар мактабда ёмон ўқишади? (болаларда масъулият ҳиссининг шаклланганлиги, иродавий тайёргарлиги даражасини ойдinлаштиради).

8. Мактабда ўқиш болалар учун нега керак? (савол боланинг билим олишга бўлган интилишини аниқлайди).

9. Агар сенга ўқитувчинг "2" қўйса, сен хафа бўласанми? Нега? (салбий баҳога бола муносабатининг асоси).

10. Мактабда сен қандай баҳолар олишга ҳаракат қиласан? Буниг учун нима қилиш керак? (боланинг ижобий ва салбий баҳолар ҳақида билиши).

2. Математика бўйича илк тасаввурларини аниқлаш учун саволнома.

Мақсад: Бола тафаккури ривожланганлиги даражасини, машғулотларда олган билимларини амалиётда қўлай олишини аниқлайди.

1. Қара, атрофимиздаги квадрат шаклдаги ва тўғри бурчак шаклдаги нарсаларни айт?
2. Квадрат тўғри тўртбурчакдан нимаси билан фарқ қилади?
3. Квадратни тенг иккига бўл, ундан иккита тўғри бурчак ҳосил бўлсин.
4. Тўғри бурчакни бўл, ундан 2 та квадрат ҳосил бўлсин.
5. Квадрат айланадан нимаси билан фарқ қилади?
6. Чап қулоғингни ўнг қўлинг билан кўрсат.
7. Менинг чап қўлимни кўрсат.
8. Шкаф қаерда (чапда, ўнгда) турибди?
9. 8 сонидан кейин қандай сон келади?
10. 5 сони қаттами 6 сони? Неча марта қатта?
11. 2 сони кичикми 3? Неча марта?
12. 10 ва 2 сонлари иштирокида айририш амалини бажариш учун топириқ шартини туз.
13. Темур стакандаги сутнинг ярминини ичди, Барчиной тўлиқ. Қим қўп ичди?
14. Қандай қилиб 5 ни ҳар хил қилиб ҳосил қилиш мумкин?
15. Баланда ва паст дарахтни чиз.
16. Хонамиз энини қадамнинг билан ўлча.

3. Бола нутқи ривожланганлигини аниқлаш (саводхонликка ўргатиш).

Мақсад: Болаларнинг товушлар, сўзлар ва сўз бирикмалари ҳақидаги билим ва тасаввурларини,

умарнинг сўзларни бўғинларга ажратиш ҳамда берилган сўزلардан гап тузишни билишини аниқлаш.

1. "Чиройли стол" сўзи иштирокида гап туз.
2. "Ручка" сўзи билан сўз бирикмаси ўйла.
3. Копток ҳақида имкон қадар кўп сўз айт.
4. "Болалар мактабга келишди. Улар синфхонада ўтиришибди. Дарс бошланди. Бир ўқувчини доскага чиқаришди". Бу ҳикояда нечта гап бор (ҳар бир гапни учбурчак билан белгиланг. Қанча учбурчак бўлса, демак шунча гап бўлади).
5. "Машина", "ошхона" сўзларини бўғинлаб айт.
6. "Баҳор келди" сўз бирикмасидан гап туз.
7. Сўз нимадан ташкил тошган?
8. Гап нимадан ташкил тошган?
9. Хонадаги "О" товуши бор нарсаларни айт (бошқа товушларни ҳам айтиш мумкин).

Саволларга жавобларни баҳолаш мезонлари (Ж.Саидназарова).

1. Агар бола саволларга тўлиқ жавоб берса — бу 100 % ҳисобланиб, + белгиси билан белгилаб қўйилади.
 2. Агар бола саволларнинг ярмига жавоб берса — бу 50 % ҳисобланиб Х белгиси билан қайд этилади.
 3. Агар бола саволларнинг ярмидан озроғига жавоб берса — бу 25 % ҳисобланиб / белгиси билан қайд этилади.
 4. Агар бола ҳар бир тестнинг 2-3 саволига жавоб берган бўлса бу кўрсаткич меъёрдан паст ҳисобланиб, — белгиси билан қайд этилади.
- Болада ўқув фаолиятига тайёргарликнинг илк

замини шакланганлигини (умумлаштириш, уйр-улаштириш, солиштириш, ажратиш, хулоса чиқариш ва бошқ. билиш) аниқлаш учун юқорида кўрсатилган ташхислашнинг асосий шакларидаги топириқлар кўзда тутилган эди.

Ўтказилган ташхислаш суҳбати, Керн Ирассек методи бўйича тўрт топириқ, шунингдек А.А.Венгер методикаси бўйича "График диктант" ва Ж.Сайдназарованинг ўқув фаолияти кўникмаларини шакллантириш бўйича саволлар жамламаси натижаларининг мактаб тайёргарлигининг солиштирилиши ва тахлили боланинг шахсий-руҳий, ақлий ва махсус тайёргарлик даражаларини ҳолис белгилаш имконини беради, ривожланишдаги қусурларни аниқлайди, бола шахси ривожининг турли томонларини (қобилияти, иқтидори ёки қолақлиги) текшириш (зарур бўлганда) йўллари-ни кўрсатиб беради.

Шу мақсадда ташхислашнинг қўшимча шакллари-ни ҳавола этамиз.

Қандай текшириш керак:

1. Кўриб, ёдла сақлаш.

Болага бир минут давомида 7-10 та бир-бирига боғлиқ бўлмаган нарсаларнинг, масалан, копток, дарахт, автобус, туя, олма, қўлақон, китоб, пёла, зонтик, капалак расми кўрсатилади. Сўнгра улар тескари ағдарилиб қўйилади, боладан кўрган нарсалари айтиб бериш сўралади.

Агар бола бир минут давомида хоҳлаган тартибда кўрган нарсаларидан 5, 7 ёки 10 тасини айтса, демак бу энг яхши натижа.

2. Эшитиб ёдла сақлаш.

Болага 2-3 секунда оралатиб 7-10 та, бир-бирига боғлиқ бўлмаган нарсалар номини айтинг ва ундан эслаб қолганларини такрорлашни сўраинг.

Услубияти худди кўриб, ёдла сақлашнинг текширувидагидек бўлади.

3. Мазмунни ёдла сақлаш.

Болага маълум бир мазмундаги ҳикоя (1-2 марта) айтиб ёки ўқиб берилади. Сўнгра боладан унда нима ҳақида гапириётганлигини айтиб бериш сўралади. Агар бола ҳикояни сўзма-сўз айтса, демак унда эшитиб ёдла сақлаш ривожланган, агар у ҳикояни ўз сўзлари билан айтиб, шу ўринда ҳикоядаги асосий нарсани ажратса, унинг мазмунни етказа билса, демак унда мазмунини ёдла сақлаш ривожланган.

4. Болангизнинг тасавури ва ижодий фикрлаши ривожланганлигини билишни истайсизми? Бунда Сизга Роршах методикаси бўйича ташхислаш ёрдам беради.

Бу методикани шведаризлик олим, доктор Роршах ишлаб чиққанлиги учун унинг номи билан аталади. Болага қоғозга симметрик тарзда 10 та сиёҳ чапанмаси (томчиси) ҳавола этилади. Текширувдан ўтаётган бола ҳар бир доғга қараб, худди мусаффо ёз осмонда сузиб юрган булутларнинг гоҳо кемага, гоҳо учиб бораётган чавандозга ўхшаб кетишдек, уларнинг нимани эслаётганлигини, уларда нимани кўраётганлигини айтиб беришлари керак. Бола қараётганда вақтни чеклаш тавсия этилмайди. Жавобларни изохлаш, аниқлаш жуда мураккаб ва мутахассис-психологлар томонидан тўлиқ амалга оширилган бўлиши мумкин. Бироқ нафақат мутахассислар, балки ота-оналар ҳам боласида кўп нарсани кўриши ва билиши мумкин.

Мана бир неча мисоллар:

— агар 6-7 ёшли бола ўзига таклиф этилган

сиёҳ чапланмасидан бирон марта ҳам одамга ўхшаган шаклни учратмаган бўлса, Роршах тести асосида бу болада ривожланиш тўхтаб, унинг ён-атрофидаги кишилар билан муносабати жуда-жуда оғир юзага келган, деб хулоса чиқариш мумкин эмасми?

— агар шу ёшдаги бола айнан ўша доғларда турли хил тузиламаларни кўрса, демак, у ўзида хиссиёт шаклининг, кенг кўламли ўйлашнинг ривожланганлигини намоён этиб, рангларни қизиқарли қилиб изоҳлайди, талқин этади. Унинг жовобларида одатийлик билан ўзига хослик ўртасида муносабат меъёрда. Бу ҳол бола жуда ақлли, руҳий вазмин, ўз салоҳиятидан енгил ва эркин фойдалана билади, деган хулоса чиқариш ناхот-ки ҳақиқий бўлмаса.

— агар бола доғларда ҳеч нарсани кўролмаса, демак, гап унинг фикрлаши, асосан тасавури паст даражадалигига бориб тақалади.

5. Бўлажак биринчи синф ўқувчиларининг оғзаки-манتيқий фикрлашини текшириб кўриши куйидаги топшириқлар ёрдамида ўтказиш мумкин:

Бунинг учун:

Қандай сўз тўғри келади?

— қиш ойи... (сентябрь, октябрь, февраль, ноябрь, март);

— бир йилда... (24 ой, 3, 12, 4, 7);

— ота ўз ўғлидан... (катта, кичик, тенг);

— йўловчилар транспортти... (комбайн, юк машинаси, автобус, тепловоз).

Ортиқча сўзни айтинг:

— атиргул, лола, шаҳар, бойчечак, райхон;

— дарё, кўл, кўприк, ҳовуз;

— кўйрочоқ, сакрагич, қум, копток, лево;
— стол, гилам, кресло, кроват, стула;
— терак, қайин, аргувон дарахти, атиргул, тоғ тераги;

— товук, хўроз, бургут, курка;
— айлана, учбурчак, тўртбурчак, кўрсаткич, квадрат;

— Санжар, Искандар, Хусан, Мавлула, Бурхон;

— соң, бўлима, кўшилма, айриш, кўпайтириш;
— қувноқ, тез, ғамгин, ширин, эҳтиёткор.

Тўғри айт (оғзаки-мантиқий фикрлаш даражаси бир-бирига ўхшаш нарсаларни чиқара билиш). Масалан, "чиннигул" сўзига хулми "бодиринг"га "сабзавот" қандай тўғри келганидек мос сўз топишни танлаб олиш керак.

1. Бодиринг (сабзавот) — Чиннигул (бегона ўт, шударинг, боғча, гул, ер)

2. Полиз (сабзи) — Боғ (девор, кўзиқорин, олма, қулаук, ўтиргич).

3. Соат (вақт) — Градусник (ойна, катта, криват, ҳарорат, шифокор).

4. Машина (мотор) — Қайиқ (денгиз, маёқ, елкашай кема, тўлқин, қуруқлик).

5. Стол (котиба) — Пол (дарё, гилам, чанг, тахталар, миҳ).

Уларни умумлаштириб қандай сўз билан айтиш мумкин?

— ола буғи, товон балиқ...;

— бодиринг, помидор...;

— шаф, диван...;

— июнь, июль...;

— фил, чумоли...;

6. Кўрсат, расмда қаерда айлана квадрат ос-

3- ва 5-квадрат оралигидаги квадрат ичида нечта айлана бор? X билан белгиланг.

13. Бешинчи ўриндаги нарсани айлана ичига ол.



14. Бир хил миқдорда оммалар бўлган товоқларни бир-бири билан боғла.



15. Топшириқни ечинг:

Лобарда учта шар бор эди. Биттаси ёрилди. Қанча шар қолди? Чиз.



16. Қуёнчаларнинг қўли нечта? Топшириқни еч.



17. Учта сичқоннинг нечта қулоғи бор? Топшириқнинг ечимини ёзамиз.



18. Сонни квадрат билан (қайси бирида шунча нарсанинг расми бўлса) бирлаштир.


10 1 4 8 2 6 3 9 7 5.




19. Етишмаётган шакл (чиз).



20. Учбурчакка қуйида чизилган нарсалардан битта кам бўлган миқдорда айланалар чиз.



21. Гулгуваклардан олтига гули борини айланага ол.



22. Болалардаги тасвирлаш фаолияти бўйича билим, кўникма ва малакасини текшириш учун топириқ.

— Айттиңчи, қанча рангни биласан (20 та ранг ва тус).

— Болаларнинг совуқ ва илиқ рангларни, куз, баҳор, ёз ва қишнинг ўзинга хос рангларини биланган, аниқ ажратадиганларини аниқлаш.

— Тўқ қизил, жигарранг, яшил ва кўм-кўк рангли суратларни топинг.

— Қалам, бўёқ(акварель, гуаш), фломастер, бармоқ, кафтда чашланиб чизилган суратларни кўрсатинг.

— Расмларни (расмлар аралашиб ётибди) қуйидаги тартибда жойлаштир: портрет, пейзаж, натюрморт.

— Фотосуратлардан кичик шаклдаги ҳайкалчаларни,(лойдан ясалган ўйинчоқлар) монументаль ҳайкал (ёдгорлик) қаррамлигини кўрсат.

— Шахримиздаги ёки қишлоғимиздаги майдон ва ёдгорликларни айтиб бер.

— Қайси рассом ва безакчи рассомларни биласан (Ташсиқбоев, Камолуддин Бехзод, Абдуллаев, М.Набиев, Решин, Айвазов).

— Одамни, ҳайвонни ҳаракатда ҳамда ер усти ҳамда ер ости, ҳаво, сув, космик транспорт расмини чиз.

— Бутун бўлақдан кучукча яса.

— Қоғоздан дўппи, кема, стакан кабиларни яса.

— Паше-маше(қоғоздан бирор бир буюм яшашпиёла, лаган ва х.) усули билан қандай қилиб пиёла яшашни айтиб бер.

— Тўғри бурчак ва квадратдан қайчи ёрдамида бошқа геометрик шакллар қилинг (квадрат - айлана, тўртбурчак - овал).

— Фотосурат ёки чизмалардан метро, эртаклар саройини кўр.

— Гугурт кутисидан клей ёрдамида машина, уй яса.

23. Одам расмини чиз.

Кекса кишини Болани, ўғил ёки қиз бола



24. Одам расмини чиз.

У чопаётгани



У ўтирибди



25. Мажнунтол, терак ва арча расмини чиз.



26. Рангларни бўяб чиқ, қандай ранг пайдо бўлади?

Сариқ + кўк =
 қизил + кўк =
 сариқ + қизил =
 қизил + оқ =

27. Чиз

Натюрморт



Портрет



Пейзаж



28.



Сана, нечта квадрат (4)

Сана, нечта тўртбурчак (3)

29.



Сана, қанча учбурчак (5)

Айлана қанча (5)

30. Тасвирлаш фаолиятида ўзини намоён этиш ва унга муносабати.

Болалар расмига қараймиз.. Айримлар ўйлай-дики, булар ҳеч нарсани англамайди, шунчаки чизилган биринчи маҳсулот фаолияти. Бироқ бу фаолият бошқалардан кўра кўпроқ болани намоён қилади, унинг атроф-оламга муносабатининг кўллаб жиҳатларини очиб беради. Мисолларда қараб кўрамиз:

1. Олти ёшли болага "Менинг оилам" мавзусида расм чизишни таклиф қилинг:

— жон-жон деб ишга киришди — ўзи яшай-диган уйини севади;

— оиласини чизишдан бош торгди — бу нохуш хотиралар билан боғлиқ;

— кимни биринчи бўлиб чизса — бола учун азиз инсон;

— ўзини йирик қилиб чизса уйда унга кўпроқ аҳамият беришади, кагталар диққат марказида;

— акси бўлса — оиладаги аҳамиятсизлигини кўрсатади;

— қатта она ва кичик ота — оилада руҳий мувофиқлик бузилган. Она аҳамиятли;

— барча фигуралар жуда кичик бўлса — болада зикқлик, эзилганлик, ташвишлилик ҳолатлари мавжуд;

— жинсий алоҳидалик ҳисобга олинмай чизилса — жинсий тарбиянинг тўхтаб қолганлиги;

— оёғи қатта бўлса — оилада жойи борлиги белгиси, оёғи кичик бўлса — оилада тутумнинг ноқатъийлигидан дарак;

— бошига чизиқчалар тортилган, гўёки бизга орқасиши ўтириб тургандек бўлса — ўзига кетди;

— ёпиқ юз — бола оилада бўлишни хохламайди;

— оғзи, лаби қатта ва ёрқин бўлса — сержаҳалилик белгиси;

— қиз бола ўзини киприқларига чизса — унга бировга ёқиш ёқади, қатта эҳтирос кучи бор;

— тўхтаб-тўхтаб чизганда ёки чизган тасвирни образининг устидан чизиб ташлашса — бу киши оламида кўркув ҳиссини тутаётганлиги;

— барча оила аъзолари алоҳида бўлакларда чизилса — оилада дўстлик йўқ, кўпчилик бегоналашиб кетганлиги;

- телевизор ва гиламлар ҳам чизилган бўлса
- уларга бола хайрихоҳ,
- ёритқич ускуналарини, куёшни чизса — оилада иссиқлик йўқлигини бошидан кечиряпти;
- оила ўрнига одадий уйни чизса — унга зўрлаш манбан сифатида қараб, боргиси келмаётганли- тидан дарак;
- Расмда кўгирчоқ ёки кучукчанинг расми бўлса — оилада илиқлик етишмайди. Бола ҳай- вонлар ва ўйинчоқлар билан муомала қилишга интилади;
- кўпгина майда нарсалар — яқинлар билан муносабат етарли эмас;
- кўп қора чизиқлар — ташвишланишни бош- дан кечирмоқда;
- рангли қаламларни ишлатишдан бош тортса — ташвишли ва ўзини паст баҳолайди;
- бола ўзини ўртага чизса — демак ўзини энг аҳамиятли, агар қоғоз пастига чизса — энг қарам деб ҳисоблайди.

ЎГИЛ БОЛА — ҚИЗ БОЛА

Муаммо: Эҳтимол бугун оилада, болалар боғ- чалари-ю бошланғич синфларда болаларни жинс- га ажратмасдан тарбиялаш усулига барҳам бериш- дан ҳам муҳимроқ масала бўлмаса керак. Оила- ларда: "Сен қиз боласан, озода бўл", "Ўғил бола бўлатуриб йилгайсан" деган гапларни кўп эшитиш мумкин. Болаларнинг жинсини ҳисобга олган ҳолда тарбиялашда шу билан чекланилади, холос. Бунинг устига болалар боғчалари ва мактабларда тез-тез янграб турувчи, ҳеч бир жинсни аниқламайдиган мурожаат усули мавжуд: "Болалар!" Биринчи кун- дан ҳозиргача шундай. Ташқи кўринишдан ўғил ва қизлар кийиниши-ю сочи-ю хулқи билан кўпин- ча ажралиб турадилар. Аммо бугунги кунда, тор- тинчоқ, мулойим, меҳрибон қизлар йўқолиб, ўғил болаларнинг кўпол, йиғлоқилари пайдо бўлмоқда. Бунда бир-иккига истисно ҳолат ҳақида эмас, аг- рофимиздаги типик ҳолат ҳақида гап кетаяпти.

Кизи жинсига мос бўлмаган хулқ-атвордаги бундай ўхшашлик келажакда оилаларнинг бузи- либ кетишига олиб келади. Қизалоқлар, бўйи ет- ган қизлар, аёллар — дағаллашган, кучли, шу би- лан бирга хонадонга бекалик қилиш қўлдан кел- майдиган бир тараф, болакай, ўсмир, эркак — ўз кучига ишонмайдиган, ожиз, оиласи учун ҳар қан- дай қийинчиликка қарши туриб бера олмайди- ганлар бир тараф. Оилавий муносабатлардаги бу номутаносибликлар келажакда ҳам давом этар- микин? Турли халқларнинг юзлаб йиллик тари- хида синовдан ўтган, айримлар баддий асарлар-

да тасвирланганидек аёл ва эркак тарбиясига алоҳида, ўзига хос тарзда ёндашиш усулига ўтиш керак, шекилми. Мисол учун қадимдан эркакларда куйидаги сифатлар тарбиялаб келинган:

- мардлик, жасурлик, ҳақиқат учун курашиш, ўз ола ватанини севиш, ҳимоя қилиш;
- кучли бўлиш, оғриққа чидаш, қўрқувга берилмаслик;
- сиқолик, бир сўзлик, вазминлик;
- бошқалар учун ўзини фидо қилиш;
- муруватли бўлиш, сахийлик.

Илгари ота-оналаримиз ўз ўғилларини тарбиялаш, хунарли бўлишлари учун шогирдликка берар эдилар. Фарзанд балоят ёшига етгунга қадар, у бирор хунар эгаси бўлиш(нонвойлик, этиқдўстлик, кулмчилик, таңчилик, Ауроғарлик ва ҳ.) келажакда ҳақиқий ўзбек ўғлони бўлиб тарбия топишига катта эътибор берганлар. Шундан келиб чиқиб «Устоз — отангдан улғ» нақли кундалик ҳаётимизда ишлатиб келинмоқда.

Қизларни эса келажакда уларнинг гамхўр она, ақли ва меҳрибон умр йўлдош, эли бека бўлишида асқотувчи сифатлар билан тарбиялар эдилар. Бундан ташқари бўлғуси оналарда ҳимоя ва иззат-хурматни талаб қилувчи мулойимлик сифатини ҳам тарбиялаганлар. Масалан, Англияда оилада қиз бола туғилиши билан оталар унга бўлғуси хоним(ледн)га қараган каби муносабатда бўлганлар.

Турли хил қарашларга қарамай турмушда "эркакларнинг иши", "аёлларнинг юмуши" деган туншунчалар мавжуд ва бизнингча ҳам шундай бўлиб қолиши керак. Аёллар эркакларнинг оғир юмушларини бажара олмайдилар ва бажараман

деб уриниб ўтирмасинлар. Эркаклар эса барча юмушларни қила олишлари, дейлик зарур ҳолларда касал аёлига дам бериб, овқат пиширишни, кир ювишни билишлари лозим. Ҳар бир қиз бола аёлларга хос юмушлар: тикиш-бичиш, ямоқ солиш, кашта тикиш, дастурхон тузаш малакасига эга бўлиши керак. Шубҳасиз, кашта тикиш, тўқиш, хонадоннинг бадий безаги билан машғул бўлиш қалбни нафис, нозик қилади, аёллик латофатини тарбиялайди.

Мактабгача тарбия ёшидаги икки хил жинсларга мансуб болалар тарбияси жараёнига бу ўзига хос, фарқли ёндашушни қайтариш учун нима-лар қилмоғимиз лозим?

Муаммонинг ечими: Ечимни илк қадамдан, яъни ўғил ва қизларнинг тетапоя давридан бошлашни тавсия қиламиз. Бунда, албатта, нозик жинс вакиллари — аёлларнинг қадам ташлашларига кўпроқ эътибор берамиз. Ёзилмаган қонун бор: нафис қадам ташлаб юрувчи аёл, унчалик чиройли бўлма-са-да, ҳар доим эътиборни жалб қилади. Ёки аксинча. Эркакчасига қадам ташлаб ёҳуд қадамини эгиб юрувчи аёл ҳар қанча гўзал бўлмасин, аёллик латофати, жозибасини йўқотади. Бугунги ҳаёт қиз болаларни кўполароқ (бесунақай), қатъийроқ қилиб қўйди. Зиммамизда эса уларни тетапоя давриданок ўз жинсига мос нафис қадам ташлаб юришига ўргатиш маъсулиятни мавжуд. Қизалок ярим ёш, бир яшар, икки яшар бўлганида унинг оёғи яссилигини, илк қадамларини қандай ташлашини кузатмоқ керак. Қандайдир муаммо туғилганда шифокор ва массажист сизга ёрдамга келади. У уч ёшга тулгандан бошлаб эса биз сиз билан унинг қадди-қомати ва қадам ташлашини

мунгазам кузатиб боришимиз лозим. Нафис қадам ташлаб юриш киши руҳиятига, ўзига нисбатан ишончига, шу билан бирга ҳаётда муваффақият қозонишига сезиларли равишда таъсир қилади. Қиз бола юраётганда қуйидаги қоидаларга амал қилишни маслаҳат берамиз:

1. Товуш чиқармай оҳиста, аммо таранг торти-либ юриш.
2. Товонни тўғри чизик бўйлаб ташлаш.
3. Юрганда қўлни силтамаслик (тавданнинг юқори қисми ва елкани ҳаракатлантириш ло-зим).
4. Қадамни ҳаддан ташқари қисқа қилмаслик ёки аксинча лайлаққадам ташламаслик.
5. Қадам ташлаш билан бир вақтда сонни ол-динга ҳаракатлантириш (гўёки улар кўринмас ип билан боғланган у ва у ип уларни олдига қараб тортаётган каби тасаввур уйғонсин), тиззаларни тўғирламоқ.
6. Юрганда тиззалар мудом эгилган ҳолда бўлмасин.
7. Иложи борича равон, сипо, латофатли юришга ҳаракат қилинг.

8. Қандай юришингизни текшириб кўришнинг ажойиб усули бошингизга папка қўйиб (момола-рингизнинг тугунни бемалол бошида қўли билан ушламасдан олиб юришини эсланг) юриб кўриш-дир.

9. Зинада юриш қадади-қоматни одатдагидан кўра кўпроқ назорат қилишни талаб этади. Зина-да юраётганда кўкрак қафасини олдига эгиш-дан сақланиш лозим. Олдига эгилиб юриш тос суяги орта туртиб чиққан каби таассурот уйғо-тади. Юрганда гавда тик ҳолда тутилмоғи керак.

10. Ҳар бир қадам оёқ учидан бошланиб, оёқ тиззасининг тўғрилануви билан тугайди. Зинапоя панжараси бу ерда руҳий фактор ролини ўйнай-ди, холос. Шерингизнинг қўлидан тутган каби улардан ушласангиз ҳам, уларга бор овирлигин-гизни ташламаганингиз маъқул.

Энди, қандай туриш керак, шу ҳақда гаплаша-миз. Чунки одамнинг туришига қараб, унинг тар-бияси, хулқ-атвори, бирга турган одамга муноса-бати ва бошқа кўпгина жиҳатлар ҳақида фикр юритадилар.

Қандай туриш керак?

1. Бошни бироз кўтариб, иякни бироз тушириб (бўйни узунлаш учун).
2. Елка ва қўлларни эркин тушириб.
3. Елка қолқоқларини бир-бирига яқинлашти-риб, уларни озроқ пастга тушириб.
4. Кўкрак қафасини (пастки қовурғани) били-нар-билинимас олдига чиқаринг, у товонингизга тўғри келсин.
5. Қоринни ичга тортиб, эркин нафас олинг.
6. Сон ва бодирни олдига тутинг.
7. Товон бироз ташқарига йўналтириб босила-ди.

8. Овирлик бир оёққа ташланиб, иккинчиси билан полга енгил таяншади. Ўша оёқни бироз букиб олдига ё орқага ташлаш яхшироқдир. Шундай ҳолатда савлат енгил ва чиройли кўрина-ди.

Қизларни қандай ўтиришга ўргатишнинг аҳами-яти бундан кам эмас. Машҳур туркман шоири Махтумқули: "Харидор бўлсангиз қиз(келин)га, маъракада ўтириб-туришин кўринг" деганидек, қиз боланинг ўтириш ҳолатига қараб, у ҳақда

кўп нарсани билиб олиш мумкин: қандай тарбияланган, сипоми, лабофатлими ёки аксинча, кўполми, эркак сифатми, ўзини тута оладими, йўқми?

Қандай ўтириш керак?

1. Энг аввало, елкани тик тутинг.
2. Ўтираётганда аввал тиззалар букилиши керак(тос-сон бўгинларини эгиб тосни орқага чиқариб эмас).
3. Стулнинг ўртасига (чеккароғига эмас) қулай ўрнашинг (ўтиринг).
4. Оёқларни жуфтлаштиринг (бир-бирига тегиб турсин), чалиштирсангиз тизза-тиззанинг устига тушсин.
5. Қўлларни эркин тутинг, ҳеч бўлмаса биттасини.
6. Ҳамма ҳаракатларни эркин ва равон бажаринг.
7. Стулдан тураётганда бошингизни шифтга тегизмоқчидай тик тутинг, елкаларни (бир хил даражада) туширинг.

Қизалоққа, бўйи етган қизга, аёлга(турли юмушларни бажараётганда) тез-тез энгашишга тўғри келади. Энгашишнинг ҳам қоидаси бор, азизлар.

Қандай дейсизми?

1. Энгашаётганда тиззалар жуфтланиб, оёқлар букилади.
2. Бу ҳаракат ўтиришда имкон қадар гавдани тик тутишни эслатиши керак.
3. Товонлар бирлаштирилиши ёки бир-биридан салгина масофада тутилиши мумкин.
4. Бу ҳаракатларни назокат билан бажариш жуда муҳимдир, ўзгаларнинг ноқулай энгашаёт-

ганини кўриб ўзингизга хулоса чиқариб олган бўлсангиз керак.

Бўлғуси аёлни — хонадон соҳибаси, она, хотин, рўзгор бекасини — ўз кайфиятини (бошқаришга) ўргатиш ниҳоятда муҳимдир. Бу нарса ўғил бола учун ҳам жуда керак. Лекин, масалага ҳаққоний ёндашганда, аёлларнинг ўзини тута билиши биринчи ўринда туради. Бунда оиланинг барча аъзолари бирдай ўрнатилган кўрсатсалар яхши бўлар эди. Оғир-босиқ, сокин ижобий муҳит аёл характерици шакллантирувчи муҳим омилдир. Гоҳида бошқачароқ характерга, асаб тизимига эга болалар ҳам учрайди. Бундай ҳолда қизлар билан ҳам, ўғиллар билан ҳам алоҳида-алоҳида "Иккимизнинг сиримиз" деган суҳбат ўтказилди. Суҳбатни қиз бола билан онаси, ўғил бола билан отаси ўтказгани маъқул. Хусусан, бундай суҳбатларда қизларнинг эътибори қуйидаги жиҳатларга жалб этилиши лозим:

1. Кўз — кўнча ойнаси, юз — бутун тананинг кўзгусидир.
2. Биз ҳар доим ўзимизни вазмин тутамиз, пешонамизда янаям ажишлар пайдо бўлишига йўл қўймаймиз. (қизлар буни, унча чуқур бўлмасада, 6 ёшидаёқ тушуниб етадилар).

3. Ҳатто қўллар инсоннинг туйғулари-ю ҳаяжонлари ҳақида кўп нарсани аниқлаштириши мумкинлигини унутмаслик лозим. Улар жипслашган ё мушт бўлиб тутилган ёки аксинча бўлиши, бефойда силтаниши, ниманидир чертиб туриши мумкин. Кайфият яхши бўлганда бундай бўлмайди (бу ҳаракатлар хуш кайфият даражиси эмас). Қўллар ортиқча ҳаракатларсиз, сипо ту-

тилиши керак. Оталар ўғил болалар, оналар — қиз болаларни ёш бўйича қўл ишларига ўргатиш лозим.

Қўл иши — кенг ҳажмли тушунча. Бу кўпроқ қизларда бичиш-тиқиш, ўғил болаларда дурад-горлик ишлари билан боғлиқ. Бу сўзни анчагина кенг маънода тушунамиз. Мазкур ҳолатда қўларнинг моҳирлиги деганда соч турмаклашини тўғри танлаш ва амалга ошириш назарда тутилмоқда. Қизларнинг ёшлигиданоқ бир неча тарофи, шампуни ва лосьони бўлиши талаб этилади. Жуда ёшлигиданоқ онаси ва бувисининг тийрак кузатуви остида қизалоқ сочларининг тозаллиги ва соч турмаклашига эътибор билан қарайди. Қизининг сочининг сифатига, пешона ўлчамига, юз айланасига ва бошқа жиҳатларга қараб онаси унга мос соч турмаклашини танлайди ва шунга мувофиқ зарурат бўлганда сочни қирқиб-тузатиб боради. Манглайдан кокил қўйиш керакми-йўқми, сочни қирқиш керакми ё ўстириб юрган маъқулми, шунга ўхшаш масалаларни ҳал қилиш учун мутахассис-сартарошнинг олдига керак бўлса бир неча марта бориш керак. Қизчалар онасининг таъсири остида куйидаги қоидаларга амал қилишлари лозим:

1. Эринма, сочларинг ҳар доим рисоладагидек бўлсин.
2. Яхши совун, шампун сотиб олиш учун пулни аяма.
3. Агар сочларинг ўзингга мос бўлса унга ҳамма ҳавас қилади.
4. Ишга борганда, ҳар кунги, байрамга ёки театрга борганда қилинадиган соч турмаклашлар мавжуа ва ҳ.к.

Умуман, ўғил болаларнинг ҳам, қиз болаларнинг ҳам косметикага нисбатан ўз нуқтан назарлари бўлгани маъқул. Даволаш хусусиятига эга косметика мавжуа, шунингдек, шунчаки хушбўйлиги учун ҳам косметика қиладилар. Қизчалар ёшлигиданоқ қўл креми, юз упасидан фойдаланишни ўрганиб борсалар ёмонми? У кўзгу қаршида онасининг ҳатти-ҳаракатларини такрорлайди — бу орасталик сари йўлди. Орасталик аёлларнинг қурағли куроли эканлигига ким шубҳа билдира олади?

Қизалоқлар ҳақида шунчалик кўп гапирдикки, энди ўғил болалар ҳақида ҳам гапиришга ўзимизда мажбурият сезамиз. Энг аввал болакайларга саркарда сўзининг моҳияти ҳақида гапириш керак. Илгариги замонларда оғир яроғ-аслаҳалар (совут, темир қалпоқ, қилич, найза) тақиб юрадиган жасур, баҳодир аскарларни саркардалар деб атаганлар. Саркарда бўлиш учун махсус тайёрликдан ўтиш талаб қилинар эди. 7 ёшида болани тажрибали аскарларга шогирдликка берар эдилар. У болани баландга сакрашга, ёйдан ўқ отишга, найза улоқтиришга, қиличбозликка ўргатар эди. Болани ҳарбий ишдан ташқари уни берган ваъдасида туришга, мулозиматли ва мулозим бўлишга, оғир дамда бир-бирларига ёрдамлашишга, ожизу хафаларинг тарафини (ёниши олишга, энг асосийси эса аёлларга олижаноблигу эҳтиром билан муносабатда бўлишга ўргатганлар. Шу каби дастлабки билимлар берилгандан сўнг болаларга куйидаги савол ва топшириқлар берилса яхши бўларди:

1. Шу кунларда кимни саркарда деб аташ мумкин?

2. Аскарлар қасрга кирганда бошидан дубул-асини ечарди. Бу яхши одат ўша олис курулбар-дорлар замонида пайдо бўлиб, бу ўз навбатида аёнларга бўлган хурмат ва эҳтиром маъносини билдирар эди. У замонлар ўтиб кетсада, бу яхши одат ҳануз мавжуддир.

3. Меҳмонга кетаётган кишига қандай маслаҳатлар берган бўлар эдинг? (Ўйга киришдан олдин остонада оёқ кийимингни артиб ол. Хонага эшикни тақиллатмасдан кирма. Хонада меҳмонлар кўп бўлса ҳаммаси билан бир-бир қўл бериб сўрашишга уринма. Катталар ўтирмасдан ўтириб олма. Хонага қиз бола кириб келганда унга жой бўшат).

4. Икки бола эшикда дуч келиб қолдилар-да ҳеч бир-бирига йўл бўшатгиси келмаяпти. Улардан бири 8, иккинчиси 11 ёшда бўлса, қайси бири аввал йўл бўшатиши керак? (Бу ҳолатда қайси одобли бўлса ўша йўл бўшатади).

5. Бола кўчадан ўтаётган ўткинчига "соат неча бўлди?" дея бақирди. Бу билан у қандай хатога йўл қўйди. (Бола қичқирмаслиги керак эди. Нутқ маданиятига риоя қилиб, ўткинчига хурматини ифодалаб, хотиржамлик билан: "Кечирасиз, соат неча бўлганини айтолмайсизми?" деб мурожаат қилиш керак).

6. Ва ниҳоят оиладаги эркаклар ўғил болалар билан биргаликда "Аскарлар қасамёди"ни ёд олишлари лозим.

**Бизлар ботир ёш жангчи,
Синовларда чиниққан.
Учувчимиз ҳам танкчи,
Машқларда голиб чиққан.**

Нақорат:

**Олга бу бизнинг шior,
Сафда турамиз аёл.
Тизилиб турна қатор,
Қадам ташлаймиз дадил.
Қуролимиз ёлочдан,
Ҳеч кимни кўрқитмаймиз,
Ўзбекистон хур Ватан,
Хизматига биз шаймиз.**

Нақорат:

**Дўстга фидо жонимиз,
Очиқ дастурхонимиз.
Ўзимиздек мустаҳкам,
Эътиқод, ғаймонимиз
Бор бўлсин тинчлигимиз,
Бағримиз кенг, темир тан,
Бизларнинг кимлигимиз
Сўранг Амир Темурдан.**

Нақорат:

**Тобланамиз ёзу қиш,
Кўриб кўйинг, меҳмонлар,
Ҳар биримиз Алпомиш,
Биз бўлажак посбонлар.**

(Сафар Барноев)

Бу қасамёдни кўринарли жойга илиб қўйиш, муаммоли вазиятда ундан фойдаланиш мумкин (дейлик бола ортиқча хархаша қилганда ёки аразлаганда). Лекин бу ҳаракатларингиз боланинг меъдасига тегиб кетмасин. (Ҳаддан зиёд тиришқоқлик қилманг).

Оиладаги, боғчадаги, синфдаги тарбияланувчилар қандайдир гўдаклар эмас, ўғил ва қиз болалардир. Буни замонавий олимлар, психологлар, муаллимлар жуда яхши тушунадилар. Бу ўринда

Н. Бикбаеванинг "1-синфлар учун математика" китобини мисол сифатида келтириш жоиз. Унда ўғил ва қиз болалар учун математик топшириқлар осон-қийинлигига кўра даражаланиб, ўқувчининг онги тараққиёти назарда тутилган ҳолда берилган. Мана, бизнинг назаримизда муваффақиятли чиққан бир нечта мисол:

1. Бир-бирига мос келувчи юбка ва костюмни танла (қизлар учун).
2. Машина номерига мос жадвални танла (ўғил болалар учун).
3. Болалар, қизлар учун топшириқ ўйлаб топинглар.
4. Қизлар, болалар учун топшириқ ўйлаб топинглар.
5. Нечта кўғирчоқ бўлса, шунча кубикни тер (қизларга).
6. Нечта машина бўлса, шунча кубикни тер (ўғил болаларга).
7. Тўлиқ комплект ясаш учун гул ва гулдонлар етарлими? (қизларга).
8. Бутун машина ясаш учун тилдирак ва корпуслар етарлими? (ўғил болаларга).

Ўғил ва қиз болаларда ўзига хос (жинсига монанд) хулқни шакллантириш учун машғулот ва дарсларда уларга бу каби топшириқлар беришнинг ўзи камлик қилади. Бунда ўғил ва меҳнатнинг фойдаси катта. Умумий ўғил ва ўйинчоқлар танламасидан ташқари, бунга боланинг жинсини ҳисобга олган ҳолда қўшимча тадбирлар ҳақида ўйлаш керак. Агар сизнинг қизингиз бўлса, демак бунга мебель, идиш-товоқ, газ плитаси, телевизор, йил фаслларига мос кийим-кечаги бўлган кўғирчоқлар, лагта-путта, бантиклар, қийиқ

рўмол, фартук ва шунга ўхшаш аёлларга хос тилик майда-чўйдалар — сумка, ҳамёнча, мунчоқ, сочполук ва шплатилган косметик буюмлар танламаси керак бўлади. Буларни ўйнаш билан у ўзида ҳаддан ортқ истаган нарсасини — опаси ва бошқа аёлларда кўрган хусусиятларни кўради. "Ўйда", "боғчада", "дўконда", "касалхонада", "сар-тарошхонада", "мактабда", "кутубхонада", "кийим тикиш хонасида", "бозорда" деган ўйинлар шундай пайдо бўлади. Ўзимиздаги, шунингдек, хорижлик обрўли психолог ва муаллимларнинг фикрича, "ўйда", "театр"да деган қизларнинг ўйинларини бемалол қизларни ҳаётга тайёрлаш ўйинлар сирасига киритиш мумкин. Уларда қизалоқ илк марта ўзини она, аёл, бека сифатида тутади. Олти яшар қизалоқларнинг "тўй-тўй" ўйнашлари бежиз эмас. "Келинчак" бўлиш уларга ёқди. Бу каби ҳолатларда уларнинг ўйинларини таъқиқламамиз. Улар фойдали ва зарари йўқдир.

Аксинча, ўғил болаларга хос атрибутлар: жумладан ўйинчоқ машиналар, шилотка (аскар қалпоғи), ҳақиқий аскарча камар, аурбин, шапка, ўйинчоқ тўшончалар зарур. Қурилиш-конструкторлик ўйинчоқларининг ҳам тури кўп бўлиши лозим. Бола ўйинда ўзини ҳарбий учувчи ёки аскар деб ҳис қилар экан, чаққон, жасур ва чидамли бўлишга ўрганиб боради. Лекин бунда ўғил ва қизлар бирдай иштирок этадиган ўйинларни ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Меҳнат ҳақида икки оғиз сўз. Болаларни ҳам, қизларни ҳам умумий меҳнатга — дейлик хонадони ўспмликларни парваришlashда, ахлатни чиқаришда онасига ёрдам беришга ўргатиб боришнинг фойдаси катта. Шундан кейин жинсига қараб

вазифаларни тақсимлаш мумкин. Агар қизингиз бўлса, уни 5 ёшдан игна-ипдан фойдаланишга, 6 ёшдан тўқишга, тиқишга ўргатинг. Бирга са-лат тайёрлаётганда унга ишонч билдириб, қайна-тилган лавлагни, сабзи каби сабзавотларни тўғра-шига изн беринг. Шундай қилиб, қизингизнинг ёштини ҳисобга олган ҳолда уни аёлларга хос юмушларни бажаришга ўргатиб боринг. Ўғил бо-лаларни эса оталари тахта йўнишга (рандалашга), арралашга, миҳ қоқишга ўргатсинлар, электр токи ҳақида ибтидоий афсоналарни берсинлар.

Сухбатларда қуйидаги саволларни ўртага таш-лаш фойдалидир:

— Нима учун қиз болалар чавандозлик ўйини-ни ўйнамайдилар?
— Нима учун қизлар жозибадор бўлишлари керак?

Эслатма. Лекин қизлар дарахтларга тирмашиб чиқсалар ёки "уруш-уруш" ўйнасалар, буни таъ-қиқлаш тавсия этилмайди.

— Нима учун ўғил болаларнинг кўғирчоқлар билан унчалик ишлари йўқ, ёки улар билан уму-ман ўйнамайдилар?

Турмушда учраб турадиган маълум бир воқеа-ҳодисалар шу каби суҳбатларнинг мавзуси бўли-ши мумкин.

Қизларга ҳам, ўғил болаларга ҳам ота-онаси дўст танлашда ўз вақтида ёрдам беришлари ло-зим. Мисол учун халқ педагогикасидан олинган бир мисолга мурожаат этамиз. Қадимги авар эр-тағида шундай ҳикоя қилинади:

Қадим замонда бир она яшаган экан. У ўғилла-рини ўстириб, улайтиргач, уларни дунёнинг тур-ли томониغا жўнатибди ва қандай қилиб содик

дўст танлаш ҳақида маслаҳат берибди. Битта-сига дебди: атай йўлда тўхта ва ҳамроҳингга: би-родар, отим чарчаб қолди, кетавер, кейин етиб оламан, деб қичқир. Сенга эътибор бермасдан, ке-тиб қолса, у ҳақиқий дўст эмас. Бошқасига дебди: очқаганингга, хуржундан нон олиб, бўлиш учун ҳам-роҳингга бер. Агар у ўзига катта бўлак олиб, сенга кичигини берса, демек очкўз экан — у билан ҳамроҳ бўлма.

Худди шу усулда сиполик, аммо, аниқ мақсад-ни кўзлаб қизлар ва ўғил болаларга дўст танлашни ўргатинг.

Бўлғуси аёл ва эркаклар тарбиясида бадий адабиёт ва халқ оғзаки ижодининг ҳам роли кат-та. Болалар учун китоб танлаш ҳақида сўнгра ба-тафсил гаплашамиз. Ҳозир эса озроқ мисол кел-тирамиз. Қизларга ҳам, ўғил болаларга ҳам Ф. Фу-лом, Қ. Муҳаммадий, А. Обиджон асарлари ёқади. Лекин ўғил бола (ёки қиз бола) учун биринчи на-вбатда фойдалани бўлган эртақ ёки бадий асарни танлай билиш лозим. Масалан, Асқад Мухтор-нинг "Адолат" номли шеърый эртаги энг аввало ким учун зарур? Матъумки, бу эртақда меҳнат-севар қиз Адолат ҳақида ҳикоя қилинади. "Уч оғайни ботирлар" эртаги эса дарҳол кимнинг эъти-борини тортади? Нафақат қизиқтиради, балки бу эртақ барча ўғил болалар учун бирдай керакли-дир.

Ниҳоят сўзимиз охирида ирсий жиҳатдан се-миришга мойил қизларнинг овқатланиши ҳақида икки оғиз сўз. Овқатланиш маданияти, соғлом тур-муш тарзи мактаб ёшига етгунга қадар бўлган даврда шаклланади. Бу жиҳатдан бир нечта мас-лаҳатимизга амал қилинг:

1. Биринчи овқатни озгина нон билан ейишга ўрганинг, иккинчисини мулақоқ нонсиз енг.
2. Болангизни қайнатилган лавлаги ейишга ўргатинг.
3. Шундай қилинган, болаларнинг хом сабзи-дон меваларни кўшинг.
4. Болаларни сузма, қатиқ истеъмол қилишга одатлантиринг.
5. Болаларнинг иккинчи марта овқат ейишдан сақланиш, меъёр билан овқатланиш, таомнинг мазасини ҳис қилиб овқатланишга одатланишига ёрдам беринг.
6. Агар бола уйку оқидан овқат ейишни хоҳлаб қолса бир неча қошиқ чойми, қатиқми ёки яримта оломани бериб кўлдиринг.
7. Болангиз суми, гречка, тухум, сўк ошидан қилинган каша(сут ёки ёғ билан сув аралаш)ни севиб истеъмол қилишидан хурсанд бўлинг.
Қизимизнинг қандай аёл, ўғлимизнинг келгуси ҳаётда қандай эркак бўлиб етишиши кўл жиҳатдан бизга боғлиқ. Бу натижа умримизнинг иккинчи ярмини соқин ва бахтли ёки аксинча, аламли ва нотинч қилиши мумкин.

УЙДАГИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ МУҲИТ

Муаммо: Оилалар ҳар хил уй шароитларида яшайди ва шунинг учун ҳам уйда болалар бурчлагини ташкил қилиш учун турли хил имкониятга эга. Алоҳида болалар хонаси бўлса, жуда яхши. Аммо, йўқ бўлса-чи? Оилада ривожлантирувчи муҳитни, яъни бола атроф-муҳитни ўз қонун-қоидалари билан фаолроқ ва жадалроқ таниб-билиши, ва бунда катталарнинг билвосита бошчилиги бўлган шароитни қандай яратиш мумкин?

Бола хонанинг барча жойини ўзлаштириши, бошқача қилиб айтганда, ювиниш хонасида ҳам, даҳлизда ҳам, ошхонада ҳам ҳаракатланиши, ўйнаши лозимлиги табиийдир. Аммо унинг психологик хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ўз дунёси ҳам бўлиши шарт.

Оқидан айтиб кўямиз, ўйинчоқлар танлаш, спорт ағжомлари, болалар театри, тасвирий санъат бурчагини ташкил этиш тўғрисида сўз алоҳида, конкрет болларда («Болани уйда қандай соғомлаштириш мумкин», «Мактабгача болаларнинг ўйинлари ва ўйинчоқлари» болларини қаранг) юриглади. Ушбу бобда эса сўз куйидагилар ҳақида кечади:

Муаммонинг ечим: «Қани, кўзгу айтчи...» Болалар тошойнасини, яхшиси уч табақали кўзгусини ташкил этиш жудаям муҳим. Муҳимлиги шундаки, психологларнинг таъкидлашича, болалар ўз аксини яхши кўришади, айниқса мактабгача ёшдаги болалар. Ва биз уларга ана шундай

имконият яратиб беришингизни маслаҳат берамиз. Уч табақали кўзгу ёрдамида эса бола ўзини ён томондан кўриши мумкин. Бу, билгингиз келса, жуда муҳим саналган ташқи кўринишнинг одамнинг ўзига мослашуви (ўз-ўзи билан тотув яшамогидир). Ёнидаги тахта тоқчада тутқичи бор кичкина ойна жойлаштирилса яхши бўлади. У кичкинтойга ўзини орқасидан кўришига ёрдам беради. Бундан ташқари, тоқчага тароқлар ҳамда болалар косметикаси тўламини кўйишингизни маслаҳат берамиз. Тароқлар ҳамда косметика тўламини боланинг жинсига қараб аниқланади. Бу тўғрисида ўғил болалар ва қизлар тарбияси ҳақидаги бобда батафсил сўз юритилади. Энг яхшиси ушбу тошойна даҳлизда жойлаштирилгани маъқул: хонадан чиқаётиб, бола ўзини тартибга солишга ўрганади ва аксинча сайрдан қайтганида боғча тарбияланувчиси ўзига бошқатдан назар ташлаб, хожат бўлса, ташқи кўринишидан биронта нарчасини алмаштиради. Ушбу даҳлиздаги пойафзал тоқчасида эса пойафзал учун шётка ва қошиқча жойлаштирилади. Ана шундай шароит мавжуд бўлса, сўзсиз, болада ўзининг ташқи кўриниш маданияти ҳамда меҳнатсеварлик, ўзига ўзи хизмат қилиш, ўзини ўзи бошқариш каби маълум хусусиятлари шакллана бошлайди.

«Митти картина галерея»си

Оилада ҳам, мактабда ҳам «Тасвирий санъат» каби таълимдаги муҳим ишорат қозигини олиб ташлаб, қанчалик кўп нарсадан жудо бўлганимизни ўз ҳаётимиздан биламиз. Бунинг оқибатида болалар, катталарнинг аксарияти расмларга беларволик билан кўз ташлайди, кўرғазмаларга ташриф

бюришмайди. Биз сиз билан, албатта, профессионал эмасмиз ва боғча ёшидаги болага пейзажли расмларнинг мисол учун хусусиятлари, композицион тузилиши, ёрувлик ва соя, бўёқларнинг танланиши ва бошқа жиҳатларини тўлалигича тушунира олмаймиз. Аммо, бола кўзини рассомлик санъати, графика, ҳайкалтарошликнинг кичик турларига ўргатиш қанчалик муҳим. Ҳозирги кунда суратларни алоҳида ёки тўпламда сотиб олиш ва бунга мактабгача ёшдаги болани аўстлаштириш мумкин.

Агарда сиз ушбу ташаббусга қўшилсангиз, мазкур материални аниқ бир тизимда беришни тавсия этамиз:

- ◆ бир ёки ҳар хил муаллимлар асарлари;
- ◆ ҳайкалтарошлик санъати;
- ◆ наққошлик санъати ва ҳаказо.

Шу ўринда материални мажбурлаб эмас, жойига қараб бериш керак. Мисол учун. Эрта баҳор келди. Рассом ўрол Тансиқбоевнинг «Баҳор», «Ўзбекистонда баҳор» суратлари билан солиштирсак яхши бўлади.

«Эзгу ишлар халтачаси»

Бугун шиддатли ўтаётган асримиз, бозор иқтисодиёти, агрофимиздаги кескин ўзгаришлар даврида биз билан сиз энг асосий иш — эзгулик уруғларини сочишда кечикмаслигимиз даркор. Ҳозир эса боғча ёшидаги болаларнинг эзгулик туйғулари жуда танқис бўлиб кетди. Ушбу масалада, афсуски, таназзулга юз тутмоқ сезилмоқда. Буни тадқиқотлар исботламоқда. Ушбу тадқиқотларнинг кўрсатишича, мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг тенг ярмиси ўзларининг ёнида содир этилаётган ёмонликларни кўришмайди, 10 нафардан 9 нафари эса эътиборсизлик билан ўтиб кетишади.

Нақадар кўриқинчи маълумот. Эзгулик туйғулари тарбиялаш туғрисида батафсилроқ алоҳида «Богча ёшидаги болаларда эзгулик туйғуларини тарбиялаш» бобида ўқинг. Биз эса замонимизнинг ажойиб педагоги Ш.А. Амонашвили тоғларидан фойдаланишни ва «Эзгу ишлар халтачаси»ни ташкил қилишни тавсия этамиз. Содагина, аммо ёқимли, рангли, ярақлаган, ашликкацияли ва каштали халтача. Ва ёнида сизнинг қутичангиз: ичтида кўплаб майда тошлар ва чиваноқ тошлар... Ҳар бир қилинган эзгу иш учун халтачага майда тош жойлаштирасиз. Нагижалари самимийлик билан шанба ёки якшанба кунлари, яъни, ҳафта сўнгитида чиқарилади. Ушбу вазиятдаги асосий жиҳат — бу жараёни моҳирлик билан бошқара билиш, халтачани бола ҳуққини кўрсатиш воситаси сифатида кўрсатиш эмас. Эзгулик борасидаги ишларни богча тарбияланувчилари жуда ҳам кўп қилишади: ширин конфетини бўлишиш, бувисига, ойисига ёрдам бериш, мушукчага раҳм қилмоқ ва ҳоказо. Асосийси — вақтида кўриш, кўлаб-қувватлаш, мақтамоқ, болани ўпиб қўйиш, шанба кунни фарзандингиз халтачасида 6 та майда тош йиғилганлигини биргаллашиб санаган пайтда, унинг кўларидан сиқиб, табриклаш.

«Болалар лабораторияси — бу жиддий»

Бола ажойиб тадқиқотчидир. Тез-тез у ўйинчоқларини бузади, кўғирчоғини ечинтириб, кўмига тушган нарса билан татқиқот ўтказгиси келади. Ва ҳамisha катталардан мулоҳазалар эшитишади. Лекин, катталар сўзи барибир ижодий нагижалар бермаганлиги боис, орадан бироз вақт ўтгач, бола яна тадқиқотини давом эттиради. Ушбу ҳолатни ҳар томонлама кўлаб-қувватлашимиз

керак. Бу борада оддийгина болалар лабораториясини ташкил этиш энг содда ва фойдали йўлдир. Яъни, махсус қутида ёки тоқтада бола тадқиқоти учун зарур нарсалар: магнитлар, ишга яроқсиз телефон ашаратлари, дурбинлар, кагта-лаштирадиган ойналар, микрофонлар, диктофонлар, термометр, митти тарозилар, микрокалькуляторлар, компаслар (оталар фарзанди лаёқатига қараб, кейинчалик бошқа предметлар кўшиши ҳам мумкин) бўлиши керак. Ана шундай лабораторияларни ташкил эта туриб, доимий равишда секин-аста янги нарсалар қўшиб, улар хизмати билан таништириш, қайси нарса нима учун ва қаерда ишлатиш кераклигини тушунтириш лозим. Предметларни битталаб, ҳар 2 ёки ундан кўп ҳафта давомида киритиш тавсия этилади.

«Дурадгорлик қиламиз ва кашта тикамиз»

Бола жинсига қараб, хонада бўлажак чевар ёки йиғитнинг моҳир кўллари бурчаклари ташкил этилади (бу туғрисида батафсилроқ «Қизлар ва ўғил болалар тарбияси» бобини қаранг).

«Тоғилмалар жавони»

Машхур поляк шифокори ва педагоги Януш Корчак бутун ҳаётини болаларга бағишлади. Ва бу оддий сўзлар эмас, албатта. Ушбу китобда айтмасдан бўлмайдиган фожеали факт барчага аёнми, йўқми, билмадик. Унинг 200 нафар тарбияланувчиларини фашистлар Требменка ўлим лагерига жўнатишаётган пайтда кекса докторнинг қолишини тақдиф этишганида, у ўз болалари билан кетган... Я. Корчак бола тарбиясига таалуқли барча майда нарсаларга кагта аҳамият бериб келган. Бу сизларга педагогнинг оилада «Тоғил-

малар жавони»ни ташкил этиш таклифини тавсия этамиз. Ушбу жавонга мактабгача ёшдаги фарзандингиз ёки оиланинг барча аъзолари те-варак-атрофдаги, табиатдаги қилиш, тақдослаш, боланинг кузатувчанлигини тарбиялаш учун қизиқарли бўлган фаройиб нарсаларни олиб келади. Бу дарахт имдизи, чиройли япроқ, конфет қоғози, майда тошлар бўлиши мумкин. Топилмалар ҳақида суҳбатлар шу куннинг ўзидаёқ ёки икки томоннинг келишувига мувофиқ бошқа яқшанба кунларига белгиланиши мумкин. Болаларга қизиқишини қўлаб-қувватлаш маъносиде режа-топириқ бериб қўйган муҳим. Масалан:

- ◆ Бу майда тош сенга нимаси билан ёқади?
- ◆ Нимага (ёки кимга) ўхшайди?
- ◆ Келинлар, биргалашиб ушбу тошнинг фаройиб тарихини ўйлаб толамиз.
- ◆ Ва, албатта, унга қизиқарли ном беришга ҳаракат қиламиз.
- ◆ Ким энг қизиқарли ном топса, рағбатлангирилади (конфет, янги китобча, янги топилма ва ҳоказо).

«Ребуслар, топишмоқлар, бошқотирмалар бурчаги»

Биз ақлли фарзандни хоҳлаймизми, саволига барча ижобий жавоб беради. Бунинг учун биз ҳамма нарсани қиялпимизми ҳамда иш ва уй хўжалиги билан бандлигимиз туфайли бу нарсани қилишга қодирмизми? Биринчидан, ҳамма нарсаним қилавермаймиз, зеро уни тўлиқ билмай-миз. Иккинчидан, биз ростдан ҳам бандмиз. Оила тарбиясини талқик қилаётганлар ушбу тезисни тасдиқлайди. Барчага маълумки, ота-оналар бола билан 8-15 минут мулоқотда бўлшади. Сўз очик мулоқот ҳақида кетаяпти, яъни боланинг буvasи

ёки ойиси бирор нарсани ўқishi, айтиб бериши, уни бир нарсага ўргатиши, биргалиқда биронта нарсани қўлда тайёрлаши.

Тўғри, шундай оилалар борки, уларда ушбу статистика у ёки бу томонга қаттиқ ўзгариб туради. Лекин биз оддий оила шароити тўғрисида айтмоқдамиз. А.С. Макаренконинг сўзларини эсга олсак, болалар уйда йўқ пайда ҳам, ота-оналар уларни тарбиялайдилар(бу албатта ундай эмас), биз ҳеч нарса хусусида безовталанмасак ҳам бўладим. Лекин, масала ана шундай оилавий шароитларда лозим бўлган оиланинг ривожлантирувчи муҳитидадир. Бу борада боланинг ақли, зийраклиги, эпчиллиги, реакциясининг тезкорлиги ҳақида гап кетар экан, демак, сиз ҳурматли ота-оналар, ребуслар, топишмоқлар, бошқотирмалар бурчагини ташкил қилишга рози бўласиз. Ҳозирги пайда китоблар, математика, табиат бўйича амалий дафтарлар, шунчалик кўпки, уларда болани ривожлантирувчи расм-топириқлар мавжуд. Болалар учун илгари чоп этилган ва ҳозирги чоп этилаётган ойнмалар, «Соғлом авлод учун», «Ғунча», «Гулхан», «Борчага — домбоғчага» ҳақида гап кетмоқда. Муҳими, материални ботча ёшидаги боланинг ёшини инобатга олиб танлаш керак (унга 3-4 ёш тўлдими ёки у 5-6 ёшдами). Танлашнинг асосий мезонлари қуйидагиларда ўз аксини топади. Расм фақат тасдиқлашни талаб этмаслиги керак (масалан, бот тасвирланиб, болалар мевалар теришаяпти). Зеро, тасвирлаш ва ҳикоялар тузиш учун айнан шундай расмлар ҳам керак.

Ҳар бир кўрғазма бу борада «Ўйнаб, ўргангилар» тамойилида ўйлашга мажбур этиши керак. Юқорида таъкидланганидек, бу «Кучукча уйига қандай етиб боради» каби сюжетли лабиринтлар

бўлиши мумкин, «Гулинг номини толинг» каби (бирор нарсани тўлдириб) ребуслар бўлиши мумкин; бу топишмоқчи чизмалар, яширин рақамлар, ҳарфлар бўлиши мумкин. Ҳар бир расмни қар-тонга ёпиштириб қўйган маъқул. Бу расмни бир неча бор фойдаланиш имконини беради. Ребуслар бурчаги... ёки, бошқача айтганда, ривожлантирувчи бурчакни доимо қизиқарли материаллар билан тўлдириб бориш керак. Бу материал билан дастлаб ўзимиз биргалашиб (кагга одам ва бола) ўйнаймиз. Ребуслар, бошқотирмаларни схематик тарзда, кўргазма сифатида эмас, ўзимиз тайёрлашимиз мумкин. Аммо бундай материал 5 ёшдан катта бўлган болаларга уларда ана шундай топшириқларни бажариш истаги пайдо бўлганида ва бўлажак мактаб ўқувчиларини ўйин ёки суратлар эмас, уларнинг ақлий меҳнатининг натижаси қизиқтирсагина тақдим этилади. Ота-оналар «Болангиз зукко бўлишни хоҳлайсизми?» бобида тасвирлаш ва баён қилиш усули орқами берилган ривожлантирувчи материал билан танишадилар. Бу материалларни ижодий, ўзиниш ўзгартиришларини киритиб, мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда ҳам фойдаланса бўлади.

«Ўйингиздаги китоблар»

Агарда биз сиз билан мактабгача ёшдаги дарда китобга қизиқишни ривожлантиришнинг асосий вазифасини, аввало, суратларни кўриш, мазмунини эшитиш, сўнг уни ўқишни тўлалигича ба-жарган тақдиримизда, китоблар тўғрисида сўз юритмасак ҳам бўларди. Шу билан бир қаторда биз нафақат болаларга мўлажалланган китобларни, балки барча китобларни авайлаб сақлашига таъсир этган бўлардик. Лекин, бунақа ҳол, афсуски, ҳар доим ҳам бўлавермайди. Бунда фақат ота-оналарнинггина айби эмас. Телевизор, маг-

нитофон, видеомагнитофон каби воситалар тева-рак-атрофни манзарали қилиб намойиш этишади, бу билан бизнинг мактабгача ёшдаги болаларимизни қизиқтиради ва уларни кўп вақтга диван ҳамда креслога муҳраб қўяди. Ўзимизда ишланган болалар кўрсатувлари, кино ва мультфильмлари билан бир қаторда, бизнинг экранимизни чет эллик «мультлик»лар оқими эгаллаб олаётти. Уларни болалар жудаям яхши кўришади. Биз, катталар, болалар учун тайёрланган ушбу фильмларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида қанча бўлсаям баҳслашимиз мумкин (бир хил ота-оналар уларни макташди, ушбу фильмларнинг ранг-баранглигини, мазмунни қизиқарлигини, алоҳида таъкидлашди, бошқа ота-оналар фильм қаҳрамонлари хулқининг ҳаддан ташқари шафқатсизлигини айтишди).

Аммо, бош афзаллиги аниқ — болаларга улар ёқадими, демак, кўп нарса болалар дунёқарашини ҳисобта олиниб киритилган. Мактабгача ёшдаги болалар тўла англаб етмаганлик даражасида бу фильмларни кўриш учун ҳеч қандай кучнинг ҳожати йўқлигини, бу ерда ҳаммаси тушунари, боши-бор, охири ҳам борлигини яхши билишади. Эшитиш ва ўқиш учун эса прода кучи зарур (ҳарфлардан ташқари ҳеч нарса кўринмайди, уларни фақат ўқиш керак).

Шунинг учун ҳам биз уйда китоблар йиғиш ва ташкил қилишга эҳтиёткорлик ва талабчанлик билан киришишни тавсия этамиз. Болаларнинг 3-4 ёшигача букиладиган ва ёзиладиган шаклдаги суратлари кўп ва қисқа матнли расмли китобчалар ўраб туриши керак.

«Икки эчки», «Фил билан хўроз» ва ҳоказо. 3 ёшдан кейин асосий қондаларнинг бирини қатъий ушламоқ зарур — боланинг кўз олдига ранг-

баранг суратли ва ушбу ёшга доир сюжетли 3-5 та китобча бўлмоғи лозим. Бу, албатта, Қ.Мухаммадий, П.Мўминнинг шеърий тўпламлари, Ўзбек халқ эртаклари кабиладир. 2-3 ҳафтадан сўнг китоб репертуарини биттадан китоб қўшиб сюрприз ёки рабаблантириш тариқасида «Бугун сенинг хулқинг бизга жудаям ёқди, шунинг учун «Ўзбек халқ эртаклари» китобини олдик» ёки «Биз буvingг иккаламиз сенга янги китоб совға қилмоқчимиз, сен ахир китобларни жудаям яхши кўрасан ва уларни авайлаб сақлайсанку!», дея янгилаб борган фойдалидир.

Ўзингиз амин бўлишингиз мумкинки, китобларнинг жуда катта миқдорда бўлиши болаларда тўғридан-тўғри зарур хусусиятларни тарбияламайди. Бола уларнинг ичида «йўқолиб» қолиб, уларни авайлаб сақлаш кераклигини, уларни жой-жойига ҳамма вақт бир жойга) тахлаш лозимлигини тушунмайди. 4 ёш ва ундан катта даврда болага уйимизда болалар кутубхонаси борлигини айтиш зарур. Ва бола билан бирга кутубхона ишини тўғри ташкил қилиш, яъни катта кутубхоналар шаклида тизимлаштириш лозим: эртаклар, бир муаллифнинг китоблари, йил фасллари бўйича китобчалар, хорижий муаллифлар китоблари, топшмоқлар, мақоллар, алифболар ва ҳоказо. Биз шартли бўлишлар қилаётганимиз аниқ. Китобларни танлашнинг ўзи катталарга зарур бўлган тизимлаштиришни кўрсатади. Ҳар бир бўлимнинг аҳамиятини кўтариш керак: расмли картон ёки картон билан.

Ўз кутубхонангизга ном бериш ва уни доимо бойитиб борган яхши. Адабий матн ёки фольклор асарлар билан ишлашнинг қизиқарли шакллари тўғрисида «Эртаклар, аммо янгича усулда» бобида ўқийсиз.

Ҳар бир боланинг фақат унгагина ёқиб қолган китобчани танлаб олишни таъкидлашимиз жоиз.

Бизни бир пайтлари унинг танлови ҳайрон қолдиради. У тўхтамасдан ва кўп марта шу китобни яна ўқиб беришни илтимос қилади. Лекин, хавотир олмагн — бу табиий ва ижобий жараён. Унинг хоҳишларини қониқтириш — мактабгача ёшдаги бола эртаклар ва ҳикоялар қаҳрамонлари билан уйғунашиб кетади — уларнинг барчаси унинг энг яқин дўстлари ва маслаҳатчиларидир.

Лекин доимо унинг китобий дунёқарашини барча фойдали, бадний бойликларга йўналтириб кенгайтириб боринг.

Суратларнинг полиграфиясига, безатилишига ва албатта, мазмунига эътибор беринг. Болага эртаклар, кичик фольклор турлари, чет эл шеърлари ва ҳикояларни билиш баробарида болалар адабиётининг ноёб хазиналари — классика билан, жумладан Мирмухсин, Фарходий, Муҳаммадий, П. Мўмин, Толстой, Чуковский, Маршак ва бошқаларнинг асарлари билан таниш бўлиш жуда ҳам муҳим.

«Уйда сеҳрли таёқчанинг ҳожаги борми?»

Мактабгача ёшдаги бола реал ва фаразий олами фарқлай олмаслиги маълум. Лекин кун ўтган сайин, 5-6 ёш ва албатта, 7 ёшлик (боланинг қандайлигига қараб) пайтида болалар у ундоқ бўлади, бу бундоқ бўлади, бу фақат эртаклардагина ёзилганлигини англай олиши керак ва шартдир. Эртакларни эса у яна кўп вақт ўқишни ва сенин давом эттиради. Ва бу табиийдир. Бир мисол келтирамиз. 3-4 ёшида кичик мактабгача ёшдаги бола ҳақиқий Қорбобога ишонади. Ва уни тоқатсизлик билан кутади. 6-7 ёшдаги бола эса тўлиқ ёки қисман ишонмайди, аммо уни худди шундай тоқатсизлик билан кутади. Биз сизлар билан, ҳурматли катталар, фильм кўраётиб, реал(ҳақиқий) ҳаётда бундай бўлишини билган

холда, барибир қизиқ бўлгани учун яна кўраве-рамиз.

Болалар учун уйда кундалик қизиқишини шакллантирмоқ — бизнинг кичик бўлса-да, ва-зифаларимиздан биридир. Ва бунда биз тайёрла-ган сеҳрли таёқча кўмаклашиши мумкин. Қай-синиси — сизнинг хоҳишингизга боғлиқ (маса-лан, у икки тарафлама, 2 та боши билан, узайти-риладиган ва қисқарадиган ва ҳоказо бўлиши мумкин). Бундай таёқча бола диққатини ўзгарти-риш воситаси сифатида хизмат қилиши, кичкин-тойни рағбатлантиришда кўмаклашиши, совға та-риқасида, янги ўйинчоқ ёки китобча тақдим этиш-да ёрдам бериши ва ниҳоят, болани ухлатишда қўл келади... Бунинг яна фойдали томони шунда-ки, табиий ҳолда тесқари алоқа ўрнатилиб, бола-нинг ўзи сеҳрли таёқча билан ўйнай бошлайди, сеvimли ўйинчоқлар ва бошқа нарсалар билан турли хил ҳаракатлар қилса бўлади.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЎЙИНЛАРИ ВА ЎЙИНЧОҚЛАРИ

Муаммо: Халқимизда бир матал пайдо бўлган: “Ҳаётдаги қоғозбоз (бюрократ) — болалик чоғи-да кўп ўйнай олмагандир”. Ҳа, агар мактабгача ёшдаги бола тўйгунча ўйнамаса, демак биз унга кўп нарса бера омаймиз, унинг келгуси ҳаётида кўп нарса етишмайдиган бўлади. А.Р. Лурия ва Ф.Я. Юдовичлар олиб борган бир қизиқарли пси-хологик тадқиқотда ривожланиши анча ортда қол-ган икки нафар эгизакнинг тарихи кузатилган. Эгизаклар бошқа болалардан ажратилган ҳолда ўсишганлиги натижасида, уларда фақат ўзларига хос, ўзларигагина тушунарли бўлган имо-ишора ва товушлар бирикмасига асосланган тил пайдо бўлган. Уларнинг нутқи тўлиқ нарсалар ҳарака-тига боғлиқ бўлган; катталар нутқини яхши ту-шунишса ҳам улар фақат кўрган нарсаси ва нима қилаётганлиги ҳақида гапира олар эди. Болалар умуман ўйнашни билишмас эди. Улар нарсанинг ўйин пайтидаги янги маъносини тушуна олмас ва бу нарса билан ёлгондакам бирор нарса қилов-мас эди. Уларга ўйинчоқ пичоқнинг супурги экан-лигини айтишиб, у билан қандай қилиб супурса бўладиганлигини кўрсатишди. Одатда 3-5 ёш-даги болалар бундай талабларни жон-жон деб қабул қилишди. Аммо эгизаклар, кўларига пи-чоқни олиб қалам тарашлай бошлайди ёки бирор нарсани кеса бошлайди. Ўйин пайтида кагта киши қошиқни болта деб тушунтириб, у билан ёлгон-

дакам дарахт кесишни таклиф этса, болалар хайрон қолишарди: улар қошиқнинг қандай қилиб бола бўлиши мумкинлигини ҳеч тушунмас эди.

Хаёлпарастликка берилиш қобилияти эса роли ўйинлар асосидир. Ушбу вазиятни тузатиш мақсадида икки эгизакни ўз тенгдошларидан ажралиб қолмаслиги ва улар билан турли хил мулоқотда бўлиши учун болалар боғчасининг ҳар хил гуруҳига жойлаштиришди. 3 ойдан сўнг вазият ўзгарди. Болаларнинг ўйини нутқ билан бирга бўладиган бўлди. Кичкинтойлар ўз ҳаракатларини режалаштирадиган, ўйин ҳолатларини яратадиган бўлишди.

Ўйин дегани нима? Психология тарихида бола фаоллигининг бундай турига кўплаб тушунчалар берилган. Психологларнинг бир гуруҳи, ўйин бу истеъдоднинг инстинктив ривожланиши, келгуси жиддий функцияларнинг анланмаган машғулотлари деб ҳисобласа, бошқалари уни хурсандчиликка етиш билан боғласа, учинчилари бу қизгинликни тушириш усули дейишса, тўртинчилари ўйин пайтида олинган маълумотларни ташлаб юбориш жараёни кечади деб ҳисоблашади. Буларнинг барчаси ҳақиқат. Ўйин — бу боланинг нарсалар олами ва одамлар муносабатини англаш негизида ётган нарсалар фаолиятининг ўзгача тури эканлиги ҳам ҳақиқат. Агарда икки ва ундан каттароқ ёшдаги бола ўйинни севмаса, ўйнай олмаса — бу қичкинтой ривожланишида нуқсон мавжудлигининг кўрсаткичидир, боланинг касалманда ҳолати ёки атрофидаги одамлар билан мулоқоти ночорлигининг белгисидир. Америкалик психолог Б. Уайтнинг маълумотига кўра, болада "Масаласи ноаниқ хулқ"нинг юқори фоизи бўлса, яъни вақтнинг ҳеч бир ҳаракатсиз ўтказилиши (уйроқ пай-

тининг 15-25 фоизгача даври) болаларнинг ривожланиши ночорлиги ҳақида хулоса беради.

Бундай ланжлик, сустлик ўз тенгдошлари ва катталар билан кам мулоқотда бўлган болаларда учрайди.

Муаммонинг ечими: Психологлар 5-6 ёшдаги болалар билан қуйидаги тажрибани ўтказдилар: мутлақо бўш хоналарга (ҳатто мебелсиз) ўйинга ўргатилган ва ўргатилмаган болаларни жойлаштирдилар. Шундан сўнг улардан ўйнашларини сўраб, ўзлари яширин кузатув юритдилар. Аниқланишича, ўргатилмаган болалар бўш хонада бекор юришади ёки умуман ҳаракат қилишмайди. Ўйин ўйнашни билувчилар эса ўз навбатида нафақат нарсаларнинг, ҳатто ўйинчоқларнинг умуман йўқлигига ҳам қарамай, ажойиб ўйнар эди: ёлгондакам телефон орқали суҳбатлашар, каша қайнатишар, тошойна оламида ўзларига аро беришар, ўзларича самолёт, машина ҳайдашар ва ҳоказо.

Бундан биз хулоса чиқарамиз: болаларни ҳар хил ўйинлар ўйнашга ўргатиш керак:

1. Ҳақиқий ўйинчоқлар билан ўйинлар (қўғирчоқлар, мебеллар, машиналар билан);
2. Ўрнини босадиганлар билан (ёғочлар, тош, темирчалар билан);
3. Тасаввур қилишга асосланган ўйинлар (яъни мутлақо нарсаларсиз).

Кундалик ҳаётда бу ўзаро боғлиқ ҳолда бўлиши мумкин. Аммо, дастлаб биз шароитлар яратиш ҳақида ўйламоғимиз даркор, яъни ўйин материалларининг мавжудлигини аниқлашмиз керак. Кўп ўйинчоқларнинг ҳожати йўқ, лекин болаларнинг қизиқиши ва ёшларига мос келадиган ўйинчоқ-

лар зарур. Ҳйинчоклар билан Ҳйнаганда 'бола-ларнинг қизиқиши ва ёши тадқиқот қилиниши керак. 2,3 ва ундан катта ёшдаги болага қуйдаги Ҳйинчоклар мақсадга мувофиқ бўлади:

- қўғирчоқли аравачалар;
 - иц орқали тортиб юргизиладиган Ҳйинчоклар;
 - қаттиқ варақли китоблар;
 - барча Ҳлчовдаги тўплар;
 - одамлар ва Ҳайвонлар шаклидаги қўғирчоқлар ва тимсоллар;
 - челақлар, қумда Ҳйналадиган тўпламлар;
 - мозаикалар;
 - пластмасса Ҳйинчоклар ва пирамидалар;
 - Ҳйинчок телефон;
 - Ҳар хил геометрик шаклдаги тешикчалари бўлган ёғоч ва пластмаса панеллар (уч бурчакли, Ҳтқир бурчакли, доира шаклидаги) ҳамда ана шу шаклдаги шаклар;
 - турли рангдаги кубиклар;
 - конструкцияли ва қурилиш тўпламлари;
 - оилавий Ҳаётдаги қўринишларни Ҳйнаш учун зарур бўлган сюжетли расмлар;
 - турли хил товушларни Ҳрганиш ва таққослаш имкониятини берувчи мусиқа асбоблари: рубоб, дутор, най, карнай, доира, чанг.
- Ушбу рўйхат қуйидагилар Ҳисобига кўпаяди:
- фарзандингиз қизиқишлари;
 - фарзандингиз жинси (қиз болалар ва Ҳғил болалар Ҳйинчокларини «Қизлар, Ҳғил болалар» бўлимадан қаранг);
 - спорт Ҳйинчоклари, улар тегишли бўлимада кўрсатилган.

Фабрикада ишлаб чиқарилган Ҳйинчокларга Ҳўжалик нарсаларини қўшиш муҳим аҳамиятга эга; барча шакл ва Ҳлчовдаги бўш қутилар, қошқоқли банкалар, отқриткалар, ишдан чиққан радиоприёмник, қандайдир ювилган кийимни осиш учун қисқич, "темирчалар" ва бошқа Ҳўжалик буюмлари.

Мавжуд барча Ҳйинчоклар боланинг қўл остида бўлиши шарт эмас. Бироз кузатинг ва болангиз кўп Ҳйнаган Ҳйинчокларни танлаб олинг. Бошқаларини яшириб қўйинг. Ойига бир-икки марта Ҳйинчокларнинг биронтасини олиб қўйинг ва яшириб қўйганларингиздан беринг. Бундай амалиёт Ҳар доим ва даврий бўлиши шарт. Ҳйинчоклар ва Ҳйин учун зарур материаллар мустақил фойдаланишда намунавий тартибда бўлиши керак. Бу билан биз катталар, болаларга тартибли, фаросатли бўлишни Ҳргатамиз.

Икки ёшдан бошлаб биз болага Ҳйинчокларни жой-жойига қўйишган Ҳргатамиз, дастлаб биргаликда, сўнг бола буни Ҳзи мустақил бажаради. Ҳйинчокларнинг бузилиши барчага маълум. Шунинг учун ҳам биз уларни ташлаб юбормасдан, "Ҳйинчоклар шифохонаси" бурчагини ташкил қилишни тавсия этамиз. Ҳйинчокларни таъмирлаш(даволаш)ни биргаликда бажарамиз. Таъмирдан чиққан Ҳйинчокни болалар аввалги Ҳолидан ҳам кўра кўпроқ яхши кўради.

Фақат қуйидагиларни унутмаслик зарур:

- болалар мустақил Ҳйнашни яхши кўришади;
- катталар билан Ҳйнаш эса уларнинг жонували;
- аммо, кўп вақтларда улар тенгдошлари билан Ҳйнашади, бу ерда уларнинг инсоний муаммолари ва доимий мулоқотининг модели шаклланиши табиийдир.

БОЛАНГИЗ ЗУККО БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Муаммо. Сўнги йилларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия мазмуни, шакли, восита ва методларини янгилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат ва жамият мактабгача ёшда бўлган болаларни мактабга тайёрлаш вазифасини қўйди. Шунга кўра болаларни мактабга тайёрлашнинг янги моделлари (қисқа мuddатли гуруҳлар, шанба, якшанбалик мактаблари, саводхонлик марказлари) фаолият кўрсатмоқда. У ерда албатта латин алифбосини, хорижий тилларни, илк компьютер сабоқларини ўргатиш тобора кенг ёйилмоқда. Шу билан бирга хорижий мамлакатлар, у ердаги болалар ҳаёти, табиати муҳофаза қилиш ҳақида ахборот берадилар. Ҳозирги кунда энг долзарб экология муаммолари ва бу борада қилинаётган ишлар билан болаларни таништириб бормоқдалар. Республикамиз бўйича эса Орол муаммоси, уни қуриши қанчадан қанча табиатга, инсонларга салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳақида гапириб, болалар ушбу мавзуларни қандай ўзлаштирганликларини аниқлаб олиш мақсадида «Орол болалар нигоҳида» мавзусида расм чиздирадлар, табиат, ҳайвонат ва ўсимликлар дунёси ҳақида хикоя туздилар. Жумладан, Лондон яқинида Эйлсбург шаҳарчасида чиқиндиларни ўғитта, ифлос сувни тоза сувга айлантирувчи улкан тозалаш корхонаси иш-ламоқда. Кўпчилик бундай ишдан бурнини жий-

риб, бу ерлардан узоқроқ юришга ҳаракат қилди, лекин тарбиячи болалар билан бирга тозалаш жараёнини кузатиш учун ҳар куни бу ерга шوشилдилар. Болаларнинг фикрича бу улар учун жуда фойдалидир: улар табиатда қандай жараён кечишини ва бунга инсон қандай таъсир этишини ўз кўзлари билан кўрадилар.

Демак, юксак даражадаги ижодий тафаккур ва фантазияга эга ихтирочиларни шакллантирувчи фанларга (билимларга) эҳтиёж сезилади.

Муаммонинг ечими: Бола белгиланган билим ва кўникмалар билан чекланиб қолмасдан ақлий имконияти доирасида фантазия қилиши, фаол фикрлаши, конструкциялаши ва ихтиро қилиши учун ҳаммаизга ИМЕН — ихтирочилик масалларини ечиш назариялари билан алоқа боғлаш муҳимдир.

ИМЕН (ТРИЗ) йўналишининг асосчиси — Генрик Саулович Альтшуллер. У ўз тизимини 1945 йилдаёқ ўйлаб қўйиб ярага бошлаган эди. Ишнинг бошида у ва унинг издошлари ИМЕНни теҳникага нисбатан жорий қилишган эди. Ҳозирга келиб эса бу ўта муҳим йўналиш кўпгина теҳнологик тизимларнинг ривож учун хизмат қилмоқда. 1987 йилдан ИМЕН боғчаларга ҳам кириб келди. Ўзбекистондаги ва хориждаги кўпгина боғчалар мактабгача таълим педагогикасини сезиларли равишда бойитди. Умуман олганда ИМЕН педагогикаси фантазияни шунчаки бойитмайди, юз бераётган ҳодисаларни тафаккур билан узлуксиз тушуниб боришга ўргатади. Бола дунёни тушунишнинг қотиб қолган усулларидан холос бўлиб, дунёга ўз назари билан қарай бошлар экан, шубҳасиз даҳо бўлиб етишади. Бола 5-6 ёшидаёқ

қандай қилиб бўғирсоқни тулкидан қутқариш ҳақида ўйлай бошлар экан, катта бўлгач, хар қандай вазиятдан чиқиб кетувчи, фикрловчи, уаа-бурун киши бўлиб етишади, деб ҳисоблайди ИМЕНчилар. Бу эса инсон учун энг керакли хусусиятдир, шундай эмасми?

Болани ИМЕНга жалб этиш учун, уни атрофдаги олам билан дадил муносабатга киришишга ўргатиш лозим. Фақат бутина эмас, одамлар билан киришимли бўлишни ҳам ўргатиш керак.

Ота-она ва оиладаги бошқа катталарнинг муносабат усули жуда муҳимдир. Болангизни атрофмуҳит билан муносабатга ўргатиш учун қуйидаги маслаҳат ва қоидалардан фойдаланишингиз мумкин:

1. Мумкин бўлмаган ҳолатда ҳам болага доимо тўғрисиини айтинг.
2. Муваффақиятга зўрлик билан эришманг.
3. Доимо хайрихоҳ, дўст бўлинг.
4. Кенфезъл — кечирингга мойил бўлинг.
5. Болаларни мақташни унутманг.
6. Болангизнинг кичкина муваффақиятини ҳам кўздан қочирмай, таъкидлаб туринг.
7. Боланинг ўзини эмас, ҳаракатини баҳоланг.
8. Болангиз қалбининг калитини топинг.
9. Муносабатни алифбодан эмас, хурсандчиликдан бошланг.
10. Болалар билан кўзига қараб гаплашинг.
11. Бола кўнглидаги эртақларга муҳаббатини сўндирманг.
12. Бола ҳаётидаги ёқимли хотиралар ҳақида ўйланг.
13. Болани фикрлашга ундаш — энг яхши тарбиядир.

14. Боланинг руҳий оламини ривожлантиришга уни ўзингизга яқин олибгина эришингиз мумкин.

15. Бола сиздан марлуб кайфиятда узоқлашмаслиги лозим.

16. Болалар хато қилиш ҳуқуқига ҳам эгалитини тан олинг.

17. Инсонда эзгуликка ишонч бор экан, тарбия ҳам бор.

18. Бола ўзига унга катталар қандай муносабатда бўлса, шундай ёндашади.

19. Болаларни оз нарсага қодир деб эмас, ҳали имкониятлари очилмаган деб ҳисобланг.

20. Болаларга фақатгина уларнинг қамчиликлари ҳақидагина гапириш ярамайди.

Энди болаларни муомалага ўргатиш масаласига ўтамиз. Муомала — боланинг умумий руҳий ривожланиши, шахс сифатида шаклланиши, ўз-ўзига баҳо бериш малакасини эгаллашида муҳим аҳамиятга эга. Айнан муомала орқали болада умумий қоидаларга бўйсуниб, ижтимоий меъёрларни ўзлаштириш кўникмаси юзага келади. 5-6 ёшлардаги бола қуйидаги лаёқатларни эгаллаган бўлиши лозим:

- бошқаларга қулоқ солиш ва сўзига кириш;
- эркин суҳбатда иштирок этиш;
- ўз-ўзига ва теварақдагиларга диққат қилиш;
- ўзгаларнинг туйғу ва кайфиятини тушуниш;
- ўзи ва бошқаларнинг ҳаракатларини фахмлаш.

Беш-олти ёшли болага "муомала сирлари"ни очиб берамиз:

1. Ўртоғингга исмини айтиб мурожаат қил, у ҳам сенга шундай муомалада бўлади.
2. Теварагингдагиларга эътиборли бўлсанг, одамлар сени хурмат қилишади.
3. Хушфелъ бўлсанг, дўстларинг кўп бўлади.
4. Ўзгаларни диққат билан тинглай олсанг, жуда кўп янги нарсаларни ўрганасан.

Муомалани яхши ўзлаштириш учун болалар билан бир қанча ўйин ўтказишни тавсия қиламиз.

Юз

Қоғозга турлича: қувноқ, йилеаётган, хумрайган, шум, ажабланган, кўрққан юз суратларини чизин. Болалар билан бирга юз тасвирлари нима ни акс эттиришини аниқлаймиз. Болаларга юз тасвири — имо-ишора эканлигини тушунтирамиз ва бу сўзни (имо-ишора) биргаликда жўровоз бўлиб такрорлаймиз.

Ниқоблар

Болаларга ва ўзимизга топшириқ берамиз: имо-ишора ёрдамида истехзо, шодлик, оғриқ, кўрқув, ажабланишни ифодалаш. Кимдир топшириқни бажараётганинг "ниқоб"ни ўхшата олган ёки олмаганлигини аниқлаб туради.

Имо-ишоралар

Болаларга имо-ишоралар орқали гаплашиш мумкинлигини ҳам тушунтирамиз. Қандай имо-ишораларни билишимизни эслаймиз (машинани қандай имо қилиб тўхтатиш мумкин, нимадир сўраш, саломлашиш, хайрлашиш...).

Чет эллик

Бирдан чет элга бориб қолдингиз, на тилини биласиз, на сизни тушунишади. Ҳаракат ва имо-ишоралар орқали зоопаркка, бассейнга, майдонга йўл сўрайсиз, ёдгорлик, кинотеатр, кафе, почта қаерда эканлигини сўранг.

Бу турфа сўзлар

Сўз ёрдамида эркалаш, ҳайдаб солиш, хафа қилиш, кўнглини олиш, озор бериш мумкинлигини айтиш. "Ҳилоланинг кўгирчоғи йиғлаяпти", "Ўртоғингга совға бер", "Бемор болани тинчлатиришга ёрдам бер" — бу ҳолатларнинг бари сўз, имо-ишора ва турли ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилади.

Ўртоғингизни таърифла

Икки бола ёки биттаси катталардан бир киши билан орқама-орқа ўтиради ва навбатма-навбат бир-бирининг сочини, юзи, кийимини таърифлайди. Ким тўғри таъриф бергани аниқланади.

Тегингин

Бола кўзини юмади. Ёнидагилардан кимдир кўлига кўл тегизади. Бола унинг кимлигини топиб, номини айтади.

Жимликни тинглаймиз

Ҳамма жимликни тинглайди, кейин ким нима эшитганини айтади

Оҳанг

Болалар билан "Отам жўнаб кетди" жумласини ҳар хил оҳанда айтиб кўриш(қувнок, бепарво, аччиқланиб, ғамгин кайфиятда...).

Эртақ тўқиймиз

Журналдан олинган расм қирқимлари йиғилган қутидан биттадан расм олинади ва жамоа бўлиб эртақ тўқий бошланади. Ҳар бир ўқувчи 1-2 тадан гап тўқийди, яқунда эртақ тугал маънога эга бўлиши керак.

Мен тугма боғбонман

Ҳаммага гулларнинг расми тарқатиб чиқилади. Боғбон танлаб олинади. У дейди: "Мен тугма боғбонман (боғбон бўлиб туғилдим), жаҳлим шунчаки чиққани йўқ, ҳамма гуллар жонимга теғди, ...дан ташқари" (Атиргулдан). Шунда атиргул расмини тугиб турган бола айтиши керак: "Оҳ!" — "Сенга нима бўлди?" — "Ошиқ бўлдим" — "Қимга?" — "...га" (Лолага) ва ҳ.к. Ўйин сўнгида кўзгу танланади ва боғбон "кўзгу"га топириқ беради, у эса ўз навбатида ҳар бир иштирокчига топириқни бериб чиқади.

Сехрлар бўлсам эди...

Иштирокчилар ҳикоя ёки кичик эртақлар тўқийдилар.

Қаҳри қаттиқ малика

Қаҳри қаттиқ маликани кулдириш учун удабурон бўлиш керак: латифа айтасизми, култили ҳаракатлар қиласизми, ашула хиргойи қиласизми...

Таққослаш

Болаларга ўзи ёки ўртоғини қандайдир гул, дарахт, ҳайвон ва шу кабиларга таққослашни тақлиф қилинг. Кейин бундай таққослашлар нима учун кераклиги муҳокама қилинади.

Сехрли суратлар

Қуйидаги расмларни чизиб кўрсатинг:

- Ип билан боғланган шар;
 - Бир-бирига боғланган икки халқа;
 - Бирлашган тўртта учбурчак ва ҳ.к.
- Қолганлар ушбу расмларга ном топишади.

"Салом" деган яхши сўз

Бир бола ҳамма яхши сўзларни йўқотиб қўйди. Унда фақат ёмон сўзлар қолди. Шунда онаси уни шифокорга олиб борди. Шифокор айтди: "Оғзингни оч, тилингни чиқар, юқорига қара, бурнингнинг учига қара, лунжингни шишир". Кейин болага яхши сўзларни излаб топишни булорди. Аввал бола "уф-ф" деган сўзни топди, лекин бу яхши сўз эмас эди. Кейин "йўқол" (нари тур) деган сўзни топди, афсуски бу ҳам яхши эмас. Ниҳоят у "Салом" деган яхши сўзни топди. Уни чўнтагига солди ва уйга келтирди. Шундан кейингина яхши сўзларни айтишни ўрганиб, одобли, яхши бола бўлиб қолди.

Ж.Родари

Ушбу эртақ бўйича оила аъзолари ўртасида роиларни бўлиб олиш ва ижро этиш мумкин.

Эзгу иш

Ўзбек халқ эртаги «Эгри билан Тўғри» эртаги-

ни ўқиш мумкин. Тасвирланган воқеа асосида "кўлмак" деган кўринишни ўйнаш мумкин: "Кучли ёмғир ёрди. Қизча юриб-юриб, бир пайт ўзини катта кўлмакнинг ўртасида кўрди. Кўлмақдан у ўз-ўзича чиқиб кетолмайдди. Унга ёрдам берамиз (ҳода ирғитамиз, қўл чўзамиз, тахтача ташлаймиз ва ҳ.к.).

Кайфият ранглари

Болаларга кайфият турли ранглар билан ифодаланиши мумкинлигини тушунтирамиз.

- қизил — завқ-шавқ;
- тўқ сариқ — кувонч, хурсандчиликни;
- сарик — ёқимли (менга хуш ёқади);
- яшил — хотиржамликни;
- кўк — ғамгин, синиқ кайфиятни;
- бинафшаранг — нотинчликни;
- қора — маъюслик (умидсизлик)ни;
- оқ — кўрқинчни билдиради.

Камалак — етти ранг

Ўзингизнинг кайфиятингизни аниқланг ва рангларга мутаносиб ҳолда юз ҳаракатлари ёрдамида қандай кайфиятда эканлигингизни кўрсатинг.

Интервью

Дейлик сиз узоқ мамлакатдан учиб келдингиз, аэропортда мухбир билан учрашасиз ва у сизга саволлар беради. Вазиятнинг ишончли чиқиши учун микрофон ўрнида болалар сакраб ўйнайдиган арғамчи тутқичидан ёки эски микрофондан фойдаланиш мумкин.

Шундай қилсак адолатли бўлади

Болаларга ҳикоя ўқиб берамиз: "Она дўконга кетади. Она уйдан чиқиб, эшик ёпилиши билан болалар шўхликларини бошладилар. Гоҳ стол атрофида айланиб чопдлар, гоҳ бир-бирига ёстиқ ирғитдилар. Шу пайт қулф шиқирлаб онаси кириб келди. Катта ўғли тезда диванга ўтириб олди. Кичиги эса ёстиқ ирғитишда давом этиб, қандилани синдирди. Онанинг жаҳли чиқиб, уни бурчакка турғизиб қўйди. Акаси ўрнидан турди ва укасининг ёнига борди. "Сен нимага турибсан?" — деб сўради ундан онаси. "Шундай қилсак адолатли бўлади" — жавоб берди ўғил.

Фарзандларингиз билан болаларнинг қилиқлари хусусида суҳбатлашинг.

Вақти-вақти билан "Ўзингга ўзганинг кўзи билан назар ташла" деган ўйинни ўйнаб туриш жуда яхши самара беради. Бунда болалар ўзлари катталарга қандай бола бўлиб туюлишларини билиб оладилар.

Болаларингизни муомала муносабатга ўргатиш билан бирга, хурмагли ота-оналар, уларни ИМЕН топириқларини ҳам бажаришга ўргатишни маслаҳат берамиз. Тажрибаларнинг кўрсатишича, болалар бундай масалаларни катталарга нисбатан осон тушунар эканлар. Бизга қотиб қолган қолипда фикрлаш ҳалақит беради.

Катталарни ИМЕНга ўқитишнинг ўзига хос тизими бор. Биз ушбу тизимдан айрим мисоллар келтириш билан чекланамиз. Дастлаб киши фаҳм-идрокини, зеҳнини қамровчи ҳазил-саволлардан бошлаймиз.

Болаларга ҳам бериш мумкин бўлган саволлар кўшув (+) белгиси билан қайда этилган.

1. Нарса яна ўз жойига қайтиши учун, уни тўғри чизик бўйлаб қандай улоқтириш керак? (юқорига иргитсангиз — яна ўз жойига қайтиб тушади)

2. Тасаввур қилингки, итнинг думига темир товани бовлаб кўйишган. Ит югурса, това тарақлайди. Товача тарақламаслиги учун ит қандай тезликда югуриши керак? (Нулинчи тезликда) +

3. Умумий қиймати 15 сўм бўлган иккита сўм мавжуд. Уларнинг барчаси 5 сўмлик эмас. Улар қандай сўмлар? (5 ва 10 сўмликлар) +

4. Бир одам баланд бинонинг 25-қаватида яшайди. Ҳар куни эрталаб у пастга лифтада тушади ва кечкурун ишдан қайтганида лифтада 24-қаватга чиқади-да, сўнг пиёда яна бир қават тепага чиқади. Нима учун? (У пакана, 25-қаватнинг тутмасини босишга бўйи етмайди, шунинг учун) +

5. Агар итнинг оёғини дум деб ҳисобласак, унда нечта оёқ бўлади? (4 та) +

6. Банан шифтда осирлик. Профессор хонада тахта қути(яшик)ларни тахлаб кўяди.

Маймун яшиклардан фойдаланмай бананни олади. У буни қандай амалга оширди? (Профессорнинг елкасига тирмашиб чиқиб) +

7. Хонада 25 та ёнғоқ бор эди. Ирода 17 тадан ташқари ҳамма ёнғоқни олди. Нечта ёнғоқ қолди? (17 та) +

8. Бир одам эрталаб соат 10да туриш нияти билан кеч соат 21да ухлашга ётди. У будилникни соат 10га тўғрилади ва 20 дақиқа ўтгач ухлаб қолади. У соат жиринглашигача қанча вақт ухлаган? (12 соату 40 дақиқа).

9. Бир аёл такси тўхташиб, уйига элтиб кўйишни сўради. Йўлда у тўхтовсиз бидирлаб кетди. Бу ҳол жонига теккан шофёр аёлга гапларингизни

эшитмапман, мен карман деди. Аёл жимиб қолди, лекин ўз уйи олдида таксидан тушар экан, сездикки шофёр кар эмас экан. У буни қандай билди? (Чунки шофёр аёлниг уй манзилини эшитган эди).

10. Бир одам хона чироғини ўчирди ва хонага қоронғулик тушгунча тўшакка ётиб олишга улуради. У бунга қандай муваффақ бўлди? (У кундузи ухлашга ётган).

11. Бир қиз тилла узутини кофе тўла чашкага тушириб юборди. Лекин узукни бармоқларини хўл қилмасдан чиқариб олди. Қандай қилиб? (Чашкадаги куруқ кофе эди).

12. Бир одам ёмғирда қолди. Шяпаси ҳам, зонтиги ҳам йўқ эди, пана жой ҳам йўқ эди. Уйга етиб келганида уст-бошидан сув шариллаб томиб турса-да, бир тола сочи ҳам хўл бўлмаган эди. Нима учун? (У сочини устарада қирдирган эди).

13. Машхур кўзбойлагич таъкидлайдики, хона ўртасига пиша (бутилка) қўйиб, унга эмаклаб кириш мумкин. У бунга қандай эришади? (Хонага ҳамма ҳам эмаклаб kira олади).

14. Бир ҳайдовчининг ёнида ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ эди. Кўча темирйўл билан кесишган жойда, шлагбаум туширилган бўлишига қарамай шофёр тўхтамади. Бир томонлама ҳаракат белгиси турганлигига қарамай, у ортга қараб (қарши томонга) юрди ва учта мавзени айланиб келгачина тўхтади. Буларнинг бари ДАН ходимининг кўз ўнгида содир бўлди, лекин у шофёрни тўхтамади. Нима учун? (Чунки шофёр пиёда юрган эди).

15. Етти харфдан иборат қандай сўзни ҳамма нотўғри ёзади? ("Нотўғри" сўзини).

16. Қоронғи, ёмғирли кечада турмадан учта жинотчи солинган бир машина чиқиб келди. Машинанинг давлат рақами қандай эди? (Хўл эди, чунки ёмғир ёғаётганда).

17. Сизникига меҳмон келди, совутгичингизда эса лимонад ва помидор шарбаги бор. Аввал нимани очасиз? (Совутгични) +

18. Бир кишидан нечта фарзандингиз бор деб сўрашди. У жавоб берди: "Менинг 6 ўғлим бор, ҳаммасининг биттадан туғилган синглиси бор". У кишининг фарзандлари нечта? (еггита, ҳаммасининг онаси бир киши)

Энди эса қийинроқ топшириққа ўтамиз.

Сўзлардаги муштаракликни топиш, идрок билан аҳамиятларини ажратиш, тушунчаларни таҳлил этиш қобилиятини кўрсатиш.

Қуйида 20 та сўзлар қатори берилган. Ҳар бир қатордан маъноси биринчи сўзга яқин бўлган икки сўзни аниқланг. Топшириқни бажариш муддати — 30-60 лаҳза (секунда).

1. Боғ — ўсимлик, бобдон, ит, тўсиқ, ер.
2. Дарё — балиқчи, қирғоқ, балиқ, балчиқ, сув.
3. Шаҳар — автомобиль, бино, оломон, кўча, гуллар.
4. Оғил — пичанхона, от, том, девор, мол.
5. Дўкон — колбаса, харидор, сут, соғувчи, расм.
6. Бўлиш(матем.амал) — қалам, бўлувчи, қозон, бўлинувчи, синф.
7. Мактаб — боғ, журнал, ўқитувчи, кундалик, ўқувчи.
8. Ўқиш — расм, матн, кўз, китоб, сўз.
9. Газета — телеграмма, кўшимча, муҳаррир, қозон, ҳақиқат.

10. Ўйин — жазо, қойда, жарима, ўйинчи, карта.

11. Уруш — аэроплан, жанг, аскарлар, замбараклар, милтик.

12. Китоб — расмлар, қозон, муҳаббат, уруш, матн.

13. Куйлаш — санъат, куй, қарсақлар, овоз, жанг.

14. Зилзила — тебраниш, ўлим, ёнғин, фалокат, шовқин.

15. Кутубхона — ўқувчилар, маъруза, мусиқа, шаҳар, китоблар.

16. Ўрмон — овчи, олма дарахти, дарахтлар, барг, хайвонлар.

17. Спорт — пойга, оркестр, медаль, стадион, спортчилар.

18. Касалхона — бино, касаллар, радио, боғ, шифокор.

19. Трамвай — рельслар, вагон, шаҳар, кўча, йўловчи.

20. Ошпаз — ошхона, озиқ-овқатлар, идиш-товоқ, фартук.

21. Натижалар баҳоси: топшириқ 17 қаторда тўғри бажарилган бўлса, сизнинг жуда юксак даражадаги умумлаштириш қобилиятингиз ҳақида гапириш мумкин; 14-17 — юксак даража; 10-13 — ўрта даража; 10 дан кам — паст даража.

Қуйида 20 қатор сўз ёзилган. Ҳар бир қаторда 5 тадан сўз бор, улардан тўрттаси умумий тушунча билан боғлиқ, биттаси бу гуруҳга кирмайди. Ҳар бир қатордан ўша битта сўзни аниқланг ва дафтарингизга ёзиб олинг. Вазифани бажаришга 10 дақиқа вақт берилади.


1. Юсуф, Нурали, Шерали, Элмурод, Нишонов.

2. Эски, кичик, мункилаган, қари, чириган.
 3. Аста-секин, шоша-пиша, шошилиңч, тезда, зудлик билан.
 4. Барг, тулпуқ, пўстлоқ, тангача, шох.
 5. Ёмон кўрмоқ, азабланмоқ, аччиқланмоқ, жирканмоқ, тушунмоқ.
 6. Балаңда, буйчан, узун, ақлли, дароз.
 7. Ин, уя, товуқ катаги, қоровулхона, айиқ ини.
 8. Қоронғулик, зимистон, зим-зиё, соқчи, гира-шира.
 9. Бахтсизлик, фалокаг, тун, олам, мусибат.
 10. Зилзила, хужум, босқинчилик, ўғирлик, ўт кўйиш.
 11. Қатик, сут, қаймоқ, пишлоқ, мой.
 12. Ёқимли, яхши, чиройли, мулойим, хушмуомала.
 13. Уй, печка, хонадон, оғил, будка.
 14. Қайин, сирень, қарағай, эман, арча.
 15. Лахза, оқшом, ҳафта, соат, йил.
 16. Дадил, жасур, ботир, кўрқмас, ёвуз.
 17. Чўтқача, фломастер, қалам, сиёх, ручка.
 18. Баскетбол, бадминтон, қўл тўпи, футбол, хоккей.
 19. Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Чирчиқ, денгиз
 20. Сўм, доллар, марка, франк, товар.
- 15 ва ундан ортиқ саволга тўғри жавоб тошган бўлсангиз — яхши. 14 дан 9 гача — ўрта. Тўғри жавобларингиз 8 ва ундан кам бўлса, умумлаштириш қобилиятингизни ўстиришга тўғри келади.
- Озроққина ўргандингизми? Энди ИМЕН таълимини ўрганишга киришамиз. Физикадан бошлаймиз.

Болаларга физик тушунчаларни, "ўлик" табиат ҳақидаги билимларни қанча эрта ўргатишни бошласак, уларда синчковлик, қизиқувчанлик, топқирлик ва албатта тасаввур ва тафаккур фаолияти шунча эрта ривожланади. Аввало, болаларни қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатидаги жисмлар билан қандай қилиб образли таништиришга эътиборингизни тортамиз. Шу билан биз болаларни математик дунёқарашга, системали фикрлашнинг асослари шаклланишига ва атрофимиздаги ҳаракатларнинг мантиқий таҳлиliga ўргата бошлаймиз.

ИМЕНчилар шундай мураккаб материални 5-6 яшар болалар учун яқин ва тушунарли қилишнинг йўлини топдилар.

Қ а т т и қ ж и с м л а р. Болалар билан биргаликда барча қаттиқ нарсаларни топамиз. (Яқиндан узоққа тарзида) — тишлар, суяклар, тирноқлар; сочлар, тугмалар, ботинкалар; стол, стул, пол, ликобча... Бу нарсалар нима учун қаттиқ? Столнинг ичида нима бор? Ва биз болаларга бир сирни ошкор қиламиз: "Ҳар бир қаттиқ нарсанинг ичида одамчалар яшайди. Улар мана бундай бўлади:



Ҳеч нима ўтиб кетмаслиги учун улар бир-бирларининг қўлларидан маҳкам ушлаб оладилар (ҳамма катталар бир-бирининг қўлидан ушлаб ҳеч нимани ўтказмайди).

Энди суюқ нарсаларнинг номини айтинг: сув, компот... Сув билан тажриба ўтказиш жуда яхши натижа беради.

Болаларнинг кўз ўнгига ёки уларнинг бевосита иштирокида бу каби тажрибалар ўтказиш сувининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиришда муҳим аҳамиятга эга.



suv oqayapti



suv to'kiilyapti



suvning rangi yo'q




suvda narsalarning aks-i ko'rinadi



suv rangsiz

Болаларга савол: Суюқликда ҳам одамчалар яшайди. Сув орқали қаттиқ нарсалар ўтиши учун улар қўлларини қандай тутиши керак?



Болалар жавоб бермаса, ёрдамлашамиз: "Одамчалар тирсақларини тирсақларига тегизиб, ўзларининг белбоғларидан ушлаб оладилар.

Дейлик, дарёда чўмилганимизда, сувдаги одамчаларни икки ёққа суриб ташлаймиз.

Газсимон моголар. Атрофимизда тутун, буғ бор. Тутун қандай? Қаттиқми? Суюқми? Йўқ! У қаттиқ ҳам, суюқ ҳам эмас. У газсимон. Газсимон модаларда ҳам одамчалар яшагини иботлаш учун болалар билан кичик тажриба ўтказишни маслаҳат берамиз.


1. Полиэтилен халтача оламиз. Уни ҳаво билан тўлдирамиз, сўнг уни тешамиз-ки болалар халтадан одамчалар қочиб чиқётганига ишонсинлар.

2. Саримсоқ пиёз солинган пиёлани очамиз, қирғич билан сурқаймиз ёки чашкада озроқ лимонни эзиб сувини чиқарамиз — болалар хиёни сезадилар ва биладиларки бу газсимон одамчалар саримсоқдан, лимондан учиб чиқдилар ва хонада учиб юрибдилар ҳамда улар ҳеч қачон тўхтамайдилар.

Сув ҳақидаги суҳбатнинг давомида қуйидаги соддагина кўшиқни ёллашни тавсия этамиз:

Қаттиқ — суюқ

Мезананган сакра айни қиш,
Орттирганнинг бўлар ғурра, шшш.
Билмайсанми, сув музлаган-ку,
Муз — қаттиқ ҳолатдаги сув.
Сакраб кўр-чи жазирамада,
Сочинггача ҳўл бўлар шунда.
Бунинг ҳеч бир ажаб жойи йўқ —
Ёз кунлари сув бўлар суюқ,
Жуда яхши билиб олдиқ биз:
Ёздаги сув қишда қаттиқ муз.
Дарё суви қандай ҳолатда,
Десақ суюқ дейсан албатта.
Олиб келиб ундан бир челақ,
Ёнаётган печкага қўйсақ.
Қолмас сувдан бирон-бир асар,
Бутун уйни шу чоғ буғ босар.
Буни ҳамма яхши билсин,



Буғ — газ ҳолатидаги сув десин.


Демак шудир хулоса:

Сув, буғ ва муз — бир нарса.

Ўзгарса ҳарорати,

Ўзгаради ҳолати.

Кичик одамчалар мавзусини вақт ўтган сайн мисомлар ва ҳолатларни кўрсатиш билан мустаҳкамлаб бориш зарур:




—тош, темир, пластик;

—сув, шарбат, чой;

—ҳаво, буғ.

Такрорлашдан сўнг биз болаларни моделлаштиришга, яъни одамчалар ёрдами билан ҳар қандай нарсанинг моделини кўрсатишга ўргатамиз.



—шарбат солинган стакан модели;

—апельсин модели;

—одам модели


Атрофимизда ҳар хил материаллардан тузилган нарсалар тўлиб-тошиб ётибди. Булар: туپроқ, резина, кум, пластика, ойна, тош ва ҳ.к. Бу материалларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга: оғирлик, ранг, ўтказувчанлик ва ҳ.к.

Болаларга туپроқнинг хоссаларини тушунтириш учун қизиқарли мисол келтирамиз. Болаларнинг каттароғига қуйидаги мантиқий масалани ечишни таклиф қилинг:

Ёзнинг илқ бир кунига болалар ўрмонга бордилар. Кутимлаганда шаррос ёмғир ёқа бошлади. Уст-бошлари ивиб, болалар уйга шовилдилар. Қайси йўлдан кетиш ҳақида баҳслашдилар. Яқин туپроқ йўлданми, узоқ кумли йўлданми? Ҳамма кумли (узоқ) йўлни танлади. Фақат Салим яқин йўлдан кетди. Болалар уйга келиб, кийимларини алмаштириб, овқатланишга ўтирганларидоғина жаҳли чиққан, уст-боши ҳўла, лой бўлган Салим етиб келди.

Нима учун Салим йўлда узоқ қолиб кетди ва уст боши ҳўла, лой бўлди? У яқин йўлни танлаган эди-ку?

Сиз билан тушундикки, болалар физикавий ҳодисалар моҳиятини гарчи тушунмасада улар амалда бу ҳодисаларнинг қандай содир бўлиши ҳақида илк тасаввурга эга бўлишади. Демак, нарсаларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини, дейлик, темир билан ёғочнинг, умуман, хонадаги барча нарсаларнинг ана шу жиҳатларини аниқлаш учун магнитдан фойдаланиш зарур. Маълумки, магнит фақат металларнигина ўзига тортади.



Шундай қилиб, болалар ваннада ёки пластмасс ванначада ўйнаш чоғида, қандай буюмлар сувада чўқади, қандайлари чўкмайди, қайсилари хўл бўлади, қайсилари ўзига сув юқтирмаслиги ҳақида тушунчага эга бўладилар.

Сир-синаотларни очишда давом этамиз. Қаттиқ жисмлар — тош билан металлларда ҳам ўртоқ ва ўртоқ бўлмаган одамчалар бўлар экан (бири букилади, лекин синмайди, бошқаси мўрт бўлади). Тўкиладиган (сочиладиган) нарсалар эса (гүрүч, гречка, қум) қаттиқ моддалардан ташкил топган бўлади. Демак, қадам-бақадам биз болаларни жонсиз табиатнинг қуйидаги қонуниятлари билан таништира борамиз:

1. Юмшоқ нарсалар иссиқда янаям юмшоқроқ бўлиб қолади (пластилин, мум).
2. Қуюқ-суюқликлар иситилганда суюқроқ бўлиб қолади.
3. Шакар эрийди.
4. Металл буюмлар тез қизийди, лекин тез совийди ҳам.
5. Ёғоч буюмлар секин қизийди, лекин узок вақт иссиқликни ўзида сақлаб туради.

6. Гишт ёғочга қараганда иссиқликни ёмон сақлайди.

Ушбу билимлар асосида болалар билан қуйидаги муаммоларни ўйин жараёнида ҳал қилиш мумкин:

-Пластинини кафтда думалоқламай, куҳкуҳламай, иссиқ сувсиз қандай юмшатиш мумкин?

-Симга мум шарчалар тизиб қўйилган. Қўл тегизмасак ҳам, қиздирмасак ҳам улар ўзлари тушиб кетиши учун нима қилиш керак?

-Қорқизни, пластилин одамчани шимолга жўнатиш учун ёки уларни жанубда сақлаш учун нима қилиш керак?

-Чойни қандай қилиб (газ йўқ) иссиқ сақлаш мумкин?

-Совуттич йўқ бўлса, сутни қандай қилиб совуқ сақлаш мумкин?

-Қишда ўрмонга бориб, иккита уйчани кўрдингиз, бири гишдан, бири ёғочдан қурилган Қайси бирига кирар эдингиз?

-Латофат исмли кўғирчоғингизнинг туғилган куни. Конфет йўғу шакар бор. Меҳмонлар учун шакардан конфет ясаса бўладими?

-Калитни нимадан ясаса бўлади? Болаларга кўпроқ вариантни таклиф қилинг: тошдан, муздан, металлдан, пластилидан, ойнадан. Қайси бир материалдан ясалган калит мустаҳкам бўлади?

-Оддий қалам билан темирдан, ёғочдан, пластмассадан, ойнадан ясаладиган буюмларнинг расмини, шунингдек совуқ, иссиқ, сирпанчиқ нарсаларнинг расмини чиз.

Физикавий савол ва топшириқларни, агар бу ҳодисаларга болангизнинг қизиқиши бўлса, улар

нинг қамровини кенгайтириш билан мураккаб-лаштириш мумкин. Агар сизда «Учинчи минг йил-ликнинг боласи» болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлашнинг таълим дастури ва қўллан-масидан фойдалансангиз айти мудао бўлади. Қи-зиқарли ўйин, савол ва топшириқлар нафақат фи-зикавий тафаккурни шакллантиради, балки уму-ман ўқишга қизиқишни оширади. Мана, катта-ларнинг озгина изоҳлари билан 6 яшар болакай-лар тушуниб оладиган саволларнинг бир нечтаси:

1. Паша ва филни қандай қилиб қиёслаш мум-кин? Қиёслаб бўладими ўзи?
2. Нима учун қисқа масофага югурувчи спорт-чилар учун таги миҳли, узоқ масофага югурувчи-лар учун эса миҳсиз оёқ кийим берилади?
3. Тез синадиган муз устида хўл бўлиб қол-маслик учун қандай ҳаракат қилиш керак?
4. Дор устидаги дорбоз томошабинларни қой-ил қолдиришни истайди. Сув тўла челақ обкаш-дан ушлаб юрса у янада эгчил ҳисобланади. Дор-боз мувозанатни қандай тарзда сақлай олади?
5. Босим катта бўлса ҳам Тошкент телемини-раси нега ағдарилиб тушмайди?
6. Челақдаги сув ҳажмини икки баробарга ка-майтирса, унинг оғирлиги ўзгарадими?
7. Нима учун қайқда ўтирганларнинг бири ўрпидан турса, қайиқнинг барқарор мувозанати камаяди?
8. Нега тўмтоқ қозиқдан кўра, ўткир қозиқни ерга қоқиш осон?
9. Нима учун уста бурама миҳни деталга бураб киргизишдан олдин совунлаб-мойлаб олади?
10. Типратикан нега ғужанак бўлади?

11. Автомобиль шиналари нега ўйдум-чуқур-қопламали бўлади?
12. Нима учун шкаф тўла китобни қимирлатиш қийин?
13. Эшкак эшишни тўхтатгач, қайиқ тез тўхтаёт-дими?
14. Трактор гилдирак занжирлари нега кенг бўлади?
15. Агар оғир арқонни ушлаб тортсанг, кўлда оғриқ сезасан. Нима учун уни қоғоз ёки лагга билан тортсанг оғриқ камаяди?

Агар болангизни жонсиз табиат билан янада яқинроқ таништирмоқчи бўлсангиз уни илк фи-зикавий тушунчалар билан ошиқ қилинг ва бо-лалар ёшига тўғри келадиган ҳодисаларни болан-гизнинг ёшига мослаб, соддалаштириб тушунти-ринг. ИМЕН усулининг муҳим йўналишларидан бири болаларни зиддиятлар билан таништириш. Бу болани ҳаётни борича—қарама-қаршилиқ-лар билан кўришга ўргатади. Ҳар куни ва ҳар соатда зиддиятлар билан юзма-юз келамиз (ке-чикамиз бироқ, эртароқ туришга эринамиз; бил-сақда — нарсани ўз жойига қўймаймиз; одамлар билан лиқ тўла транспортга ҳам, чиқишга урина-миз...). Болаларга болалар боғчасиданоқ оламнинг оқ ва қора рангдан иборат эканлигини аниқлатмоқ лозим. Ёхуа шундай шеър ҳам бор-ку, «Нима яхши-ю, нима ёмон?» Ҳаёт ўз йўлида қарама қар-шилиқлардан иборат. Аммо биз сиз билан бу тур-фа оламни болага борлигича кўрсатиб беришга келишиб олдик. Демак, болаларга тушунтириши-миз керакки, ҳар қандай ёмоннинг яхши томони бўлганидек, бир бочка асада ҳам, албатта, бир қошиқ қора мой бўлади. Шу сабабли «яхши-ёмон» деган қизиқарли ўйин ўйлаб топилган. Дастлаб

қараганда у жуда оддий туюлади (эскига қарам, оқ ва қора уруш - қора, дўстлик - оқ). Агар бу ўйин орқали бола кўз ўнгида оламни намоеън қилар эканмиз, маълум қоида бўйича ҳаракат қилиш лозим: кичкина боланинг дунёқарашини шакллантираётганимизни ёддан чиқармаган ҳолда ҳамма нарса, ҳодиса, тафсилотларнинг аввал яхши тамони, кейин ёмон, сўнгра яна ижобий тамонини кўрсатиш лозим. Бу фалсафий ўйинни чуқурроқ тушуниш учун бир қанча мисоллар келтираемиз:

Эртақ — яхшими, ёмонми?

- Эртақларнинг нимаси яхши?
- Эртақлардаги ижобий қаҳрамонларни эсланг.
- Салбий қаҳрамонлар ҳам бор. Эсланг (ямоғиз, эгри, Қиммат, ўғай она)
- Улар нега ёмон?
- Эртақ қаҳрамонлари билан қандай воқеалар юз бериши мумкин?
- Қандай ёмон воқеалар юз бериши мумкин?
- Шундай қилиб эртақда яхши ва ёмон воқеалар юз бериши мумкинлиги аён бўлади. Аммо Аоймо қандайдир ноодатий, қизик, сирли, воқеалар тасвирланади. Энда машҳур «Қўлқопча» эртаги қаҳрамонларини истаган ҳолатда таҳлил қилиш учун «Яхшироқ - ёмонроқ» ўйинни кўриб чиқамиз: Яхши: Бобо учун «қўлқопчасини йўқотди»; кампир янғисини тўқийди: Ҳайвонлар учун (қўлқопни топиб олишди): Совуқдан қутилиб, бир-бирига кувноқ яшайдилар.
- Қўлқоп учун: У йўқ бўлиб кетмайди, ҳайвонларга асқотади:

Бобо(топиб олди): Кувонади, энди қўллари совуқ қотмайди, янғисини тўқий шарт эмас;

Қўлқоп учун: (топилади) у бобонинг қўлига кийилган, бобонинг қўлидагина у ўзини эркин ҳис қилади, ишлаб бўлагач, бобо уни печка устига осиб, қуритади.

Ёмон: Бобо учун (йўқотиб қўйди): энди қўли совуқ қотиб юради, ишлаш ноқулай, кампири хафа;

Ҳайвонлар учун: (топиб олишди): ҳаммаси кир-са, қўлқоп ичи торлик қилади, бунинг устига йўла устида ётибди, уни ичида сурилиб, қоқиладилар;

Қўлқопча учун: ётаверади, қор босиб қолиши мумкин. Ҳайвонлар учун (бобо топиб олди): бобо ишлаётганда йиртиб қўйиш мумкин, ёки яна йўқотиб ва ҳоказо.

Яхши-ёмон (табиат ҳодисалари бўйича)

Қиш—яхши: чанғида сайр қилиш, қорбўрон ўйнаш, мумкин. Қишда энг қизик байрам—янги йил бўлади. Аммо қиш—ёмон: совуқ қотиш, қорда тойиб йнқилиш мумкин. Намгарчилик кўп бўлади, кунлар қисқа, дўстлар билан кам учрашасан, ниҳоятда кўп кийим кийиш керак. Барибир қиш ажойиб фасл. Ёмғир—яхши: уйлар усти ва дараклар чанги ювилади. Ер ва булут ҳосил учун фойдалди. Аммо ёмони—ивитади, совуқ...

Сайр қилиш—яхши, дўстлар билан ўйнайсан, югурасан қум билан ўйнайсан, гимнастик жиҳозларга тирмашиб ўйнайсан. Ва ёмон ҳам: устки кийим, оёқ кийимларни кир ушласак, тозалаш керак...

Битта шоколадли конфет ейиш—яхши: ёқимли ширин. Кўп шоколад ейиш—ёмон: тишинг, қорнинг оғрийди. Меҳмон келгани яхши, дўстлар бир-га ўйнайди, хурсандчилик қилишади. Ёмон—кўп ўйинчоқларни йиғиштириб олиш, идиш-товоқ

ювиш, меҳмонлар оёқ кийими ифлос қилган даҳ-
лизни тозалаш керак...

Саёҳат қилиш яхши—кўп нарса кўрасан, ўрга-
насан. Ёмони—адашиб қолиш мумкин, яна, онан-
гдан узоқда бўласан...

Онанинг уйда бўлмагани яхши—ҳеч ким ҳеч
нарсани таъқиқламайди, унинг кўйлаги, шляпа-
сини кийиши мумкин. Ёмони—зерикарми, ҳеч
ким сени эркаламайди...

Ўқини билганинг яхши—онанига ёпишиб ол-
майсан, кўп нарса ўрганасан, буниг учун катта-
лар сени макташад. Ёмони—баъзан зерикарми,
китобни кўлингга олишиг қийин бўлади ва у ту-
файли мультфильм кўролмай қолишиг мумкин...

Қаламинг бўлгани яхши—қизил бўлса, ёқади,
ингичкаси ёқмайди, узун ёқади, ўткири ёқмайди
тез синиб тушади, яна чиқариш керак...

Дорининг даво бўлгани яхши — тез тuzаласан,
ёмони — ҳаммаси аччиқ ёқимсиз...

Шабада эсса—яхши, ёқимли. Кучли шамол,
бўрон бўлса—ёмон, ҳамма нарса ағдар-тўнтар
бўлади, юриш қийинлашади, майин шабада да-
рахтнинг баргларини ўйнайди...

Шаҳарда яшаш яхши—метрога тушасан, авто-
бусда юрасан, чиройли магазинлар кўп, хайво-
нот боғи бор. Ёмони—аўстлардан узоқда бўласан,
хавоси дим ва тўзон бостан...

Кўшиқни баланд кўйиб эшитган яхши—ҳамма
эшитлади, кўшиқнинг сўзлари дона-дона эшити-
лади, уйдаги барча хурсанд бўлади. Ёмони—ким-
дир ухлаётган бўлиши, қаттиқ товушдан боши
оғриши мумкин...

Кўтирчоққа укол қилган яхши—тез тuzалади.
Ёмони—укол оғритади...

«Яхши-ёмон» ўйиннинг турларида ёмон томон-
ни айтгандан сўнг, албатта яхши томонини ҳам
айтиш лозим. Ва яна давом этади. Агар бола би-
лан ролга киришиб: она яхшисини, бола ёмонини
таширса ўйин зериктирмайдиган, қизиқарли бўлиб
чиқади. Ким биринчи тўхталиб қолса, ўша ютқа-
зади. Ўйин кутилмаганда, нафақат уйда, балки,
магазинга кетаётиб, хайвонот боғида, болалар боғ-
часига бораётиб бошланиб кетиши мумкин. Та-
шаббус боланинг ўзидан чиқса, янада яхши на-
тижа беради. Ҳар кун турли муаммо, ҳодиса нар-
салар билан юзма-юз келган турли қарама-қар-
шиликларни таҳлил қилган бола дунёқарashi
ўзгариб боради. Дунё унга тобора яқин, тушунарли
бўлиб боради. Дастлаб болага қарама-қаршилиқ-
лар моҳиятини тушунтириш керак. Улар ечимга
кейин тўхталади. Кейин, негаки, бола инсон ҳаёти-
нинг баъзи қонуниятлари, тирик табиат, бутун
теварак олам билан танишган бўлиш лозим. Бу-
тун олам ҳаракати қонуниятини боланинг ўзи ва
теваригидан келиб чиқиб тушунтириб бериш ло-
зим. Ҳеч нарса қотиб турмайди, ривожланади.
Одам қандай пайдо бўлганлигини оддий шаклда
кўрамиз:



Энди боланинг бир ёшга етгунга қадар ўси-
шини кўрамиз:



Боғча ёшидаги бола буни билиши шартми? Шуб-

ҳасиз, 4 ёки 5-6 ёшларида болага ҳақиқат эшигини очамиз: ҳамма ўтади, ҳамма ўзгаради-жонли табиат ҳам, жонсиз табиат ҳам. Худдаи шу ўричда кенг тарқалган ўйин ёдга тушади:

- Ким билан ейиш(нима билан ейиш) керак?
- Ким бўлади(нима бўлади)?
- Илгари ким эди(нима эди)?

Бу занжирли ўсишни қуйидаги мисолларда кўриб ўтамиз:

- Агар Олма уруғи экилса нима бўлади?
 - Олма компоти нима бўлган эди?
- Ёки

- Далада ўсадиган пахта нима бўлади?
- Велосипеда илгари нима эди?
- Бувим илгари ким эди?
- Мен кейин ким бўламан?

Берилган материалларнинг бутун тизими сизнинг атайин жўртага қилган ҳазилингиз туфайли бузилиб кетиши мумкин, бундай ҳолатда берилган барча билим мустаҳкам кўринишда қатъий-лашади. Занжирли ўсиш болага теваарак атрофни бир бутун ўзаро боғланишли алоқаси билан англашга ёрдам беради.

Боланинг кейинчалик кашфиётчилиги учун ўзини ўраб турувчи олам қонуниятларини чуқур тушуниш аҳамияти ҳам кам эмас.

Кенг фикрлаш ва тасвирлаш кичик ёшлардан шакллана бошлайди.


Буни болага ҳаётининг ўзи, унинг турмуш фаолияти ўргатади.

Биз юқори даражадаги кенг фикрлаш ва тасвирлаш тарбиясига ёрдам берадиган махсус таълим ҳақида сўз юритамиз.

Биринчи навбатда ўзлаштиришга боғлиқ «Ўйин

залимизнинг жиҳозланиши», кейин хотира билан боғлиқ «Ётоқхонадаги тунги чироқ қаерда турганлигини эслаймиз» ўйинини ўтказамиз. Қоғоз варағи ёки ер юзасига белгилашда ўлчам, ранг, катталик жойлашини кузатувчанлик билан бошқариш малакаси лозимлигини ёддан чиқармаслик керак. Бу билан боғлиқ «Нимага ўхшайди» деган бир қанча ўйинлар туркумини тавсия қиламиз:

Нимага ўхшайди?



- шарча гул, семафор...




-капалак, капалак нусха галстук, гул...



-кўзойнак, танк, ўзинорар...




-кўприк, камалак, тепалик...



-дарахт барги, томчи, тухум...




-телевизор, эшик, шкаф, дераза...




-ёғоч кўғирчоқ, ваза, нок, лампочка...



-тепалик, лента, илон, ариқча...



-рул, гилдирак, тешиккулча



-стакан, челак, гултувак


Болалар ўз вариантларини ўйлайдилар. Голиблар рағбатлангирилади.
Буни ким *топади*?



-ўраак боласи



-жўжа



-хўрозча




-олмахон



-типратикан




-қуёнча




-кучукча

Қандай ўйинчоқ?



-ҳаракатланувчи ўйинчоқ, ёғоч кўнги-

роқча, қоробо




-вагонча, машина, паровоз,



-қайық, кема, құғирчоқ, ваннаси,

челакча




-пирамида, минорача, ракета,

арча, парус




-тұл, тарелка, ҳаво шари, машина гил-

дираги, чамбарак, рул



-ит, мушук, ўрақ боласи




-қўғирчоқ- қизча, құғирчоқ-бола,

асқар, космонавт ва ҳоказо.

Бола сайрга ўзи билан нима олиб чиқди?



-шар, байроқча, гул, музқаймоқ



-машина, кучукча, қайық



-сават, сумка, портфель, челакча



-қармоқ, тўр, милтик




-тўп, қайықча, сават

Бундан ташқари кўмларни қиёслаш, ўхшатиш каби ҳаракат талаб қилувчи ўйинлар бор.




Йиғиб, бутун қил.

СОНТЕНЖУ ШИВАЭНЧУ АНЖИ ТИСОЛАН ШАДУҚИ




Синиқлардан қайси бири синган кўзойнакка мос келади? Бола зехнини оширишда лабиринтлардан фойдаланиш ҳам катта фойда беради. Улардан газета-журналлардан топиш мумкин.



Дазомлардан қайси бири ўчирилган? Бундан сўнг атайин кенгроқ фикрлашга йўналтирилган ўйинларга навбат келади.


Ўйинчоқни топ

Ўйин хонада ўтказилади. Ўйиндан олдин хонанинг чизмаси талаб қилинади. Бу унчалик қийин эмас. Маълум бир масштаб (дейлик, 1:10) таплагандан сўнг, хона деворларини чизиб чиқинг, эшик ва деразаларни белгиланг, сўнг хонадаги буюмларни тасвирланг. Мисол сифатида бир хона ва ундаги буюмлар чизмасини қелтирамыз: икки табақали стенка (1), ёзув столи (2), кушетка (4), стуллар(5), телевизор(6).



Бу ўйинда, чизмадан фойдаланиб яширинган буюмни топиш талаб этилади. Катта киши ва бола навбат билан ўйинчоқни яширади ва буни чизмада қайда қилиб кўяди. Бола хонанинг исталган жойида туриб чизмадан фойдаланишни билиши


керак. Бунинг учун у аввало чизмани тўғри мўжаллай олиши керак (уни шундай тугиши керакки, режадаги «девор» девор томонга, «дераза» деразага қарасин). Кейин хонада ўзи турган жойни режада кўрсатиб бера олсин (дейлик, «мен стулда ўтирибман»). Шундан кейингина хонада яширилган буюмни чизмага қараб топиш осонлашади. Кейинги ўйинни бошқа хонада ошхонада ўтказса ҳам бўлади ёки режани 180° қайириб ўйинни давом эттириш мумкин. Объект сифатида болалар тез-тез бўлиб турадиган жойларни танлаймиз. Бу-боғ, хиёбон ўйингиз ёнидаги жойлар бўлиши мумкин.



Топингчи, бобо билан кўнполовон арқонни таянч тортсалар нечта тугун ҳосил бўлади?

Сирлар

Ўйингиз яқинида хиёбон ёки болалар майдони вақти бўлса, «Сирлар» ўйинини ўйнаш мумкин. Бола билан унча кагга бўлмаган ҳовли режасини чизиб кўринг. Мисол сифатида куйидаги тахминий режа чизмасини бераяпмиз:



Бизнинг режамизда қуйидагилар шартли равишда тасвирланган: Ўйин майдончаси (1) ўйинчоқ ракета (2), аргимчоқ (3), стол(5), кум (6), уйча(7), тепалик(8), шийпон(9).

Болага билдирмасдан ҳовлига ниманидир яширинг. Яширилган буюмнинг жойини режада қайд этинг, бола уни топишга ҳаракат қилсин. Ёки аксинча, бола ҳовлига ниманидир яшириб, у турган жойини режада белгилаб берсин. Ўйинга бошқа болаларни жалб этишга ҳаракат қилинг. Шунда улар ўртасида мусобақа уюштириш мумкин бўлади. Яширилган нарсани ким аввал топар экан? Бир вақтда бир неча буюмни яширса ҳам бўлади, бунда болалар ўзига тегишли буюмни қидирадилар. Болаларнинг ўйинга схема бўйича одатланиши жуда яхшидир. Бола тафаккури ва ҳаёлотни тараққийтида чигал ва қоришиқ образли топшириқларнинг аҳамияти катта. Бунда болалар адабиётдаги, ҳалқ оғзаки ижодидаги муаммоли (чигал) вазиятлардан, рангли суратлардан фойдаланишни тавсия этамиз. Билимсиз яхши тараққий этган ҳаёлот (тасаввур) бўлмайди, чунки мактабгача ёшдаги боланинг ҳаёлларастлиги айнан табиий билимларга асосланган бўлади. Муаммоли суратларни йиғиш фойдадан холи эмас. Улар ёрдамида бир қатор машғулотларни мазмунли ўтказиш мумкин.


Қуйида бесаранжом қизча тасвирланган ойдийгига расм берилган.



У капалакларни гуллар билан адаштириб қўйган. Камолага гуллар орасидан капалакни топшишда ёрдам бериш керак. Бунинг учун эса капалаклар билан гулларни фарқлай олиш лозим. Ушбу расмга доир саволлар:

1. Камола нечта капалак тутади?
2. Камола ва сиз қандай белгиларига кўра капалакларни гуллардан фарқлайсиз?
3. Яланглиқда (далада) нечта гул бор?
4. Камола капалакларни не мақсада тутди?
5. Капалакларга қайси маъқул: тулга кўниб туриши ё Камоланинг тўрхалгасига қамалишими?
6. Камола нима қилса тўғри қилган бўлади? Унга ёрдам берамиз.

Қуйидаги расмда кўз олдингизда бир манзара намоён бўлади, унда кўп нарсалар аралашиб кетган, ушбу расм бўйича саволлар мисол учун, қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:




1. Расмга диққат билан қаранг, унда нимани кўраяпсиз?
2. Расмда тасвирланган нарсалар ҳаётда учрайдими?
3. Хонада тартиб ўрнатишда қизчага ёрдам берамизми?
4. Энди ўзимизнинг хонамизга назар ташлаймиз (ҳаммаси жойидами?)
5. Қизчанинг хонасида ким тартибсизлик келтириб чиқарди?
6. Юқоридаги расмни нима деб номласа бўлади?



Бу ерда нима адаштирилаяпти?

Энди биз адаш расмларнинг бошқа иккита об-раз битта расмда тасвирланган турларига ўтаяп-миз. Бу каби расмлар бола хаёлотининг ва унчи сўз билан ифода эттиришининг қудратли восита-сидир. Фикрий фаолиятсиз униси ҳам, буниси ҳам бўлмаслиги бизга аён. Болаларни бу фаолиятта тахминан қуйидагича ўргатиш мумкин (расмларга қаранг!).




Бир кунни ялмоғиз кампир денгиздаги, ердаги, ўрмонлардаги, осмондаги тартиб интизомдан бе-зор бўлди. Шунда у барча ҳайвонларни, қушлар-ни, балиқларни бир-бири билан аралаштириб таш-лашга қарор қилди. Ҳамма ухлаган пайтда ўз сеҳр-жодуси билан у ёвуз мақсадини амалга оширди: балиқни тошбақа билан, ғозни чўчқа билан, чўчқани кўй билан, мушукни ит билан, итни мушук билан, кўйни сичқон билан, сичқонни ғоз билан, тошба-қани балиқ билан бириктириб ташлади. Энди жониворларни нима деб аташ керак? Улар нима ейишади, қерда яшашади? Улар ажралиб, асл ҳоли-га қайтишларига қандай ёрдам бериш мумкин? Уларга аввалгидай яшаш яхши эмасмиди?

Бу хаёлий маҳлуқларни болалар уларнинг от-ларининг дастлабки бўғинлари билан, дейлик ба-тош (балиқ + тошбақа = батош) деб аташлари мум-кин. Батош навбат билан овқатланади, аввал ба-лик нима еса ўшани ейди, сўнг тошбақа нима еса ўшани. Яшаганда ҳам шундай, аммо балиқ сувда яшайди, тошбақа бунинг акси-қуруқликда. Шу ерда болалар тафакурининг кашф этиш жараёни бошланади. Бунда 5-6 яшар болага куллини рас-млар сирасини чизиш тавсия этилади. Бола эр-так қаҳрамонлари, ҳайвонлар, шунингдек ўзига ва яқинларига ўхшатиб куллини расмлар (кари-катуралар) чизади.

Нарсаларни моделлаштириш, уларда рамзлар-ни қўллашни ўрганиш бола тафаккури ва хаёло-ти тараққиётига, уни кашфиётчиликка ўргатишга катта таъсир кўрсатади. Болада маълум бир об-разли тафаккурга ихтисослашиш майли бўлса-да, биз уни 5 ёшдан бошлаб узлуксиз равишда мав-жумлаштиришга, аниқ нарса ва ҳодисалардан

диққатини чалғитишни тавсия этамиз. Сизда савол туғилиши мумкин: нима учун? Буларнинг бари болангизнинг хотирасини, тафаккурини, ҳаёлотини тараққий эттириш учун керак. Бунинг учун аввало сизга болангиз билан муносабатда нима-лар муҳим туюлса ўшаларни белгилаб олишни таклиф қиламиз. Бу боланинг ўзи, кайфияти, ўйнаш хоҳиши, овқатланиши унинг дўстлари, табиат ҳодисалари ва бошқа кўп нарсалар бўлиши мумкин. Шундай мисол оламиз. Бола ўзига қизил доира, отасига кўк, онасига яшил, дўсти Нигорага сариқ доирани белгилаши мумкин. Ёки Наргизанинг кўк квадратни қайғуни, яшили-ёмғир ёғаётганини билдиради. Шундай бўлса, агар Наргиза аввал қизил, кейин кўк ва яшил квадратларни кўрсатса, демак ёмғир ёғаётгани унинг учун қайғули. Болангизда карточка-тимсолар солинган қўти бўлса, бола уларни қўллаб, фойдаланса - бу унга мактабда қўл келади. Бу ҳаётига ахлоқий жиҳатдан ҳам бефойда машғулот эмас. Бола ҳаётда илк бор ўз белгиси ёрдамида ўзини-ўзи намоён этишни ўрганади. Поляк педагог психологи М.Фидлер бизга қизиқарли шартли расмларни тавсия этади:



—бир эшик ва икки деразали

уй- катта уй деган маънони англатади.



—бир деразали уй- кичик уй деган маънони англатади.

ган маънони англатади.



—семиз одам



— ориқ одам

Демак, шартли расмлар ёрдамида биз ҳар қандай нарсага 4 хил нуқтан назардан изоҳ (баҳо) беришимиз мумкин экан: катта, кичик, семиз, ориқ. Бу мезонга рангларни ҳам қўйиш мумкин. Мисол учун:




шундай ўқиймиз. Бу нарса катта, семиз, қизил. Бу нима бўлиши мумкин? Ўйлаймиз, помидор, ёки



Катта эмас, яшил, сариқ. Бу нима бўлиши мумкин? Олхўри, гилос.

Табиий, расмлар шартли равишда олинган. Сиз болалар билан ўзингизга маъқулини ўйлаб топи-

шингиз мумкин. Асосийси болалар шартли расмлардаги маъно ва рамзларни ўқий олсин. Яна бир мисол. Биз ҳаммамиз ҳар доим ўқишга қизиқишни рабагтантириш (қўллаб-қувватлаш) ҳақида қайғураемиз. Бунда, болалар равон ўқишни ўрганиб олганларидан кейин алифбони шифрлаш катта фойда беради, (яъни қизиқишни оширади). Алифбони ўзимиз шифрлаймиз, буни болалар иштирокида қилсак, янаям яхши. Бу ажойиб машғулот: шифрлаш ва ўқиш. Шифрни болалар сизга ўқиб беради, сиз болаларга. Болаларни ўз вақтида шифрлар, кадрлар, рамзлар дунёсига жалб қилиш мана нима учун керак экан. Болалар билан лотин алифбоси бўйича беркинган ҳарфларни ўқинг, шунда сиз ушбу ғорда ким яшашини билиб оласиз.



Тошиганидан сўнг саволлар берилса, фойдали бўлади:

-У хозир уйдаими?

-Нима учун йўқ деб ўйлайсиз?

-У қулфнинг калитини йўқотиб қўйганми? У

бу ғорга қандай қилиб кириши мумкин?

-Балки, биз унга ёрдам ҳам бермасмиз — шунда ҳамма учун яхши бўлар?

-Барча суратга ном ўйлаймиз.

Шубҳасиз, кичик фантастик воқеа-ҳодиса тасвирланган ҳикоячалар тасвирлаш малакасини шакллантиради. Эртаклар ҳақида сўз борганда буни таъминлаган эдик. Энди нафақат ҳодиса, балки, иқтисодий топириқ фантастик хаёлга асосланган муаммоли саволлар ҳақида гап бора-япти. Аввалига одатий бўлмаган воқеа-ҳодиса тасвирланган сурат берилди.




Шундан сўнг болага ҳодисанинг бошланиши тақдим қилинади. Бу ҳудди ниҳояси очиқ-ойдин ҳаётий ҳикоялар кабидир.

1. Пластилин одамча ҳақида ҳикоя.

Пластилин одамча

Бир шаҳарда пластилин одамча яшар эди. У кувноқ, сахий ва кўнгалчан эди. Аммо яшаш у учун осон эмас эди.



У иссиқда қуёшдан эриб кетиб, кимгадир ёпишиб қолибди, ўзини ажратиб ололмас, ёки шунчалик чаплашиб кетганлигидан ҳатто дўстлари уни кўздан қочириб қўяр эди. Шунинг учун унга ёзда совутгичда яшашга тўйри келарди. Ёз кунларининг бирида совутгич бузилиб қолди. Пластилин одамча зудлик билан шимолга учишга қарор қилди. У тез-тез нарсаларини йиғиштириб ўйдан чиқди ва истар-истамас қисинди: куёш чарақлаб турган эди.

Пластилин одамча жазирама ёз кунда аэропорт сари йўлга чиқса, у билан қандай ҳодисалар юз бериши мумкин эди? Аввалги бетдаги расмда тасвирланган ҳолатлар юз бериши мумкинми. Кейин нима бўлади?...

2. Фил ҳақида ҳикоя.

Фил

Тасаввур қилинки, ажойиб кунларнинг бирида, уйда ўйнаётганимизда эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Эшикни очиб остонада... филни кўрдингиз. У баҳайбат эди. Фил сиз билан саломлашди ва...

Сарлавҳа топинг ва ҳикояни ўзингиз давом эттиринг.

3. Бир куни отам билан болалар боғчасидан қайтаётган эдик. Шунда кўриб қоладикки, ... Ҳозир у менинг энг яқин дўстим.

Ҳикоянинг ўртасини тўлдиринг.

4. Қуйидаги айтишнинг баъзи сўзларига инкор маъносидagi эмас(-мади) сўзларини кўшиб ўқингчи, нима бўлар экан?

Бир, икки, уч, тўрт, беш.

Қуён чиқди сайрга

Билмай қолди-қаердан

Пайдо бўлди бир овчи

Милитинини созлади

Ва кўённи кўзла(ма)ди...

Пақ-пақ (эмас),

До-о-оа (эмас)!

Қуёнча ўл(ма)ди!!!

5. Қуёнча ва овчи ҳақида эртақ тўқишга ҳаракат қилинг, охири кувноқ ва бахтли тутасин.

6. Отам билан онам гиллам сотиб олишди. Лекин улар унинг (ўйлаб толчи?) қайси мамлакатдан эканлигини, сеҳрли учар гиллам эканлигини би-

лишмади. Учар гилам бир йил деворда осигалиқ турди, икки йил турди. Учинчи йилга келиб жуда зеркиб кетди ва бир кун... Учар гиламнинг турли саргузаштлари ҳақида хикоя қилинг.

7. Асосий қахрамони Булутча бўлган эртақ тўқинг. У юқоридан туриб нималарни кўради? Уни қандай саргузаштлар кутмоқда? Булутча қандай яхши ишларни бажариши мумкин?

8. «Баҳор эртақлари» тўпламини (қуёш, гул, куртак, чумоли, қўнғизча ҳақида эртақлар) яратишга киришинг. Шунга ўхшаш «Ёз эртақлари», «Куз эртақлари», «Қиш эртақлари» китобини яратиш мумкин.

9. Кўпчилик болалар ўйлайдики, «Ўйинлар шаҳри» аҳолиси дунёдаги энг қувноқ одамлардир. Лекин баъзан ўйинчоқлар ҳам зерикиб кетадилар. Бу ҳақда Камола исмли қўғирчоқ нима деганини эшит:

Бир қизнинг туғилган кунига мени унга совға қилишди. Дастлаб у бундан хурсанд бўлди ва кун бўйи мен билан ўйнади. Шундан сўнг мени бир ко-о-отта қутша солиб қўйишди. У ерда мендан бошқа катта-кичик, янги-эски қўғирчоқлар ҳам зерикиб ётишган экан. Улар айтишдики, у қизчанинг қўғирчоқлари кўп экан, лекин шунга қарамай унга ҳар гал янгисидан олиб беришаркан. Шу ерга келганда қўғирчоқ Камола йўғлаб юборди: «Энди у ҳеч қачон мен билан ўйнамаса керак? Зерикиб ўлман шеклими. Нима қилайин?»

10. Бирдан мушукка (капалакка, чумолига) айланиб қолсанг нима бўлади? Шу ҳақда эртақ тўқинг ва унга сарлавҳа тошинг.

11. Ўйлаб кўринг-чи, қандайдир эртақнинг ёвуз қахрамонлари ижобий қахрамонларнинг (сеҳргарларнинг) кийимини кийиб олсалар нима бўлади?

Жавоб топишда болаларга ёрдам беринг.

12. Дилдора билан Дилфуза эртақларнинг ижобий қахрамонларига қандай қилиб ёрдам бериш тўғрисида узоқ ўйладилар. Бирдан Дилдора қичириб, чапак чала бошлади: «Топдим, топдим! Яхши одамлар, яхши сеҳргарлар, яхши хайвонлар ёмонларига нисбатан анча кўп. Шундай қилиш керакки, улар бир-бирига ёрдамлашсинлар. Учта кўзичоқ эчки ва улоқчалар билан бирга яшаши мумкин. Эчки ўлагани кетганда кўзичоқлар улоқчалар билан ўйнаб туради.» Сухбатга Моҳира аралашди: «Яхши ўйлабсан. Лекин бўри оч, ёвуз ва айёр. У бу сафар ҳам кўзичоқларни алдаши мумкин. Ўйлайманки, бўрини қайта тарбиялаш лозим. Лекин қандай қилиб? Буни билмайман». Ўйланг-чи, бўрини қандай қилиб қайта тарбиялаш мумкин?

13. Бутун оила аъзолари жам бўлиб фазовий кемада саёҳатга чиқилса соз бўлар эди. Йўлда НУЖ (номаълум учар жисмлар)ни, юлдузларни учратиш мумкин. Сиз қайси сайёрага учини хоҳлайсиз? У ерда сизни қандай саргузаштлар кутмоқда? Шулар ҳақида хикоя қилиб беринг.

14. Сизнинг, албатта, қалингина эртақ китобингиз бор. Бир кун, дейлик, унинг эртақлар ёзилган саҳифалари аралашиб кетди. Биринчи эртақ «Маликай Ҳуснобод» (Ўзбек халқ эртаги) эди. Шаҳзода кенжа Ботир гўзал Ҳуснободни излаб-золим подшо мамлакати сари йўлга тушганда, саҳифалар чалкашиб, бутунлай бошқа эртаққа тўшиб қолди. Энди шаҳзоданинг қарга, бўри, тулқилар сингари содиқ дўстлари йўқ. Шаҳзода гўзал Ҳуснободни энди қандай қилиб қутқаради? Ҳолбуки у ҳозир бошқа эртақда юрибди. Бу эр-

такнинг қахрамонлари шаҳзодага қандай ёрдам берадилар?

15. Хайвонот боғида ота-онасидан ажралиб, адашиб қолган бола ҳақида эртақ тўқинг. Бола кейин нима нима қилади, йўлда кимни учратади? Унга ким ёрдам беради.

16. Саволга жавоб бериш-чи, «Нега дунёда «нега» деган савол кўп?» Бир куни бир бола «нега» деб савол беришни бас қилди. У шунчаки бу сўзни унутиб қўйган эди. Бола билан нима ҳодиса юзберди? «Нега?» деган ажойиб сўзни ёдга олишига унга қандай эзгу хотиралар ёрдам берди?

17. Икки дугона қурбақа билан нима ҳодиса юз берганиги ҳақидаги хикояни давом эттиринг:
Бор экан-да, йўқ экан. Улар дугона бўлиб, бир зовурда яшар эканлар икки дугона қурбақа бор экан. Улардан биттасигина ҳақиқий ўрмон қурбақаси экан—ботир, кучли, хушчақчақ. Уни... деб аташаркан. Иккинчиси эса бунинг тамоман акси—қўрқоқ, уйқучи. Уни... деб аташаркан. У ҳақда ҳатто « у ўрмонлик эмас, қандайдир шаҳар боғида туғилган» деган гап юраркан. Шунга қарамай улар бирга яшарканлар. Бир кун тунда улар сайрга чиқишибди. Ўрмондаги сўқмоқдан кета туриб, ... бирдан кўриб қолишибди...

18. Ш. Перронинг «Золушка» деган эртаги нима билан тутаганини биласизми? Золушка қирол билан шаҳзодага ўзи ҳақида нима дейиши керак эди?

19. (Ўйлаб топ шаҳарчамиди? Қувноқлар шаҳарчаси бор)... мамлакатида Табассум деган шаҳар бор. У ерда ақлли машиналар табассум иш-

лаб чиқарадилар. Улар табассумни жўжа очгандай очадилар. Мана, онасининг инидан биринчи, иккинчи, учинчи табассум тухуми уриб чиқди. Улар қандай, нимага ўхшайди? Балки уларнинг расмини чизарсиз? Улар дарҳол нима ҳақида гапир бошладилар? Қаёққа кетишди? Одамчаларга қандай ёрдам беришди? Улар уйга қайтганларида бир-бирларига нималар тўғрисида гапириб беришлари мумкин?

20. Янги йил кечасида сиз ёки ўртоғингиз билан содир бўлган бир қизиқарли воқеани айтиб бering.


21. Бир куни қизча дарахдан йиқилиб тушди ва отасига энди ҳеч қачон дарахтга осилмайман дея ваъда берди. Бир куни қизча кутилмаганда дарахтга чиқиб, ерга қайтиб тушолмай тинмай миёвлаётган мушукчани кўриб қолди. Қизча нима қилиши керак? Отасига берган ваъдасига риоя қилган ҳолда мушукчага қандай ёрдам бериши мумкин?

22. Бир куни она товуқ жўжаси билан яланликда сайр қилиб юрган эди. Товуқ ерни тишиб, жўжаси учун чувалчанг олаётганига жўжа йўқолиб қолди. Она товуқ жўжасини излашга тушди ва кўрдикки, у ариқнинг нариги қирғоғида турибди. Лекин товуқ ҳам, жўжа ҳам сузишни билмайди. Жўжа онасининг ёнига қандай қайтади? Кейин фараз қилайлик—да, аниқ ҳисоб қитоб қилиб олаймик. Жўжа нариги қирғоққа қандай ўтиб қолди? Балки жилға муз билан қоплангандиру, қуёш нурида муз эригандир? Демак, унинг қайтадан музлашини кутиш керақдир? Сиз нима деб ўйласиз?

23. Қоронғу тушиб, ёмғир майғалиб ёға бошлади. Автобус бекатида икки қиз бир зонтикни ту-


либ туришарди. Бирдан... ҳикояни давом эттириб, тугатинг.

Муаммоли ҳикоя-ю тариху маталлар болаларни доимий таҳлил методига тайёрлайди, қундалиқ нутқда сўзнинг нозик қирраларини ҳис қилишга ва уни ишлатишга ёрдам беради. Бу жа-раёнда «Ўхшайди-ўхшамайди», «Бир хил нарса-ларни жамлаб, ҳар хилларини ажрат» каби ўйин-ларнинг аҳамияти кагга. Бунинг учун ҳар хил ва бир хил нарсаларни мана бу расмдагидек жой-лаштиришни ўрганиш керак:




«Буратино китобларни ўзига қайси тоқчалардан танлаб олади? деган саволга жавоб бериш учун албатта Буратино олган китоблар билан тоқча-лардаги китобларни муқовадаги фарқларига қараб таққослаш керак. Кейинги расмларда кўпгина нарсалар орасидан умумий белгиларга қараб ик-кита бир хил нарсани ажратиб олиш керак.

1. Қўзалоқнинг бир хил ўйинчоқлари борми?



2. Иккита бир хил ҳаракатланувчи кўғирчоқни топинг.



Демак, болалар фақат шу икки нарсагагина хос бўлган, катталиги, ранги, шакли, вазифаси ва шу каби жиҳатларни билишлари керак экан. Ёки аксинча, иккита даярли бир хил расмдан фарқли томонларини топиш талаб этилади.




Энди атрофдаги оламни кўргазмалликка таянмасдан, хотира ва тасаввур асосида фарқлаш мумкин. Бу, ишонсангиз, тафаккурни тараққий эттирувчи жуда яхши амалдир. Ўзимиз учун қандайдир жиҳатлари билан бир-бирига яқин бўлган образ, нарса ва ҳодисаларни ечамиз ва «нимаси билан ўхшайди, нимаси билан фарқланади?» деган ўйинни ўйнаймиз. Мана улардан айримлари:

ёмғир-қор;	стакан-пиёла;
банан-апельсин;	кема-балиқ;
бўри-тулки;	калиш-шишпак;
диван-кресло;	бўри-ит;
автобус-троллейбус;	ручка-қалам;
телеграмма-эълон;	стол-стул;
чойнак-фил;	капалак-тул;
чумоли-одам;	магнитофон-телевизор...

Шундай қилиб, энди бизнинг болаларимиз дунёни билишга қаратилган саволлар беришни, иккита мутлақо бир хил нарсани топишни ва таққошлашни ёки аксинча бир-бирига ўхшаш туюлган икки нарса ёки ҳодисанинг фарқли томонла-

рини топа оладилар. Демак, энди бундан ҳам юксакроқ даражадаги умумлаштириш, тизгинлаштириш ва қонуниятларни ўргатишга ўтаверсак ҳам бўлади. Демак, макон, замон ва ҳаракат тезлигининг ўзаро таъсирини аниқлаштириш учун куйидаги кўринишда савол бериш мумкин: «Одамни, уйнинг деразасини, одамнинг юзини қанча масофадан туриб кўриш мумкин?» ва ҳоказо. Бирор нарса ва ҳодисанинг хусусиятлари ҳақида кўпроқ ва тезда фикр билдириш қобилиятини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, қор ёниши (паға-паға, шамолли, совуқ), эртақдаги сандиқча (чиройли, катта, беназир). Мазмун моҳиятига кўра бир-бирига боғлиқ бўлмаган нарсаларни боғлашни ўргатиш мақсадида куйидагича топшириқни бериш мумкин: «3 та сўздан фойдаланиб, иложи борича кўпроқ гап тузинг, масалан «Ит», «Шкаф», «Бўйинбоғча». Нарсаларни умумий аломатларига кўра жамлаш қобилиятини тараққий эттиришда куйидаги топшириқлар тавсия этилади:

1. Қайси шакллар ўхшаш?




2. Ўсимликларнинг 4 гуруҳини айтинг (уларни сабзавотлар, мевалар, зираворлар, гуллар деб аташ мумкин).

3. Нарсаларни алоҳида гуруҳларга бирлаштиринг. Уларни нега бундай жамладингиз? Ҳар бир гуруҳга умумий ном беринг.



Нарсалар орасидаги қонунийликни аниқлаш ҳамда тафаккурни тараққий эттириш учун қуйидаги каби расмлар билан машқ қилиш фойдалидир.

4. Қайси шаклни бўш жойга қўйса бўлади?



6 ёшлар учун (баъзан ўзингиз учун ҳам) қуй-

идаги каби топшириқ (вазифа) қийин туюлади: «Нарсани бошқа икки нарса ёрдами билан аниқлаш» (агар бу нарсалар биргаликда мавжуд бўлса аниқланаётган нарсани топишга ёрдам беради):

- тасмача ва одам билаги (соат);
- гўшт ва пиш (котлет);
- газета ва кўзойнак (ота газета ўқияпти);
- куртка ва зонг (ёмғир ёғаяпти);
- махсус кийим ва машина (далага саёҳат).

Зукко бўлиш учун билимга интилувчан бўлиш керак. Билимга интилувчан эса:

- саволлар берганини яхши кўради;
- ҳаётга боғлаб савол беради;
- савол беришни одат қилиб олади.

Уйда «тирик энциклопедия» (оила аъзоларидан кимдир) бўлса, янада яхши. Мисол, Орол бобо невараси Зоирнинг кутилмаган, қийин саволларига эринмай жавоб бери:

- Қандил ва лампочка нимага ўхшайди?
- Кимнинг тирноқлари энг катта?
- Нима учун кучук баъзан болаларни ҳам тишлаб олади?


30. - Мана бу темирча нима учун керак? ва хоқалаб олади?

Агар уйда бу саволга жавоб берадиган кимса бўлмаса, лутат, тўплам, антология, энциклопедиялардан фойдаланиш тавсия этилади. Боланинг ҳақиқатни билишга интилиши фақатгина ўз қобилиятига боғлиқ бўлмай, ота-она ва яқинлар томонидан бериб бориладиган билимлар самарасига ҳам боғлиқ. Бола нафақат боғчада тарбиячига, балки уйда ота-онаси ва яқинларига савол бериши яхши кўради. Бунга бефарқ қарамаслик лозим. Бола ҳар доим тинимсиз савол берса, уни янада синчков, қизикувчига айлантиришни мас-

лахат берамиз. Агар 5-6 ёшли болалар берадиган саволларни таҳлил қилиб чиқсак, уларнинг кўпчилиги фактни қайда қилиш характерида эканлигини кўрамыз: Ким ҳаракат қилапти? Бу нима? Албатта, бу саволлар фойдалироқдир: нимадан, нима учун, қандай, сабаби нима, қандай эришиши мумкин, агарда... Кечкурунлари «Ким энг мураккаб савол беради?», «Ким энг қувноқ савол беради (оғир, аччиқ, ширин...)» каби ўйинлар ўтказишни тавсия қилган эдик. Уйда ўзлари учун «Савол бер-чи», «Тушунтир-чи», «Исботла-чи» деган дафтарлар тутадиган ота-оналар жуذا яхши қиладилар. Бу уч дўст, имконият туфилганда эртак, шеър, ҳикоя ўқи бўлгандан сўнг ота ёки она ёрдамида ҳаракатга келади. Топишмоқ-суратлар саволларни тўлдиреди. Даставвал қараганда ҳазилнамо, асли ниқобланган, ички маънога эга топишмоқ-суратлар кулги кўзваш билан бирга кулгимлигини аниқлаш тушунчасини шакллантиради. Бу фақат юқоридан қараганда шундай. Бунинг учун, бундай тасвири тушиниш учун шакли ва жонсиз табиатнинг ўзаро муносабати, инсон ҳаёти уринишлари бўйича 2-3 ҳаракатини умумлаштириб фикрлашни ўзлаштириш ва албатта, савол беришни ўрганиш керак. Тўлиқ бўлмаган, чала сурат савол туғдириш мумкин. Ундан кейин ўйин ўтказиш мумкин.

Рассомга ёрдам берамиз

Болага инсон тасвири схематик тарзда чизилган қозғоқ варағи кўрсатилади.



Бир рассом чизаётган расмини туталмай олмаганлиги ва бу расмини охиригача чизиш кераклиги айтилади. Болалар уни қандай қилиб чиройли чизиш мумкинлиги ҳақида ўз фикрларини билдиради, ўқитувчилар улар айтгандай қилиб расмини чизиш туталмайди. Кейин болалардан сўрайди:

Расмда ўғил бола тасвирлангани, қиз болами? Унинг кўзлари қанақа рангда? Нима кийиб олган? Расм чизиб бўлингач у ҳақда бошқа маълумотлар ўйлаб топиш ҳам мумкин: Унинг исми нима? Каёққа кетяпти? Ким билан? ... тасвирларни нафақат болалар, балки катталар ҳам ёқтиради. Қуйидаги расмни болаларга кўрсатиб, уларга қуйидагича саволлар бериш ва турлича жавоблар олиш мумкин:



1. Дарахда кимни кўраингиз?
2. Нима учун улар у ерга... чиқиб олдилар?
3. Нега дарахдаги одамни дарров кўриб бўлмайди?
4. Рассомлар кимни ёки нимани чизмоқда?
5. Келингллар, биргаликда расмга 5 та турли ном топамиз.

Расмлар бирмунча мураккаб кўринишга эга бўлиши ҳам мумкин. Лекин улар анчагина қизиқарли бўлади. Бир қарашда фақат эгри чизиқлардан иборат тасвирда ҳеч нарса кўзга ташланмайди. Тасвир узра кўз югуртириб чиқсангиз жонли шакллар, объектларни илғаш мумкин. Қуйидаги расм юзасида ушбу саволларни бериш мумкин:




1. Кимни кўряпсиз?
 2. Улар нечта?
 3. Нима учун улар битта расмда кўриняпти?
 4. Улар ҳақида қизиқарли эرتак тўқинг?
- Пастда ким ва нима тасвирлангани аниқ кўрсатилган расмлар берилган. Аммо савол бериш ва муносиб жавоб олиш учун ҳамма яхшилаб ўйлаши керак. Нима учун Буратинонинг бурнидан барглар ўсиб чиқди?



Ушбу ўйинда болаларнинг тасавури, фантазияси ривожланади. Уларда Буратинонинг бурнидан барг ўсишига оид ўзига хос ижодий ҳикоялар тузилади.

Болалар эътиборига ҳавола этилаётган расмлар орқали уларни фикрлашга ундаш керак. Масалан, бўри ва қуён тасвирланган сурат орқали албатта машҳур «Сеними, шошмай тур!» мультфильми, қуённинг уадабурунлиги эста тушади. «Бўри қуён учун нега кўрқинчли эмас?» Болалар бу расмлар асосида ўз фикрларини ифодалашни керак.



Эки бўлмаса «Ким биринчи чопиб келди, нима учун?» деган мазмундаги расмни кўриб мантиқий жавоб топиш керак. Бундан ташқари «Кимнидир доғда қоладириш учун яна нима ўйлаб топиш мумкин» деган каби саволлар билан болаларнинг топқирлиқларини синаб кўриш мумкин.



Баъзан тасвирда эртак матни ифодаланган бўлиб, биз фақат муаммоли саволлар билан уни тўлдиршимиз керак бўлади.



Типратикан узок йўлга отланди. Чарчади ва дам олишга шайланди.


Тутунчасини куйиб тепаликчага, ўзи эса чўзилади дарахт тагига.

Сен биласан кейин нима бўлаганин, фақат уни тушунмас типратикан

1. Нега тасвир «Замбуруғ — ўғри» деб номланган.

2. Расмни яна қандай номлаш мумкин?

Ва энг асосийси — типратиканга қандай қилиб ёрдам бериш мумкин? Яна алоҳида мураккаб суратлар ҳам бўладики, бунда болаларга таҳлилий тахминлар орқали тушунтириб беришга, ёрдамлашишга тўғри келади. «Қайси аквариумда сув кўпроқ» деган саволга 5—6 ёшли бола жавоб топишга қийналиши табиий. Бунда иккита бир хил сифтли (масалан, қошиқ) идиш ва жисмлардан фойдаланиб кўриш тажрибаси қўл келади.



Яна болаларга йўл, масофа ва тезлик қабиларни ҳисобга олиб, тушуниш талаб этиладиган муаммоли расм кўрсатилади.



Бундай расмга нисбатан қуйидагича саволлар тузса бўлади:

1. Бундайда йўлга чиққан ва манзилга тенг етиб келман типратиканларнинг қайси бирининг тезлиги юқори?
2. Қайси типратикан кўп олма олиб келди?
3. Улар олмаларни кимга олиб келди?
4. Типратиканларнинг биринчиси ва иккинчиси қандай рағбатлантириш мумкин?
5. Агрофда қанча замбуруф ўсаяпти?
6. Келинг, типратикан ҳақида эртак тўқиймиз.

НИМА УЧУН ВА ШУНИНГ УЧУН ҲАҚИДА (Эртак)

Бир замонлар Шунинг учун ва Нима учун яшаган экан. Улар ғўла(ғарахт) новдасининг ғилдираётганини кўриб қолишибди.

— У нима учун ғилдираяпти? — сўрабди Нима учун.

— У юмалоқ бўлгани учун ғилдираяпти, — дея жавоб берибди Шунинг учун.

— Нима учун биз ҳам бирор юмалоқ нарса яшашимиз мумкин эмас? — сўрабди Нима учун.

Шунинг учун билан Нима учун биргалашиб ар-ралаб, рандалаб бир ғилдирак яшашибди. Ғилдиракка чиқиб олиб, ерда ўйнай бошлаган экан, оสมонда учиб юрган қушни кўриб қолишибди.

— Нима учун у учаяпти? — дебди Нима учун.
— Унинг қанотлари бор, шунинг учун учаяпти, — дея жавоб берибди Шунинг учун.

— Нима учун биз ҳам қанот яшашимиз мумкин эмас? — дебди Нима учун. Иккови биргалашиб қанот ясабди ва уларнинг ғилдираги самолёт бўлибди. Улар самолётга чиқиб яна ажойиботла-ру ҳайрат сари учиб кетибди.

Ана, болалар кўрдингларми, бу дунёда Нима

учун билан Шунинг учун борлиги учун ҳам хамма ишни қилиш мумкин.

Болаларга саволлар:

— Нима учун қандай саволлар берди?

— Шунинг учун қандай жавоб қайтарди?

Болалар бошқа саволларга ҳам жавоб тузади:

— Шифокор нима учун келади?

— Нега одамлар соябон олади?

— Кушлар нега учади?

— Нима учун қишда чўмилиш мумкин эмас?

— Нега ёзда пусти кийилмайди?

— Қишда нима учун этик кийишади?

Демак ихтирочилик — самарали ақлий ривожланишнинг кўриниши сифатида бирдан эмас балки секин-аста шаклланади. Бу борада нарс ва жисмлар умумийлиги қўл келади. Табиийки болалар боғчаларида бунга эътибор етарли бўлмаган. Яъни, агар бола тайинланган ишлардан ташқари хатти-ҳаракатлар қилса доимий танбех олган.

Уста, кашфиётчи бўлиш — ажойиб. Бу билан боғлиқ бўлган «Бой ва камбағал» эртагини эсланг. Бизда камбағалга нисбатан хайрихоҳлик нақадар юқори бўлса, бойга бўлган нафрат ҳам шунчалик кучли. Шундай қилиб биз бола нарсаларнинг ўзига хослиги ва номланишини энди ўзлаштираётган пайти — 3 ёшида эмас, балки у ёки бу нарсаларнинг мавжудлигини аниқ тасаввур этадиган — 5 ёшида нарс ва ҳодисаларнинг умумийлиги ҳақидаги тушунчаларни бериб борамиз.

Шу билан бирга мактабга ешдагилар тафаккурининг ўз вақтида йўналиш касб этиши учун улар билан масалан куйидагича суҳбатлашиш мумкин: «Биз санчқини овқатланиш учун ишла-

тамыз. Лекин шундай ҳолатлар бўладики, биз ундан бешка мақсадларда ҳам фойдаланишимиз мумкин. Тоғ ёки ўрмон шаронтида биз санчқи ёрдамида нима қилишимиз мумкин?.. (Бирор нарсани йиртиш ёки тешиш). Агар у жуда ям эски бўлиб қолган бўлса яна бошқа усулларда фойдаланса бўлади...

Бу каби суҳбатдан кейин болалар билан уларга таниш жисмларнинг умумий хусусиятлари ҳақида эслатиш мумкин.

— Дазмол — дазмоллаш, қуритиш, ўзини ҳимоя қилиш, қиздириш...


— Полиэтилен халгача — нарс соладиган идиш, ювинганда сочни ўраб олиш, ёмғирдан ҳимояланиш, гигиеник ҳимоя воситаси...

— Сочик — артиниш, бошни ўраш, пишириқни идишда иссиқ сақлаш, мушукча устига ёпиш, ойдан кираётган совуқни тўсиш ва ҳоказо.

Умумий хусусиятлар ҳақидаги тушунчалар бир мунча очиб берилгач, болалар билан кашфиётчилик, саёхатчилик каби ўйинлар ташкил қилишни маслаҳат берамиз.

Бу ўйинларни мана бундай уюштириш мумкин: Болаларга нарс ва жисмлар акс этган расмлар берилади (санчқи, тўқмоқ, стул, пиёла ва ҳоказо). Бир болага иккита нарсанинг расмидан учинчи нарсанинг умумий тузилишини ифодаловчи, фойдалани бўлган нарс ўйлаб топиш сўралади. Агар расмлар бир-бирига мос тушмайдиган, умумийлик касб этмайдиган бўлса, у ҳолда бирорта ҳазил ёки кулгил хикоями, эртакми ўйлаб топсин. Бу фаолият тасаввурни бойитади, юморни ҳис этиш, ихтирочилик қобилиятларини ривожлантиради.

Саёхатчилар ўйинини ҳам кўйидагича ташкил этиш мумкин: сиз болалар билан ҳаво шарига саёхат қиляпсиз.



Қорозда катта шарнинг расми чизилган. Болалар билан йўл анжомларини йиғиш керак (уларнинг номлари бирма-бир расм ичига ёзиб борилади). Керакли анжомларни сипчовлик билан танлаш керак. Масалан, сафар йўналиш (жанубга, шимолга, денгизга, тоғ ёки чўл томонга) бириччи галда ҳисобга олинади. Йўлда кутилмаган ҳодисалар (акула, шамол, чақмоқ, дарё, тоғлар) бўлиши эҳтимоли бор. Уларни енгиб ўтиш учун қатор масалалар, толишмоқ ёки сўз уйини орқали катталар кузатувида ҳал этилиши керак. Саёхатни мураккаблаштириш ёки бошқача ташкил этиш ҳам мумкин. Унда санаш, ёзиш каби машқлар қўлланилишига эришиш лозим: масалан қароқчининг оёғи нечта ёки шарга қўнган қушчалар сони қанчалигини санаш ва ёзиб бориш. Агарда нотўғри саналса ҳаво шарига олинган қуш тумшуги билан шарни ёриб юбориши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш болани ўйлашга ундайди.

Саёхат давом этади...

Кашфиётчилик фаолиятига қизиқиш ҳосил қилиш учун болалар билан мунтазам фантастик ўйинлар ташкил этиш керак. Масалан, шина одам кашф этиш — у ҳаракат қилиши, ўртоқларини жалб этиши, кутилмаган хавф-хатарларга дуч келиши керак. Ёки бирор нарсанинг ғойиб бўлиб

қолиши, масалан, шакар йўқ — нима қилмоқ керак? Қуёш йўқ — нима қилмоқ керак? Катталар йўқ..., уйлар..., ҳайвонлар... Лекин бу ўринда болаларга фантастик ўйинлар ва уларнинг ечими ҳақиқий ҳаётдаги билан мос бўлмаслиги, қоларверса бу шунчаки ўйин эканлигини тушунтириш лозим. Акс ҳолда бола тасавурида фантастик таҳминлар ва ўйлар зарарли из қолдириши мумкин. Шунинг учун боладаги яратувчанликни нафақат фантастик жараёнлар, балки ҳаётий мисоллар билан боғлаб ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Ижодкор бола учун ўзига хослик, ғайритабиийлик, зеҳнлилик, фикрлаш фаолиятига мойиллик характерлидир. Мисол учун иккита беш ёшли болани олайлик. Иккиси ҳам расм чизаётган бўласин. Бирдан буюқ тўқилиб кетдию чизаётган расмлари чапланиб кетди. Ижодга мойиллиги йўқ бола йиғлаб юборса, ижодкор бола эса расмнинг янги кўриниши билан қизиқади. Биз ҳаммамиз, жумладан болаларимиз ҳам ана шундай фақуллада ҳолатлар куршовида яшаймиз. Демак ҳар биримизнинг ҳаётимизда бўлиши мумкин бўлган, кутилмаган қийинчиликларни бартараф этишга 5—6 ёшли болаларни ундаш фойдали.

1. Уйнинг калити йўқолиб қолади. Ота-она ишда. Нима қилиши керак? Қандай қилиб уйга кириши мумкин?
2. Уй яқинида ёнғин пайдо бўлди. Уни қандай ўчириш керак?
3. Соат тўхтаб қолибди. Вақтни қандай қилиб тезда билиб олиш мумкин?
4. Қошиқ эсдан чиқибди. Қошиқсиз қандай қилиб овқат ейиш мумкин?
5. Туфланинг таглиги кўчиб кетди. Уйгача ҳали узок. Нима қилиш керак?

6. Йўлда машина бузилиб қолади. Нима қилмоқ керак?

Ёдингида бўлса, «Яхши ва ёмон» ўйини орқали болаларни теварак олам билан таништириш, шу билан бирга зиддиятларга муносабат билдиришга ўргатиш ҳақида атрофлича ҳикоя қилган эдик.

Энди болаларнинг ёшига мос муаммолар ҳақида ўйлаб кўришларига ҳам ўргатиш мақсадга мувофиқ. Масалан:

Соябон — яхши (ёмғирдан тўсади), лекин ёмон (уни олиш учун каттароқ сумка керак, автобусда синиб қолиши мумкин, кимгадир тегиб кетиши мумкин). Демак соябонни мукамаллаштириш ҳақида ўйлаш керак. Бу ҳақда болалар ҳам ўйлагани маъқул.

Якшанба — бу яхши (онла даврасида бўлиш, яхши таомлар тайёрлаш, саёхатга чиқиш), ёмон томони (уйда тартибсизлик бўлиши, шовқин тўполон). Нима қилиши керак?

Унутмаслик керакки, кашфиётчилик «ҳазил саволлар»га жавоблар топишдан бошланади. Улардан баъзиларини сизга ҳавола этиб, болалар билан ўйлаб топишни маслаҳат берамиз:

1. Фил эмас, хартуми бор. У нима? (урғочи фил)
2. Икки қўлда 10 та бармоқ бор. Ўнта қўлдачй? (50)

3. Бўтқа тагига олиб кетмаслиги учун тўшпончадан қандай фойдаланиш мумкин? (бўтқани тўшпонча билан аралаштириб туриш)

4. Дарахтда 4 та кўш ўтирарди. Мушук биттасини еб қўйса, нечта қолади? (қолганлари учиб кетади).

5. Қайси йил фақат бир кун бўлади? (янги)
6. Ёмғир икки кун тинимсиз ёғиши мумкинми? (йўқ, чунки кунлар орасида тун бор).

7. Қарга 7 ёшга тўлагач нима бўлади? (8 га ўтари)

8. Идишдаги 5 та олма беш кишига биттадан берилганда битта олма идишда қолиши мумкинми? (бир кишига олма идишида берилади)

9. Лайлак қачон бир оёқда туради? (иккинчисини кўтариб олганда)

10. Кетма-кет беш кунни ҳафта номларини айтмасдан сананг. (аввалги кунни, кеча, бугун, эртага, индинга).

11. Қайси парранда ўзи тухумдан чиқади-ю, тухум туғмайди? (Хўроз)

12. Одам қаерда юрмайди? (шифтда)

13. Яримта апелсин нимага кўтроқ ўхшайди? (иккинчи ярмига)

14. Қуруқ тош қаерда бўлмайди? (сувада)

15. Сувни қандай қилиб тешик челақда олиб бориш мумкин? (музлатиб)

16. Терақда нечта олма бўлади? (бўлмайди).

17. Овқатланиш учун нима керак? (овез)

18. Қандай идишдан овқат еб бўлмайди? (бўш идишдан)

19. Ким ҳамма билан гаплашади-ю, кўринмайди? (акс-садо)

20. Ёмғир ёғаётганда қарга қандай дарахтда ўтиради? (хўл дарахтда)

21. Ўрдак сузишни қаердан бошлайди? (қирғоқдан).

Бу жараёни узлуксиз давом эттириш мумкин. Таълимнинг бу кўриниши чексиз бўлиб, уни дидактик ўйинлар ва машқлар ёрдамида такомил-

лаштириб бориш мумкин. Куйида ана шундай ўйинлардан бир туркумини ҳавола этамиз:

Тўртинчиси ортиқча

Бу мантиқий ўйин. Болага 4 та нарсанинг расмини беринг. 3 таси битта умумий тушуничага даҳдор бўлсин. У «ортиқча»сини топса, рағбатлантирилади. Расмлар тўплами турлича бўлиши мумкин: стол, стул, кроват ва чойнак, от, мушук, ит ва қисқичбақа, арча, қайин, чинор ва қулупнай, бодринг, шолжом, сабзи ва қуён.

Агар бола ҳамма топшириқларни тўғри бажара олмаса, ажабланманг. Унинг фикрлари ва асосларини тинглашга ҳаракат қилинг. Чунки болага қуён билан сабзининг бир-бирига боғлиқлиги бодринг ва шолжом каби сабзавотлар қаторидан сабзини ажратиб олишга асос бўлиши мумкин. Унга сабзавот ва жониворлар деган тушуничага асосланиб тўғри жавобни топишда ва қуён «ортиқча» эканини билишда ёрдам беринг. Бунда болага умумлаштирувчи жумлалар айтиш орқали ўзи жавоб топишига имкон яратиб беринг.

Оламда нима бўлмайди?

Болага оламда йўқ нарсалар расмини чизиши топширинг. Расмдаги нарса нега оламда йўқлигини сўзлаб беришни сўраг. Агар ўйинда ўзингиз ҳам иштирок этсангиз, у янада қизиқарли бўлади.


Ҳамма бир нарса ҳақида

Оилада бўладиган суҳбатларни бирон-бир нарса ҳақидаги умумий сифатлар ва тушунчалар атрофида ташкил этиб, болалар ҳам унга жалб этилади: дарахт нимага ўхшайди, нимадан фарқ қилади? Дарахт бўла туриб нега одамлар пластмасса,


темир кабиларни кашф этди? У нимаси билан ноқулайлик касб этади? Ёночдан жиҳозлар, идишлар, ўйинчоқлар ясаган одам қандай сифатлардан фойдаланади? Ёғоч майдалари ва қириқдилари нима мақсадда ишлатилади? Ёғоч чўкадимми? Ёнадимми? Бўяладимми? Нам тортадимми? Қизийдимми? Сув ўтказадимми?

Ўзинг жойлаштир

Бу ўйинда бола жисмлар шаклини таҳлил қилишни ўрганади. Унга турли қисмларга ажратилган шакллар тўпламини беринг, қандай шакл ҳосил қилишни айтинг. Масалан, куйидаги суратда берилганидек, кучукчанинг кўринишини ясасин.



Ўйинни бола учун мураккаброқ ҳолатларгача ривожлантириб беринг. Агар намунада ички чиқиқлар ҳам кўрсатилса масалани ечиш осонлашади. Агар кўргазма учун берилган шаклдан берилган шакл бўлаклари кичик ва майда бўлса, у ҳолда топириқ мураккаблашади. Бу шакл яшаш учун берилган бўлакчаларнинг миқдорига ҳам боғлиқ, агар улар керагидан кўпроқ бўлса, бола танлаб олишга мажбур бўлади. Куйида геометрик фигуралардан яшаш мумкин бўлган нарсаларнинг кўринишлари берилган:



Бўлиши мумкин — бўлмайди

Бу ўйин бой тасаввур ва соғлом фикрни талаб этади. Сиз айтётган нарсалар бўлиши мумкин ёки аксинча эканлигини бола мушоҳада қилиб кўриши керак. Агар у тўғри жавоб топса, навбатдаги тошшириқни бола сизга беради. Агар нотўғри жавоб берса, навбат яна сизда бўлади. Бунда сиз бўладиган, бўлмайдиган мисолларни аниқ келтиринг, масалан: «Бўри дарахтада ўтирибди», «Идишда пиёла пишяпти», «Мушук томда юрибди», «Кучук томда юрибди», «Қайиқ осмонда сузиб кетяпти», «Қизча расм чизаяпти», ва х.к. Агар сизнинг ва боланинг фаразлари турлича ва кутилмаган тарзда берилса, ўйин қувноқроқ ва қизиқариоқ бўлади. Агар баъзан янглишиб кетсангиз, бу ўйиннинг фақат қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Нимадан нима ҳосил бўлади?

Бола катталарнинг саволларига жавоб беради: «тухум, жўжа, бола, уруғ, ун, темир, фишт, мато, ўқувчи, касал ва х.з.лардан нима ҳосил бўлади?». Бола берган жавобларни муҳокама қилишда яна бошқа жавоб вариантлари мавжудлигини ҳам таъкидлаш керак. Масалан: тухумдан нафақат қўшча балки тимсоҳ, ташбақа, илон бўлиши ва хатто овқат қилиш ҳам мумкин. Бир ўйинда 6-7 сўзни муҳокама этса, бўлади.

Бу ўйиннинг яна бир варианты:

Аввал нима бўлган эди?

Бу ўйиннинг мазмуни аввал нима бўлган эди? деган саволга жавоб беришдан иборат: жўжа (тухум). От (тойчоқ), сигир (бўзоқ), балиқ (икра), олма (уруғ), капалак (курт), нон(ун), шкаф (ёғоч), вело-сипеа (темир), кўйлак (мато), туфли (тери), уй (фишт), кучли (кучсиз) ва х.з. Бундан ташқари биттадан кўп маънога эга бўлган сўزلардан ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳар бир сўзга мос жавоб вариантларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Энг зарурини танлаш

(морфологик таҳлил услуби)

Айтайлик, биз расм чизмоқчимиз ва бир қанча сўзларни келтирамиз: қалам, бўр, гуашь, асфальт, тош, қоғоз, буёқ чўткаси, бармоқлар, таёқча. Улардан 3 та сўзни танлаб олиш керак ва шу нарсалар иштирокида расм чизиш мумкин бўлсин. Қанча кўп вариант топиш мумкин бўлса, шунча яхши.

Кашфиётчи

Ушбу ўйинни ташкил этиш учун 10 та аниқ тасвирдаги расмлар керак бўлади. Ҳар бир расмда битта нарса тасвирланган бўлади: болға, илгак, арра, пичоқ, санчқи, қайчи, курси, китоб

тоқаси ва ҳ.з. Ҳар бир расмни болалар ишти-рокида диққат билан кўриб чиқинг, нарсалар ном-ланишини таҳлил қилинг. Кейин ўйинни бошлаш мумкин, бошловчи айтади: «Келинлар кашфийёт-чилик ўйнаймиз. Янги буюмлар ўйлаб топамиз. Масалан, бир вақтнинг ўзида ҳам илгак ҳам арра вазифасини бажарувчи янги буюм бўлсин. Бош-ловчи болаларга шу буюмлар тасвирланган рас-мларни кўрсатади. «*Лекин бундай буюмни яшаш учун унинг расми чизиласи.*»

Ҳар бирингиз ана шундай кашф этилаётган буюм расмини чизинг».

Тайёр расмларни болалар кўриб чиқади, му-ҳокама қилади. Энг яхши вариантлари қайта иш-ланган расмлар пластилин ёрдамида тайёрлана-ди.

Кейин қуйидаги нарсалар ўйинни давом этти-риши учун тақлиф қилинади: курси — китоб тоқ-часи, санчқи — пичоқ, болга — болта, қайчи — отвёртка ва ҳ.з. Яна бошқа нарсаларни ҳам ўйинга киритиш мумкин. Кейин болалар икки хил вази-фани бажарадиган буюмларни ўйлаб топишга ҳаракат қиладилар.

У.В.М.(ўлчам, вақт, миқдор) оператори

Бир-иккита нарса олиб уларнинг ўзига хос ай-рим хусусиятлари алмаштирилади: ёки ўлчамми, ё вақтни. Масалан, бўғирсоқ жуда ҳам оғир ва бу айни қишда содир бўлсин дейлик. Тулки оғир бўғирсоқни кўтариб кетишдан чарчаб, совуқда қотиб қочиб қолибди. Бошқа яна кўплаб вариан-тларни топиш мумкин.

Сўранг — топинг

Ҳар қандай сураг бўлсин:

- а) тасвирда (бўлмаган) ифодаланмаган нарсалар ҳақида кўплаб саволлар тузиш;
- б) тасвирдаги ҳолат билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни имкон қадар кўпроқ санаш;
- в) тасвирдаги вазиятни юзага келтириши мумкин бўлган сабабларни имкони борича кўпроқ келтириш.

Ўзгартир

Ўйинчоқни шундай ўзгартиргинки, натижада уни уйнаш жудаям қизиқарли бўлсин.

Фойда — зарар

Бошловчи нарсанинг номини айтади. Бола унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойда ва зарари ҳақида тушунтириб беради.

Нима бўлиши мумкин?

Бошловчи нарсанинг номини айтади. Бола унинг универсал хусусиятларини санаб беради.

Биз — тарихчилармиз

Болалар билан бирор бир нарсани танлаб оламиз ва унинг фойдаланадиган буюм шаклига кел-гунича бўлган ўтмиши ҳақида фикрлашамиз (чой-нак — аввал тупроқ бўлган, кейин лой, кейин эса...).

Тасаввур қилинг...

Бола гулга айланиб қолади... У нима ҳақида ўйлайди? Кечаси ниманинг гувоҳи бўлади? Нимадан кўрқади унинг гулбаргчалари сенга нима-лар ҳақида шивирлайди.

Нима бўлади?

Нима яшил бўлади (сарик, қизил,, тузли, хўл, айлана,.... бўлади)?

Бирор нарсани чизинг

Ўрмонда ўсадиган ўсимликни чизинг (ёки фақат сувада яшайдиган хайвонни). Энг ширин нарсанинг расмини чизинг....

Балиқ, қуш, йиртқич

Бошловчи уч сўздан бирини айтади бола тезликда шу сўзга хос жонивор номини айтиши керак қуш - қалайроғоч.

Тузлиши бўйича ҳикоя

Бирор хайвон ёки қуш ҳақида гапириб бериш

1. Нима?
2. Нима билан қолланган?
3. Қаерда яшайди?
4. Қандай ҳаракатланади?
5. Нимадан қўрқади?
6. Нима билан озикланади?
7. Қандай фойдаси бор?
8. Қандай зарари бор?
9. Нимага ўхшайди?
10. Нимага ўхшамайди?

ва ҳоказо.

Нимага ўхшайди:

Товланувчилар**Экранли уйин**

Ясама телевизор экрани орқали бирор нарса-

нинг ёки хайвоннинг бир қисмигина кўрсатилади. Болалар уни топишлари ва номини айтиши керак.

Ғайриоддий нарсани чизинг

Ғаройиб машина расмини чизинг ва унда сеҳрли мамлакатга бориш мумкин бўлсин. Шундай дарахт чизингки унда ажойиб мевалар ўсиб чиқсин; хайвонлар базмига кийиб бориладиган кўйлак расмини чизинг.

Нима учун.

Одамга нима учун кўп кийим-кечак керак?

Нега идиш - товоқлар керак? Одамга дўстларнинг нима кераги бор? Пул? Мебел? Китоблар? Сиз кашфиётчисиз

Қутилмаганда сиз онангизга қийин ишларни бажаришда ёрдам берадиган ёрдамчи кашф этингиз. У қандай бўлади?

Кўриб қолдингиз

Сиз кўчада чумолини кўриб қолдингиз. У қаерга шишлamoқда.

Учар ликопчада ғаройиб одамни кўриб қолдингиз. У қанақа бўлади?

Хоҳлайману, мумкин эмас

Музқаймоқ егим келяпти-ю, томоғим ogрийдн. Уйлаб топ

Ота-она нима учун керак? Болалар боғчаси-чи? Мактаблар-чи?

Туфли? Дўстлар? Қор? Ёмғир-чи?.

Нима қаерда тувилган

Ераа... Суваа...

Гапни тўлдириш

Кеча жуаа..., шунинг учун иссиқ ...

Қайси сўз яширинган?

Сўзларда қайси хайвонлар номи яширинган; «шукму, бағошқа», мисоллар келтиринг.

Ликопчалар ва қошиқларнинг жаранги қандай

Идишларни тахлашда уларнинг товуши неча бор такрорланганига қараб сонини айтиб бериш.

Шаклга қараб билиш

Турли буюмларнинг шаклига қараб номини айтинг: қайчи, қўл соати.

Шеърлий усулда расм чизиш

Юмалоқ тана

Яъни бу кала.

Икки айлана.

Бу-кўзлар, ана.

Оғиз, бурун ҳам доира,

Қўшиқ айтар тўхтамай.

Тўрт оёқда туради,

Шамол келса юради.

(Одатий тушунчалардан чекинган ҳолда одамчани қандай чизиш мумкин).

Бундан ташқари, боладаги ижодий қобилиятни ривожлантириш ва ўзига бўлган ишончни шакллантириш учун пантомимо(турли хатти-ҳаракатлар билан бирон-бир жараённи ифодалаш)дан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кимнинг вазифасини бажараяпман?

Харакатни тартибга солувчининг.

Бўёқчининг.

Дурадгорнинг.

Тарбиячининг.

Скрипкачининг.

Почта ходимининг.

Этиқдўзнинг.

Ҳайдовчининг.

Боксчининг.

Тасвирлаб берчи, агар... нимани ҳис қиласан?

Итнинг оёғини босиб олишса?

Уйкута ётганигда?

Адашиб қолсанг?

Ташқарида жуда совуқ бўлса?

Қорнинг оғриб қолса?

Музқаймоғингни олиб қўйишса?

Меҳмонга бориб, қизик нарсани кўриб қолсанг?

Тутилган кунларга бориб қолсанг?

Қуёш чарақлаб турганда?

Қўлларинг ёки бармоқларинг ёрдамида кўрсат ишора қил

Жойингдан қимирлама!

Кимнидир қойияпсан.

«Кўришгунча» деб имла.

Игнага ип утказ.

Тишингни юв.

Тирноғингнинг кирини тозала.

Тишларинг орасидан ниманидир олиб ташла.

«Ярашиш» белгисини кўрсат.

Жуда шошиб кетаётган одамнинг юришини ўхшат.

Пойафзали қисаётган одамни юришини кўрсат.

Йўлбошчининг юришини кўрсат.

Имиллаган, лаппашанг одамнинг юришини ўхшат.

Қайси уй вазифаларини бажараман?

Полни судураман.

Уй жиҳозларининг чангини артаман.

Идиш-товоқларни юваман.

Чангочтиччини ишлаатаман.

Столга дастурхон ёзаман.

Ювилган кирларни дорга осаман.

Ҳазонларни тўплайман.

Экинларни сўғораман.

БОЛА ХОТИРАСИНИ ҚАНДАЙ ЯХШИЛАШ МУМКИН?

Масала: "Ҳеч ким ўзини эси паст демайди, лекин кўпчилик хотираси чатоқлигидан шикоят қилади" дейилади халқ мақолида. Бу маталга ис-техзо жо қилинган. Бироқ ҳақиқатдан ҳам биз катталар, айниқса, ёшимиз 40 дан олганидан сўнг хотирамиздан шикоят қила бошлаймиз, машхур шеърни ёки куйлаётган кўшиғимизнинг давомини эслай олмай қоламиз, уйда бирон нарсани қаерга қўйганимизни эслай олмай, уни роса қидира-миз. Илгари бунақа ахволга тушмаган эдик. Бундай ҳолатда ёш улгайганиги ўз таъсирини кўрсатади. Аммо, хотира даражаси умрнинг дастлабки йиллариданоқ мавжуа бўлади. Ирсий омиллар аҳамиятини камайтирмаган ҳолда шуни айтиш керакки, болалар туғилганиданок уларнинг қобилиятлари, шу жумладан хотиралари ҳам турлича бўлади. Мисол учун икки нафар уч ёшли болани қийслаймиз, улардан бири кичкинагина шеърни тез ёдда сақлаб қолади, иккинчиси билан эса, бунинг учун бир оз шуғулланишга тўғри келади. Шунга қарамай, бу борада уйда ёки жамоат муассасасида яратилган шароитнинг ҳам ўзига яраша таъсири бор.

Келинг, инсон ҳаётида хотира қандай ўрин тўтишини аниқлаб олайлик. Чунки, сиз геометрия, физика ва бошқа фикрлашни талаб қилувчи фанларни жуда яхши ёдда сақлаб қолган ҳолда улар-

ни яхши ўзлаштира олмаслик мумкин деб, ҳақли фикр айтишингиз эҳтимолдан холи эмас ва бу тўғри ҳам. Бироқ заиф хотира билан ҳарфларни ёдда сақлаб қолиш, ўқишни ўрганиш, карра жадални, бирор шеърни ёки ҳеч бўлмаса бирор матал ёки мақолни ёдлаб олиш мумкинми ахир. Мумкин, лекин бунга кўп вақт сарфлашга тўғри келади. Кўп вақт сарфлаганими, демак бу машғулот зерикарли ва қизиқарсиз бўлади.

Хуллас, хотира боланинг ақлий ривожланиши учун дастлабки ижобий замин яратади. Қолаверса, у кундалик ҳаётда энг зарур нарса.

Масаланинг ечими: Биз ота-оналарнинг олдимида фарзандимиз хотирасини ривожлантиришдек муҳим масала туради. Бу ишда аввало, хотира кўрганни, эшитганини, ҳидлаганини, ушлаганини эслаб қолиш каби тўрт турга бўлинишини ёдда тутмоғимиз керак. Мактабгача ёшдаги болада кўриб эслаб қолиш кучлироқ бўлади, яъни у кўрган нарсасини тезроқ ва яхшироқ эсда сақлаб қолади.

Келинг, аввал, мактабгача ёшдаги боланинг хотира хусусиятларини кўриб чиқамиз: кичкинтой одатада ахборотни тезда эсда сақлаб қолади ва янгисини ўзлаштириш учун эскисини шунчалик тез унутади ҳам (Агар эски ахборотни такрорлаб, машқ қилиб турмаса). Қисқаси, кичкинтойлар хотираси ўзгарувчан-нозик бўлиб уни машқ қилдириб туриш лозим. Хотиранинг ҳар хил турларини ривожлантириш учун уларга ёндашув ҳам, машғулотлар, машқлар ва ўйинлар ҳам ҳар хил бўлмоғи лозим. Аниқ маслаҳатларга ўтмасдан олдин диққатингизни "Хотирамиз заҳиралари" кўлланмалар тўпламига қаратамиз. Мазкур тўпламга куйидаги ҳолатлар киради:

- ушлаб кўриб эсда сақлаб қолиш;
- ҳидлаб кўриб эсда сақлаб қолиш;
- кўриб эсда сақлаб қолиш;
- рақамларни эсда сақлаб қолиш;
- хорижий сўзларни эсда сақлаб қолиш;
- хотирадан соқит қилишга ўргатиш.

Қўлингиздаги тўпلامда нафақат хотирани яхшилашга, балки тасаввурни, бадний тафаккурни, ижодий қувватни ҳамда умумий маърифий даражани ривожлантиришга қаратилган ўйинлар тизими тақдим этилган.

Бунда кичкинтойлар чарчатиб қўймайдиган, қизиқарли ўйинлар жараёнида катта сиримдаги маълумотларни эсда сақлаб қолишнинг самарали усулларини ўзлаштирадилар. Шундай қилиб, машғулотни хотиранинг "ушлаб кўриб эслаб қолиш" туридан бошлаймиз. Чулки, биринчидан, хотиранинг бу турига оилада ҳам, болалар боғчаларида ҳам жуда кам эътибор берилмай, иккинчидан эса хотиранинг бу тури сезгилар ривожини ва инсон учун зарур бўлган таъсирчанликнинг шаклланиши учун ўта зарурдир. Хотиранинг бу тури — турли хил предметларга тегилгандаги сезгини эслаб қолиш қобилиятидир. Хотиранинг бу турини ривожлантирувчи ўйинлар учун юза қисми бир хил радир-будирликда бўлган 10 дона тахтача керак бўлади. Қалин картон ёки фанерадан ёхуа ис-талган бошқа материалдан 10x20 см ўлчамдаги 10 та тахтача кесиб олиниб, орқа томонидан 1 дан 10 гача рақамланади.

1-рақамли тахтачага болалар билан биргаликда табиий ёки сунъий мўйна парчаси елимланади.



2- рақамли тахтача эса, қаттиқ ва дағал (радир-будир) бўлиши керак. Унга жилавирли қоғоз парчаси елимланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

3- рақамли тахтачага қандайдир бир пахмоқ, ипдан ёки жундан тўқилган мато парчаси елимланади.

4- рақамли тахтача устига эса шамнинг эриганини (мумни) томизиб чиқинг, тахтача узра мум томчилари бўртиб-бўртиб турсин.

5- рақамли тахтача юзасига арқон ёки қалинроқ ип парчасини илон изи қилиб ёпиштиринг.

6- рақамли тахтачага гугурт доналари ёки ҳар хил таёқчаларни ёпиштиринг.

7- рақамли тахтачага эса худди бичагадек гугурт чўпларини тартиб-сиз равишда жойлаштиринг.

8- рақамли тахтачанинг юзаси мутлақо силлиқ бўлиши керак. Бунда целлофан, клеёнка ёки шунга ўхшаш бошқа парсалардан фойдаланиш мумкин.

9- рақамли тахтачага духоба ёки бахмал мато елимланг.


10- рақамли тахтачага йўл-йўл чиқиқли мато, масалан, жинси ёки чий-духоба парчасини ёпиштиринг.

I ўйин

Турли хил парсалар чизилган расмлар танлаб олинади. Расмда иссиқ, совуқ, силлиқ, дағал,




гадир-будаур нарсалар акс этсин. Кичкинтой, расмдаги нарсаларни ушлаб кўр, балки улар ҳақиқийдир. Уларни "ушлаб кўраётганимда" нима ни ҳис қилаяпсан? Уларнинг ҳар бири сенга қайси рақамли тахтачани эслатмоқда:



II ўйин

Расмда, столнинг устида ва остида турли хил нарсалар ётибди. Ушлаб кўрсанг, уларнинг ҳаммаси ҳар хил: иссиқ, совуқ, силлиқ, тиконли, юмшқоқ, қаттиқ. Ўзингча уларни бирма-бир ушлаб кўраётгандек бўл. Ҳеч бирини қолдирма. Дикқатли бўл. Хўш, ҳаммасини "ушлаб кўриб" сездингми? Энди расмни ёпиб, бўм-бўш стол расмига қара.



Олдинги стол устида ва остида ётган нарсаларни эслашга ҳаракат қил. Бу ишни осонлаштириш учун худди ўша нарсаларни яна ушлаб кўраётгандай ҳис қил. Қўйиға эсингга келган нарсаларнинг номини ёз (ёки расмини чиз, онанг босма ҳарфлар билан ёзиб чиқса ҳам бўлади):

глобус, кактус, соат, дўши, портфель, ноқ, самолётча, қалам, иш ўрамини, чироқча, чойнак, шам, саватча, ботинкача, газета, сочинк, атиргул, копток, кўлмакча, арра.

1-расмни стол сурати туширилган варақни очиб кўргин-чи, ҳамма нарсани эслаб олднгми-йўқми билиб оласан. Эслай олган нарсаларнинг ёзилган номлари олдаги катакларга белги қўйиб чиқ, кейин белги қўйилмаган катакларни санаб чиқ — шулар сенинг хатоларинг бўлади.

III ўйин

Тахтачаларнинг рақамланган томонини паства қилиб, 1 дан 10 гача бўлган тартибда қатор қўйиб чиқ. Яхшилаб, диққат билан қараб чиқ. Кўзларингни юм ва уларни аралаштириб ташла. Топ-

ширик; тахталаларни ушлаб кўриб, уларни 1 дан 10 гача аввалги тўғри тартиб билан қатор тер.

IV ўйин

1-рақамли тахтачани ол. Кўзингни юм ва тахтачани ушлаб кўр. Унинг юзаси сенга нимани эслатмоқда (жавоб вариантлари: мушукча, мўйнали палло, қирқилган майсазор). Ёки 4-тахтачани ол. Кўзларинг юмук ҳолда уни ушлаб кўр. У сенга нимани эслатмоқда (ботқоқдаги йўсинни, идишда қотиб қолган мураббо томчиларини). Бошқа ҳамма тахталалар билан ҳам шу машқни бажариб чиқ.

V ўйин

Ўзингча тасаввур қил, сен қуйидаги нарсаларни ушлаяпсан:

булут _____ рам _____ мусиқа _____
кулгу _____

Уларни ушлаганингда нимани ҳис қилишингни ёзишга ҳаракат қил.

VI ўйин

Мана тахталалар билан ҳам анча шуғулланиб кўйдинг. Улардан баъзилари сенга кўпроқ, баъзилари камроқ ёқаётган бўлиши мумкин. Баъзилари эса, ҳатто ёқмаслиги ҳам мумкин

Тахталаларни қуйида кўрсатилган — "энг ёқимсиздан — энг ёқимлисигача" тартибида кўйиб чиқ. Агар қўлингда (ёнингда) тахталалар бўлмаса, ўзингча уларни бор деб тасаввур қилиб, шу машқни хаёлан бажариб кўр. Қайфиятинг доим яхши бўлсин, кичкинтой.

VII ўйин

Болаларнинг албатта танишлари бор: болалар, қариқдошлар, кўшниллар. Фарзандингизни қайси тахтача қайси танишининг табиатини, товушини, ташқи кўриниши ва қилиқларини эслатишини тушунишга ўргатинг.

VIII ўйин

10 та тахтачадан эртак ва ҳикоя тузамиз.

"... Дастлаб мен уйнинг ғадир-будир деворини кўраяпман. Ғадир-будир тахтачани қидираман, у биринчи.

Эслашда давом этаман. Уй деворида дераза-ойна бор. Ойнага ўхшаш силлиқ юзали тахтачани оламан.

Кейин қайси тахтача? Кейин нима бўлди?... Ёмғир ёғаётганди, ёмғир томчилари дераза ойналарида қотиб, тиниб қолаётганди. Албаттада! Кейинги тахтача — куриб қотиб қолган тахтачада.

Мана деразага мушук сақраб чиқиб олди. Бу — юмшоқ тахтача" ... ва ҳоказо.

Энди қисқача хотиранинг ҳидлаб эслаб қолиш тури ҳақида, яъни хидларни ёдда сақлаб қолиш ҳақида. Оила шароитида биз ёқимли ва ёқимсиз хидларга эътибор берамиз. Болаларни худди шу ҳолатларда машқ қилдирамиз.

"Нима деб ўйлайсан, мен нима тайёрлаяпман?" (шўрва, компот ёки котлет);

"Қайси атирдан сепиб олдим?" (болага олдин хар хил атирлар ҳидлатиб олинди);

"Опанг, даданг ва оиланинг бошқа аъзоларининг ҳиди қандай?" (кўзларингни юмиб топчи, мен қўлимда кимнинг нарсасини ушлаб турибман);

"Ётоқхонамизнинг ҳавосини алмаштириш керакми?";

"Қайнатилган ва хом сабзавотларни, мева ва тайёр таомларни ҳидига қараб номини топ?" — бу ва бошқа топшириқлар фақат ҳидлаб эслаб қолишни ривожлантирибгина қолмайди, улар ке-

лажак ҳаётда ҳам зарур бўладиган машқлар. Унинг устига мактабгача ёшдаги болага бундай машғулотлар ёқади.

Кўриб эслаб қолиш. Бу, биз илгари айтиб ўтганимиздек бола хотирасини ихтисослаштирувчи тур, чунки унинг замирида бола нигоҳи билан кўриб ўзлаштирадиган аниқ ифодалар ётади. Боланинг хотираси қанчалик яхши бўлишига қарамадан, биз унда кўриб эслаб қолишни шуғуллантириб боришни қатъий тавсия қиламиз. Бу мақсадда қуйидаги ўйин ва машғулотларни мунтазам ўтказиб бориш керак.

Қайси шаклдан нечтадан бор? (доиралар...)

+ ○ + ○ +
○ ○ ○ ○
+ + ○ + +
○ ○ ○ ○
+ + ○ +

Шакллар миқдори кўпроқ ёки камроқ бўлиши мумкин:

+ ○ + ○ +
○ ○ ○ ○
+ + ○ + +
○ ○ ○ ○
+ + ○ +

Боладан сўраш керак: "Қандай қилиб санадинг (битталабми ё?). Унга тўғри, кетма-кет ва тез (устунлар бўйича) санашни ўргатиш керак. Шаклларга қараш учун боланинг ёши ва хотира қобилиятига қараб 1 дақиқа ёки кўпроқ вақт бериш мумкин.

Болалар нима қилишпти?

Машқ топшириқларининг кетма-кетлиги тахминан шундай бўлиши мумкин: "Нечта шакл бор? 2-, 5-, 9-шаклчалар нима қилишпти?" Ҳамма маш-

қларни худди шундай қилиб бажар. Расмларни эпизодик кўринишда кўрсатиш мумкин.



Кейинги расм билан ҳам худди шундай ишланади.




Нақшни эслаб қол.



Худди шундай нақшни чиз. Нақшларни мураккаблаштириш мумкин.

Шоҳчаларнинг фарқи нимада?





Қўлини нимани кўрадинг?



30 углили, ҳазил расмлар, кўриб эслаб қолиш
31 ылятидан ташқари ҳажвни қабул қилиш ху-
32 ятини ҳам шаклантиради. Бундай суратлар-
33 10 сония кўрсатишинг ўзи етарли. Жавоб-
34 дан сўнг биргаликда ҳазил ҳикоя тўқиш ҳам
35 қилин.

Фарқини топиш.



30 сония ичида иккига камширнинг ва иккига
қизалоқнинг бир-биридан фарқини топиш керак.
Бундай машқлар кузатувчанлик ва хотирани (са-
нашда такрорламаслик керак) тарбиялайди.

Мусавир нимани алмаштириб қўйибди?

Алмаштириб қўйишлар такрорлашга, мустаҳкам билимларни ўзлаштиришга ва тушуниб эсда сақлашга ўргатади.

Нима йўқолди?
Хотирани мустаҳкамлаш учун уйингизнинг ўзида кўплаб имкониятлар мавжуд. "Нима йўқолди?" — кенг тарқалган бу ўйин болаларга ёқади. Биз бирор каттароқ нарсани мисол учун ошхонадан нонкутини яшириб қўямиз ва боладан "Нима йўқолди?" деб сўраймиз.

Бундай ўйинларнинг янада мураккаброғи "Нима ўзгарди?" ўйнидир. (Бунда худди ўша нон кутини оламизда, ошхонанинг бошқа жойига қўямиз). Бундай ўйинлар боланинг хонасида, пардоз-андоз хонасида ёки сайрга чиққанда ўйналади.

Турфа хил ўзгартишлар.
Сиз билан биз ўзимизнинг тирик кўргазмали

кўрол эканлигимизга кўпинча етарли эътибор бермаймиз. Бу борада "Турфа хил ўзгартишлар" ўйини тавсия қиламиз. Бу ўйин куйидагича ўтатилади: ўйнаётган киши хонадан чиқиб, ўзининг ташқи кўринишида ниманидир ўзгартиради (соати, сирғасини ечиб қўяди, соч турмагини ёки пайпогини алмаштиради), унинг кўриниши олдинги ҳолати билан қийслашиб, ўзгартишларни топиш керак бўлади. Ўйинга анча ўрганиб қолингач, уни мураккаблаштириш мумкин: ўйинчи ўзида аниқ ҳеч нарсани ўзгартирмайди, аммо туришини (ҳолатини), юз ифодасини ўзгартиради. Тошириқ; сезиш, эслаш, қийслаш ва фарқини топиш. Бу эса, албатта, фақат ифода хотирасининггина иши эмас.

Ҳолатлардан фойдаланиш.

Кўрганларини эслашни ривожлантиришда кундалик ҳаёт ҳодисаларидан мунтазам фойдаланишни маслаҳат берамиз. Масалан: "Бугун деданг ишга нимада кетди?", "Қайси китобларда ўхшаш суратларни кўрдинг?", "Бу нарсалар уйимизнинг қаерида турибди?", "Эсла-чи, қишки кийимлардан қай бири сенга ёқади!" деган саволлар билан.

Эшитиб, эслаб қолиш. Хотиранинг бу тури, одатда кўрганларини эслаб қолиш билан ўзаро боғлиқ ҳолда машқ қилинади: болага бирор эртак ўқиб эшиттирилади ва унга оид расмлар кўрсатилади. Бу машғулот самарали натижалар беради. Ота-оналар эътиборини кўпроқ эшитиб эслаб қолиш қобилиятини ривожлантиришга қаратмоқ керак. Чунки биламизки, ўқувчига, талабага, кейинроқ хизматчига ҳам етарли даражада ривожланган эшитиб эслаб қолиш қобилияти

зарур. Бу борада бир неча машқларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ахборот бериш воситаларидан фойдаланиш.

Уйингизда эртақлар, болалар учун тайёрланган саҳналаштирилган асарлар, шеърлар, ҳазил-мутойибалар, мультфильмлар ёзилган аудио касета ёки пластинкалар тўплами бўлса ёмон бўлмайди. Булар эртақ ёки мультфильмни телевизор ёки видеомагнитофон орқали кўришдан кўра қизиқарсизроқ. Афсуски, телевидео воситалар болаларга ахборот беришнинг бошқа воситалари обрўйига соя ташлади. Телевидео воситалари орқали кичкинтойлар хотирасига керакли ва кераксиз нарсалар сингиб қолмоқда. Болалар кўпроқ нарсани била бошлагани яхши, лекин улар таҳсил олиш-ўрганишда пассив иштирокчи бўлиб қолаётгани ва бу келажакда ачинарли ҳолатга олиб келиши ёмон. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, бутун жаҳонга машҳур Вальдорф педагогикаси, хусусан унинг услуби қондалари расмлардан фойдаланишга икки хил нигоҳ билан қарайди. Мисол учун, агар биз кичкинтойга "Этик кийган мушук" эртагини айтиб, унга ёрқин ранглар билан чизилган шу эртаққа оид расмларни кўрсатсак, бола мушукнинг қандай кўринишда бўлганини ўзича тасаввур қилиб кўриш учун бош қотиришига ҳожат ҳам қолмайди. Агар болага бу эртақ фақат эшиттирилса, унда бошқа гап. Бола ўзи тасаввур қилиб, мушукнинг ташқи кўриниши, этиги қанақалигини хаёлан топади. Кейинроқ эса у кинофильмда мушук ҳам, унинг этиги ҳам ўзи тасаввур қилганидан ўзгача эканлигини кўриши ва тасаввур

қилишда ҳар хиллик, муқобиллик, фикрлар кенглиги мавжуд эканлигини англаши мумкин.

Шеърларни ўқиб эшиттириб ёдлатиш.

Эшитиб эслаб қолишни ривожлантирувчи воситалардан яна бири — болага шеърларни ўқиб эшиттириб ёдлатишдир. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бу ишда ота оналар ўрни муҳим. Улар ё умуман шеър ёдлатишмайди, ё узун шеърлар билан овора бўлиб қолишади. Бизнингча, шеърларни фақат хотирани ривожлантириш учунгина ёдлатиш масалага бир томошаман ёндошиш бўлади. Шеърни тинглашни, поэтик тинглаш қобилиятини, қофияларни тушунишни, ўхшатишлар, қиёсашлар, муболага ва шеъриятнинг бошқа воситаларини — умуман назм нафосатини англашга ўргатиш ҳам муҳим ўрин тутади. Минг афсуски, масалага шундай ёндошиш жуда кам кузатилади. Шунинг учун ҳам барча ёшдаги мактаб ўқувчилари назми ёқтирмайдилар. Шу бойсдан биз уйда фарзандимизга ёдлатиш учун шеърларни астойдил танлашимизга тўғри келади. Бунинг учун қариндошлар, меҳмонлар ёки, аввало ўзингизни қойиб қолдираман деб узун-узун шеърларни танлаб юрманг. Бизнингча, болангизни машқ қилдириш учун мумтоз болалар шоирларининг асарлари меъқул. Мисол учун 3-4 ёшлиларга ҳеч иккиланмай П.Мумин, Қ.Мухаммадийларнинг шеърини тўпламларидан фойдаланишингиз мумкин.

АХЛОҚИЙ РИВОЖЛАНИШ

Олти-егти ёшли давр боланинг ахлоқий ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятта эга. Бу давр айни маънавий ривожланиш учун таъсирчан, давр ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида бу давр маънавий қиёфа шаклланиши учун жуда қулай. Маънавий қиёфа чизгилари эса боланинг кейинги даврида тез-тез кўзга ташланиб туради.

Бу ёшда маънавий шаклланишнинг қандай бо-риши боланинг кейинги маънавий-ахлоқий қиёфаси қандай бўлишни белгилайди. Мактаб-гача ёшдагиларни маънавий, ахлоқий тарбиялашнинг кўп йиллардан бери қўлланилиб келаётган анъанаси шундай эдики, унга (болага) хушмуома-лалик қондаларини, юзвий тайёргарликни ўрга-тишга ҳаракат қилинади (катталарга жой бериш-га, салом бериш одати, хайрлашишда "учрашув-ча" дейиш, "рахмат", "марҳамат" ва х.к. сўзлар).

Энг яхши тарбиячилар ўз одадларига яна, бо-ланинг раҳмдиллик, ўзгаларга ёрдам бера олиш, ўзгалар меҳнатини хурмат қилиш, буюмларни авайлаб ишлатиш қобилиятларини тарбиялашни ҳам мақсад қилиб кўйгандилар.

Ахлоқнинг ҳалоллик, тўғрисиўзлик, одиллик каби меъёрларига риоя қилиш масаласи эса умуман четда қоларди. Бунга биринчи сабаб шу эдики, бу меъёрлар ўзига хос эмас, умуминсоний қа-риятлар деб ҳисобланарди, иккинчидан эса, кич-киноблар одобининг ташқаридан кўриниши бу меъёрлар талабига мос келар эди.

Бироқ кейинги йилларда олиб борилган мах-сус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, биринчидан одобнинг яхши ташқи кўринишига ишониб бўлмас экан. Болалар одобнинг бу қондаларига ўз ёшларига хос катталарга қулоқ солиш одати кучи би-лангина риоя этади холос. Улар бу қондаларни катталар билан муносабатда бузмасаларда, ўз тен-гкурлари билан муомалада бузишлари мумкин ва бу тарбиячилар эътиборидан четда қолаверади, ёки бунга етарлича аҳамият берилмайди. Бу та-дқиқотларнинг иккинчи муҳим натижаси шуни кўрсатадики, боланинг мактабгача ёшдаги даври-даги ахлоқий тарбиядаги имкониятлари етарли баҳолапмайди, демакки ундан етарлича фойда-ланилмайди ҳам. Кўпчилик муаллимларнинг маъ-лум қилишича егти ёшга кирган бола ўзини бу-тунлай ахлоқий тутта олиши, яъни ахлоқий меъёр-ларга ТАШҚИ НАЗОРАТСИЗ, МАЖБУРЛАШ-СИЗ, ЎЗ МАНФААТЛАРИ ва НАФСИГА ҚАР-ШИ РАВИЩАА риоя қила олади. Кўпчилик бола-ларда МЕЪЁРЛАРНИ БУЗИШГА КўНГИЛ КЕТИ-ШИдан ўзини тия олиш ва эркин Тўғри АХЛО-ҚИЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛА олишнинг ИЧКИ МЕ-ХАНИЗМЛАРИ мавжуа бўлади ва йиғилиб бора-ди.

Хўш, қандайин дастлабки руҳий замин ҳақиқий ахлоқий одобни таъминлайди? У мактаб ёшига етай деб қолган болаларда нечоғли мавжуа? Қан-дай қилиб унинг шаклланишига ёрдам бериш мум-кин?

Меъёрларга риоя қилишнинг дастлабки шarti бу болалар томонидан ахлоқий кўрсатмаларнинг талабларини билиш ва тушунишдир.

Бу билимлар болага ЎЗИНИНГ ва ЎЗГАЛАР-НИНГ ҳатти-ҳаракатларини ахлоқ талабларига мос

келши нуқтаи назаридан тўғри ёки нотўғри эканлигини баҳолашда асос бўлади. Баҳолаш эса, ҳодисани қандай баҳолашни билшдан ташқари, баҳоловчи шахснинг ўзигагина хос бўлган ҳолат — МУНОСАБАТга ҳам борлиқдир. Хатти-ҳаракатни баҳолашга шу хатти-ҳаракат баҳоловчига ёқиб-ёқмаслиги, баҳоловчининг ахлоқ меъёрининг бузилишига нафрат билан ёки кўнгличанлик билан қарши ҳам таъсир қилади.

Худди мана шу ерда диққат билан ўрганиб таҳлил қилинса, анча мураккаб кўриниш аниқланади. Демак, деярли ҳамма болалар нима яхшию, нима ёмон эканини билади, сўрасангиз. Ёлон гапириш ёки ўйинчоқларни адолатсизлик билан тақсимлаш ёмон эканлигини айтишади. Аммо бу билим кўпинча атрофдагилар фикрини такрорлаш бўлади холос ва боланинг бундай хатти-ҳаракатларга бўлган ҳақиқий муносабатини акс эттирмайди. Бу ҳақиқий муносабатни аниқлаш учун болага бири ахлоқ меъёрига риоя қиладиган (конфетларини ёки ўйинчоқларини тенг бўлишадиган), иккинчиси эса, аксинча бўлган иккита қаҳрамон ҳақидаги ҳикоя айтиб бериб, икки қаҳрамондан қай бири ёққанлигини сўраш керак. Мана шу ерда кутилмаганда маълум бўлмоқдаки, кўпчилик болаларга иккала қаҳрамон ҳам маъқул келмоқда. Бири — "ҳалол", ҳаммага тенг бўлгани (тақсимлагани) учун бўлса, иккинчиси — "кўркмас" бўлгани, ўзига кўпроқ хоҳлагани учун.

Боладан бирор аниқ ҳолатда қайси хатти-ҳаракат яхши ва тўғри, қайсиси ёмон ва нотўғри бўлишини сўраганимизда ҳам ана шундай кутилмаган жавоб оламиз. Масалан, боланинг тенгдоши музқаймоқ учун пул топиб олади-ю, пулни йўқотиб кўйиб қидираётган эгаси шу боладан "кўрмадин-

гми?" — деб сўрайди. Деярли ҳамма болалар бу пайтда пулни топиб олганини яшириш "нотўғри ва ёмон" деб ҳисоблайдилар, лекин бу улар учун пулни қайтариш "яхши ва тўғри" бўлади дегани эмас ҳали. Пулнинг бир қисмини қайтариш ёки музқаймоқ сотиб олиб уни баҳам кўриш "яхши ва тўғри" бўлади деб ҳисоблайдилар. Бошқача қилиб айтганда, ахлоқ меъёрлари билан шахсий манфаат бир-бирига мос келса, "яхши ва тўғри" бўлади деб ҳисоблайдилар. Шундай усулда фикр юритиб, кўпчилик болалар бирор нарса тақсимлашда ўзларига камроғу, бошқаларга кўпроқ тег-са адолатсизлик бўлди деб ўйлашади. Агар ўзгаларга камроқ тегса бу улар учун унчалик ҳам ёмон эмас.

Демакки, гап бошқалар тушиб қолган ҳолатларда бўлганида ҳам болаларнинг ахлоқ меъёрларининг бузилишига бўлган муносабати уларнинг билимлари каби аниқ ва ягона эмас. Агар ўзганинг хатти-ҳаракати боланинг ўз манфаатини ифода этса, бу муносабат янада ўзгарувчанроқ бўлади. Бу ҳолатда ўзганинг хатти-ҳаракати кўпчилик болалар томонидан одилона ахлоқий қадриятларга кўра эмас, манфаатга кўра баҳоланади.

Демак, 7 ёшга кирган болалар ахлоқий онгининг ўзига хос томони боланинг ахлоқий меъёрларининг бузилишига бўлган ШАХСИЙ МУНОСАБАТИ ва МЕЪЁРЛАРНИ БИЛИШИ ўргасидаги ФАРҚда экан. Шунинг учун ЎЗГАЛАРга тўғри ахлоқий баҳо бериш болада меъёр бузилишига шахсий — ўз салбий муносабати ва бу меъёрларга ўз хоҳиши билан риоя этишга шахсий ижобий муносабат шаклланишини талаб қилади. Ижобий ва салбий қаҳрамонлар яхши ва ёмон ўртасидаги

қарама-қарши курашни кўрсатар экан, адабиёт болада мана шундай муносабатлар шаклланишига катта ҳисса қўшади. Бу кураш жабҳаларини қаҳрамонлар билан "бирга ўз бошидан ўтказар" экан болада аста-секин ижобий қаҳрамонга нисбатан яхши ҳислар пайдо бўла бошлайди, салбийси билан эса аксинча. Қаҳрамонларга бўлган муносабатларда эса уларнинг яхши ёмон ишлари га бўлган муносабат ҳам келиб чиқа бошлайди. Шахсий муносабатнинг шакллантирилишида болатомонидан ҳаётий мисолларда ўзгалар хатти-ҳаракатини баҳолаш ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Шунинг учун ахлоқ меъёрларига риоя қилиш ёки уларни бузишга доир ҳаётий ҳикояларни айтиб бериб улар устидан болалар билан бирга фикр юритиш тарбиячи учун бу борада улкан имкониятлар бўла олади. Биз сизга бундай суҳбатлар учун қуйидаги тизимда тузилган қисқа ҳикояларнинг маслаҳат берамиз. Ҳар бир ҳикояда "жабрланувчи", "хафа қилувчи" ва "қутқарувчи" бўлади. Агар бу воқеа болалар тўғрисида бўлса, унда тарбиячига ёлгон шикоят қилган(масалан, товоқчани синдириб қўйди) «хафа қилувчи» бола билан хафа бўлган бола — «жабрланувчи» ҳақида ҳикоя қилиш мумкин. Табиийки, "жабрланувчи" бола учун бу ачинарли ҳол. У ёки йиғлайди, ёки нима қилишини билмайди, ўзини йўқотиб қўяди, ишқилиб, бўлган ишдан қайғуга ботади. Ҳеч қандай айбсиз киши учун ахлоқнинг қандайдир бир талаби бузилиши ва бу бузилишнинг номақбул натижаси ҳам тез сезилади. Бу эса, қанчалик ачинарли ва оғир ҳиссиёт эканлигини ҳикоя қилиш болани жабрланувчига мойиллик, хайрихоҳлик,

жабр қилувчига эса аксинча муносабатда бўлишга, ахлоқсиз хатти-ҳаракатни қоралашга ундашга қаратилади. Воқеанинг энг таранг жойига келганда учинчи иштирокчи бола ("қутқарувчи") пайдо бўлиб, жабрланувчига у ёки бу усул билан ёрдам беради, "товоқча синдирилганликда айбланаётган ("жабрланувчи") бола хонада йўқ эди", дейди; камроқ ўйинчоқ олган болага ўзининг ўйинчоғини беради; бирор қизиқроқ ўйинни бирга бошлашни таклиф қилади; жабрланувчининг талларини тасдиқлайди, исботлайди ва ҳ.к. Ҳикоянинг бу қисми "қутқарувчи"га хайрихоҳлик ва яхши-олийжаноб, ахлоқий ишларнинг маъқуллаш ҳиссини уйғотиши керак. Ҳикоя сўнгида "жабрланувчи" ва "қутқарувчи" бирор-бир қизиқарли иш билан бирга машғул бўлишганини айтиб ўтиш лозим.

Бу каби воқеаларни сўзлаб беришда қуйидаги қондаларга риоя қилиш фойдалан холи бўлмайди:

1. Бундай воқеаларни бутун бир гуруҳ болаларга, бир неча болага ёки фақат бир болага айтиб бериш мумкин.
2. Бундай воқеаларни худди бирон бир гуруҳда ўзингиз кўрган ёки эшитгандай гапириб бермоқ керак.
3. Бундай ҳикояларни бирор иш билан "борлик" ҳолада, масалан, болалар бирон расм чизишганда сўзлаб бермоқ мумкин.

ШАХСИЙ ХАВФСИЗЛИК ҚОЙДАЛАРИ

Мамлакатимизда аксарият болалар 7 ёшдан мактабга боришади. Бу давр, нафақат болалар ҳаётида балки, оилада ҳам ўзгарувчан давр ҳисобланади. Боланинг мактаб ёшига ўтиши — мураккаб ва кўқиррали жараёндир. Биз бунга бир томонлама жуда тор, лекин, аҳамият билан қараймиз.

Болалар мактабга кетади. Лекин ота-оналар уларни хавотирланиб кутишади — ахир мактаб билан уй орасидаги йўл ҳозирги давримизда хавотирдан ҳоли эмас. Бахтсиз ҳодисалар қаторида болаларнинг жабрланиши ўта муҳҳиш оқибатларга олиб келади. Шу туфайли болаларга шахсий хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни ўргатиш зарур.

Болаларга тушунтириш ишларини қуйидагича бошлаш керак:

ҳар бир инсонда фавқулодда вазиятда кўрқув ҳосил бўлади — бу ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг табиий туғма кўриниши. Бу ҳисни бошқаришни ўргатиш ва бутун эътиборни жалб қилишни ҳамда ақлий ва жисмоний кучни назорат қилишга ўргатиш лозим. Хулоса шуки бу фавқулодда (кутилмаган) ҳолатлардан чиқишга ёрдам беради.

Педагоглар болаларга хавфсизлик қоидаларини албатта такрорлаб туришлари лозим.

1. Бола йўқолиб қолди ёки адашиб қолди. Бола ўзига ўзи ёрдам бериши лозим. Катта ёшдагиларга ёрдам бериши сўраб, мурожаат қилиш керак. (Иложи борича давлат ходими — милиционерга) ўз исмини, фамилиясини, туғилган йилини ҳамда ёшини айта олишни: ўзининг уй манзилини айта олиш (ўлка, вилоят, шаҳар, уй, хона.); ўз телефонини билиши, айта олиши ва ёзишни; қариндошлариникини ҳам билиши.

2. Ённин — бу фалокат, ундан инсон эҳтиёт бўлиши ва ҳатто ундан кўрқиши лозим. Олов бир томондан ҳаёт манбаи — иссиқлик бўлса, ундан нотўғри, ақлни ишлатмай фойдаланилса хавф-хатар белгисидир. 6 ёнга тўлган бола қуйидаги қоидаларни билиши шарт:

туғурт ўйнаш ва умуман олов билан ўйнаш мумкин эмас;

газ плитаси бурагичларига, керосин лампаларига, гутуртта тегиш мумкин эмас;

агар бирор жойда ёнғинни кўрсанг, югуриб одамларни чақир;

агарда ёнғин сен туфайли содир бўлса, энг ақли ва тўғри йўл бу тезда у ерни тарк этиш (беркинмай) ва одамларни ёрдамга чақариш. Ўт ўчириш хизмати телефони — 01.

3. Табиат — ҳаётимиз асосидир. Бепарво ва беғамларни у жазолайди. Болалар қуйидаги қоидаларни ҳам билиши керак:

тош ва қаттиқ қор отма;

қор эриётган вақтда кўп қаватли уйлар тагида юрма, муз сумалаклари, қор қатламлари кутилмаганда кулаб тушиши мумкин; хайвонларга тегажоқлик қилма;

билиб-билмай хом меваларни узиб уни озгин-гта солма;

саёз жойини кўрмасанг сувга тушма;
агар ивиб кетсанг дархол кийимларингни ал-маштир ва оёгингни курит. (оёқ кийимингни ал-маштир).

4. Пиёдалар қондаси. Маҳаллий, катта кўча-лардан узоқ бўлмаган жойларда яшайдиганлар, пиёдалар қондасини билиши шарт. Эртами-кечми болалар ҳам пиёдалар ролин бажаришади. Кўча ҳаракати қондаларини билишда арзимаган хато-лик бола ҳаётини хавф остига солиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун 6 ёшдаги бола шу нар-саларни билиши керак:

кўчани фақат пиёдалар светофорининг яшил чирогига кесиб ўтиш керак;
агар кўчани кесиб ўтмоқчи бўлсанг кўчанинг ҳар икки томонига қара, ҳаракатланаётган ма-шина йўқми, борми?

катта кўчаларда йўлнинг четида юр, пиёдалар учун белгиланган жойда, кўчада фақат тротуар-да.

Тарбиячилар диққатига. Катта ёшдагилар (ота-оналар, тарбиячилар) болалар билан бирга тур-ганларида уларга кўз-қулоқ бўлишлари шарт. Бо-лани ҳар қандай ҳодисалардан тўла-тўқис эҳти-ёт қилиш фақатгина битта шарт билан; агар кат-талар кун бўйи у билан бирга бўлсалар, бир қадам ҳам улардан узоқлашмаслик, унинг қўлидан ту-тишлик. Ҳали бола ёш, катталар тажрибалироқ улар болаларга ёрдам бериши, тергаб туриши, ушбу қондаларга риоя қилишни ўргатишлари ло-зим...

Тез орада, оила ҳаётида болани ўз ҳолига қўйи-

ши керак бўлган давр бошланади. Бола ўзини-ўзи бошқаришга тайёрми? Хавф -хатарлардан ўзи чиқиб кета оладими? Айнан ҳозир шу ҳақда ўйлаш ва бош қотириш керак, бола ҳозирча биз билан улғаймоқда. Ҳозир мана шулар ҳақида ўйлаш катталар учун "бош оғриқ". Бола ҳали бундай кўнгилсизликларни сезмайди, фаххламайди, ҳам-масидан ҳам улар ҳақида шубҳа ҳам қилмайди.

Кўзатиб туринг-а, ота-оналари билан улар кўчани қандай кесиб ўтишади. Улар чуғурлашиб бепарво боришади: улар хоҳлаган томонига қарайди, фақатгина светофор ёки машинага эмас; кўчани тўғри кесиб ўтиш у ёқда турсин, улар ҳамма нарсани кузатади. Катталар турса бола ҳам тураверади, қачон катталар юрса кейин юради (ҳатто катталар кўча ҳаракати қондаларини бу-зиб ўтаётган бўлса ҳам). Болалар уларга қарши чиқмайди, ундай эмас, мана бундай деб огоҳлан-тирмайди, норози бўлишмайди. Улар тўла тўқис катталарга ишонишади, ўзини ҳам ҳаётини ҳам уларга топшириб қўймоқда.

Ёдингизда тутинг! Боланинг хавфсизлиги сиз катталарга боғлиқ!

Ҳурматли тарбиячилар! Бола хавфсизлигига алоқадор, мактабгача таълим соҳасидаги барча муаммоларни ҳал қилиб бўлмаслигини сиз ан-лаб етмоғингиз даркор. Бу ерда сиз ота-оналар, ўз тарбияланувчингиз ҳимоясини ўз кўлингизга олишингиз керак. Сиз улар билан ҳамфикр, мас-лақдош бўлишингизга тўғри келади. Бунинг учун биз сизларга ота-оналар учрашувларини таш-кил қилишни (ота-оналар мажлиси), болалар-нинг тинч ҳаёт тарзи учун тузилган саволлар-бирикмалари билан таништиришни тавсия эта-миз. Болалар қондани тўлақонли, маъносига ту-

шуниб, фаол ўзлаштиришлари учун уларни фақатгина ўқитибгина қолмай, балки, уларнинг ҳаётидаги ижроларини ҳам мунтазам кузитиб бориш кераклигини ота-оналарга тушунтириш зарур. Болалар боғчаларида уларга нисбатан тўғридан-тўғри дўқ-пўписалар мавжуд, натижада кўпгина кераклик, тушуниш осон бўлган хавфсизлик қондалари болалар учун фақатгина билим, назария сифатида қолиб кетмоқда. Бу мактабгача таълим муассасалари мутахассислигининг ўзига хослиги боис юзага келмоқда. Мисол учун болаларга газ плиталаридан фойдаланишни ўрганиб олиш қийин, агар боғчасида газ плитаси йўқ бўлса (лекин ўз уйларида у шундоққина кўз ўнгида туради). Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунинг учун болалар гуруҳдаги ота-оналари билан тарбиячилари ўртасидаги учрашувлар олдидан куйидаги вазифалар туради:

бола хавфсизлигини замонавий даражада сақлашдаги масалаларнинг муҳимлигини ҳамда долзарблигини уқтириб ўқиш;

тарбиячи болага йил давомида таништирилган қондалар тўпламини белгилаб олиши;

бундан келиб чиқиб муайян оилавий турмушда айниқса хавфсизлик қондаларини ойдинлаштириш ва аниқлик киритиш заруриятини ота-оналар ўз қўлларига олиши;

қондалар билан танишиб чиқишни энг аввало оилада амалга ошириш чораларини белгилаб ўтиш (болалар боғчаларида фақат "ёзма қоида" даражасида бу қондаларни тушунтириш мумкин).

Қуйидагилар болалар билан содир бўлиши мумкин бўлган сўнгги ҳолатлар билан боғлиқ:

1. Бола лифтага қамалиб қолади. Агар қаватлар оралиғида лифт тўхтаб қолса бола ёлғизлик-

дан қўрқмасдан нима қилиш кераклигини билиши лозим:

диспетчерни чақирувчи тугмачани босиш; агар тугмача ишламаса, эшикни эмас лифт деворларини таққиллатиш керак, чунки лифт деворларини таққиллатиш натижасида у ўзидан кучли тебраниш ҳосил қилади ва товуш узоқ масофагача эшитилади;

ўчиб қолган свет яқинида ҳар қандай ҳолатда ҳам тугурт ёки қоғоз ёқмаслик, чунки ёнаётган вақтда у ўзидан углекислота қолдиқларини ажратиб чиқаради, натижада нафас олиш қийинлашади;

лифтдан шахтага чиқишга уринмаслик керак. Бирдан лифт пастга тушиб кетиши мумкин. Шахтанинг тубида лифт зарбини камайтириш учун амортизаторлар ўрнатилган, буни болаларга тушунтириш лозим. Лекин унинг ўзи ҳам зарбини камайтириши мумкин, агар у кабина бурчагидан туриб сакрайдиган бўлса зарб бирмунча камайиши мумкин. Бола ташқи носозликларни ҳам фарқига бора олиши керак. Кабина ишдан чиққан ёки аксинча, эшик яши ёпилмаган ёки сал кўтарилиб қолган. Шунингдек болаларга тушунтириш керакки, лифтда ўйнаш хавфли.

2. Бир гуруҳ ўсмирлар болага дўқ қилиб, пулни олмоқчи бўлишди.

Бола билсинки энг қиммагбаҳо нарса бу ҳаёт ва соғлиқ. Афсуски бугунги кунда ҳам майда бевориларнинг болага рўбару келмаслигини ҳеч ким қафолатлай олмайдди. Одатда талончиликлар яширин жойларда, қурилиш майдонларида, дарвозадан чиқаверишда, поезда тамбурларида содир бўлади. Болаларга қаерларга қочиш кераклигини

тушунтириш. Энг зўр йўли уларни алдаб қочиш йўлини қидириш — бу ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг энг ақлли йўли, буни ҳамма қила олади. Ва шу йўлни тутиш керак. Кўчада қаттиқ қичқирит керак: "Нимага менга тегаяпсиз!" Агар болаларга мунтазам зўравонлик қилинаётган бўлса, бунга катталар ва милиция аралашити керак.

3. Нотаниш одам болага конфет, сақич, машинада сайр қилишни, кинога боришни таълиф қилаяпти.

Уйдан чиқаришдан олдин аниқ ишонч ҳосил қилиб сўнг руҳсат бериш лозим, бегоналар билан мулоқотда бўла оладими, - агар у одам болани таниса ҳам бола уни танимаса унга умуман гапирмасликка ўргатинг.

четдаги одамлар билан гаплашмаслик керак; бегона одамлар билан ҳеч қаерга кетмаслик керак;

агар бегона унга тегмоқчи бўлса овозини борица "Мен уни танимайман!" деб қичқирити керак.

ДИҚҚАТ! Хурматли ҳамкасблар! Сиз албатта, боғча шароитидаги ҳолатларни ҳар ким ҳам тушуниб етавермаслигини яхши биласиз, айниқса, кўпчиликнинг орасида.

Шундай нарсалар борки уни фақат уйда, яқин одамлар даврасида гапириш керак. Бунга қулай вақт ва ҳолатлар мавжуд, қайсики болалар уни фақат уйда учратишлари мумкин. Шундай экан уларни бошқа жойларда ҳам шундай қилишга ўргатиш зарур. (Масалан, сен агар газ ҳидини сезиб қолсанг нима қилиш керак. Билингки, кўпчилик болалар газ ҳидини сезишмайди! Агар билишмаса у ҳолда улар хавфни сезишмайди ва

ҳаракат қилишмайди; газ плиталаридан қандай фойдаланиш керак; тиббий асбоб-ускуналар қаерда жойлашган ва ҳоказо).

Бу вазиятларнинг барчаси ўзига хос позик томонларни ўз ичига оладики уларни ҳисобга олмасдан, хавфсиз ҳаёт тизимининг алоҳида тарбиявий кўникмаларини шакллантиришдан маъни йўқ.

Хулоса. Бу ишга ота-оналарни фаол жалб этиш лозим. Уларга сиз, болалар боғчаси шароитида болалар билан жуда кўп муҳим вазиятларни ва ҳолатларни ўрганишингиз, иш олиб боришингизни тушунтириш, лекин бола ҳаётда шундай ҳодисаларга дуч келиши мумкинки, бунда уларга ота ёки онанинг тилдан эшитташлари, уларнинг ишончли суҳбатларида айтилган гаплар тезроқ, яхшироқ сингишади.

Масалан: Қўшни ҳовлида, кўчада болага совға беришади. Баъзида айнан қўшнилар болаларни сунъий йўл билан, куч ишлатиб ўзларига оғдирмоқчи бўлишади. Сиз ишонч ҳосил қилишингиз керакки, сизнинг болангиз доим меҳмонга боришдан олдин ва совға олишдан аввал сиздан руҳсат сўрайди; яхши ёки ёмон сирларни фарқига боради ва агарда кагталардан бирор киши бўлиб ўтган воқеани ҳеч кимга айтма, деб тайинлаган бўлса дарҳол ота-онасига мурожаат қилади; ҳеч кимга ўзига қўл текизишга руҳсат бермайди; чин юракдан қилинган меҳрибонликлар билан ясама сунъий муомалаларнинг фарқига боради. Нотаниш нарса ёки ўйинчоқ топиб олса, уни сингичиклаб кўриб ва албатта нималигини, қаердан келганлигини суриштириши керак.

Яна бир ҳолат — бола уйда ёлғиз қолади. Бундай ҳолатларда шуни тушунтириб қўйиш керакки,

6. Релаксация ва медитация ўтказиш.

7. Болага индивидуал ёндашиш, магнит тўқинлар даврида енгиллатилган режим билан таъминлаш ва ҳоказо.

Муаммонинг ечим: Биз боланинг соғломлашишини қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилишидан кўрамыз:

Зарур бўлган шароитлар: бунга кўп нарса киради. Тиббиёт фанлари доктори Ю. Эмоновскийнинг таъкидлашича, болалардаги шамоллаш касаллиги асосан боланинг кийими ва пойафзаллари ҳарорат режимига тўғри келмаслигидан келиб чиқади. Демак, ҳароратни ва кийимни доимо таққослаб, кичкинтойлар бақани ҳароратининг кўтарилиши ёки пасайишига йўл қўймаслик керак. Шунингдек, болаларнинг ухлаши ва овқатланиши учун шароитлар яратилиш ҳам муҳим. Масалан, бола кўп ҳолларда катталар билан умумий стомаҳ овқатланиши боис уларнинг оёқлари полга 30-50 см етмай туради. Ўзимиз ҳам ушбу ҳолатда ҳар куни ўтириб курайликчи? Айтмоқчи бу овқатланиш пайтида бола ижтиқлигининг сабабларидан бири ҳисобланади. Болалар соғамги учун у яшайётган шарт-шароитлар, муҳитни шакллантириш учун зарур бўлган асосий шартлар ҳисобланган мусиқа ва ҳид терапияси жудаюм муҳим.

Ташхис. Иккинчи ўринга биз фарзандларимизнинг соғлом диагностикасини қўйган бўлардик. Фарзандимизнинг соғамги тўғрисида биз кам, жудаюм кам биламиз. Демак, бизга доимо тор мутахассис шифокорлар хулосаларини билиш лозим: масалан, боланинг эшитиш қобилияти, кўриши, ичак, жигар фаолияти, жинсий ривожланиши қандай аҳволда эканлиги ва ҳоказо. Фақат диагностика маълумотларгина оилада болага аниқ индивидуал ёндашишни таъминлайди.

Режим — ҳамиша болаларнинг тўлиқ физиологик ривожланишининг негизи бўлган ва бўлиб қолади. Болалар боғчаси тарбиячиларининг таъкидлашларича — аксарият асабийлашган жадди тез болалар душанба кунлари кўпроқ кўзга ташланади. Бунинг асл сабаби шанба ва якшанба кунлари болалар одатий кун тартибидан катталар жадалига ўтганигидан бўлиши мумкин: эрталаб кеч уйғонилади, сайрга чиқишмайди, меҳмонлар дастидан кеч тунга яқин ухлайдилар. Биз эса уларнинг нима сабабдан бунчалик инжиқлигига ҳайрон бўламиз. Бунинг асосий сабаби бола организмда маълум даражада шакланган «қолип»нинг бузилишидир.

Эрталабки бадан тарбия. Оилада эрталабки бадан тарбияни ўтказиш анъанаси шакланган бўлса, кичик ёш(2 ёшдан кейин)дан бошлаб болаларни уйин шаклидаги гимнастикага қатнаштирмоқ жудаюм фойдалидир. Мана, 3-4 ёшдаги болалар учун қатор тақлид қилиш, ўхшатишлар билан танишинг.

1. «Мушукча тортимоқда» — қўлларни юқорига, олдига, пастга кўтариб тушириш. Оёқларини сал очик қўйиш, тўп бор қўлларини пастга тушириш, оёқ учиде кўтарилиш, қўлларни кўтариш, тавдани чўзмоқ, кўтарилган тўпга қараш, дастлабки ҳолатга қайтиш, «п-ф-ф» деб нафас чиқариш (6 марта).

2. «Сичқонча қани?» — ён тарафларга бурилиш тиззаларда турган ҳолда, олдига тўпга қўллар билан суяниш. Бир-икки марта тўпни ўнга, чапга юмалатиш. Ўнга «мяу»деб қараб дастлабки ҳолатга қайтиш. (Ҳар икки томонга 3 мартадан, ўртача тезликда).

3. «Мушуквой газабланмоқда» — тиззаларида турган ҳолда елкани эгиб қўллар билан тўпга су-

яниб, орқани эгмоқ, гавда сал олд томонга, «фур-р-р» деб дастлабки ҳолатга қайтиш (6 марта).

4. «Ўткир чангалчалар» — оёқ бармоқларининг фаол ҳаракатланиши билан гоҳ бу оёғини, гоҳ у оёғини кўтариб юрмоқ (оёқланг бажарган маъқула). Дастлабки ҳолат. Оёқларини бир жойга қўйиш, кўммиздаги тўпни бош узра кўтарамиз. Бир, икки, уч, тўрт-ўнг томонга ўтамиз. Оёқ бармоқлари билан тирмашиш ҳаракатларини фаол бажарамиз. Беш, олти-дастлабки ҳолат. (Ҳар икки томонга 3 мартадан).

5. «Думчани қувиб ет»-тўпни айлашиб, гоҳ ўнга гоҳ чап томонга ошириб, «мушукча-болалар» тўпни ерда юмалатишади, тўпни бир-биридан бир метр масофада турган 5 та нарсанинг орасидан илон изини солиб олиб ўтишади.

Каттароқ ёшда (беш ва ундан катта ёшда) эр-талабки бадан тарбия ритмика, аэробика шаклларида ўтказилади.

Сайрлар. Физиолог ва психологларнинг илмий далилларига кўра, мактабгача ёшдаги бола бир кунда 6-13 минг ҳаракат бажарар экан, жумладан, 6 мингдан кам бўлса болаларда қулайликнинг бузилиши (дискомфорт) бошланиши алоҳида таъкидланади. Гиподинамия ҳаракатланиш фаолиятининг чегараланиб қолиши кичкинтойнинг ривожланишини сустлаштириб, у кўпинча инжиқ бўлиб қолади. Ёзилмаган қоида мавжуа — мактабгача ёшдаги болага ҳаракатланиш қулайлигини очик ҳавода таъминлашнинг афзалликлари бор. Ёмбир, қор, қаттиқ совуқ кунлар каби ёмон об-ҳавода болалар, аниққи, уйда қолишади ва кислороддан ҳам, сайр пайтидаги мулоқотдан ҳам маҳрум бўлишади. Шу муносабат билан, аксарият онларда «хонадаги сайрлар» жудааям кам кўлланилишидан хижолат бўламан. Уларни куйидагича

ўтказишни маслаҳат берамиз: ҳамма иссиқ, ярим иссиқ кийинади (жун пайпоқлар, спорт костюми, телпак). Балкон эшигини очиб 50-70 минут давомида фаол ҳаракат қилиб, қувноқ ўйинлар ўйналади. Оқдй сайрларда эса, сюрпризлар, мусобақалар уюштириш лозим. Болангиз нафақат ҳаракатланиши, балки қувноқ бўлиши учун саёҳатларни амалий жорий қилиш зарур. Кун сайин уюштириладиган сайрларда соғлиқни тиклашнинг универсал воситаси—югуришдан фойдаланишни тавсия қиламиз. Ўзингиз учун «Соғлиқ йўлакчаси»ни белгилаб олинг, болалар шифокори билан маслаҳатлашиб олинг, фарзандларингизни устки ҳамда оёқ кийимлар билан кийинтириш, лекин, илтимос куйидаги тартибга риоя қилишингизни сўраймиз. Югуришни 4-5 ёшдаги болалар 1 минутдан 3,5 минутгача, олти ёшдагилар эса 1 минутдан 12 минутгача давом эттириши мумкин (сўз соғлом болалар хусусида бормоқда). Югуришни секин ўрганишдан бошлаб, аста-секин яқунлашни маслаҳат қиламиз.

Ҳаракатли ўйинлар

Ота-оналар ва болалар ўзларининг сеvimли ҳаракатли ўйинларига эга бўлгани қандай яхши. Бу «лафта», «саналак»(классик)лар, «учинчиси ортиқча», «мушук ва сичқонлар» бўлиши мумкин. Бола ёнида отаси ва онаси, буvasи ва бувисининг ўйнаётганини кўрса, у ҳам албатта ўйнайди. Бизнингча, бу борадаги аксарият ҳолатларда хорининг ҳаракатли ўйинларига, уларнинг янгиллиги ва ўзига хослигига етарлича эътибор бермаймиз. Мисол тариқасида 3 та хорижий ўйинларни келтирамиз. Балки, улар сизнинг дидингизга мос келар.

Япон саклари

(Бу ўйинни япон болалари жудааям сеvimлади).
Ўйиш иштирокчилари ҳар қанча бўлиши мум-

кин, энг ками - 4 нафар. Үйинни олиб борувчи бошқа иштирокчиларни изма-из қувади. Мабодо унинг қўли кимгадир тегса, ушбу ўйинчи ўйинни олиб боради. Аммо, янги бошловчига олдингига қараганда анча қийин бўлади, зеро у бошқалар кетидан қувиш билан бирга аввалги бошловчининг қўли баданининг қаерига теккан бўлса, хоҳ у қўл бўлсин, хоҳ у оёқ, у шу ерни қўли билан ушлаб югуриши керак.

Айнан шу ҳолатда «тузланган» жойдан қўлини омай, у бошқа ўйинчиларни қувиб етиши керак. Шу ҳолатгина у озода қилинади.

Агарда ўйинчилар сони кўп бўлса, унда бир неча ўйин олиб борувчиларни сайлаш мумкин.

«Қаровсиз ёввойи буқалар»

(Африка ўйини)

Ўйин иштирокчилари бир-бирининг қўллари-ни ушлаган ҳолда катта айланма ҳосил қилишади. Икки-уч ўйин иштирокчиси айлана марказида туришади. Айланма ичида турганлар — ёввойи буқалар. Уларнинг вазифаси айланмадан чиқишдир. Бунинг учун улар «кўра»ни бузиш мақсадида ён атрофга югурадилар. Шу билан бирга улар ўз қўлларини тепага кўтариб югуришлари шарт яъни, улар кўтонни фақат бадани билангина бузиши шарт.

Мабодо кўрани бир жойдан бўзиб чиқиб бўлмаса, унда ёввойи буқалар иккинчи жойни бузиш учун югурадилар. Ва ниҳоят улар айланмани буза олишса, бу ёввойи буқаларни ушлаб қола олмаган ўйин иштирокчилари янги буқалар бўлишади.

Ана қандай қувноқ ва қизиқарли ўйинлар!

Ўйин бошловчисини ҳеч бир мурасасиз танлаб олишларингиз учун, қуйидаги санашни тавсия қиламиз:

Бир, икки, уч

учдан кейин пуч

Кимга «пуч» сўзи тушса, у ўйинни бошлайди. Ҳинанглр, куч-куватт ййинглр!

Аждаҳонинг думини ушла

(Хитой ўйини)

Ўйинда камида 10 нафар бола қатнашади. Уларнинг сафланиши шундай бўладики, бирин-кетин туриб, ўнг қўлини олдадаги ўйинчининг ўнг елкасига қўйишади. Энг олднда турган ўйинчи, яъни тўда бошлиғи, аждаҳонинг боши ҳисобланади. Энг охирида турган эса, аждаҳо думидир.

Аждаҳонинг боши ўз думини ушлаб олишга интилади. Бу тўда доимий ҳаракатда бўлади, аждаҳонинг «тана»си боши айланган томонга бурилади, «бош»и эса энг охириги ўйинчини, яъни ўзининг «думи»ини ушлаб олишга ҳаракат қилади.

Мабодо «бош» ўзининг «думи»ни ушлаб олгудек бўлса, тўда охиридаги ўйинчи «бош»ни ўрига келиб жойлашиб, «бош» бўлади, охиридан иккинчи бўлиб турган ўйинчи эса «дум» бўлади. Шу тариқа ўйин давом этаверади.

Шундай ўйинлар бўладикки, улар учун катта майдонлар талаб этилмайди, уй шароитида ҳам ўтказса бўлади.

Уй тенниси

Ерга болаларнинг пластмасса обручи(айланаси) қўйилади ёки диаметри 50 см бўлган айлана чизилади. Теннисдагидек, 2 ўйинчи мусобақалашади, улар бир-бирининг рўпарасида обручдан бир қадам (ярим қадам) масофада жойлашишади. Уларнинг бирида (қуръа бўйича) теннис тўпи бўлади.

Бир қўли билан тўпни тепага улоқтирган ўйинчи, иккинчи қўмининг кафти билан уни обруч ичи-

га тўл қаршисида турган ўйинчига сакраб борадиган қилиб жўнатади.

Иккинчи ўйинчи эса, худди шундай, кафти билан тўпни қайта жўнатади ва ҳоказо.

Бир-бирига тўпни улоқтириш, оилавий мусобақа иштирокчисининг бири қуйидаги хатolikларга йўл қўйгандагина тўхтатилади: тўпни обрuch атрофига ирвита олмаса, унга юборилган тўпни тўғри ура олмаса, тўпни қўлида ушлаб қолса, яъни тўпни ушлаб олиб, кейин жўнатса. Зарба билан урилган тўл, мусобақадош боши узра вертикал кўтарилиб кетса, бу ҳам хатolik деб саналади. Шундай хатolikни қилган ўйинчига жарима очко берилади. Ана шундай жарима очкодан 5 тасини олган ўйинчи ўйиндан чиқарилиб, оилавий беллашувга бошқа ўйинчи киритилади.

Стол атрофида, ёки айлана бўйлаб қувлашмачоқ

Спорт тили билан айтганда, бу ўйин айлана бўйича югуриш билан боғлиқ. Хонанинг ўргасига стол ўрнатади, стол ёнлари очиқ бўлади. Совға олишни истаган оила аъзолари эса (масалан, стол ўртасида ётган конфетни олиш) бир-биридан бир хил масофада стол атрофида жойлашишади. Ўйинда иштирок этмаётган оила аъзоларидан бири столга шахмат-шашка доналарини, кубиклар ёки бошқа майда нарсаларни жойлаштиради. Аммо, бу доналарнинг сони, ўйин иштирокчиларидан биттага кам бўлиши шарт. Ўйин бошловчисининг «бошладик» белгисига кўра, ҳамма стол атрофида, унга тегмасдан ўнг томонга юришади (югуришади). Бошловчининг «Айлан!» буйруғига ўйинчилар йўналишини ўзгартирадилар. 20-30 сонидан сўнг бошловчи хуштак чалиб, юқори овозда «О!» деган буйруқ беради. Ушбу буйруқдан сўнг ҳар бир ўйинчи столдаги доналарни олишга ин-

тилади. Қайсидир ўйинчига шаклача ётмай қолиши аниқ. Шаклача ола олмаган ўйинчи билан бирга столдан ҳар гал 1 тадан шакл ҳам олиб қўйиб, ўйин икки нафар ўйинчи қолгунча давом этади. Столдаги энг сўнгги донани олиб ташлаб, фақат конфет қоладирилади-да, икки ўйинчи билан мусобақа давом эттирилади. Энг охирида конфетга эргароқ эга бўлган ўйинчи ғолиб ҳисобланади.

Стуллар атрофида (Сиринтерлар)

Хона ўртасига бир-бирига яқинлаштириб учта стул қўйилади. Икки ёнидаги стуллар бир-бирига орқа томони билан қўйилиши шарт. Бу стулларга икки ўйинчи жойлашадилар. Стул оёқчалари узра болалар сакрагичи қўйилади, унинг иккита ушлагичи эса чекка стуллардан сал чиқиб туриши лозим.

«Кетдик!» буйруғидан сўнг икки ўйинчи жойидан туриб, ҳар бири чашга ўз рақибининг стули томон югуради. Стулни айланиб ўтиб, тўхтамасдан, яна ўзининг ва рақибининг стули атрофида югуриб ўтади. Шундан кейингина стулига ўтиради ва рақиб улуғролмайдиган тарзда арқонни тортиб олиши керак. Ушбу мусобақада ғолиб бўлган ўйинчи кейинги оилавий жуфтликнинг ғолибинни кутиб туради.

Мазкур югуриш бўйича мусобақалар олдидан қатнашчилар кучига қараб, тақсимланади. Шундагина оилавий биринчилик, айниқса унинг финали қизиқарли бўлади.

Болалар сакрагичининг ўрнига оддий арқончадан фойдаланса ҳам бўлади. Лекин, барча шартда иккита қоидага риоя қилиш муҳим:

Стулларни айланиб югуришда уларни ушламаслик ва ўз стулига ўтирмасдан туриб, ипни тортмаслик.

Икки стулнинг ўртасида турган 3 чи стул икки четдаги стулларнинг силжиб кетишининг олдидини олади.

Гимнастикачилар

Ўйин қатнашчилари қуръа танлашади: Кимга қайси сон тегади. Масалан, ўйин иштирокчиларининг сони 5 та бўлса, унда 1 дан 5 гача бўлган сонлар ўйналади.

1-сонли ўйинчи хона ўртасига чиқиб, иккита хар хил ҳаракат кўрсатади (масалан, энгашади). Сўнг 2-ўйинчи унинг ўрнини эгаллайди ва у ҳам 2 та ҳаракат кўрсатади (масалан, қўлларини олдига чўзади ва жойида туриб сакрайди). Шундан кейин ўртага 3-сон чиқади ва илгариги ҳаракатларга ўхшашмаган 2 та ҳаракат кўрсатади.

Охириги сон ўзининг ҳаракатларини кўрсатиб бўлганидан сўнг, ўйин тўхтаб қоламайди. Ўйинни бошқатдан 1-сонли ўйинчи давом эттираверади ва ҳоказо. Мабодо кўрсатилаётган ҳаракатлардан бири такрорланса, ўйинчи жарима очкосини олади. Иккинчи бор хатоликка йўл қўйган оилавий мусобақа иштирокчиси ўйиндан чиқади. Натижادا «Энг яхши гимнастикачи» номи учун беллашув оиланинг машқлар бажаришни яхши эслаб қолган икки аъзоси ўртасида бўлади.

Эпчил ўровчилар, чаққон қўллар

Ўйин учун узунлиги 25-30 смли иккита дулмаоқ таёқча ва узунлиги 4-5 метр келадиган ингичка арқон (чилвир) зарур. Чилвир ўртасига лентача бойлаб қўйилади. Чилвир учлари эса икки ўйинчи ушлайдиган таёқчалар ўртасига боғланади. Улар хонанинг икки қарама-қарши томонига чилвирни таранг тортиб туришади.

Буйруқ бўйича ўйинчилар, қўлдаги таёқчаларни айлантириб, унга мумкин қадар тез суръатда чилвирни йиғишга интиладилар. Шу билан бирга

улар олдига қараб силжишади. Ким чилвирнинг ўзи томонидаги қисмини тезроқ ўраб улгурса ҳамда биричи бўлиб лентачага етиб борса, мусобақада голиб бўлади.

Сўнг ўйинга бошқа янги жуфтлик тушади ёки дастлабки мусобақа голиби билан янги ўйинчи учрашади. Бу оилавий беллашув иштирокчилари сонига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, оилада кимнинг қўллари ҳаракати чаққонлиги аниқланади.

Ўйин учун таёқчалар ўрнига иккита оддий қаламдан ҳам фойдаланса бўлади. Бунинг учун қаламга ҳам оддий ипни, ўртасида белги қўйиб боғлаш керак. Қаламлар ингичка бўлганлиги учун, ўйиндаги барча оғирлик бармоқлар зиммасига тушади.

Имо-ишора

Болаларнинг ҳаракат фаоллигини таъминлашда пантомима муҳим роль ўйнайди. Ёш даврлари бўйича унинг мисолларини акс эттираемиз.

4 ёшгача бўлган болалар қуйидагиларни кўрсата оладилар: Елкалар дейди — Мен мағрурман.

Умуртқамиз дейди — Мен кексаман.

Бармоқча дейди — Олдимга кел.

Бошимиз дейди — Ҳа! Йўқ!

Қулоқлар нима қилишади? Қушларнинг сайрашини тинглаймиз.

Бурун нима қилади? Гулнинг ҳидини ҳидлайди.

Оғиз қандай гапиреди? М-м-м, бу мураббони мен яхши кўраман.

5-6 ёшдаги болалар қуйидагиларни бажара оладилар:

Ўрмондаги ўтлоқзор. Томошабинлар имо-ишора билан бажариладиган топишмоқларни ечадилар. Мусиқа оҳангига турли хил ҳайвонлар югуриб келадилар, хўроз кичкиради, сичқон югура-

ди, айиқ бир томондан иккинчи томонга ағдарилиб юради, тулки эса пинхона яқинлашади.

Турли хил юриш. Кекса одам қандай юришини, тинч, осойишта кетаётган одамни, оғир юклари бор аёл юришини, жажжи кичкинтой югуришини акс эттириш.

Шолвомни тортиб оламиз. Юз ифодаси ва имо-ишора ёрдамида (сўзсиз) «Шолгом» эртагини саҳналаштириш, фақат ушбу саҳна кўринишига мос мусиқа оҳанги эшитилиб туради.

Об-ҳаво. Кўчада қуйидагидек об-ҳаво бўлса, ўзингиз нимани сезишингизни кўрсатинг:

— ховлида жудааям совуқ;

— иссиқ ҳавода енгил ёмғир ёғмоқда ва бу сайр учун жуда қулай;

— қуёш нурларини сочмоқда ва жудааям иссиқ (бироргаси кўрсатса, бошқалари тушунча бериб туришади).

Кўрсатинг:

— бирор нарсани ўйлаб келаётган одамнинг юришини;

— бирор нарсадан қувонаётган одамнинг юришини;

— атроф сув бўлиб, унинг устидан ингичка кўприк бўйлаб ўтаётган одамнинг юришини.

Ур тўқмоқ:

— бой ва камбағал деҳқоннинг бир-бири билан муомаласини (муносабатини);

— камбағал хурсанд бўлишини;

— бой деҳқонни аздаганини;

— бойнинг охирида қандай аҳволга тулганини кўрсатиб бериш.

Худди шундай имо-ишора орқали «Олтин тарвуз» эртагини ҳам кўрсатса бўлади.

Мен кимман

Кўрсатинг:

— она боласини «алла» айтиб ухлатаётганини;
— ошпаз, тикувчи, дурадгор, сут соғувчи, қушча, хат ташувчининг хагги-ҳаракатларини кўрсатинг. Машғулотлар ҳаракатлар орқали топишмоқлар шаклида бажарилади.

Майсазорда. Майсазорда гул. Ушбу гулга кимлар учиб келишди? (гул атрофида пашша, ари, капалак, қўнғиз, тилмақўнғизлар тўпланишади).

Иноқ кичкина ҳайвонлар.

Турли хил ҳайвонларнинг бир хил ҳис-туйғуларини кўрсатиш:

— қайғураётган қуёнча олдига айиқ, бўри, тиратикан, бақа, хўрозларнинг кўнғил сўраб келишлари;

— кучли ва ёвуз бўри, айиқ, тулкилар устидан қозонилган ғалабадан ҳайвонлар қувонмоқда (бақа, сичқонча, хўроз, қуёнча, тиратикан).

— ўрмонда адашиб қолган ҳайвонларни акс эттириб бериш.

Касблар.

Тарбиячи турли хил касб эгаларини ҳар хил имо-ишоралар ва ҳаракатлар орқали кўрсатиб беришни тавсия қилади:

— кутубхоначи;

— ўқитувчи;

— тешлоҳода капитани;

— тракторчи;

— меланция ходими.

Қишқи ўйинлар.

Алоҳида саҳна кўринишларини намойиш этиш:

— «қор ўйнапман»;

— «қор ёқамнинг ичига, бўйнимга кириб кетди»;

- «қор оёғимга қаттиқ тегди»;
- «Қатта қор йиғиндисини айлантирмоқдаман».
- «Чанғида юраяшман»
- Йўлакчани қордан тозаламоқдаман».
- «Гўдак бор чанани тортмоқдаман».

Нима сезаётганингни кўрсат. Қуйидагиларни кўрган пайтда, бола нима сезаётганингни имо-ишоралар ва мимика орқали ўз ҳис-туйғуларин-тизни кўрсатинг;

- кучук оёғини шикастлаб олади;
- рўпарангда катта ит югуриб келмоқда;
- иссиқ кунда ариқда чўмилганда;
- кучли кучисини урганда.

Ҳаракат фаоллигидан ташқари, пантомима ўйин образига киришга кўмаклашади, идрокни ёқим-ли ҳис-туйғунини ривожлантиради, бола баданининг эгилувчанлигини тарбиялайди.

Спорт ўйинлари. Мактабгача ёшдаги болалар-ни қайси ёшдан ва спортнинг қандай тури билан шуғуллантирмоқ лозим? Албатта, ҳақиқий спорт тўғрисида мактабгача ёшда гапириш ҳали эрга, аммо спорт унсурлари бор турли хил ўйинлар ва мусобақаларни 5-6 ёшдаги (бундан ёшроқ даврда ҳам) болаларга ўргатиш мумкин. Афсуски, ота-оналарнинг айримлари ўйинлар ва спорт дақи-қалари боланинг меъёрада жисмоний ривожла-нишига таъсир этиши аҳамиятини тушуниб етиш-майди ва бу билан улар бола соғлигига пуғур ет-казишини билмайдилар. Ота-оналар ўртасида шундай фикрлар ҳам борки, айрим спорт жи-ҳозлари билан ўйнаш жуда мураккаб бўлиб, бу шикастланишга олиб келади деб ўйлашади. Маъ-лумот учун, Канадада ўғил бола 3 ёшга тўлган ку-ниёқ, унга хоккей клюшкисини тақдим этиш анъ-

анаси бор, 5-6 ёшда эса у "ҳақиқий" хоккейчи-дир. Фарзанднинг жисмоний тарбияси билан ас-тойдил шуғулланишни истаган ота-оналар қуйи-дагиларни билиши керак: ишлаётган мушакчалар ишламаётганларидан кўра 3 баробар кўп миқдор-да озуқа маҳсулотларини, 7 баробар кўп миқдор-да кислороа талаб этади.

Болалар илк ёшдан оқ ўз спорт анжомларига эга бўлиши керак: чана, чанғи, коньки, резина айланма, велосипед, бадминтон стол устидаги тен-нис, кичик теннис учун ракеткалар, тўплар, кег-лилар, шашка, шахматлар ва ҳоказо. Мана энди, азиз ота-оналар, ҳар бир спорт ўйини бўйича мутахассисларнинг аниқ маслаҳатларини беришга руҳсат этиш.

Четан дебор(ҳаракатли ўйин орқали)

1. болаларни чаққонликка ўргатиш.
2. Сафланиш ва қайта сафланиш машқларини бажариш.
3. Қўл ушлашиб занжир ҳосил қилиш.
4. Жамоа бўлиб, иноқлик билан ўйнаш, каби-ларга ўргатиш мумкин.

«Зағизгон»(ҳаракатли ўйин орқали)

1. Ўйин ҳаракатларини аниқ, тўғри бажариш.
2. Қўл ушлашиб доира ҳосил қилиш.
3. Сигналга риюя қилиш кабиларга ўргатиш мумкин.

«Қоч болам, қуш келади» (ҳаракатли ўйин орқали)

1. Дўстларига меҳрибон бўлиш.
2. Зийракликка, эгчилликка ўргатиш.
3. Тез югуриш, югураётганда бир бирига хала-қит бермаслик кабиларга ўргатиш мумкин.

Шахматлар

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўткир эҳди ва қизиқувчанлиги уларни шахмат ўйини ўйнашга имконият беради.

1. Ўргатишни 5-6 ёшдан бошлаш керак.
2. Ўргатиш услуги - фақат ўйин орқали.
3. Ўргатиш учун тахта размери 40x40 см бўлган шахматларни харид қилиб олган маъқул.
4. Ҳар доим эмас, атайлаб болага ютқазиб қўйинг. Уни осон галаба қозонишга ўргатинг.
5. Ўйиндан кейин фарзандингиз билан хатоликлар ва камчиликларни таҳлил қилинг.

Ғилдиракчали коньки

1. Ўргатиш 5-6 ёшдан бошланади.
2. Дастлаб 4 та ғилдиракли коньки олинг, улар анча чидамлидир, сўнг 2 та ғилдиракли конькига ўтасиз.
3. Конькида учини давомийлиги: 10-15 минут, ҳафтасига 2-3 марта.

Велосипедлар

1. Уч ғилдиракли велосипедни кичкинтойлар 2-3 ёшдан учса бўлади, ўзиучар ҳамда 2 ғилдиракли велосипедда эса 4-5 ёшдан.
2. Мактабгача ёшдаги болаларни велосипеднинг барча қисмлари билан таништиринг.
3. Велосипед ўриндиғини бола бўйига мослаштириш муҳим.
4. Дастлабки пайтда велосипед ҳайдаш 5 минутдан ошмаслиги лозим.
5. Болани ўз мувозанатини тутиб туришга ўргатиш зарур, айниқса, бурилишларда (чал томонга бурилиш бўлганда, ўнг томонга энгашини ёки тескари қариси).

Бадминтон

1. 5-6 ёш бадминтон ўйинига ўргатиш учун қулай давр.

2. Ракетка оғирлиги 135 г дан ошмаслиги, кетрак, узунлиги -16 см, тўғри узунлиги -26 см, унинг эни -14,5 см.

3. Бадминтон ўйини, одатда, 20-30 минут давом этади.

Чиллаки (тизилган чиллакарни уриб чиқариш ўйини)

1. Чиллаки билан ўйнашга болаларни 5 ёшдан қаторисига икки партиядан кўп бўлмаган ўйинларни ўйнаб ўргатса бўлади.

2. Бола ёшига қараб, чиллакилар узунликлари 10,12,14 см бўлиши мумкин, бит эса 40,45,50 см, мослашган оғирлиги 400, 430, 450 гр. Бит ва готродкилар кесими 3,4,5 см.

3. Чиллаки квадратлари (ўйин иштирокчилари ва тайёрларлигига қараб) 1x1 м, 1,2x1,2, 1,5x1,5 м ўлчамда тайёрланади.

4. Чиллаки ўйинига ўргатишда, фигуралар алмашувида катталар сингари аниқ бир қоида ни талаб қилиш шарт эмас.

5. Бу ўйинда катта кишининг доимий бўлиши ҳамда ёрдами зарур бўлади.

Кичкина (мигги) теннис

1. Кичкина теннис ўйнашни 5 ёшдан бошлаш мумкин.

2. 10x5 ёки 8x4 м майдончалари бор ҳамма жойда ўйнаш мумкин.

3. Ердан 3-5 см баландликда волейбол сеткаси тортилади.

4. Кичкинтойлар учун махсус теннис ракеткалари бўлмайдми, шунинг учун уларни қўлдан 5-7

қатламли фанерадан ёки 6-8 миллиметрли тахтадан тайёрлаш мумкин. Қалинлиги 2-2,5 см эни 3-3,5 см, узунлиги 20 см бўлган ёючда бир томонлама ўртасидан чуқурча қилиниб, унга худди шундай 4-5 смли халқаси бор фанера ёки тахтача кийгизилади. Тахтача учлари чиқарилиб, клей билан қопланади.

5. Ўйин давомийлиги — 20-30 минут.

Кичик баскетбол

1. Кичик баскетболни 6-7 ёшдаги болалар ўйнаши мумкин.

2. Бу ёшдаги болалар катталар билан таққосланганда, икки баробар кичик, узунлиги 13 м, эни 7 м бўлган майдончада ўйнашади.

3. Баскетбол савати 30,40 см га пасайтирилади.

4. Ўйин учун болаларнинг катта резинали ёки синтетик тўплари қулай, шунингдек, айланаси 40-45 см, оғирлиги 300-350 гр яхши сакрайдиган волейбол тўпларидан ҳам фойдаланса бўлади.

Сузиш

1. Кичкинтойларни 1,5-2 ёшдан сувга ўргатиш мумкин.

2. Сувдаги машғулотларни бошлашдан аввал, болаларни илиқ, сўнг совуқ сув билан белигача ювинишга ўргатиш.

3. Машғулотлар учун суви тоза, таги текис ва зич қумли, секин аста 90 см гача тушадиган ҳавза топиш.

Оқим тезлиги минутига 10 м дан ошмаслиги шарт.

4. Илқ машғулотлар бир неча мунутгача давом этади.

5. 4-6 ёшли бола сувда 3-15 минут туриши мумкин.

• • •

Спорт ўйинлари ҳақида суҳбатдан четлаган ҳолда, кичкинтойлар соғлигини сақлашда муҳим бўлган бир нарсага — энг яқин катталарнинг бола толиққанлигининг илқ белгиларини ўз вақтида кўра билишга диққатингизни тортмоқчимиз. Толиқиш боланинг ўзини бўш ушлаши, рангининг оқариб кетиши, иштаҳанинг пасайиши, асабийлашуви ва ҳоказоларда билинади. Толиқишдан ҳоли бўлиш учун тоза ҳаво, витаминлар ва фаолиятни алмаштириш зарур. Бундан ташқари, кўпроқ жисмоний тарбия дақиқаларини қўллашни тавсия қиламиз. Айниқса, шеър орқали бажариладиган жисмоний тарбия дақиқалари қизиқарли ва самаралидир:

Ҳар куни эрталабдан

Машқлар бажарамиз (жойда юриш)

Севимли машғулотлар

Бир қаторга сафланамиз:

Қувноқ қадам ташлаймиз (юриш)

Қўлларни кўтарамиз (қўлларни юқорига кўтарилади)

Ўтирамиз, турамиз (4-6 марта)

Тинмай-тинмай сакраймиз (10 марта)

Мактабгача ёшдаги болаларни машқларни катталар билан бажариш завқлантиради.

Валеология

Хулосада валеология тушунчасига тўхталамиз. Бошқача қилиб айтганда, бу «ўзим тўғримда ўзим ўйлайман» дегани. Соғлом турмуш тарзи болаликдан шаклланади. Ва биз, яқинларни, болага илқ ёшиданоқ қуйидагиларни эгаллашларига ёрдам берамиз:

1. Ўзига ўзи биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга ўргатамиз.

2. Фойдали ва зарарли ўсимликлар ҳақида илк маълумотлар берамиз.
 3. Мева-сабзавотлар ва бошқа озиқ-овқатларни қайта ишлаш қондалари билан таништирамиз.
 4. Уй озодлиги, кийим, кўрпа-тўшак, ўйин ва иш бурчакларининг тозаллиги ҳақида илк bilim-лар берамиз.
 5. Болаларни релаксация ва медитацияга яқинлаштирамиз ва ҳоказо.
- Шундай қилиб, жисмоний тарбия — кенг туншунчадир. Биз тадбирлар мажмуи орқалигина, фарзандларимиз соғлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу биринчи даражали масалаги ечишда ижобий натижаларга эришишимиз мумкин.

ТАБИАТ ВА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛА

*Дарахт, майса, гул, қушчалар.
Доим ҳимояда эмаслар.
Гар шикаст етса уларга,
Хаста қоламиз бизлар.*

Муаммо: Ҳозирги вақтда "Агроф муҳит" туншунчаси (лугатда келтирилганича бу биологиянинг бир бўлими, жониворларга ўзаро муносабат ва теvarак атрофимиздаги ўсимликларга муносабат) оғзаки илмдан кенг оммага ўтиб келмоқда, табиатнинг бузилишидан хавотирли фикр, аввало инсоннинг турли-туман муносабатларидан келиб чиқади.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, агроф муҳит ҳақида билимларнинг, маслаҳатларнинг йўқлиги, инсон ва табиат муносабатларига эътиборсизлик оқибатида давлатимиз модаий ва маънавий зарар кўрган.

Буни биз фақат бир томонлама яъни оммавий тизимдаги муаммо деб ўйлашимиз керак эмас. У албатта, ҳар бир шахс учун, ҳар бир оила учун, кўпроқ болали оилалар учун ўта муҳим.

Биз катталар биламизки, бутун дунё олимлари ер юзидаги ҳаётимизнинг барча жабҳалари ус-тида турган хавф-хатар ҳақида кўпроқ огоҳлантирадилар.

Сайёрамиздаги ўсимлик турлари қашшоқлашиб бормоқда; хавfli химик чиқиндилар узлуксиз равишда очиқ ҳавога, дарёларга, денгизлар-

га, кўллarga чиқариб ташланмоқда. Келажак авлод қандай яшаб кетади? Буни вақт кўрсатади, кўп эмас йилга назар ташлашимиз, олимлар, фарзандларимиз янги — XXI аср бошларида дарё, денгиз, океанларда чўмила оладими, ўрмонларда сайр қиладиларми, гулларнинг хушбўй хидларидан нафас олиб, юлдузми осмонни томоша қилиб завқланишадими деган саволларга бош қотирмоқ — Далар.

Муаммоларни ҳал этиш: Ота-оналар нима қилишлари керак? Энг асосийси табиатни севишга ўргатиш, уларда агроф муҳит билан муомала маданиятини шакллантириш лозим. Бу кўп қиррали тушунча қуйидагиларни ўз ичига олади:

— табиатни муҳофаза қилишни амалиётга тадбиқ қилишни ўргатиш;
— агроф муҳитни муҳофаза қилишда ташаббускорлик уйғотиш;

— табиатта шикаст етказмаслик кераклиги ҳақида болаларни огоҳлантирмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши ва бунинг учун уларнинг бу борадаги билимини узлуксиз равишда чуқурлаштириб бориш керак.

Бу вазифаларни тўлиқ адо этиш учун боланинг ёшлигидан хилма-хил ўзаро таъсирларни ва ўзаро боғлиқликни уларга тушунтириш керак. 3-4 ёшли болалар аллақачон жониворлар ҳақидаги билимга эга. Лекин, ҳамма болаларда ҳам билимга чанқоқлик ривожланган эмаску. Ахир айнан шу сифат уларнинг кейинги билимларини чуқурлаштиришга олиб келади-ку. Жумбоқнинг энг зўр ечими услубий тизимни яқинлаштиришни ўз ичига олади. Ускуналар миқдорининг камлиги ҳақидаги дастурларнинг болаларга чуқурроқ бериб бориладигани маъқул.

Мисол учун биз тулки ҳақида нима биламиз? Хатто, катталар ҳам бу саволга; айёр, малла, кўркам, чиройли думли деб жавоб бериш билан кифояланади.

Агар биз ўзимиз олдиндан қуйидаги тузилма бўйича энциклопедияга қараб, тулки ҳақида гапириб берсак:

— Қаңдай ташқи кўринишга эга?

— Нима билан овқатланади?

— Ўрмонга қандай фойда келтиради?

— Қимдан кўрқади?

— Душмандан қандай қочиб қутулади?

— Қаңдай кўлга ўргатилади?

— Унинг нимаси сенга ёқади ёки ёқмайди?

— У ёввойими ёки хонакимии?

— ва ҳ.к.

Шундагина бола ўзаро боғлиқликни ўрганади: табиат бекорга (бежиз) тулкига момикқина думингъом этмаган, ўздан қолган изни йўқотиб кетиш учун мослашган, ва уни ҳайвонот боғига мослаштириш қийин, у ерда у ўз чиройини йўқотарди. Шубҳасиз болада савол туғилади, тулки ўрмонда қандай яшайди.

Билим беришинг яна бир шакли бор, бу ақли жойида бўлган болаларнинг кўпчилигини ҳайрон қолдириш орқали ўсмирларнинг билимга чанқоқликка ўргатиши остида шаклланади. Яна бир масала ҳақат. Ўхшаш ўйинларни қўллаш, яъни билимни чуқурлаштириш ҳамда кузатувчанликни тарбиялаш асосида тузилади.

Миллий ўқитиш асосида тарбияланган 4,5 ёшли набирам: "Ит билан бўри нимаси билан фарқ қилади?" деган саволга жавоб беролмади.

Мана нима учун ўсимликлар дунёси ва ҳайвонларни гуруҳларга ажратиб мана бу ўйинни қўллаш зарур:

Нимаси билан ўхшайди (ва фарқланади)?

Ит ва бўри

тулки ва олмахон

жирафа ва туяқуш

узунқанот ва қалдирғоч

Мойчечак ва астра

Атиргул ва пион

Момақаймоқ ва қоқи ўт ва х.к.

Боланинг билимга чанқоқлигини ва айнан кунзағувчанлигини ўстиришнинг яна бир усули бор. Бу халқнинг об-ҳавони аниқлаш аломати. Об-ҳавони олдидан айтиш билан боғлиқ жуда кўп халқ белгилари мавжуд. Бунинг хайрон қоларли жойи йўқ, чунки қадим замонларда айнан қишлоқ хўжалиги учун катта аҳамият касб этган. Албатта нафақат қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган одамларга балки, барча одамларга бу белгилар зарур. Бироқ улар қонда бўйича, кўп йиллик кузатишлар асосида, тўтридир. Лекин об-ҳаво алмашилишига ўз вақтида тайёргарлик кўриши айни мўддаодир.

Буцдан ташқари, белгилар болаларнинг халқ доғишманчилигига қаратади, эслаб қолишга, таққослашга, солиштиришга туртки бўлади, баъзи табиий қонунларни тўғри тушунишга ва хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Халқ белгилари:

— дарахтдаги қиров — совуқ туфайли, туман илиқ ҳаво туфайли,
— қишда изғирин бўлиши — ёзда намгарчилик;

— тутуннинг кўтарилиши — совуқ туфайли;

— балана тик камалак — қурғоқчиликдан, ётиқ ва пастки — намгарчиликдан;

— мушук гужанак бўлиб ётса — совуқдан; — мушук деворга тирмашса — яхши об-ҳаводан эмас;

— мушук қаттиқ ухласа — иссиқдан;
— мушук қорини тепата қилиб ётса — иссиқдан;

— ит сайр қилмаса — ёмеир ва қордан;

— товуқ бир оёқда турса — совуқ ҳаводан;

— товуқнинг қақақлаши — намгарчиликдан;

— қўнғизлар ёйзилмаса — намгарчилик;

— қора булутларнинг бир жойга йиғилиши — намгарчилик бўлиши;

— баҳорнинг эрта келиши — сув кўлини;

— агар дарахт барглари тоза тўқилмаса у ҳолда

қиш қаттиқ келади;

— биринчи, тез эрийдиган қор, кечаси ёғади;

— қалин қиров — қурғоқчиликдан;

— ёз қуруқ, иссиқ бўлса — қиш кам қорли,

изғиринли бўлади;

— ёз ёмғирли бўлса — қиш қорли изғиринли

бўлади;

— зотчалар тала бўлиб учини — ёмғирдан;

— чайка кўп чўмилиши — ёмғирдан;

— читтаклар эрталабдан чийилмаса — кечаси

совуқ бўлади;

— агар қушлар дарахт тепасида ўтирса — ис-

сиқдан;

— агар қарға қағилмаса, унда куз ёмғирли, қиш

бўронли бўлади;

— қарға тумшугини паглари орасига тикса —

совуқдан;

— кечда тондагидан иссиқ бўлса — намгар-

чилик;

— какку кукумласа — иссиқдан, очик ҳаво-

дан;

— қизилиштон таққилмаса — ёмғирдан;

— қишда қуёш булут ортида бўлса — қор

ёғади;

- камалак кечкурун кўринса - об-ҳаво яхши;
- камалак тез йўқолиб кетса — об-ҳаво яхши;
- камалак ёмғирдан сўнг кўп сақланиб турса намгарчиликдан.

Бола қанчалар гаройиб сўзларни эшитади, туншунади ва ўзининг фаол нутқида, ўз ўрнида ишлатади (қиров, илиқ ҳаво, намгарчилик, қия, тик, камалак ва бошқ.). Қисқа мuddатли аломатлар: "Қарға тумшугини патлари орасига яширса — совуқдан; узоқ мuddатли аломатлар: "Ёз қуруқ, жазирама бўлса — қиш кам қорли, изгиришли бўлади". Униси ҳам буниси ҳам фойдали, агарда болага доимо, шу тарзда ўргатилса, вақти-вақти билан улар билан бирга такрорлаб турилса албатта.

Энг тўғри йўли бола табиатида саволлар ётади, шу билан бирга икки томонлама савол берилади — бола — катталарга, катталар — болага. Ва албатта, бу саволлар (катта-ёшли болалар назарда тутилади) ўйлаб берилиши, одамини топиб берилиши керак, баъзан ҳазил орқали:

- терисини алмаштириб турадиган қайси ҳайвонлар ҳақида гапириш керак?
- нима учун тунги ўсимликлар оқ?
- тишларни тиш пастасиз қандай ювиш мумкин?

- қуруқ ва зах жойдан узилган гулдаста кўклай бошлади, қандай гуллар тез сўлийти ва нима учун?
- атрофимиздаги ўсимликлардан қайсыларини қуруқ чой ўрнида, салат тайёрлашда ва шўрвага ишлатишимиз мумкин?
- қим кўп мақол, айтишув, халқ об-ҳаво маълумотларини айта олади?
- қандай қилиб ҳаво ифлосланади?
- нима учун кўчалар ифлосланади?

- нима учун "она ер" деймиз?
- қушлар учиб кетса, ўрмонда нима қолади?
- бизга ўрмон нима учун керак?
- бизга гуллар керакми? Нима учун?
- нима учун жирафанинг бўйини узун?
- нима учун кўён қишда оқ ёзда куларанг?
- нима учун тошбақанинг косаси қаттиқ?
- нима учун қурбақа яшил ва доғли?
- нима учун кўённинг қулоқлари узун?
- нима учун арчанинг устки қисми учли?
- қайси ўсимлик ва ҳайвонлар "Қизил китоб"га киритилган? Нима учун?
- истеҳкомлар нима учун керак?
- "чумоли — захматқаш" иборасини қандай тушунасиз?
- хўш, нима учун мушук узун мўйловли (сезги органи)?
- нима учун баъзи айиқлар оқ, баъзилари куларанг (ташқи муҳитга боғлиқ)?
- нима учун бир эртақдаги кўён оқ, бошқасида куларанг (ҳодиса йилининг турли вақтида содир бўлади, шунинг учун қишда оқ, ёзда куларанг)?
- нима учун гуллар кўркама ва хушбўй?
- нима учун ҳайвонларда дум бор?
- нима учун кенгуруда каттакон дум бор?
- нима учун қушлар сайрайди?

Болаларни хушмуомала қилиб тарбиялайдиган саволларни навбати билан баён қилиш фойдалидир:

Уларни кўрсанг тўғрилаб қўй:

- ерда ётган қуш боласини;
- қуш уясига тегаётган болани;
- кўчада шохларни синдираётган болани;
- гулнинг, ўсимликнинг қовжираб қолган поясини;
- ўлаётган қурбақа ёки бақани;

— ташландиқ кучук боласини ёки мушук бо-
ласини.

Ҳозиргача биз мактабгача ёшдаги болага бе-
риладиган таълим-тарбия қондаси ҳақида сўз
юритьямиз. Ушбу режадаги мана шу усулга ат-
роф муҳит ҳолатидаги мантиқий вазифалар ки-
ради.

Булар болалар берадиган саволларга қисқача
ҳикоялар тақдим этишдир. Майли болалар ўзини
бу йўлда синаб кўради, хаго қилади, ота-оналар
ёрдамида ўз хулосаларини баён этади.

Мантиқий топшириқлар:

1. Келинг, балконга қишқи куш қафасини
қурайлик, деди Камола ойисига, — кушлар учиб
келиб дон еверсин. Аввалига Камола донхўрак-
ка турли писта ва ушоқлар сепди. Читтак ва чум-
чўқлар қиш кунларида дарров у ерга кўниб чўқи-
лай бошлайди. Нима учундир қизалоқ боғчага
шошилиб донхўракка дон солишни унутди. Кун
жуда изғирин ва шамолли эди. Оч, совуқдан қот-
ган қушчалар донхўракка учиб келишди, лекин
унда ҳеч нима йўқ. Кейинги кун Камола яна дон
сепди, лекин бу сафар жуда кам читтак ва чум-
чўқлар келди. Нима учун?

Хулоса: Қиш кунда бир кун дон емаган қушча
совуқдан нобуд бўлиши мумкин. Қишда кун қисқа
бўлади ва ўша қушчалар доимий донхўракка ўрга-
ниб қолган, бошқа яна қайси жойдан емиш то-
пишни билмай қолишган. Шунинг учун қурилган
донхўракда доимо емиш туриши керак.

2. Якшанба кун кўлга боришга қарор қилдим.
Менинг йўлимда яна иккита бола кетиб борарди.
Бирдан улар майсалар орасидан кичкина қур-
бақа кўриб қолишди.

— Кел, бунга уйга олиб кетамиз, акс ҳолда йўқо-
либ қолиши мумкин, деди биттаси.

— Тегма унга, ўзи йўлни топиб кетади, - деди
шериги.

Улардан қайси бири ҳақ?

Хулоса: Биринчи бола ноҳақ, чунки қурбақа
хонадонда яшай олмайди, унинг териси қуриб ўлиб
қолади. Қурбақа фақат нам жойда яшай олади.

3. Собир ойиси билан боғга мева тергани бор-
ди.

— Қаранг ойи, қаранг, — қушча жуда паст
учаяпти уни ушлаб олишим мумкин! Уни уйга олиб
кетиб боқайлик.

— Йўқ, бундай қилиш мумкин эмас, — деди
она. Нима учун у шундай жавоб берди?

Хулоса: Она ўзига руҳсат бермади, негаки у
эндигина учини ўргашган қушча эканини бил-
ган. Она - қуш у билан бирга эди. Қушча ўрмон-
да улғаяди ва зарарли чивинларни еб фойда кел-
тиради. Ўзга жойда эса кўникмаган емишдан у
нобуд бўлиши мумкин.

4. Бир кун Санжар ота-онаси билан дарёга
борди. Қирғоқларда сон-саноксиз майда балиқ-
чалар сузиб юрарди

— Мента идиш беринг, балиқ тутаман деб сўра-
ди Санжар ота-онасидан.

— Уларни овлаш мумкин эмас, - деб тушун-
тирди ота. Нима учун уларни овлаш мумкин эмас?
Дадаси Санжарга нимани гапириб берди?

Хулоса: Кичик балиқчалар - катта балиқлар-
нинг болачалари. Улар ўсиб ривожланиши учун
кенглик керак, идишда эса улар тез нобуд бўла-
ди. Агар майдалари нобуд бўлса, дарёда катта
балиқлар камайиб кетади ва натижада уларнинг
миқдори камаяди.

5. Комил билан Ботир болалар боғчасида
ўйнар эди ва бирдан бутоққа ҳаворанг кашалак
келиб кўнганини қуришди.

— Кел, уни тутамиз, — деди Ботир, — уни бошқаларга ҳам кўрсатамиз, қара қандай чиройли.
— Капалакларни ушлаш мумкин эмас, — деди Комил.

Қайси бири ҳақ?

Хулоса: Бизнинг давлатимизда жониворларни химоя қилиш қонунни бор. Ҳашоратларни туттиш, уларни нобуа қилиш мумкин эмас. Шу билан бирга ҳайвон ва қушларни овлаш ҳам. Капалак — жуذا фойдали ва яхши хашорат. У ҳавода учиб юрган пашша, чивин ва майда чиркайларни тўтиб ёйди. Комил ўртоғини тўхтатиб тўғри қилди.

6. Вазира ва Лола барг йигиб юрарди ва бир япроқда «хон қизи»ни кўриб қолишди. Вазира уни кафтига олди, лекин кўнғиз қимирламади.

— Балки у совуқдан ўлиб қолгандир, уни кўйиб юбор, — деди Лола.

— Йўқ у тирик, деб жавоб берди Вазира. Қизалоқ Аутонасига нимани тушунтирди ва қизлар кўнғизни нима қилди?

Хулоса: Кузда «хон қизи»нинг баргларининг остига яшириниб, шу ерда қишлашни Вазира Лолага гапириб берди. Қизчалар уни авайлаб япроқлар остига қўйишди. Баҳорда у яна яшаб кетади, тухум қўяди ва личинкаларидан ёш кўнғизчалар чиқади, улар ўрмонга катта фойда келтирадилар.

7. Алишер билан Аҳам атиргул шохчаларига яқин қилиб тупроқ тортишди.

— Қара поясига шира тушиб кетибди! Атиргулимиз ўлиб қомади, — деди ачиниб Алишер.

— Мен эса ширани нима билан йўқотишни биламан, — деди Аҳам ва қасққадир чопиб кетди.

У нимани қидириб кетди?

Хулоса: Аҳам билдики хон қизи шира ёйди, шунинг учун у шошиб уни топиб келиш учун чопиб кетди. Хон қизи ва унинг личинкаси жуذا фойдали ва уни асраш лозим.

8. Эрта куз эди. Бир кунни хонада кичкина тиниқ, яшил қанотли ва тилларанг кўнғиз хашорат учиб юрарди.

— Бу сўзанақ, — билишди болалар, — у фойдали хашорат.

— Нима учун у хонада учиб юрибди? У бу ерда нима қилади? — сўради тарбиячи.

Болалар қандай ўйлади?

Хулоса: Кузда сўзанақ қишлов учун жой қидиради. Мана нима учун бу ерда учиб юрибди. Тўғри, деди болалар ва унга тегмасликни тақлиф қилдилар. — Майли, унинг ўзи жой топиб олсин. Баҳорда улар тухум қўяди, улардан сўзанақлар очиб чиқади ва улар поллиз экишларини зараркунандалардан химоя қилади.

9. Яқшанба кунни Камола ойиси билан тоққа сайрга чиқди. У ер жуذا ажойиб эди. Ўтлоқда гуллар, қушлар сайраган. Камола чиройли лола кўриб қолди ва ойисига қичқирди: "Қаранг қандай чиройли гул! Мен уни узиб оламан", — дея ўша ёққа чопди.

— Тегма лолага, узма уни, — деди ойиси. Нима учун Камоланинг ойиси гулни узишга рухсат бермади?

Хулоса: Лола — тоғ чиройи. Бироқ нафақат Камола ойиси билан бу ерга келади — бошқалар ҳам гуллардан завқланишни хоҳлайдилар.

Шунга биноан лола япроқларига об-ҳаво ноқулай пайтда кичик хашоратлар унга тунаш учун яширинади, агар гул узиб олинса, хашоратлар уйсиз қолади.

10. Кеча мен дарёга бордим ва шунинг гувоҳи бўлдим: иккита бола ким узоққа улоқтириш ўйнаб сувга тош отаяпти.

Сиз нима деб ўйлайсиз, болалар тўғри қиляптиларми?

Хулоса: Агар ҳар ким қўлига нима тушса, дарёга ташлайверса сувнинг туби кўтарилиб ифлосланади, натижада ундаги сув озаёди. Дарёда кўплаб балиқлар яшайди, ўсимликлар яшайди - улар сувсиз нобуа бўлади. Одамлар камдан-кам сувни эҳтиёт қиладилар, агар дарёда сув қолмаса, у ҳолда одамлар у ердан сув ололмайдилар. Шундай қилиб, дарёларни, кўлларни, хавзаларни асраш керак.

11. Кузги япроқлар боғда ерга қалип гилам бўлиб тўшалган.

- Бугун хазонларни тўплаймиз - деди она Салимга.

- Майлими баргларни бир тўп қилиб тўплаб, уни гулхан қилиб ёқсам? — сўради Салим.

- Йўқ, мумкин эмас, — деди ойиси.

Нима учун она бунга рухсат бермади?

Хулоса: Бизда қонун бор, ҳавони булагаш мумкин эмас, тутун ҳавони ифлослантиради. Салим бунга билмаган эди ва ойиси унга тушунтирди. Баргни тўплаб уни ерга кўмиш керак. Улар ер остида чирийди ва ўсимликлар учун ўнгит бўлади. Ушбу мантиқий топириқлар педагогика фанлари номзоди Н.Ярашев томонидан тузилган. Келинг биргаликда кичик тажриба ўтказамиз: шеърни ўқиймиз ва берилган саволларга жавоб топамиз:

Мен гулни узган эдим,

У бирдан сўлиб қолди.

Кўнгизни тутган эдим,

Кафтимга ўлиб қолди.

Табиатга, шундан билдим,

Юракдан ёндашишни.

Болалар тўғри жавоб бера олишмаса, биламизки, улар нафақат сўз кучининг кўчма маъноларини тўла меъёردа тушунишмайди, балки улар табиий муҳитда фаол яшамаганликлари учун ҳамдир.

Мана биз сизлар билан болада экологик маданиятни шакллантириш йўлининг энг асосийсига келдик - мактабгача ёшдаги боланинг табиатдаги меҳнат фаолияти.

Аввало биз Вольдорфский услубининг қўйидаги намунасини келтирамиз. Вальдорфский болалар боғчаларида ўзларининг шахсий гулзорларида меҳнат қилишни ёшлигидан бошлашни тавсия этди. Бизнинг мактабгача таълим муассасаларида эса барча гуруҳлар учун оммавий тарзда жўяк олишни ташкил қилиш услубини жорий қилиш мақсада мувофиқдир (худди жамоа хўжалиги далаларидаги сингари). Бу нима дегани? Аввалига ҳар бир болада натижа кўринади: сугормади, чопмади - натижада, гул ва сабзавотлар сўлиб қолди, кейин эса шахсий томорқани парвариш қилиш қийинлашиб қолди. Мана шундай ҳолатлар заминда меҳнатга бир томонлама ёндошиш шаклининг ёмон оқибатлари ётади. Бу эса мамлакатимизда боғча болаларни меҳнатга ўргатиш даражасининг ачинарли далилларини тасдиқлайди. Сўнгги 10 йиллик маълумотларга қараганда, 50 % боғча болалар ўз хоҳишлари билан ишлаб, ташаббусни қўлларига олишган 30 % фақат катталар буйруғидан сўнг, аксарият мана шундай қистов остида, 20 фоизи ўзини ишдан четга олиб қочган. Бу борада гап шахар болалари ҳақида кетяпти, қишлоқда эса меҳнатсеварликни тарбиялаш муаммоси унчалик кескин турмайди. Шун-

доқ ҳам биз бугунги кунда болаларни меҳнатсеварликка ўргатиш борасида 50 фоиз камчиликларимиз бор. Гап бориб атроф мухит маданиятига тақалади. Кўпгина ёлғиз фарзандли оилаларда уйда ҳамма шароит яратиб берилади. Бироқ ота-она билан бола ўртасида мустахкам алоқа жараёни кечмайди. Бундай пайтда бола ошиб кетса чиройли муҳокама қилади, амалда эса бошқача бажаради: тушунча билан феъл-атвор орасида ўзига хос узилиш пайдо бўлади. Кичик эколог — бу кичик яратувчи ҳам бўлиши лозим. Оилавий шароитда биз нима қилишимиз мумкин:

— бир-иккита хона ўсимликларини келтириб қўйиш (болалар суғоришади, ювади, экади, уларни қаламча қилади, новдаларни бошқа ўртокларига совға қилади);

— Агар уйда бирор уй ҳайвони боқилса, яхши бўларди, (ит, мушук, қуш, балиқ кабилар).

Деярли барча болалар тирик мавжудоти бўлишини хоҳлашади, кагталар эса турли сабаблар туфайли бунни рад этишади. Ҳеч бўлмаганда мана бундай усулни қўллаш мумкин:

— деразада кўкат. Яхши уй бекаси қиш пайтидаёқ ёруғлик етарли жойга пиёз экиб қўяди. Болалар ҳам пиёз, петрушка, укроп экишга ва парвариш қилишга жалб қилинса яхши бўларди. Кейин эса ҳамма биргаликда овқат ва салат тайёрлашга киришса;

— ота билан бирга қушга ин ва донхўрак яшаш керак. Бундан олдин биз мана шу шеърни ўқиб чиқишни тавсия қиламиз:

Қушни боқинг (А.Яшин)

Қишда қушларни асраинг,
Майли бутун дунёдан.
Уйингизга кўнибди,
Учиб келиб самодан.

На уларнинг еми бор,

На бир ҳовуч ялласи.

Агар бир ҳовуч бўлса,

Қўрқмайди улар қишда.

Беҳисоб ўланларни,

Кўриш оғир биз учун.

Бироқ биз ўйлаймизки,

Бу иссиқ қушлар учун.

Унутмоқ мумкин эмас,

Учиб кета олганиш.

Инсон билан қолдику,

Ахир бу қишлагани.

Ойингизга ўргатинг,

Учиб келган қушларни.

Кўшиқсиз кутиб олманг,

Кириб келса баҳорни.

Қушларни боқиб учун, кузнинг бошларида болалар билан халтача кўтариб дон теришга чиқинг: тарвуз уруғлари, қовун уруғлари, чакалак ўсимлигининг майда мевалари, ёввойи ўт уруғлари, (шўра, қариқиз, баргизуб);

— болаларга «Қизил китоб» ҳақида гапириб беринг. Халқаро қизил китоб 1966 йилда босмадан чиққан. Унга кам учрайдиган, баъзилари умуман йўқолиб кетаётган ўсимлик ва жониворлар киритилади.

Масалан, «Қизил китоб»га қуйидаги гуллар киритилган, марваридгул, оқ нилуфар. Уларни биз асрашимиз зарур:

— гербарий йиғишни тавсия этамиз. Ёш болалар учун бу ҳам меҳнат. Кўзда тўкилган тол, террак, чинор ва бошқа дарахт барглари чиройли қилиб альбомга ёпиштириб қўйилса уларни қишда бемалол томоша қилиш мумкин. Булар юзасидан жуда кўп эртак ва ҳикоялар тузиш мумкин. Бутун бир гербарий табиат гўзалликларини ифода этади;

— агар дала ҳовлингиз ёки ҳовлингиз бўлса, 4 ёшли ёки ундан катта болангизга ўзлари олган жўякка, гулзорларга гуллар сабзавотлар экишга рухсат беринг. Кузда эса улар ўз меҳнатларининг мевасини олишади;

— кези келганда шунини таъкидлаш жонзори, табиат инсонларни севади, ҳамма нарса учун уҳиммат қилади. Ўрмонларда майда мевалар, кўзиқоринлар, ёнқоқлар кўп, денгизларда эса баликлар ва албатта инсон саломатлиги учун фойдали ўт-ўланлар ҳам мавжуд. Шу таразда уйда яшил до-рихона тузиш мумкин. Масалан, болалар учун (фақат ота-оналари билан) ялииз терийш фойдали, уни териб, ювиб, кўк сомса қилиб ейиш ёки қуригиб, сўнгра чой билан бирга ичиш керак! Бутун дунё табиати ҳақидаги турли-туман маълумотлар ва безаклар билан тўлдирилган қўлланмаларни сотиб олган ота-оналар жуда тўғри қилишади. 5 ёшга тўлган боланинг хонасида (нафақат мактабда), албатта ҳар хил қизиқарли китоблар (ўзинг бўя ва яса, эртақлар, шеърий тўпламлар, теварак-атрофдаги ёдгорликлар, тарихий обидалар ҳақида, миллатнинг буюк сиймолари, машҳур саркардалари портретлари, Республикамиз вилоятлари тўғрисидаги оқриткалар бўлиши керак. Сизнинг эътиборингизни 1998-2000 йилларда «Шарқ» нашриёти-мағбаа концернининг босма хонасида чиққан болалар учун тўпламига қаратмоқчимиз. Мазкур тўплам рағли, расмлар, тиниқ безаклар билан бой. Ушбу китоблар мажмудан болалар яхшилик ва ёмонлик ҳақида, эртак қаҳрамонлари ҳақида. Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек сингари буюк сиймоларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот олишлари мумкин.

Альбом ва оқриткалар орқали болалар Ўзбекистон ҳақида, мустақил давлатимиз герби, байрони ва мадҳияси ҳақида, байрамларнинг тарихи, уларнинг нишонланиши ҳақида билимларини бойитиб боришади.

Болалар хонасида китоб бурчаги ёки ижодий бурчак ташкил этсангиз, болангизни ақлий ва маънавий жиҳатдан ривожланишига ҳамда мактабга тайёрлашингизда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Келинг биз ҳам бунга бош қўшайлик! Ва мана шу мавзуимиз сўнгида ажойиб шеър-ни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Инсон қадрини билимда»

Адҳам Раҳмат

«Ўқув қайда бўлса, улувлик бўлар
Билим кимда бўлса буюклик олар
Ўқувли уқару билимни билар
Билимди, ўқувли шодликка тўлар»

Билим, ўйлаб кўрилса, мисоли бир жилув. Убарча ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради. Билим эгаси ўз тилакларини топади, орзу мақсадларига эришади. Ақл-идрок эгаларининг нафи ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Билим эгалари эса ўқув идрок билан амалга ошади. Барча мураккаб ишлар билан ҳал этилади.

МАТЕМАТИКА ҚУВНОҚ БЎЛИШИ КЕРАК

Муаммо: Кўпгина болаларни мактабга тайёрлаш ҳисоб, геометрик шаклларни, сон-санокни ўргатишдан иборат бўлади. Тадқиқотлар шунни кўрсатадики, бошланғич синфларда билим, кўшик-ма ва малакаси ривожланмаган ўқувчилар эмас, ўйлаш, янги нарсаларни билишга қизиқиши кам ўқувчилар кўпроқ қўйналадилар. Ҳисоб-китобларни оддий, доимгидек ўргатиш боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлай олмайди. Ҳўш, нима қилиш керак?

Муаммонинг ечими: Илгари математик адабиётларда қизиқарли масалаларга кенг ўрин берилганлиги бежиз эмас. Негаки, ўйин орқали ён-дашув таълим жараёнини осонлаштиради, деб ҳисоблашган. Нафақат осонлаштиради, балки, бу фанга қизиқишни кучайтириб, болани чуқурроқ билим олишга ундайди. Шунинг билан бирга математика қувноқ ва боғчага бормайдиган болалар учун ҳам қизиқарли бўлиши керак. Бошқа томондан қараганда, энг оддий математик мисол ва масалалар оддий билиш кўникмасигагина эмас, тез фикрлаш, тасвирлаш, ўқиш, малакасини ҳам ривожлантириши лозим. Буларнинг барчасига қандай эришиш мумкин? Олимларимизнинг фикрича, тарбиячи илк математик кўникмаларни шакллантириш машрулотини илк иқтисодий таълим билан узвий ҳолда олиб бориш мақсадага мувофиқдир. Бундан келиб чиқадики, математикани турмуш материали асосида ёки ўйинга мос равишда ўргатиш фойдалди. Сизга бундай таълимнинг бир қанча усулларини таклиф қиламиз:

Рақамлар билан уларни шеърий тасвирлаб таъниши яхшироқдир. Ҳаракат ёрдамида рақамларнинг нимага ўхшашини кўрсатиб бориш ҳам мумкин. Масалан,

1: Мана бир, ўзи якка,
Терақдай турар тикка.
Ёки 4:


Тўрт келади учдан кейин,
Семиз қорин, узун бўйин.

Болалар бир йўла тана ҳаракатлари билан ифодаланган рақамлар ҳақидаги шеърларни катта қизиқиш билан ўқийдилар.


Рақамлар қатори қанчалик ўхшаш бўлса, болалар уларни шунча чалқаштирадилар. Шунинг учун уларни жуфт-жуфт қилиб бериш керак. (2 ва 5, 4 ва 7, 3 ва 8, 6 ва 9).

3 рақами учта конфет, 8 рақами ундан кўпроқ конфетни билдиради, деб кўрсатилса, осонроқ бўлади.

Ҳамма рақамларга хос номгаълум, яширин топишмалардан фойдаланса бўлади:



Куйидаги қонуниятни қизиқарли шақдада кiritиш мумкин. Рақам ҳеч бир ҳисоб, тартибга бўйсунмайди. Ўз вақтида машҳур Швейцариялик психолог Пиаже ёш бола кўлиқни фақат ҳажмга қараб белгилашини айтган. У шундай мисол келтиради: Болаларга пластилиндан қилинган иккита бир хил шарни кўрсатиб, "қай бирида пла-стилин кўп?", — деб сўрашади. Улар "икковида ҳам бир хил" деб жавоб беришади. Болаларнинг кўз олдига шарларнинг биричи ёйиб, бўғирсоқ шақлига келтириб, саволни такрорлаганида, де-ярли барча болалар "энди бўғирсоқда пластилин кўп" деб жавоб беришган. Худди шунга ўхшаш куйидаги суратга қараб ҳам болалар яхши ҳисоб-китобсиз қайсида капалак кўлиқини айтишлари аниқ.



Бу дала болаларни нарсаларни чапдан ўннга, ўнндан чапга битта-битта санаб ҳисоблашга ўргатиш кераклигини кўрсагади.

Бунинг учун ҳар қандай нарса, расм ва ҳаётий вазиятлар кўл келиши мумкин.



Материалларнинг қийинлик даражаси, таби-ийки, ҳар бир ёш учун ҳар хил даражада бўла-ди. Бундан ташқари 2 омилни ҳисобга олиш ке-рак:

1. Кимга ўргатайсиз — ўғил болагами ёки қиз болагами? Буни унутмаслик лозим. 3 - 4 ёшгача бу шарт эмас, кейинроқ эса махсус ажратилган материал танлашни маслаҳат берамиз.

2. Оғзаки ҳисобдан ташқари, нарсаларнинг сонини белгиловчи махсус чизилган, бўялган ра-қамлар тасавури бўйича тошириқлар ўйлаб то-пиш керак.

Масалан қизлар учун тошириқ:


1. Нрсаларни сана ва бўш катаклар ичига шунча нуқта ёки рақамларни ёз.

Ўғил болалар учун:

1. Расмда қанча ясама солдатча бор?



2. Квадратларни бир хил, учбурчакларни бошқа хил ранга бўя.




Тошириқлар мураккаблашиб боради.



Шундай мисол ҳам бериш мумкин: қайси расмда кўпилаувчи иккинчисидан камроқ? (бу топшириқ ҳисоб-китоб амаллари яхши ўзлаштирилгандан сўнг берилади).

Нарса — буюмлар иштирокидаги мисоллардан мураккаброқ, ечилиши қизиқарлироқ масалаларга ўтилгани маъқул. Топшириқларни алмаштириб, болаларнинг математикага қизиқишини кучайтирамыз ва бир вақтда болани мавҳум нарсалар юзасидан фикрлашга тайёрлаймиз:



Мана бу мисолларни ечиш керак:



$$5+2=7-3=1+2=5-3=$$

$$6-1=4+4=9-8=2+4=$$

Болалар масала ечишни жуда яхши кўрадилар. Бу борада ҳам аниқ тартибга амал қилиш керак. Даставвал улар сюжетли масалаларни ўйлаб, ечадилар:



Она 20 та тухум сотиб олиб, 2 та қуймоқ пипириди. Нечта тухум қолди?

Бундай масалалардан шеърый масалага ўтилгани яхши. Дастлаб енгилроғига:

Қорни очиб кўзича,

Беда ўрди ўзича.

Тушгача икки қучоқ,

Тушдан кейин бир қучоқ,

Ҳар қучоғи бир боғдан,

Жами бўлди неча боғ? (3)

Шундан сўнг шеърый масалалар мураккаблашиб боради, аммо, айриш ёки кўпиш биттадан-лигича қолади:

Симёғочга тўрт чумчуқ,

Қўнишди дам олгани.

Учиб кетди биттаси,

Қанча бўлди қолгани?

Яна қўшилди битта,

Ҳаммаси бўлди...

(тўртта)

Болалар математика жуда осон экан, деб ўйла-масликларни учун масалаларни ўз ўрнида мураккаблаштириш лозим.

Боқимизда олма пишди,

Пишиб ҳатто ерга тушди.

Бештаси қил-қизил ширин,

Териб олинг бириш-бирин.

Яна оқ-сарикдан учта,

Айт-чи, бари бўлди нечта? (8)

Ҳазил масалалар — қизиқарли математик ўйинлардир. Уларни ечиш учун юксак даражадаги топқирлик, зеҳн ва ҳазил туйғуси талаб қилинади. Бундай масалаларнинг қўйилиши болаларни актив ақлий фаолиятга йўналтириб, муҳим маълумотлардан муҳим эмасларини ажратиб олиш малакасини шакллантиради. Дастлаб ҳазил су-ратдан фойдаланиш лозим.



Чўпоннинг нечта боласи бор? Улар билан яна ким яшайди? Чўпон оиласидатиларнинг умумий сонини айтинг.

Энди шеърга навбат:

Кўтариб келиб тўрва,

Эчки пиширди шўрва.

Сузиб икки повоққа

Уларнинг ҳар бирини,

Берди икки улоқча.

Улоқлар пўйишмади,

Онасин кўйишмади.

Таққиллашиб товоқни,

Тешай деди қулоқни.

Нечта улоқ қилмай тоқат,

Кутаяпти яна овқат? (4)

* * *

Соат бўлди уч ярим,

Деди Ботирга Салим.

Буни эшитди Шахло

Шўҳрат, Насиба, Лайло.

Абдулла, Абдували,

Гулнора, Дилбар, Али.

Ҳамма эшитибди-ю,

Ким эшитмади ҳали?

Шеърда нечта исм бор? Қанчаси қизлар?

Начтаси ўғил болалар?

Шеър ўрнига мантиқий фикрлашни ривож-
лантирувчи қисқа масалалардан фойдаланиш ҳам
мумкин:

Сен ва мен, сен билан биз,

Ҳаммамиз нечтамиз? (Иккита)

Фақат битта таёқча билан стол устида қандай
қилиб учбурчак ҳосил қилиш мумкин?

(Уни стол бурчагига қўйиш керак)

Стол устида 3 та таёқча қатор бўлиб турибди.
Қандай қилиб ўртасидагини унга теккизмасдан
чеккага олиш мумкин?

Товуқ бир оёғида 2 кг чиқади. Икки оёқлаб
турса, қанча чиқади? (2 кг)

Қандай қилиб 5 та олмани 5 қизчага биттасини
сумкада қолдириб тақсимлаш мумкин?

(Битта олмани сумкаси билан бериш керак)

Ёмғир икки кун кетма-кет ёғиши мумкинми?

(Йўқ улар орасида тун бор)

Қайси нарсанинг боши ва оғири йўқ?

(Айлананинг)

Уч аканинг бор биттадан синглиси,

Оилада улар нечта ҳаммаси

(Тўртта)

Дарахтдан япроқни қушчани чўчитмай олиш
мумкинми?

(Мумкин эмас, учиб кетади)

Тахта девор тагидан 12 ғилдирак кўрдим.

Нечта машина турибди?

Дарахтда 8 та қанот кўринаяпти. У ерда қанча

куш бор?

Тахта девор тагидан 10 та оёқ кўринаяпти. Та-
шқарида қанча одам турибди?

Самолётда учиб кетаётиб, ўрмон устида 12 та
қарға тумшугини кўрдим. У ерда нечта қарға бор?

"Уч айиқ" эртагида ҳамма айиқнинг қанча стул,
пиёла ва тарелкаси бор?

Бир одамнинг қўл ва оёқларида қанча бармок
бор? Иккита, учта одамда-чи? Уч кишида нечта
кўз бор?

Кетаётиб, қайрағоч тагида битта кучук думи,
битта эчки қулоғи иккита мушук қулоғи кўрдим.
У ерда қимлар бор ва улар нечта?

Болаларни сонли ва рақамли масалаларни бир-
бирдан фарқлашга ўргатиш фойдадан холи эмас.

Сонли масалалар

Биз етти ака-укамиз, ёшларимиз тенг, аммо
исмларимиз ҳар-хил. Биз қиммиз? (Хафта кун-
лари).

Йил бобошиг 4 номи бор. Улар қандай?

(Баҳор, Ёз, Куз, Қиш)

Ким йилда тўрт марта кийинади? (Ер)

Қўллари кўп, лекин оёғи битта. (Дарахт)

Бешта бола ва бешта уйча, болалар қоронғи
уйчаларга кириб кетишди.

(Қўлқоп ичида бармоқлар)
Бешта бола совуққотмаслик учун печкада қалашиб турибди.

(Қўлқоп)

4 оёғи бору, юролмайди (Стол)

Икки халқа, узун тигча,

Ўртасида эса миҳча. (Қайчи)

Агар 5-6 ёшли болангиз математикага лаёқатлироқ бўлса, янада мураккаброқ масалаларни таклиф қиламиз. Бу масалалар фақат ҳисоблашни ўргатишига эмас, болада мантиқий фикр ва зеҳнини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан харақтерли.

1. Кичкина қизча отасига куйидаги ўйлаган масаласини ечишни таклиф қилади: Калмаси худди музлаттичдай, ҳамма томони соч-игчалардан иборат, қўллари қалта ва семиз, думи узун ва ингичка. Бу нима? (Мўъжизавий махлуқ)

2. Такси турадиган жойда 10 та машина. Олдинги иккитаси одам олиб юриб кетди. Нечта машина жойида қолди?

(Биттасиям эмас, чунки, қолганларининг барчаси озроқ олдинга силжидилар)

3. Бта стакан турибди: 3 таси бўш, 3 тасида сув бор. Шундай қилиш керакки, сувли ва бўш стаканлар навбатма-навбат туришсин. Фақат битта стаканни ҳаракатлантиришга рухсат берилади.

(Иккинчидаги сувни бешинчисига куйиш керак)



4. Шухрат Самарқанда борди уни 5 нафар бола кутиб олди. Ҳар бир болада биттадан сават, ҳар саватда мушук, ҳар мушукнинг бештадан боласи, ҳар мушук боласининг бештадан сичқо-

ни бор. Шухрат билан Самарқандга қанча сичқон борди? (Ҳеч қанча)

5. Қайси йил бор-йўғи бир кун давом этади? (Янги йил)

6. Етти ёшдан ўтган қарга билан нима воқеа юз беради?

(8 га киради)

7. Ҳафта кунларининг сони ва номини айтмасдан кетма-кет 5 кунни сананг. (Кечадан олдин, кеча, бугун, эртага, эртадан кейин.)

8. 2 қўлда 10 бармоқ. 4 қўлда-чи? (20)

9. Қалдирғочлар учаяпти: биттаси олдинда, иккитаси орқанда ва иккитаси олдинда, биттаси икковининг ўртасида ва учови бир қаторда. Ҳаммаси бўлиб қанча қалдирғоч учаяпти? (3 та қалдирғоч бирин кетин учмоқда)

10. Бир чоҳдан ёши нечадалигини сўрашди. У ёшим 100 дан бир неча ой ошди, аммо туғилган куним 25 марта бўлди, деб жавоб берди. Неча шундай?

(Бу одам 29 февралда туғилган, шу сабабли туғилган кунни 4 йилда бир марта келади)

11. Иккита ота ва икки ўғил 3 та куён тутишиб, биттадан бўлиб олишди. Шундай бўлиши мумкинми?

(Мумкин, улар бобо, унинг ўғли ва невараси эдилар)

12. Иккита бола шашка ўйнашди. Биринчиси 3 марта, иккинчиси 2 марта ютди. Фолиб қандай қилиб 3 марта ютади, агар Толиб 3 марта ўйнамаган бўлса?

13. Бир йилдан сўнг Рустам Мурад уч йил олдин кирган ёшдан 2 ёш кўп ёшга киради. Қайси бола катта?

14. Иккита бола гилос еяпти. Бир иккинчисига: "Менга иккита гилосингни бер, шунда гилоси-

миз тенг бўлади" - деган эди, иккинчиси: "Сен менга иккита бер, шунда меники сеникидан икки баробар кўп бўлади" - деди. Уларни ҳар бирида нечадан тилос бор эди?

(Биринчисидан — 10 та, иккинчисидан — 14 та)

15. Икки киши 7 сўмни ўзаро бўлиб олишганида бирига иккинчисидан 3 сўм кўп пул тегди. Ҳар қайсининг пули қанчадан бўлди? (2 сўм ва 5 сўм)

16. Тегирмончи тегирмонхонага кириб, унинг ҳар бир бурчагида 3 тадан мушук кўрди. Тегирмонхонада қанча оёқ бор? (48 та мушук оёғи + 2 та тегирмончининг оёғи = 50 та)

Математика фақатгина ҳисобни ва масала ечишни ўрганиш эмас, геометрик фигуралар билан танишиш ҳамдир. Уларни ҳам шеър ёрдамида тасвирлаш мумкин:

Сен менинг, унинг ёнида,

Барчамизга қара бир.

Ҳаммамиз қўшилишсак,

Учтагинамиз ахир.

Учта учу, учта бурчак,

Ва яна шунча томон.

Уччовимиз қўшилишиб

Яшаймиз-омон-омон.

(Учбурчак)

Тўрт бурчаги тўғри бурчак,

Ўзи тўртта томони бор.

Ҳамма томони бир, унинг

Номи айт-чи менга Сардор.

(Квадрат)

Боши йўқдир, охири йўқ,

Кетаверсан бир йўлда.

Охирига етай дема,


Етолмайсан миллион йилда.

(Доира)

Қуйидаги изчилликда машқ қилдириш болаларнинг геометрик шакллар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашга асос бўлади.

1. Хона ичидан шар, айлана ва квадратта ўхшаш нарсаларни топиш.


2. Расмлардан геометрик шаклларга ўхшаш нарсаларни топиш.



3. Шундан сўнг турли геометрик фигуралардан иборат материаллар берилди:



Нечта айлана, учбурчак ва квадрат бор?



Нечта квадрат кўраилсан?



Квадрат нечта, учбурчак-чи?



Нечта учбурчак ва тўртбурчак бор?



Нечта учбурчак, тўртбурчак ва квадрат бор?



Нечта учбурчак ва тўртбурчак бор?



Нечта учбурчак ва тўртбурчакни кўраилсан?

Энди эса геометрик шакллар билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган ижодий ишларни тавсия қиламиз.

Х	Х	Х	Х				

Ким катакларни аввал тўлдирлади?

Х	О	Х	О				

Икс ва нолини навбатма-навбат ёзиб, ким катакларни тезроқ тўлдирлади?




дан турли хил бирига ўхшашмаган 10та одам расмини (10) чизинг.

Болалар билан бирга куйидаги машқларни bajarамиз.

- • • • •
- • • • •
- • • • •
- • • • •
- • • • •
- • • • •
- • • • •
- • • • •
- • • • •
- • • • •


Ҳар хил вариантда нуқталарни туташтириб, турли шакллар ясанг.

Эндаги топшимоқ ҳам осон эмас:



Охиригиси қандай бўлади?

Математик таълимда ҳажм, ўлчов узунлик, кенлик, баландлик, қалинлик ҳақидаги тушунчаларни ўз вақтида бериш лозим. Даставвал, бу аниқ суратлар ёрдамида берилиб, кейин топшириқлар мураккаблашиб боради.



Кейин амалий фаолиятга ўтиб, қуйидагига ўхшаш машқларни бажаришни тавсия қиламиз. Кузатиб, таҳлил қилиб, ўзингни сина:


- Турган хоналарнинг узунлиги, кенлиги, баландлиги қанча? (ўзига маъқул нарса — қадам, лешга ёки таёқча билан ўлчаш мумкин)
- Идишда ёнғоқ ва конфетлар бор. Улар нечта? (Аввалдан санаб олмасдан)
- Ким қимдан қанча баланд? (Онанг, отанг, аканг, буving ва сен)
- Қимнинг оёқ кийими каттароқ ва қанча катта?

— Ҳайдаги кийим, ўйинчоқ, идишлар ва бошқа нарсаларнинг бўйи ва элини солиштир.

— Қайси китоб қалинроқ? (Аввал кўз билан чамалаб, кейин саҳифалар, уларнинг ўлчамларини ҳисоблаб чиқ)

— Коридор узунлиги неча қадам? Ошхона, айвон, даҳлизники-чи?

Мактабгача ёшдаги болалик даври — дунёни амалий англаш давридир. Болага ҳамма нарса овоз чиқарадими, йўқми, қайси ўйинчоқ оғир, қайсиниси енгил, ўнг қўл қайси, чап қўл-чи — бари қизиқарли. Бизга расмлар каби амалий ҳаракатлар ҳам ёрдам беради.



Нега бу нарсалар сувга чўкмайди, нималар чўқади?

Болаларни сув ва бошқа овоз чиқарадиган, сув ўтказадиган нарсалар билан тез-тез ўйнашига қўйиб бериш керак.


Аксарият болалар тана аъзоларини яхши билмайдилар. Ўнг ва чап томонни, ўнг ва чап оёқ, қўл, қулоқ ва кўзларни адаштирадилар. Бу ҳолат кўпинча 6 ёшгача бўлган болаларда учрайди. Узлуксиз машқлар жараёнида 3-4 ёшли бола бу муҳим ҳаётий хусусиятни ўзлаштириб олади. Бо-

лангизни тана аъзолари ҳақида қуйидаги суратли ўйинлардан фойдаланиб ўргатишингиз ҳам мумкин.




Ўнг қўлқопни ўнг қўлга,
Чап қўлқопни чап қўлга кий!

Вазни ҳис қилиш қобилиятини ҳам болада ўйинчоқлар, ҳаётий нарсалар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан машқлар жараёнида шакллантириш мумкин. Кейин буни суратлар ёрдамида мустаҳкамлаш керак.



Бола дунёқарашинини ривожлантириш бола-нинг теварак-атроф турму-туманлигини англаш-да ёрдам беришига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Бу каби ҳаракатлар нафақат кўз қарашини балки, идроклилик ва қўлларнинг моҳирлигини ҳам ривожлантиради.



Тарақ!!!

Ойна бўлди чил-чил,
Энди сира бўлмас бутун.
Бу қандайин бўлди содир,
Фигонимдан чикди тутун.

Хафа бўлмагин дўстгинам
Вақтни ўтказма бекор.
Ойна парчаларини йиғ,
Яна янги си тайёр.

Математикани қувноқлаштирадиган, ижодий фикрлашни ривожлантирадиган, ақлий фаолликни шакллантирадиган ҳодисалар ҳаётда кам эмас.

БОЛАЛАРНИ ТАСВИРИЙ САНЪАТГА ЎРГАТАМИЗ

Муаммо: Маълумки, болаларда муаммо бўлмайди, барча муаммолар ота-оналарга тегишлидир. Ва бу гап тўғридан-тўғри мактаб ёшига етмаган болаларни тасвирий санъатга, яъни расм, куриш-ясаш ва аппликация тузишга ўргатишга ҳам тегишлидир. Биз сиз билан кўпинча расм чизишнинг мактаб ёшигача бўлган даврдаги аҳамиятига етарли баҳо бермаймиз. Расм чизмоқчи бўлаётган болаларнинг ажи-бужилари бизга эрмақдай, мутлақо фойдасиздай туюлади. Болалар санъатига бундай муносабатда бўлиш тўғри эмас. Тасвирий санъатга ёшлигиданоқ қизиқиш уйғотиш — бола учун қилingan энг фойдали ишдир. Боланинг қўли келишиб, дастлабки расмларидаёқ нараса ва ҳодисаларга ўз муносабатини билдира бошлайди. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, турфа ранглар моҳиятида у атрофдаги оламни кўра бошлайди. Ниҳоят, расм бола кайфиятини, руҳиятини ифодалайди. Ранг танлаш хусусиятига қараб психологлар бола руҳияти ҳақида фикр билдирадilar. Мисол учун, бола чизаётган расмларида қора, кулранг, тўқ жигарранг бўёқларни кўп ишлатса, демак у нимадандир раنجиган, кимдандир аразлаган. Ёки аксинча, бола ўз қувончини одаг-да сарик, тўқ сарик, қизил ранглар билан ифодалайди.

Муаммонинг ечими: Бу аввало, тасвирий санъ-

ат билан шугулланиш учун етарли шароит яратиб берилиши билан боғлиқ. Ҳатто 2 ёшли гўдакнинг қалам ва бўёқдан эркин фойдаланиши учун уйда ўзига хос "ижодхона"си бўлиши талаб этилади. Ўтказилган кузатишлар оилаларда рангли қалам ва фломастердан фойдаланиш ёшпасига кўпайганини кўрсатади. Пластелин камдан-кам ҳолда ишлатилмоқда. Оилавий шароитда боланинг бўёқда расм чизиши ҳам кам учрайдиган ҳолатдир. Фломастерлар тасвирий санъатнинг бошқа воситалари билан бирга ишлатилганда мақсадга мувофиқ бўлади.

Бахтга қарши, бир неча йил илгари борчаларда болалар кўнглига ёққан расм чизиш воситасини танлаш имкониятига эга эмас эдилар. Мавзу ва тасвирлаш методи қатъий белгилаб қўйилган эди. Мисол учун "Кўғирчоқ" мавзусини олайлик, қалам билан ишлаш керак. Аммо бола кўғирчоқни бўёқда чизмоқчидир? Бироқ бола хоҳиши эътиборга олинмасди. Натижада аста-секинлик билан аксарият болаларнинг тасвирий санъатга бўлган иштиёқи сўниб борди. Хоҳловчилар сафида расм чизишга қобил бўлган болаларгина қолади, холос.

Шунда ИМЕН (Ихтирочилик масалаларини ечиш назарияси) ёрдамга келди. Бу ҳақда Сиз "Болангининг ақлли бўлишини хоҳлайсизми?" бобида батафсил маълумот олгансиз. ИМЕНчилар ҳақли равишда таъкидлайдилар: "Боланинг ижодий хоҳиши бўлса ҳеч қандай чеклашга йўл қўймаслик керак. Тасвирий санъатда турфа материاللاردан, турли воситалардан фойдаланиш мумкин". Шундай қилиб биз 3-4 яшар болалар "ижодхонаси" ёки "ижодий бурчаги"да куйидагилар бўлишини тавсия этамиз:

1) Болалар мольберти ёки оддий столча, қайтарма стол бўлса ҳам бўлади.

2) Акварель бўёқлари, гуаш, рангли қаламлар, фломастерлар, бўр, сангина, мум, шамлар, пахта (момик), дориси олиб қўйилган гутурт чўплари, турли катталиқдаги мўйқалам, паралон бўлакалари, учи тўмтоқ қайчи, газлама, пат, табиий материал, бир хил рангли мато, майин қоғоз, целлофан бўлакалари, турли рангдаги нусха кўчириш қоғозлари, жун ип қоқдиқлари, турфа рангдаги гуашлар, манзарали гулқоғозлар (откриткалар), янги, оқ қоғоз, рангли қоғоз, оқ картон, кичкина, силлиқ қамиш чўплар, турли газлама бўлаклари: чит, сатин, полин ва шу кабилар...

Энди болаларга булардан фойдаланишни ўргатиш зарур. Албатта, кўп болалар қоғоз, рангли қалам ва фломастерни ишлатишни хуш кўрадилар. ИМЕНчилар болаларни тасвирий санъатга ўргатишнинг қизиқарлироқ ва нисбатан оддий усулини тавсия этадилар, У қуйидаги метод ва усулларни танлашдан иборат.

Кляксография. Бу болаларни сиёҳ доғлар ҳосил қилишга ўргатишдир. 3 яшар гўдак уларга қараб нарсалар, образлар ва уларнинг турли жihatларини кўра бошлайди. "Мана бу доғ ёки бу ниси нимага ўхшайди?", "У селга кимни ёки нимани эслатаяпти?" - боланинг фикрлаш ва фикрини изҳор қилиш қобилиятини ўстирувчи бу каби саволлар жуда фойдалидир. Бундан сўнг болани мажбур қилмасдан, қизиқтириб кейинги босқич - доғларга сайқал бериш босқичига ўтиш керак. Натижада маъноли манзара (сурат) ҳосил бўлиши мумкин.

Узун қоғозга биргалашиб расм чизиб. Мав-

риди келганда айтиш керакки, қоғоз форматини алмаштириб туриш ҳам фойдалидир (яъни ҳадеб стандартг қоғоз беравермаслик керак). Юқоридаги ҳолатда узун қоғозга бир-бирига халақит бермасдан икки киши расм чизса бўлади. Алоҳида-алоҳида нарса ёки манзараларнинг расмини чизиб мумкин, муҳими биргалиқда ишлаш. Отаси ёки онасининг ёнида бўлишнинг ўзидек болани илҳомлантиради. Сўнг хоҳишга қараб жамоа бўлиб расм чизишга ўтилади. Бола ва катталар бир бутун расм ҳосил бўлиши учун ким нимани чизиши кераклигини келишиб оладилар. Бу ҳамкорликка изоҳ бериб ўтириш, керак эмас деб ўйлаймиз.

Уч киши бўлиб сирли расм чизиб. Фарзандингиз 4 ёшга тўлганда қуйидаги методга ўтишни қатъий маслаҳат берамиз. Бу шундан иборат. Тўртбурчак қоғоз ва 3 та рангли қалам олинади. Бола ва катталар келишиб оладилар: ким биринчи, ким иккинчи, ким учинчи бўлиб чизади. Биринчи киши чизишни бошлайди, сўнг бошқалар давом эттириши учун озгина қисми кўринадиган қилиб чизганининг устига қоғоз кўйиб беркитади (биринчи киши бўйиннигина кўринарли қилиб қолдирад дейлик). Иккинчи киши, табиийки, бўйиндан бошқа ҳеч нимани кўрмасдан танани давом эттиради ва фақат оёқларни очик қолдиради. Учинчи киши расмни чизиб тугатади. Сўнг расмни беркитиб турган қоғоз олинади - шунда кўпинча ўлчамлар ва ранглар номутаносиблигини дан кулими ҳолат юзага келади. Биринчи киши томонидан ўйланган сюрприз расмнинг қолган қисмлари билан муғлақо мос келмаслиги ҳам мумкин. Мисол учун, биринчи киши кичкина уйчанинг расмини чизади ва шерикларини чалғитиш



учун унга бўйиннинг расмини кўшиб кўяди. Ҳам-ма ҳам рассом бўлиб қолмаса-да, бу - уйин. Фақат бу каби ўйинларнинг катталар ва болалар муносабатини, ҳамкорлигини яхшилашдаги аҳамияти ниҳоятда катта. Бу ҳамкорлик кувонч келтиради, бола табассумига йўғрилган оилавий муҳитни шакллантиради. Бундай муҳитда бола ўзини эркин сезиши ҳеч кимга сир эмас.

Ўзининг ёки сеvimли ўйинчоқларининг расмини чизиш. Нарсанинг ўзига қараб расминини чизиб кузатувчанликни оширади. Маҳорат ўз-ўзидан ҳосил бўлиб қомайди, қондаси билан, яъни чизилаётган нарса намунасининг ўлчамлари, кўриниши ва рангини ўхшатиб чизиш билан пайдо бўлади. Аввало, боланинг кўлига ойна беринг-да, унга қараб ўзининг расмини чизишни тавсия қилинг. Буни ўзингиз амалда кўрсатсангиз жуда яхши бўлар эди. Кейин бола нимани чизиш кераклигини ўзи танаб олади. Бу сеvimли кўғирчоқми, айиқчами, машинами бўлиши мумкин. Чизилаётган нарса билан унинг расмини солиштиришда болани сабр-тоқат билан узоқ муддат кузатишга ўргатиш муҳимдир. Яна бир гап. Агар бола чизилаётган нарсадан нари кетса ва ўзига ёққан ниманидир келтириб кўйса, натижада ҳеч нимага ўхшамайдиган расм пайдо бўлса - аччиқланманг. Аксинча, уни мақтанг: "Сен бутун янги машинанинг расмини чиздинг! Жуда яхши чиқди". Лекин охирида сўраб кўйишни ҳам унутманг: "Сен чизган расмдаги машина ҳамда мана бу машина нимаси билан фарқ қилади?".

Онамнинг расмини чизаман... Машгулот нарсанинг ўзига қараб ёки хотира бўйича расм чизиб (оила аъзолари, қариндошлар, дўстларнинг

расми чизилади) билан давом эттирилса яхши бўлар эди. Қариндошларнинг суратлари ёки уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги суҳбатлар ёрдамчи материал ўрнини босиши мумкин. Масалан, болага отаси ёки онаси шундай дейиши мумкин: "Ҳамро момонг ёки Иброҳим бобонгнинг расмини чизишни хоҳлайсанми? Мен сенга ёрдамлашаман!". Уларнинг расмлари олиниб, томоша қилинади. Суҳбат ўтказилади: "Ҳамро момонг қандай? Сочлари қайси рангда? Кўйлаги қанақа? Табассуми-чи?". Ижодий жараён бошланади. Сўнгра хотира бўйича дугоналарнинг расмини чизиш тавсия этилади. "Кимнинг расмини чизишни хоҳлайсан - Дилбарникиними ё Зарифаникиними?", - деб сўрайди Нилуфардан онаси. Нилуфар Зарифани танабди (чунки у чиройли). Биргаликда Зарифанинг ташқи кўринишини эслайдилар: унинг узун сочлари майда ўрилган, кўзлари қора, бошида дўшиси бор. Расм чиройли чиқиши учун шуларнинг ўзиёқ етарлидир. Қариндошлар ва дўстларнинг мана шунга ўхшаш 5-6 та расми тайёр бўлгач, "Менинг яқин қариндошларим ва дўстларим" деган кичик кўргазма ташкил этишни маслаҳат берамиз. Бу фарзандингизнинг энг биринчи портретлари сифатида ёда қолади.

Нуқтали расм. Болаларга омадлагидан бошқачароқ бўлган ҳамма нарса ёқади. Вақти-вақти билан болаларни нарсаларнинг расмларини жўн бўлмаган усулда чизишга ундашиптизми таклиф қиламиз. Нуқталар билан расм чизиш шундай усулга киради. Бунда оқ қоғоз, қалам ва флоамас-тердан фойдаланиш мумкин:



Уй

Сариқ қоңгуллар
Нуктали расм чизишда бۆёқдан фойдаланилса, натижа жуда яхши бўлиши мумкин. Бундай қилинади: доридан тозаланган гугурт чўлининг учига озроқ пахта ўраладаи ва куюк бۆёққа ботирилади. Бундан буёғи қалам билан ишлангандагидек бўлади. Асосийси, болани шу заҳоти қизиқтира олишда. Сиз учига пахта ўралган гугурт чўлини кўрсатиб: "Истайсанми, бугун сенга қизиқарли бир нима кўрсатаман?". Табиийки, таклифингиз рад этилмайди. Кейин бола билан нималарнинг нуктали расмини чизиш яхши эканлигини келишиб олиш мўҳимдир.

Паралон расмлар. Негадир ҳаммамиз агар бۆёқда расм чизадиган бўлсак, албатта, муйқаламдан фойдаланиш керак деган фикрга мойилмиз. Гоҳо истисно ҳам қилиб туриш керак, дейишди ИМЕНчилар. Бунда бизга паралон ёрдамга келади. Ундан ҳар хил кичик геометрик шакллار ясашни маслаҳат берамиз. Сўнг уларни чўп ёки очилмаган қаламга ингичка сим билан маҳкамлаш керак. Иш куроли тайёр. Энди уни бۆёққа ботириб, штамп методи билан қизил учбурчаклар, сариқ кружжалар, яшил квадратларнинг расмини чизиш мумкин (паралон пахтага нисбатан яхши ювилади). Дастлаб болалар шаклларни аралаш-қуралаш қилиб чизадилар. Сўнг уларга аввал бир хил, сўнг икки хил, кейин уч хил шакллardan фойдаланиб, содда нақшлар чизишни тав-

сия этинг. Бола дидини тарбиялашда наққошликнинг тутган ўрнига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Бутина эмас. Наққошлик боланинг фазага (маконга) оид белгиларни аниқлашига катта ёрдам беради. Болаларга манзарали (декоратив) расм чизиш ҳақидаги топшириқлар кўпинча қийин туюлади. Натижада тасвирий санъатнинг бу турига бўлган қизиқиш сўнади. Шунда болага паралон ёрдамда ясалган тайёр шакллар ёрдамга келади.

Топишмоқ расмлар. Яна бир қизиқарли усул. Улар фақат болангиз сиз билан биргаликда завқланиши учунгина керак эмас (оталар кўпинча қизиқарли нимадир ўйлаб топадилар). Кутилмаган топшириқлар боланинг тасвирий санъатга қизиқишини қўллаб-қувватлаш учун ҳам керакдир. Топишмоқ расмлар куйидагича бўлиши мумкин. Тахминан 20x20 см ўлчамли картон олинади. Сўнг тенг иккига буқланади. Кейин узунлиги 30 см ча келадиган ип олинади, охиридаги 8-10 см келадиган қисми куюк бۆёққа ботириб олинади ва картонга қистирилади. Картоннинг ичидаги ип юргизилади, сўнг тортиб олинади-да, буқланган картон очиб юборилади. Ҳосил бўлган тартибсиз шакллар болалар ва катталар томонидан биргаликда кўздан кечирилади, муҳокама қилинади ва сайқалланади. Ҳосил бўлган тасвирга бирон-бир ном бериш жуда фойдалидир. Бу мураккаб, ақлан амалга оширилган иш тасвирий фаолият билан биргаликда бола онгини тараққий эттиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бўр билан расм чизиш. Болалар ҳар хилликни яхши кўрадилар. Бу фақатгина тасвир воситаларини (муйқалам, фломастер, қалам...) эмас, обрзли қилиб айтадиган бўлсак, "иш жойи"ни танлашда ҳам кўринади. Одатда, болалар бирон-бир бинода расм чизиш билан (уйда, боғчада, мактабда) шуғулланадилар. Уларни кенгликка, атрофи-

мизни ўраб турган оламга яқинроққа олиб чиқсақ, қандай ажойиб иш бўлур эди. Бунда одатдаги бўр, кўмир(сангина) бўлакларидан фойдаланилади. Силлиқ асфальт, чинни, керамик плитка, тошлар-га бўр ва кўмир билан расм чизилади. Кўплаб сюжетларни тасвирлаш учун энг қулайи — асфальтдир.

Уларни (агар ёмғир ёғмаса) эртасига ҳам давом эттириш мумкин. Сўнг расмларга қараб эртаклар тўкилади. Керамик пластинкаларга эса (уларни омборхоналарнинг бурчакларидан истатган пайтда топиш мумкин) кўмир ё бўр билан тул солиш, кичкина нарсаларнинг расмини чизишни тавсия этамиз. Катта тошлар (юмалоқ, силмиқ) ҳайвоннинг боши ёки тўнкача шаклида безак берилишини талаб қилади. Безак шундай берилиши керакки, бир қарагандаёқ тош кимнидир ё ниманидир эслатсин.

Сеҳрли расм чизиш. Тажрибамиздан келиб чиқиб шуни таъкидлаймизки, бу усулни болалар ҳам, катталар ҳам севишади. Шам учи билан оқ қоғозга тасвир (арча, уйча, қандайдир манзара бўлиши ҳам мумкин) чизилади. Кейин мўйқалам, яхшиси пахта ёки паралон билан чизилган расмлар бўялади. Қоғозда расм кўринар экан, у болаларга йўқ жойдан пайдо бўлаётганга ўхшаб туюлади. Шамнинг ўрнига елим яшил ёки хўжалик совунидан фойдаланиб ҳам шундай натижага эришиш мумкин. Бунда расмга қандай фон бериш муҳим аҳамиятга эга эмас. Мисол учун шам билан чизилган(қородам)ни мовий рангга, қайиқчани эса яшилга бўяса бўлади. Чизаётганинда шам ёки совун увалана бошласа, ташвишланманг. Бу уларнинг сифатига борлиқ.

Нусха кўчириш қоғоздан фойдаланиб расм чизиш. Бундай қоғоздан фойдаланиш боладан тасвирни кўрмасдан, тусмолаб расм чизишга талаб этади. Бу усулнинг қўлларнинг нафис ҳаракати

тарбиясидаги аҳамияти катта. Нусха кўчириш қоғозининг ялтироқ томони пастга қаратиб (ёзув машинкасидаги каби) қўйилади. Сўнг болага тирноқнинг учи ёки бирор нарсанинг учи билан бирор нарсанинг расмини чизиш мумкинлиги кўрсатилади. Қулай бўлиши учун оқ қоғоз ва нусха кўчириш қоғози бир-бирига қистиргич (скрепка) билан қистириб қўйилади ёки чап қўл билан ушлаб турса ҳам бўлади. Тирноқ ёки чўшни қаттиқ богириш тавсия этилмайди, уларни нусха кўчириш қоғози юзида майин юргизиш керак. Тасвирланаётган чизиқнинг ранги нусха кўчириш қоғозининг ранги билан бир хил бўлиши болаларга маъқул тушади. Ҳосил қилинган шаклни чизиб тугатиш, сайқаллаш, бировларга совға қилиш ҳам болаларга ёқади.

Майда тошлар билан расм солиш. Маълумки, бола кўпинча текисликка, қоғозга, баъзан асфальтга ясси тошларда расм солади. Боланинг улкан хаёлотли маҳсули бўлиши текисликдаги уйлар, дарахтлар, машиналар, ҳайвонлар сурати кўпда ҳам қоғозга сивавермайди. Бундай ҳолда ясси, думалоқ, овал шакллардаги тошчаларидан фойдаланилади. Тош нақшнинг ўзиёқ болага қандай образ яратиш кераклиги тўғрисида йўналиш беради (баъзан катталар ҳам ёрдам беришлари мумкин).

Битта тошга расм солиб, уни қурбақа шаклига келтириш мумкин. Иккинчисидан кўнғиз, учинчисидан ажойиб кўзиқорин чиқади. Тошчаларга ёрқин бўёқ берилади ва образ тайёр. Буни қуйидагича яқунлаш ҳам мумкин: бўёғи қуригач, тош рангсиз лак билан лакланади. Бола қўли билан ясалган қурбақа ёки кўнғизчанинг ярқираб туришини кўринг. Болалар ўргасидаги ўзаро ўйинларда бу ўйинчоқнинг қўлама-қўл бўлиши ва эгасига қанча обрў олиб келишини тасаввур қилинг.

Бармоқ билан расм чизиш усули. Мана ат-

нинг яна бир усули: билан, товонлар билан. Бу таъминоти билвермайди. Ҳазил-уртасида четара бор-биз фақатгина мўйқасм чизишимиз керак моқларми — бизнинг устига ўнг қўлининг тиш болага қалам иш-Қалам синган бўлса, бўлса, фломастернинг м чизишимиз келмаётган ? Яна бир сабаб ҳам бола кафти ёки барилди. Мисол учун да-а бола бошқа восита-фойдаланиб, яхши на-армоғи билан у дарах-свирайди, кейин (агар ормонига сариқ, яшил-и ва аргувон дарахти-аларни фақат курсат-а бармоқларни бирдай мақсада мувофиқдир. Кўп вақтини қалам ва н бўлса, сизнинг бар-м чизиш ҳақидаги так-бу қиламайди. Эсимда, аҳлиё менга деган эди: и керак экан, истамай-ада у анъанавийликка ан ташқари, ҳамма ҳам хоҳламайди. Сизу биз-ни бармоқ билан расм-тиришдир, қайси усул-инга ҳавола.

УСУЛИ. Бу усул асосан

қизлар учундир. Лекин бундан ўғил болалар фойдаланиши мумкин эмас, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Бу усул қуйидагича амалга оширилади. Аввало, картондан ўлчами 25x25 см бўлган экран ҳосил қилинади. Картонга силлиқ қоғоз ёки бир хил рангли мато ёпиштирилади. Экран учун турли рангдаги ишлари бўлган қутичалар тайёрланса нур устига аъло нур. Нима ҳақида гап келтаётганини топадинизми? Ҳа, бу усулнинг асосида қуйидаги хусусият ётибди. Жун ёки ипдан қилинган енгил мато, таркибида маълуум фоиз жун бўлиши мумкин ёхуд силлиқ қоғозга ип тортиб борланади. Фақат уни кўрсаткич бармоқ билан енгил ҳаракат қилиб маҳкамлаш керак. Бундай ишлардан қизиқ сюжетлар тайёрласа бўлади. Боланинг тасаввур қобилияти кучайиб, ҳис қилиш туйғуси ортади. Айниқса, қизлар рангларни моҳирлик билан йиғишни ўрганадилар. Тиниқ очик ранг матога бир хил рангли ип тўғри келса, орасига умуман бошқача. Аёллар хунари оламига, улар учун зарур бўлган қўл ишлари моҳирлигига йўл шундай қадамба-қадам бошланади.

Монотопия усули. Кам қўлланиладиган усул ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Негаки, у бағрида болаларни қизиқтирадиган кўплаб сирларни яшириб туради. Қисқача айтганда бу — целлофанга тасвирланиб, кейин қоғозга кўчириладиган тасвир тури. Қизиқ эмасми? Силлиқ целлофанга бўёқ билан мўйқалам ёрдамида, чўшга пахта ўраб ёки бармоқ билан чиза бошлаймиз. Бўёқ куюқ ва ёрқин бўлиши керак. Бўёқ қуримасдан бирданига целлофанни пастга, пишпик қоғозга худди сувга боғиргандек ағдариб босамиз. Уни кўтариб олганимизда иккита расм ҳосил бўлади. Баъзан тасвир целлофанда, баъзан қоғозда қолади. расмнинг бирини буви, дутона ёки кўшнига совға қилиш мумкин.

Ҳўл қоғозга чизиш. Шу пайтгача бўёқ етар-

лигича сувга тўйинган, фақатгина қуруқ қозога чизиш мумкин, деб ҳисобладик. Аммо кўплаб шундай сюжет, образ ва нарсалар борки, уларни фақатгина хўл қозога ифодалаш мумкин. Бола, масалан, "Шаҳарда туман", "Туш кўрадим", "Ёмбир ёяшти", "Тунги шаҳар", "Парда ортида гулар" мавзу расм чизишни хоҳлаб қолса, бунинг учун аниқлик касб этмаган мавзулилик лозим бўлади. Болани қозончи озроқ намланишига ўргатишимиз керак. Агар қозо ҳаддан ташқари хўл бўлиб кетса — сураг умуман чиқмай қолиши мумкин. Шу сабабли тоза сувга пахта бўлагини ботириб, уни қозо варағи юзасига бутунлай ёки керакми қисмига сиқини тавсия қиламиз. Шунда қозо мавҳум нарсаларни тасвирлашга мос бўлади.

Матоларда тасвирлаш. Албатта, кўпгина қизчалар мато қирқимлари билан ўйнашни яхши кўрадилар. Матони "тозалайдилар", улардан кўнрақ ясайдилар, текислайдилар ва хоказо. Матолар — тасвир учун ажойиб ашёлардир. Демак, ҳар хил турдаги расмлар учун мато қийим парчаларини қолчага йиғамиз. Чит ёки зарбоф бўлиши мумкин. Қизларга матоларда расм тасвирини ёки улардан тасвир ҳосил қилишни ёрқин, ҳам аниқ қилиб кўрсатиб бериш керак. Бир қанча мисомларни омайлик. Мисол учун, бир матода гулар тасвирланган. Уларни тегишли суратда қирқиб оламиз, кластр ёки бошқа яхши елим билан ёпиштириб, стол ёки ваза тасвирини ясаймиз. Катта ҳажмли рангдор тасвир ҳосил бўлади. Уйча ёки ҳайвон танаси, чиройли соябон ёхуд кўтирчоқ учун шапка, сумкача яшаш мумкин бўлган матолар ҳам бўлади.

Қозо ёки чарм қирқимларидан нарса яшаш. Болалар нималарнидир қирқиб ва ёпиштириб, турли қирқимлардан шакал ясаб расм жараёнидан завқ олиб, шуғулланишни яхши кўрадилар.

Уларга ҳамма шароитни яратиб бериш керак. Бир хил, текис нарсаларни тасвирлаш билан бирга болаларни маълум ҳажмли нарсани тасвирлашга ўргатиш керак. Бу усул болаларда теварак оламни аниқ акс эттириш кўникмасини ҳосил қилишга ёрдам беради. Бундай тасвирни ҳосил қилиш учун болалар қозоқ қийимларидан қилинган тасвирли-рангли қозончи эзгилаб, сўнгра тўғирлаб керакли шаклни қирқиб олишлари лозим. Сўнг озгина елимлаш, баъзи кўринишларини қалам ёки фломастер билан бўяш ёки чизиш керак. Мисол учун, болалар жуда яхши кўрадиган тошбақа тасвирини ясаб кўринг. Жигарранг қозончи олиб, тухумсимон шакал қилиб қирқиб олинг ва ёпиштиринг, сўнгра калла ва оёқларини чизинг.

Откриткалар ёрдамида чизамиз. Деярли ҳар бир уйда откриткалар сақланади. Болалар билан биргаликда эски откриткаларни олиб, керакли образли жойларини қирқиб, қозога ёпиштириб, сюжет яшашни ўргатинг. Нарсаларнинг ёрқин, табиий тасвири ҳатто энг оддий суратта ҳам "жон киргизиш", бадийий бўенини ошириб юборади. Уч, тўрт ва ҳатто беш ёшга ит ёки кўнғиз расмини чизиши мумкинми? Йўқ. Аммо ит ва кўнғиз ёнига у қуёш, ёмғир расмини давом эттиради, зўр хурсандчилик билан чизади ёки бола билан бирга откриткалардан эртақдаги фаройиб кампир уйчаси тасвирини қирқиб ёпиштириб кўрсатсак, бола, албатта, ўз тасаввурини ишга солиб, билган эртақ ва тасвир малакасига таянган ҳолда, шубҳасиз унга яна ниманидир қўшиб тасвирлайди.

Бир хил тус (фон) бериши ўрганамиз. Болалар ҳар доим оқ қозога чизадилар. Шунда расм кўринади, тезроқ бўлади. Аммо баъзи сюжетли расмлар бир хил тус (ранг) беришни талаб қиладди. Ва айтиш мумкинки, аввалдан қилинган бир хил тус (ранг) беришда болалар расмлари яхшироқ кўзга ташланади. Шунинг учун уларни бир

лигича сувга тўйинган, фақатгина қуруқ қоғозга чизиш мумкин, деб ҳисобладик. Аммо кўплаб шундай сюжет, образ ва нарсалар борки, уларни фақатгина хўл қоғозда ифодалаш мумкин. Бола, масалан, "Шаҳарда туман", "Туш кўрдим", "Ёмғир ёяпти", "Тунги шаҳар", "Парда ортида гулар" мавзу рasm чизишни хоҳлаб қолса, бунинг учун аниқлик касб этмаган мавзуллилик лозим бўлади. Болани қоғозни озроқ намланишига ўргатишимиз керак. Агар қоғоз хаддан ташқари хўл бўлиб кетса — сурат умуман чиқмай қолиши мумкин. Шу сабабли тоза сувга пахта бўлагини ботириб, уни қоғоз варағи юзасига бутунлай ёки керакли қисмига сиқини тавсия қиламиз. Шунда қоғоз мавҳум нарсаларни тасвирлашга мос бўлади.

Матоларда тасвирлаш. Албатта, кўпгина қизчалар мато қирқимлари билан ўйнашни яхши кўрадилар. Матони "тозалайдилар", улардан кўғирчоқ ясайдилар, текислайдилар ва ҳоказо. Матолар — тасвир учун ажойиб ашёлардир. Демак, ҳар хил турдаги расмлар учун мато қийқим парчаларини қолчага йиғамиз. Чит ёки зарбоф бўлиши мумкин. Қизларга матоларда рasm тасвирини ёки улардан тасвир ҳосил қилишни ёрқин, ҳам аниқ қилиб кўрсатиб бериш керак. Бир қанча мисолларни олайлик. Мисол учун, бир матода гулар тасвирланган. Уларни тегишли суратда қирқиб оламиз, клестр ёки бошқа яхши елим билан ёпиштириб, стол ёки ваза тасвирини ясаймиз. Катта ҳажмли рангдор тасвир ҳосил бўлади. Уйча ёки ҳайвон танаси, чиройли соябон ёҳуд кўғирчоқ учун шашка, сумкача ясаш мумкин бўлган матолар ҳам бўлади.

Қоғоз ёки чарм қирқимларидан нарса ясаш. Болалар нималарнидир қирқиб ва ёпиштириб, турли қирқимлардан шакл ясаб рasm жараёнидан завқ олиб, шуғулланишни яхши кўрадилар.

Уларга ҳамма шароитни яратиб бериш керак. Бир хил, текис нарсаларни тасвирлаш билан бирга болаларни маълум ҳажмли нарсани тасвирлашга ўргатиш керак: Бу усул болаларда теварак оламни аниқ акс эттириш кўникмасини ҳосил қилишга ёрдам беради. Бундай тасвирни ҳосил қилиш учун болалар қоғоз қийқимларидан қилинган тасвирли-рангли қоғозни эзгилаб, сўнгра тўғирлаб кели ракли шаклни қирқиб олишлари лозим. Сўнг озгина елимлаш, баъзи кўринишларини қалам ёки фломастер билан бўяш ёки чизиш керак. Мисол учун, болалар жуда яхши кўрадиган тошбақа тасвирини ясаб кўринг. Жигарранг қоғозни олиб, тухумсимон шакл қилиб қирқиб олинг ва ёпиштиринг, сўнгра калла ва оёқларини чизинг.

Откриткалар ёрдамида чизамиз. Деярли ҳар бир уйда откриткалар сақланади. Болалар билан биргаликда эски откриткаларни олиб, керакли образли жойларини қирқиб, қоғозга ёпиштириб, сюжет ясашни ўргатинг. Нарсаларнинг ёрқин, табиий тасвири ҳатто энг оддий суратта ҳам "жон киргизиб", бадний бўёгини ошириб юборади. Уч, тўрт ва ҳатто беш ёшли бола ит ёки кўнғиз расмини чизиши мумкинми? Йўқ. Аммо ит ва кўнғиз ёнига у қуёш, ёмғир расмини давом эттиради, зўр хурсандчилик билан чизади ёки бола билан биротта откриткалардан эртақдаги таройиб кампир уйчаси тасвирини қирқиб ёпиштириб кўрсатсак, бола, албатта, ўз тасаввурини ишга солиб, билган эртақ ва тасвир малакасига таянган ҳолда, шубҳасиз унга яна ниманидир қўшиб тасвирлайди.

Бир хил тус (фон) беришни ўрганамиз. Болалар ҳар доим оқ қоғозга чизадилар. Шунда рasm кўринади, тезроқ бўлади. Аммо баъзи сюжетли расмлар бир хил тус (ранг) беришни талаб қилади. Ва айтиш мумкинки, аввалдан қилинган бир хил тус (ранг) беришда болалар расмлари яхшироқ кўзга ташланади. Шунинг учун уларни бир

хил тус беришга ўргатамиз. Улар бунни мустақил амалга оширсалар яхши бўлади. Баъзан бир хил тус бериш зарур бўлади, баъзан эса оқ қоғозга тасвирлаш мумкин. Кўшина болалар оддий, кичкина мўйқалам билан, фон берадилар. Узоқ вақт ҳаракат қилса ҳам эгри-бугри чиқади. Болалар бундан тоқати тоқ бўлиб, асабийлашадилар. Ваҳоланки, бунинг осон ва ишончли йўли бор: Бир хил тусни бўёқ ва сув билан наманган пахта ёки паралон билан ҳосил қилса бўлади.

Коллаж. Тушунчанинг ўзи бу усул ҳақидаги қуйидаги фикрни ифодамайди: Унда илгаридан чизилган бир неча расм жамланади. Мақсадимизни амалга оширишда бизга қуйидагилар муҳим бўлади: боланинг тасвирий санъат усуларини ўрганишдан кўра, балгаларни унутмаслиги, кези келганда улардан ўринли фойдалана олиши мумкин дир. Мисол учун, 5-6 яшар бола ёз манзарасини тасвирламоқчи бўлди, дейлик. Бунинг учун гулларни нуқтали расм чизиш усулидан фойдаланиб чизади. Қуёшни бармоғи билан чизади, мева ва сабзавотларни откриткалардан қирқиб ёпиштиради. Матолардан фойдаланиб булут ва осмонни тасвирлайди ва ҳоказо. Тасвирий санъатни мукамаллаштириш ва ижоднинг чегараси йўқ. Инглиз педагог тадқиқотчиси Анна Роговин чизиш машқларида кўлимизда нима бўлса: латта, қоғоз салфетка, лойқа сув, шамми, кофе қуюқаси, мева сувларидан фойдаланиб чизишни тавсия қилади. Банка, фалтак ва қутичаларни бўяб машқ қилиш ҳам фойдалидир, — дейди Анна Роговин.

Азиз ота-оналар, сизда юқоридаги усуллардан бирини танлаш ва болангизга ўргатиш имконияти бор. Уйингизда болангиз учун ижод бурчагини ташкил қилинг ва у билан машғулот ўтказиш учун ҳамisha вақт топинг.

БОЛАЛАРНИНГ ҚЎЛИНИ ЎРГАТАМИЗ

Муаммо. Шубҳасиз, мактабгача ёшдаги болаларга таълим ва тарбия бериш тизимида уларнинг қўлларини ўргатиш муҳим роль ўйнайди. Бу бугунги куннинг муаммоси бўла оладими? Ҳа. Биз уйда ҳам, болалар боғчаларида ҳам бунга етарли даражада эътибор қаратмаяпмиз. Болаларни мустақил овқатланиш, кийиниш, расм чизиш ва ниҳоят ёзишга ўргатамиз, аммо, б ёшли бола ёзиш-ни ўрганиш жараёнида кўп қийинчиликларни бошидан ўтказади. Чунки, унинг кичик қўл мускулчалари яхши ривожланмаган бўлади. Яқин ўтган юз йилликда ота-оналар қўл билан махсус шуғуланиш кераклигини яхши тушунганлар.

Муаммонинг ечими: Узоқ йиллар тажрибасизига оилада болалар билан тахтача-пайраҳалардан қандай қилиб турли сюжет ва нарса шакллари ясалганидан дарак беради. Болаларга хавфсизлиги таъминланган, кенг тарқалган одатдаги гугурт чўпларидан фойдаланишни тавсия қиламиз. Уйин ва топшириқлар қуйидагича бўлиши мумкин:

Гугурт чўплари билан уйинлар зарарли эмасми?

Ҳар бир ўйновчи олдада 15 тадан гугурт чўпи тартибсиз ётади. Чўпларни зулмик билан 30 см ораликқа шундай тахлаш керакки, уларнинг бошчалари бир томонда бўлсин. Чўпларни жойлаштиришда столни қимирлатмай ҳаракат қилиш керак.

Уйинни бажариш шартлари:

- а) иккала кўл бармоқларидан фойдаланиб;
- б) чап кўлнинг исталган бармоғи билан;
- в) фақат икки бармоқ — бош бармоқ ва жимжилоқдан фойдаланиб;
- г) фақат кўрсаткич ва ўрта бармоқлар билан;
- д) фақат ўрта ва номсиз бармоқ билан;
- е) фақат номсиз бармоқ ва жимжилоқ билан;
- ж) иккала кўл жимжилоқлари билан 10 тадан чўпни тўғри ёйиб кўйиш;
- з) номсиз бармоқ ва жимжилоқ билан 4 та учбурчак тузиш;
- и) ўрта бармоқ ва жимжилоқ билан 3 та тўртбурчак тузиш;
- к) кўрсаткич ва номсиз бармоқ билан 16 та чўлдан «кудукча» яшаш.

Ўйиндан сўнг болалардан: «Қайси бармоқ яхшироқ ҳаракат қилди, қайсиниси сушт?», деб сўраш керак.

Эҳтиёт бўлиб ол!

Ўйинда 5 тагача одам қатнашади. 15 та тугурт чўп олинг. 1 чўпга қалам ёки сиёҳ билан 5 та кўндаланг чизик, 2 тасига 4 та, 3 тасига 3 та, 4 тасига иккита, 5 тасига 1 тадан кўндалангига йўл-йўл чизик тортинг. Бошқарувчи барча чўпларни кўлига жамлаб олиб, 10 см баландаликдан пастга сочиб юборади. Сочганда шундай бўлиши керакки, тугурт чўплари стол устига уюм бўлиб тузсин. (Ўйин давомида ҳамма чўплар йиғиб олингандан сўнг яна худди шундай усулда сочиб, давом эттирилади).

Ўйин бошланади: ҳар ким навбати билан уюмдан биттадан чўп олади. Чўпни эҳтиёт билан, бошқа чўпларни қимирлатмасдан олиш керак. Акс ҳолда навбатни ўтказиб юборишга тўғри келади. Олинган чўлдаги кўндаланг чизилган ҳар бир чизик ўйновчига бир очко келтиради. Чўпларни

фақатгина асосий икки бармоқ билан олиш мумкин (жимжилоқ ва номсиз бармоқ, жимжилоқ ва ўрта бармоқ ёки кўрсаткич ва номсиз бармоқ билан ва ҳоказо). Топшириқни қийинроқ шарт билан бажариш ҳам мумкин. Масалан, кўзни юмган ҳолда. Бу жуда қийин ва кулгуга сабаб бўлади.

Оддий қоғоз ҳам кўллари ўргатишга ёрдам беради. Эски газета, ёзилган дафтар varaқлари ёки яхшиси оқ ва ёзув қоғозидан фойдаланса бўлади. Фақатгина «Кел, сенинг кўлиниг ўргатамиз», деб очиқча насиҳатомуз айтмаслик керак. Қоғозни кўлга олиб, у билан турли мураккаб ҳаракатларни бажариш яхши фойда беради. Ҳаракатларини тизни кўрган бола, албатта, бунга қизиқиб қолади.

Қоғоз билан ўйинлар

Ҳар бир ўйновчида рижимланган қоғоз varaқ бўлади (қоғоз титилиб кетгач, алмаштирилади).

1. Иккала кўлдан ҳам фойдаланиб, қоғозни хурпайтирмасдан, четларида қайрилган жойларини қолдирмасдан текислаш керак.
2. Худди шунга бир кўл билан бажариш.
3. Худди шунга иккала бош бармоқ, кейин кўрсаткич, ундан сўнг ўрта бармоқлар билан бажариш.
4. Фақат икки жимжилоқ билан бажариш.
5. Varaқни муштлар билан текислаш.
6. Varaқни бир кўлнинг бош кўрсаткич бармоқлари билан текислаш.
7. Varaқни бир кўлнинг кўрсаткич ва ўрта бармоқлари билан текислаш.
8. Varaқни бир кўлнинг ўрта ва номсиз бармоқлари билан текислаш.
9. Varaқни бир кўлнинг номсиз бармоқ ва жимжилоғи билан текислаш.
10. Varaқни бир кўлнинг қайсибир бир бармоғи билан текислаш.

11. Ҳамма машқларни кўзни юмиб такрорлаш. Ва ниҳоят, одаддаги ёки акварел ёҳуа гуаш билан аралаштирилган сув қўлларни ўргатиш учун яхши ашё вазифасини ўтайди.

Сувли стакан билан ўйинлар

Бир қанча бир хил стаканни олиб, узоқдан кўринадиган даражада акварель ёки кўк бўёқ аралаштирилган сув билан тўлдирамиз. Ўйин маълум бир жойда ўтказилади.

1. Стаканнинг бирини иккинчисидан 20-30 см пастга кўйиб, 2-4 марта сув қўйиш.
2. Чой қошиги билан стаканнинг биридан иккинчисига, сўнгра тўла бўлмаса-да, банкадан бошқа банкага ким тезроқ сув қуяди.
3. Бир оёқда сакраб сув тўла стаканни 10 м масофага олиб бориш.
4. Болалар қўлларини бир-бирига узатган ҳолда икки қатор бўлиб турадилар. Сув тўла стакан қатор бўйлаб ўтказилади. Камроқ сув тўккан ҳолда стаканни тезроқ ўтказган қатор ёлиб бўлади.

Энди болалар томонидан ўйланган, ҳаракат мувофиқлиги ва элчиликни ривожлантирувчи ўйинларни тавсия қиламиз:

1. Икки бармоқ билан тутун бовлаш.
2. Икки бармоқ билан гугурт чўпини сиңдириш.
3. Қўзни юмган ҳолда гугурт чўплари билан қандайдир сўз тузиб ёзиш.
4. Белгиланган вақтда маълум масофада бурилишлар билан сакрамасдан бир оёқда ҳаракатланиш.
5. Девордан ярим метр узоқ масофада, кўлни кўтарганда етишишга 10-15 см қоладиган қилиб тўрда тўп илиб қўйилади. Ўйновчи иланган тўпдан 5 метр нарида кўзи юмилган ҳолда туради; юриб

келиб деворга тегинмасдан тўпни ушлаши керак. Албатта, буни бирдангина бажариш қийин. Дас-тавал очик кўз билан машқ қилиб, сўнгра кўзни юмган ҳолда бажарса бўлади.

6. Ерга 50-60 см диаметра айлана чизилади. Бош узра кўтарилган қўлга қараб айлана ичида чизиқни босмасдан жойида айланиш.

7. Кўзни юмган ҳолда саккиз шаклида ҳаракатланиш.


Махсус кўлни ўргатишга йўналтирилган яна бир қанча ўйин ва тарбиявий аҳамиятга молик машқлар мажмуи мавжуд. Худди шунга молик «Игча» сурат-лавҳасини уйда тайёрланишни маслаҳат берамиз. У шундай ясалади: 40x40 см ҳажмдаги ёғоч тиргакка кичкина миҳчалар 2 см оралиқда қоқиб чиқилади. Ип ёки чизимча ёрдамида болалар унда турли нақш-безак, нарса ва ҳатто лавҳалар тасвирлайдилар.

Навбатдаги ўйин «Борлаймиз-ечамиз» деб номланади. Бу шундайки, биров тутун боғлайди, бошқаси эса шу заҳоти уни ечади. Қум соатга қараб ўйновчилардан ким кўлини чаққонроқ ишлатганини қайд этиб бориш фойдали. Шунингдек, «Топагон қўлқопча», «Топагон таёқча» каби кўнгли-лочар ўйинлар ҳам кичкина қўлларни ривожлантиришда қўл келиши мумкин. Болалар қўлқопча кийиб олиб ёки таёқча (очилмаган қалам) ёрдамида кўзларини юмган ҳолда кўрсатилган нарса ёки ўйинчоқларнинг нималигини топишни ўргатадилар.

«Кўғирчоқни чап қўл билан кийинтирамиз», «Ўйинчоқни фақат чап қўл билан оламиз» каби шунга ўхшаш бошқа ҳазил ўйинлар ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Мана, стол, қороз ва ручка ёрдамида яна бир ўйин:

Тир

Бу ўйин ҳаракат аниқлигини ривожлантиради. Қоғоз варағига милтиқ ва нишон тасвирини чизинг. Нишонларни варақнинг четларига ва милтиқдан турлича масофа узокликка жойлаштириш мумкин. Уларнинг ўлчами ҳам ҳар хил — катта ёки кичик бўлақолсин. Болаларга ўқ йўли тасвири — қалам чизиги тўғри бўлиши кераклигини, нишонга яқин, яхшиси, ўртасига йўналтирилишини тушунтиринг.




Болага «отиб кўришни» таклиф қилинг. Нишонга тўғри уришингизни тилаймиз.

Дарё бўйлаб пастга

Бу ўйин боланинг кўлини ёзишга тайёрлайди. Бир-бирига яқин масофадаги тўлқинли чизиқлар тасвирини чизинг. Бу бола кemasини урмасдан олиб ўтиши лозим бўлган дарё қирғоғи бўлади. Буни тасвирланган дарё қайрилишлари, чизилган йўналишдан чиқмасдан, қаламни қоғоздан узмаслик керак. Агар бу ўйинни бола билан илгари ўйнаган бўлсангиз, чизиқ ораларини янада қисқароқ ва тўлқинлироқ қилиб, мураккаблаштиришингиз мумкин.

Дарё расмларига мисоллар:




Кескин бурилишлар


Ҳаракат аниқлигини кучайтирувчи ўйин.

Бу бола кўлининг ёзишни тўлиқ ўзлаштириши йўлдаги биринчи қадам бўлади. Ўйин бир чеккасида машина, яна бир чеккасида уй жоойлашган турли шаклдаги йўл тасвирини чизишдан бошланади.

Масалан, мана бундай:



Кейин болага: «Сен ҳайдовчисан, машинангни уйга олиб боришинг керак. Юрадиган йўлинг оқдй йўл эмас, шу сабабли диққатни жамлаб, эҳтиётлик билан ҳаракат қил», - дейсиз. Бола қалам билан, қўлини узмасдан сиз чизган эгри-бугри йўлдан «юриши» керак. Оқдйроқ, «кескин бўлмаган» йўлдан бошлаган маъқул. Болаларга қаламни қоғоздан узмаслик ва йўлдан четга чиқиб кетмаслик лозимлигини эслатиб туринг. Кейнроқ, бола бу йўлни тўлиқ ўзлаштиргандан сўнг йўлни торайтириш ёки эгри-бугриликни қучайтириш мумкин. Масалан, мана бундай:



Бола фойдаланиши учун оқдй қалам, ручка, бўр, гугурт чўп, чўп фломастер ва бошқа нарсалар бўлиши керак. Турлича бўёқлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Бўшдан ташқари, ақлий ривожлантиришга йўналтирилган топилмоқлардан фойдаланиш ҳам яхши (солиштириш, топиш, ҳисоблаш...).

Ҳар бир халқда ўзига хос махсус бармоқ йўнлари бўлади. Бунда, катталар қўли ёрдамида болалар ажойиб шакл-қўринишларни намойиш этадилар.

Тасвирни чиқариш учун қўл олдида маълум бир ёруғлик манбаи бўлиши керак. Ёруғлик ман-

байдан қўлни узокдаштириб ёки унга яқинлаштириб турлича тасвирларни сояда чиқариш мумкин. Қўл машқлари ёрдамида малакага эга бўлиб бориш янада ёрқинроқ тасвир ҳосил қилиб боришни таъминлайди. Соя ёруғ, текис юзага туриши керак, бундай юза вазифасини хона девори ўташи мумкин.

Бундай топишмоқларни фақат қўл эмас, бутун тана ҳаракатини талаб қилувчи ўйинлар билан алмаштириш мумкин:

Кўзин юмиб ҳам биламан

1. Бошловчи 3-5га кагта ва 1-2 та кичкина пол, стол, жавонда турган ёки деворда осилган нарсани белгилайди. Бу шундай бўлиши керакки, ўйновчи бошқа ҳеч нимани ушламасдан, танаси ҳам бирон нарсага тегмасдан, қўлини эркин чўзиб бориши керак.

Ўйинчилардан бири кўзини юмиб, бошловчи айтган нарсага боради ва уни қўли билан уради. Бу унга уч очко келтиради, бироқ, агар танасининг бирон-бир қисми бошқа бир нарсага тегиб кетса, ундан бир очко олиб ташланади. Ҳисобни яхши бошлаб, бирданига кўпроқ очко йигиб олиш учун барчага дастлаб осонроқ 2-3 топширик берилади. Фолиб тўпланган очколар сони бўйича аниқланади.

2. Газета варағи устига хар хил шакл ва ҳажмдаги 3-5 та нарса қўйилиб, рангли қалам ташқи кўрилиши - контури чизиб олинади (бостириб чизиб олиш). Шундан сўнг ўйновчилар навбатма-навбат кўзларини юмган ҳолда нарсаларни мос равишда чизилган шакллар устига жойлаштириб қўядилар. Агар бирон-бир нарса жойига тўғри қўйилса - 5 очко, мабодо белгиланган жой ҳулу-

дига нарсанинг маълум қисмигина тушса - бир очко берилади.

Аниқ қилиб белгила

Ҳамма ўйновчилар оддий қалам билан квадрат, тўғрибурчак, учбурчак ва айлана чизилган қоғоз варағиши оладилар. Ҳар ким вараққа ўз исмини ёзади ва бошловчи айтган шаклга рангли қалам билан белги қўяди.


Шаклнинг кўриниши ва ўлачмига кўзни ўргатиб олиш учун 5-10 секунда вақт юмилиб, белгиланган шаклдаги чизма айлантириб чизилади, сўнгра қалам бирданига олдига қўйилади. Ҳамма кўзини бошловчининг буйруғи билан бир вақтда юмиб, бир вақтда очади. Ҳамма шакллар шундай айлантириб чизилиб, сўнгра барчага кўрсатилади. Бошловчи вазифани ким энг яхши уйдалаганини айтади.

Ўйин олдидан мустақил равишда кўзни очиб юмган ҳолда чизиб машқ қилиш фойдадан ҳоли эмас.


Тангаларни пайпаслаб тезда аниқла

Стол устида турли қийматга эга тангалар. Ким биринчи бўлиб бошловчи айтган суммадаги пулни кўзи юмуқ ҳолда ажратиб олади? Ким турли тангалардан 10 ва 15 тийин миқдордаги суммаларни тезда алоҳида ажрата олади? Танга йиғиш бугунги кун ҳисоби билан амалга оширилади.

20 йилча аввал Эстонияда Н.Р. Мухелнинг «Боламир» ёзишни ўрганаётгани» деган китоби нашр қилинган эди. Қуйида китобдан алоҳида сурат лавҳалар:



Болалар ва қизлар чекланган яссиликда нақш безакларни чизишни ўрганадилар. Бу болаларнинг кўллари эшига тайёрлабгина қолмай, уларда эстетик (гўзалликни ҳис қилиш) туйғуларни тарбиялашга ҳам ёрдам беради. Агар болаларнинг босма ҳарфлар билан таниш бўлишса, шунга ўхшаша топишмоқлар фойдали бўлади.



Кейинчалик хуснихатни эгалашни маслаҳат берамиз. Ҳозир ривожлантирувчи характердаги турлича хуснихат турлари бор. Фақат болаларни эшига мажбурламаслик керак. Хуснихат усулида ёзишни истамаётгани, унда муқобил усулюқорида баён қилинган ўйинларни ўйнашни таклиф қилинг.

Болалар кўлини ўргатиш нафақат мактабда, балки болангизнинг — мактабга боришини кутмасдан, унга тайёрланиш кераклигидир.

БОЛАЛАРДА ИНСОНИЙЛИК (ОДАМГАРЧИЛИК) ТУЙГУЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ

Муаммо: Узоқ йиллар биз дунё миқёсида кўп соҳаларда улкан ютуқларга эришган каби ўзимизни сипо тутиб келдик, аслида эса кўпгина ишларимиз ҳаддан зиёд мужмал эди - биз алоҳида мутахассислар ҳақида эмас, жамиятдаги умумий аҳвол ҳақида гапираяпмиз. Мисол учун, дунёда эркин ва масъулиятли ота-оналик ҳуқуқи мавжуда. Бутун жаҳон соғалқни сақлаш ташкилоти бунни 1971 йилдаёқ белгилаб қўйган эми. Бу қандай ҳуқуқ? Эркин ва масъулиятли ота-оналик ҳуқуқи ота ва онанинг биологик цикли ва ёшига боғлиқ равишда уларга тор доирадаги интим ҳаётини, яъни онгли равишда исталган фарзанд дунёга келишини, фарзандлар туғилиши даврийлигини фаросат билан тартибга солишни, отадаги болалар сонини, уларнинг туғилиш вақтини белгилаб олишни таъминлайди...

Шундай қилиб, бизнинг болаларимиз исталган фарзандми ёки тасодифан туғилишган? Бизнинг сиз билан бандлигимиз имкониятимиздаги юмуш: ҳеч қачон севиш; ҳеч қачон уларни парварিশлаш; ҳеч қачон болажон тарбияси билан шуғулланиш ҳаёлимизга ҳам келмайди: Бир амаллаб улар оёққа туриб олишса, у ёнига ҳудо пошшо...

Социологлар бераётган маълумотлар хайратланарлидир: шаҳарларда аёллар бола тарбияси учун бир кеча-кундузда 40 дақиқа вақт ажратар

эканлар, баъзи оилаларда эса бу муддат 15 дақиқадан ҳам ошмайди (бола билан фаол жонли мулоқот назарда тутилмоқда). Болалар уйда кўпинча телевизор билан, ўйинчоқлар билан мулоқотда бўладилар, яъни гўё ота-она учун йўқ қабидир, бу эса ўсмирлик ва ўспиринлик ёшларида ўзаро тушунмовчилик сари бир қадамдир. Бу ҳолат қуйидаги расмда тасвирланган «муомала»ни келтириб чиқариши мумкиндир.



Бундай анъанавий муҳит, шунингдек, МДХ, давлатларидаги ижтимоий-иқтисодий шароит болаларда одамгарчилик каби энг муҳим умуминсоний туйғуни тарбиялашга кам рағбат уйғотади. Тўғриси айтганда, биз кексайганда не ҳолга тушишимизни кўпда ўйлайвермаймиз. Ҳолбуки, «Болани яхши тарбиялаш - тинч-тотув кексалик таштини суришдир» деганлари тўғридир. Натижада яқин кишиларимизга, касал ёки кекса қариндошларга нисбатан бепарво, баъзан ҳаддан ташқари тошпораклик билан муносабатда бўлиш

ҳолари кўпайди. Хорижий тажриба ҳақидаги гаплардан сизга маълум бўладики, узоқ хорижда болалар тарбияси ҳақидаги гаплар куруқ сафсата бўлиб қолмасдан, болалар ёшлигиданоқ боғчаларда ҳам, оилада ҳам касалларга, кексаларга ҳам меҳрибонлик руҳида тарбияланадилар.

Муаммонинг ечими. Баҳдулқ катталар бола қалбига эзгулик уруғини эка олмасликлари исбот талаб қилмайдиган далилдир. Истисно ҳоллари ҳам бўлиб туради, аммо аҳён-аҳёнда. Биз онгли равишда (чин дилдан) боласининг олижаноб инсон бўлиб етишишни истовчи ота-оналарга ёрдам бермоқчимиз. Мустақиллик даврингача бўлган ҳисоб-китоблар бундай оталар унчалик кўп эмаслигидан далолат беради. «Болангиз кагга бўлгач уни қандай қиёфада кўришни истайсиз?» деган саволга қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам катталарнинг кўпчилиги «Боламизнинг олий маълумотли бўлишни истаймиз» дея жавоб бердилар. Бунда инженерлик ҳамда врачлик касблари кўпроқ тилга олинди. Ҳозирги вақтда касб-кор ҳақидаги саволга жавоб бошқача бўлиши мумкин. Яна билмадик. Жуда камчилик ота-оналаргина: «Боламиз меҳрибон, инсофли киши бўлиб етишишни истаймиз» деб жавоб берди. Аммо орзудан то унинг рўёбига етгунча кўп нарсалар йўқотилади. Маълумки болада бирон-бир эзгу хислатни тарбиялашдан кўра уни нимагадир ўргатиш осонроқ. Бу ҳақда «Учинчи минг йилликнинг боласи» болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастурининг «Болаларни маънан ривожлантириш» қисмида?

Диққат билан ўқинг ва агар маъқул бўлса ота-оналикнинг 10 қатъий қоидасини асос учун қабул қилинг:

1) Фарзандингиз сиздек ё сиз истатандек бўли-

шни кутманг. Унга ҳар жабҳада сизга эмас, ўзига ўхшашига ёрдам беринг.

2) Бола меники деб ўйламанг, у худонинг бандаси.

3) Болангизни деб нималар қилган бўлсангиз, ҳаммаси учун ундан ҳақ талаб қилманг, унинг дунёга келишида сиз бир воситачи бўлдингиз, бунга жавобан у сизга нима ҳам қилиб бера оларди? У бошқа - учинчи кишини дунёга келтиради: бу қайтариқмас миннатдорчилик қонунидир.

4) Қариганда кун кўрагин десангиз, ҳадеб аламингизни боладан олаверманг, негаки, «нимани эксанг, шунга ўрасан» дейдилар.

5) Унинг муаммоларига баланддан келиб қараманг: ҳаётий қийинчиликлар ҳаммага имкониятига яраша берилади ва ишонингки, сизнинг муаммоларингиз сизга қанчалик оғир туюлса, унинг муаммолари ҳам унга шунчалиқдир. Балки, оғирроқдир ҳам. Чунки унда ҳам бунга кўникма йўқ.

6) Болани камситманг (ерга урманг)!

7) Бола учун нимадир қила олмасангиз изтироб чекманг, нимадир қилиш кўлингиздан келса-ю қилмасангиз - унда бошқа гап.

8) Ёдингизда тутинг - бола учун ҳамма ишни қилган бўлмасангиз, қилган ишларингиз етарли эмас.

9) Бегона болаларни ҳам севишга қобил бўлинг. Ўзингизнинг болангизга раво кўрмаганингизни бегона болага ҳам раво кўрманг-ки, бошқалар сиздан ўрнат олсинлар.

10) Болангиз истеъдодсиз, омадсиз бўлса ҳам севинг. Чунки фарзандингизнинг сиз билан бирга бўлиши доимо байрамдир.

Бундан ташқари болангиз ҳар куни оилада ва

яқинлар даврасида муомала қандай бўлишини кўриши ва одамийлик алифбосини ўрганиб бориши зарур.

Бу куйидагича:

— бир-бирига ўзаро ёрдам;

— кекса ва ёши ўтинқираган кишилар: ота-она, кўшни бобо ва бувиларга меҳрибонларча, ғам-хўрмик билан муносабатда бўлиш;

— болалар қатнашаётган даврада одамлар ҳақида ғийбат, фиску-фасод, ёмон гапларни айтмаслик лозим.

— бола қулоғи деярли ҳамма нарсани эшити-ди ва синглириб олади. Бир ҳаётий мисол келтирамиз: тўрт яшар бола билан олма болалар байрамга бориш учун тайёрланмоқда. Шунда бола: «Мен ўртоғимга бузуқ машинамини совға қиламан, у энди менга керак эмас» деб қолди. Она насиҳат қилган бўлди: «Бундай қилиш яхши эмас, эски, керак бўлмай қолган ўйинчоқларни совға қилмай-дилар». Бола шу заҳоти жавоб қайтарди: «Эсингиздами, Зулфия холамнинг турилган кунига келтиётганларингизда унга уйдаги эски гулдонни со-вға қиламан, ҳалақят беравериб жонга тегади, деган эдингиз!».

Болалар кўнглида эзгу ҳис-туйғуларни ўйғотувчи махсус муаммоми вазиятлар яратиш муҳим. Назарий жиҳатдан уларни ечар эканлар, болалар эзгуликнинг йўл-йўриқларини ўрганадилар. Мана, бир неча вазият ҳақида саволлар:

1. Бугун кайфиятинг аъло даражада. Нима учун?

- а) чунки ойимнинг кайфияти яхши;
- б) чунки куёш чарақлаб турибди;

в) чунки ўйинчоқ (конфет) совға қилишди.

2. 5 дақиқа ичида қандай яхши ишларни амалга оширса бўлади?

а) қани, қизлардан ким, Карима, балки сен қила оларсан, айиқча (ўйинчоқ)нинг йиртилган панжасини тикиб қўя оласанми?

б) бувингга чой қайнатиб бера оласанми?

в) касал укангни кулдира оласанми?

3. Дўстлашиш мумкинми?

а) исқирт (кир-чир) бола билан;

б) китобларни йиртувчи қиз билан;

в) эски кийим кийган қиз билан.

4. Учта йўл кесишган жойда бир устун ва устунда 3 та ёзув бор:

а) чапга кетсанг - чиройли ўйинчоқ топасан;

б) ўннга кетсанг - дўстинг билан абадий ажрашасан;

в) тўғрига кетсанг - ўртоғингга бир яхшилик қиласан.

Қайси йўлни таллайсан? Нима учун? Ўртоғинг учун қандай яхши иш қилишнинг мумкин?

5. Қишлоғимиздан сеҳргар учар ликопчада учиб ўтди. У сахий, аммо жуда ажабтовур эди. У совға ташлади: 5 та шиппак, 3 та этик, 2 та чиройли сеҳрли биллур бошмоқча, битта кўвирчок.

Бу совғаларнинг барини кимга берган бўлар эдингиз? Учинчи этикни нима қиласиз?

6. Биров ҳақида «оқкўнгила» дейишади. Яна нима дейиш мумкин? (ёвуз кўнгила, юмшоқ кўнгила, тошпорақ, қалби кенг, юмшоқ қалб, қалби очиқ, ажойиб қалбли, дўст кўнгила, совуққон, қайноқ юрак.)

Эсла, ким оқкўнгила, қалби очиқ, қайноқ қалбли, ким аксинча - тошпорақ, совуққол, ёвуз. Бу сифатлар ояла аъзолари, дўстлар, шунингдек ба-

дий асар ёки эртак қаҳрамонларига тегишли бўлиши мумкин.

7. Қизча йиғламоқда. Уни қандай юпатиш мумкин?

- а) кучоқлаб;
- б) ширин сўзлар билан;
- в) бирга ўйнашни таклиф қилиш билан;
- г) ширинлик бериб.

8. Ўртоғимизнинг туғилган кули ёки байрам билан табриклашни унутибмиз. Хатоимизни қандай тўғирлаймиз?

9. «Сникерс» шоколадини сотиб олиш учун дутонанг Маликада пул йўқ. Нима қиласан?

10. «Яхши-ёмон» ўйини.

- а) Яхшиям, бизнинг бувимиз бор. Нимаси ёмон?
- Б) Яхшиям, бизнинг укачамиз бор (ёки бўлади).

Нимаси ёмон?

- В) Яхшиям, жуда кўп ўйинчоғимиз бор. Нимаси ёмон?

11. Нон ёпилади ва унга «Яхшилик» деб ном берилди. Учи синдириб оиланинг ҳар бир аъзосига бераётганда таъкидлаш керак: сен яхшисан, чунки... ва ҳ.к.

12. Ижобий ва салбий ҳолатлар тасвирланган суратларни томоша қилиш:

а) автобусда бир бола ўтирибди, унинг ёнида эса бир ҳассали чол тик турибди;

б) бир бола, ўртоқларига бермасдан бир ўзи ўйинчоқ ўйнапти;

в) Дутоналар жанжаллашяптилар ва ҳ.к.

13. «Ким кимни яхши кўради?» қабилидаги ўйинлар муҳим аҳамиятга эга. - Қелинлар, бир-биримизни мактаймиз.

14. «Ювувчи машина» ўйини. (оила аъзоларидан бири даврани айланиб чиқар экан, ҳар ким-

нинг елкасига қоқиб, унга ширин сўзлар айтади: «Сен ёқимтойсан, мулойимсан, чиройлисан».)

15. «Меҳрибон сўзлар луғати» шеърини ўйинини ўрганиш ва қўллаш:

а) «Раҳмат» деган илиқ сўзга ҳатто муз палаҳ-саси ҳам эриб кетади;

б) «Ассалом» деб кўринг-чи унга,

Барг чиқарар чириган тўнка - шодликдан.

В) Не қилса биз учун қилар ҳар қачон,

Шунинг учун деймиз «раҳмат, онажон!»

г) Катталарни кўрганда одобсиз туради жим,

Одобли эса дейди «Ассалому алайкум!».

Д) Шўхлигимиз учун эшитсак койиш,

биз учун шартдир «Кечиринг» дейиш.

е) Ўзбекистонда ё бошқа жойда, бўлса ҳам қаср,

Хайрлашаётганда албатта деймиз:

«Кўришгунча хайр!»

16. Болада эзгу хислатларни тарбиялашда бошқа одамларга, жумладан бева-бечораларга нисбатан ҳам ижобий муносабатни шакллантириш

муҳим. Бола мункиллаган қариялар ҳаётдан хабардор эмас, лекин у бу каби қийинчиликда умр

кечираётган кишилар ёнидан тез-тез ўтиб туради. Бу каби ҳолатларни ота-оналар вақти-вақти

билан болага изоҳлаб беришлари муҳим аҳамиятга эга. Бунда яна бир жиҳат жуда муҳим. Ке-

линг, «Болаларимиз бизга қандай муносабатда бўладилар?» деган савол устида жиддий ўйлаб

кўрайлик Халқ орасида «одамга баҳо бераётганда унинг онасига қилаётган муносабатини ҳам


хисобга олиш керак» деб бежиз айтмайдилар.

Ҳақиқатан ҳам:

Муқаддас сўзлар... Кам эмас улар,

Она тилимизга жуда кўп эрур.

Лекш бшпта «она» сўзидан,
Муқаддасроғини излаб толиб кўр!
Шу ўринда «Болангиз қаерда ўтиришни хоҳ-
лайди?» деб номланган кичик тажриба ўтказиб
кўришни маслаҳат берамиз.



Хулосалар: Агар бола ҳеч иккиланмасдан она-
сининг ёнидаги стулни танласа, ота у билан ўза-
ро муносабатлари тўғрисида ўйлаб кўриши ке-
рак. Агар бола ота билан она ўртасида ўтиришни
ихтиёр этса ва бунинг учун бирингизнинг бу ёнига
ўтиришингизни сўраса хурсанд бўлаверинг, унинг
сизларга муносабати дээрли бир хил. Аммо агар
бола бурчакдаги стулда алоҳида ўтиришни иста-
са, ташвишланиш ўринли - онада у ўзини ёлғиз
сезади, унга ноқулай, у аламзада. Болангизга
кўпроқ эътибор беринг, меҳр кўрсатинг!

17. «Бир-биримизга совға» деб номланувчи яна
бир ўйин бор. Вазият шундай кўриладики, бола
кимга совға қилишни ва нима совға қилишни тан-
лай билиши керак. Ўйиннинг муҳим қоидаси шун-
дайки, совға олаётган одамга ҳеч ким ҳеч нима
совға қилмаган бўлиши зарур. Бу қонда болалар-
ни тенгдошлари ва яқинларига диққат билан
қарашга ундайди, ҳаяжони ва тилакларини ил-
ашга, ҳали совғаси йўқларни ҳис қилишга ўрга-
тади. Чиройли буюмни (дастрўмол, нишонлар,
ўйинчоқлар...) танлар экан, бола уни кимга совға
қилишни, шунингдек, у кишига бу совға ёқиш-
ёқмаслигини ўйлаб кўриши керак. Бу эса одам-
ларга инсоний муносабатда бўлиш сари кўйилган
бир қадамдир.

18. Болалар чизган расмларида оила аъзолари-
га бўлган муносабатларини жуда яхши кўрсата
оладилар. Бундан ташқари бу расмлар оиладаги
муҳитни ҳам ифодалайди.

Олти яшар бола оила аъзо-
ларини биргаликда тасвир-
лаган. ҳамма бир-бирининг
қўлидан тутган. Ҳамманинг
кайфияти яхши.



Олти яшар қизча отасини
алоҳида тасвирлаган: у тез-
тез хизмат сафарида бўлади.
Лекин негадир онанинг
бошқа аъзолари ҳам бир-би-
ридан ажратилган ҳолда тас-
вирланган.



Олти яшар бола оила аъзо-
ларини дўстлар билан бирга
тасвирлаган. Лекин негадир
суратда отаси билан онаси-
ни алоҳида ажратиб кўрсат-
маган.



19. Болалар билан «Ота-она нима учун керак?» деган мавзуда суҳбатлашиб кўринг (кийиниш учун, конфет сотиб олиш учун...). Болангиз истеъмолчи сифатида «Конфет билан пул берсангиз яхши кўраман», «Бермасангиз ёмон кўраман» қабилида ўз эҳтиёжларини изҳор қилаётган лаҳзаларни эътибордан қочирманг.

20. Болалар қалбида эзгу хислатларни тарбиялашда бадий адабиёт ва эртаклардан фойдаланаётган оилаларнинг иши мақтовга сазовор. Эртак мазмунини билиш бола учун зарур ва фойдалидир, ammo сўзлаб берилган эртак асосида ортиқча насихаттўйликсиз ўтилган эзгулик дарсияда муҳимроқдир. Мисол учун, «Чўлоқ лайлак» деган ўзбек халқ эртаги ҳикоя қилиб берилгандан сўнг болага қуйидаги саволларни бериш мумкин:

1. Лайлакка нима бўлган эми? (Камбағал дехқон уни қандай ҳолатда топиб олади?)
2. Дехқон нима қилди? (Лайлакка қандай ёрдам берди?)
3. Лайлак ўз миннатдорчилигини дехқонга қандай изҳор қилди?
4. Бой нима учун лайлакнинг оёғини уриб синдириди?
5. Лайлак бойга миннатдорчилик билдирдимми?
6. Эртак якунидаги воқеалар сизда қандай таассурот қолдирди?

Бола жавоб беради. Бунда албатта кўзланган мақсадга эришилади. Бизга эса ҳаммасидан ҳам кўра ўқилган эртакдан бола чиқариб олган хулоса муҳимроқ. Болага яна савол бериш мумкин. Дехқоннинг ўрнида бўлганинда нима қилган бўлар эдинг? Бойнинг ўрнида бўлганинда-чи? Тарбия жараёнида эртаклардан фойдаланиш яхши самара беради.

Педагогик тажрибамиздан яна бир подир мисол келтирмакчимиз. «Юлдуз бола» деган бир ажойиб инглиз эртаги бор. Муаллиф Оскар Уайльд эзгулик ва ёвузликнинг мураккаб дунёсини кўрсатиб беради.

Негадир катта ёшли мактаб ўқувчилари камдан-кам ҳолларда ўқийдилар. Ушбу эртакнинг қисқача мазмунини келтираемиз:

Бир кун икки қиш соғуғида икки нафар дарахт кесувчи осмондан ерга ёрқин юлдуз қулаб тушганини кўриб қолдилар. Чакмон қатига улар юлдузни эмас, кичкина гўдакни кўрдилар. Дарахт кесувчилардан бири камбағаллиги ва очлигига қармай болани олди ва уйига олиб кетди. Бола чиройли, ammo золим, мағрур ва бешафқат бўлиб ўсди. Бир кун уларнинг қишлоғига бир аёл келди, бола унга тош ота бошлади ва шу бечора аёл ўзининг онаси эканлигига ишонгиси келмади. Бирдан бечора она қишлоқдан кетиши билан юлдуз-бола маҳлуққа айланиб қолди. Шунда у ноپўрри иш қилганлигини тушунди ва уч йил мобайнида дунё бўйлаб ўз онасини излади. Яна қайтадан чиройли бўлгунига қадар у кўп саргузаштларни бошидан кечирди. У аёлни учратди ва кечирим сўради. Шунда бечора аёл қиролчицага айланди. Юлдуз-бола эса тезда шаҳар ҳужумори бўлди. Шунда у адолат билан иш юритди. Етимларга, камбағалларга, касалларга меҳрибонлик кўрсатди.

Эртак жуда узун, ammo баъзи бир жойларини қисқартириб, болаларга ўқиб бериш мумкин. Эртакни эшитар экан 5-6 яшар бола ўз-ўзидан тўлқинланиб кетиши табиий ҳол. Лекин тарбиячи-психолог эртакни идрок қилиш жараёнида тажриба ўтказишга қарор қилди. Бунинг учун у

икки портретни: бечора аёл ва "Юдуз-бола" ни танлаб олди. Портретлар тагига чўнтакча тикди. Ҳақиқатдан олдин болаларга картондан ясалган юракчаларни тарқатиб чиқди. Эртақдаги юдуз-бола ўз онаси - бечора аёлни ҳайдаб юборган жойи ўқиб бўлингач, болаларга ўз юракчаларини ўзларига ёққан қахрамонга совға қилиш таклиф қилинди. Албатта, барча болалар ўз юракчаларини бечора аёлнинг чўнтагига солиб кўйдилар. Юдуз-боланинг чўнтагида битта ҳам юракча йўқ эди. Тарбиячи болаларга билдирмасдан портретлар тагига иккита ликобчани кўйиб қўяди: аёлнинг ликобчасида кулранг учбурчаклар, юдуз-боланикида эса хақиқий ялғирок конфетлар. Ликобчаларни кўйиб туриб, тарбиячи айтади: «Болалар, эртагимиз қахрамонлари ҳам сизларга совғалар бермоқчи. Совғаларни олинг, аммо сизга ким ёққан бўлса, шу кишининг совғасини олинг». Бунда болаларнинг уч гуруҳи кўзга ташланади. Биринчи гуруҳ, улар болаларнинг тахминан 5 фоизини ташкил этади, аёлнинг олдига келди ва совғани сифатида кулранг учбурчакларни олди, иккинчи гуруҳ, улар ҳам тахминан шунча, ҳеч нарсадан шубҳаланмай, қатъий юдуз-боланинг олдига келди ва ликобчадаги конфетдан олди. Учинчи, энг катта гуруҳдагилар иккиланиб, атрофга, бизга қараб, нимага асосланиб шундай қилаётганликлари тушунарсиз ҳолда кулранг учбурчаклар сари юрдилар.

Кейин тарбиячи айтади: «Ҳаммангиз юракчаларингизни бечора аёлга берган эдингиз-ку? Нима учун Лола, Фотима, Шавкат шафқатсиз юдуз-боланинг конфетидан олишга қарор қилишди?» Бу болаларнинг изтиробини кўриш муҳим. Гар-

чи конфетта қизиқиш жуда кучли бўлса ҳам. Гап билан ҳамма нарсани қилса бўлади, амалда кўрсатиш эса ҳар доим қийин. Тарбиячи эртақни охиригача ўқиб бўлгач, ҳамма болалар юдуз-боланинг ўзгарганидан, яна чиройли ва меҳрибон бўлиб қолганидан хурсанд бўлиб, енгил тортдилар.

Бу ҳодиса, шубҳасиз, болаларни кўп нарсага ўргатади ва эзгуликнинг яна бир намунаси бўлди.

Эртақ, унинг тузилиши, мазмунини тажриба қандай ўтказишини ва болалар билан қандай ишлаш кераклигини кўрсатиб беради.

Бу борада бизга боболаримиздан бой мерос қолган. Улар ўз ҳаётлари давомида олган сабоқларига асосланиб шунчалик кўп донишмандона, шарқона афсонаю ривоятларни, эртақларни ёзиб қоладиришганки, бизнинг вазифамиз эса уларни янада бойитиб ўз фарзандларимизга етказиш.

Эзгу хислатларни тарбиялашда бадний асарлар сизга ёрдамчи бўлишини истаб қоламиз.

Диншогга

Мундарижа

1. Сўзбоши ўрнида	3
2. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари	13
3. Шахсий-психологик ривожланиш кўрсаткичлари	15
4. Интеллектуал(ақлий) ривожланиши	18
5. Ўқиб малакаларини ва ўқув фаолияти шарт-шароитларини шакллантириш	21
6. Болаларнинг мактабга тайёргарлик даражасига қўйилмаган минимал талаблар	24
7. Боламизнинг ривожланганлик даражасини қандай аниқлаймиз(ота-оналарга тавсиялар)?	32
8. Ўғил бола — қиз бола	71
9. Уйдаги ривожлантирувчи муҳит	87
✓10. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўйинлари ва ўйинчоқлари	99
11. Болангиз зукко бўлишини хоҳлайсизми?	104
12. Бола хотирасини қандай қилиб яхшилаш мумкин?	190
✓13. Ахлоқий ривожланиш	206
14. Шахсий хавфсизлик қоидалари	212
15. Болани уйда қандай қилиб соғламлаштириш мумкин?	221
✓16. Таблат ва мактабгача ёшдаги бола	241
17. Математика кувноқ бўлиши керак	258
18. Болаларни тасвирий санъатта ўргатамиз	278
19. Болаларнинг қўлини ўргатамиз	293
✓20. Болаларда инсонийлик туйғуларини тарбиялаш	304
21. Мундарижа	318

Нашр учун масъул:
Рустам АХЛИДДИНОВ

Тузувчилар:
Хамида АҲМЕДОВА(гуруҳ раҳбари),
Тамара ЮДИНА,
Феруза ВАҲОБОВА,
Мавлуда РУСТАМОВА,
Мухаббат РАСУЛОВА

Масъул муҳаррир:
Абдусамат РАҲИМОВ

БОЛАНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?

Муҳаррир Х. САИДОВ
Техник муҳаррир А. НАРМАНОВ
Бадий муҳаррир Г. ҲАЗРАТОВА
Мусахҳиҳ Ф. КАРИМОВ
Рассом Х. МАМАТАЛИЕВ

Босишга рухсат этилди 30.11.2000
Бичими 84x108 1/32. Балтика UZ гарнитураси.
Офсет босма. 10.0 босма табоқ. Адади 16200.
Буюртма № 1247. Баҳоси шартнома асосида.

© "Ma'rifat-Madadkor"

* * * *

«Шарқ» наشريёт-матбаа концерни
босмахонаси, 700083, Тошкент шаҳри,
Буёқ Турон кўчаси, 41.

